



КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ
БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ**

Монография

**Тошкент
«IQTISOD-MOLIYA»
2017**

УЎК: 336.6
КБК: 65.050.2-93

Иқтисод фанлари доктори Бувсара Тошмуродованинг
умумий таҳрири остида

Муаллифлар жамоаси:

Б.Тошмуродова, С.Элмирзаев, Н.Турсунова,
Н.Шеркўзиева, О.Хамдамов, Ж.Курбонов,
М.Зокиржонов, Н.Ортиков

Такризчилар: и.ф.д., проф. О.Иминов;
и.ф.д., проф. Н.Хайдаров

K-71 Корпоратив молияни бошқаришнинг долзарб масалалари:
Монография; – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2017. – 224 бет.

Мазкур монографияда корпоратив молияни бошқаришда долзарб масалалардан ҳисобланган корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий менежментнинг аҳамиятини ошириш, корпоратив молия ва давлат молияси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик механизмидан самарали фойдаланиш, корпоратив тузилмаларда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш, инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш, молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш орқали уларга таъсир даражасини камайтириш, корпоратив тузилмалар ва молия бозори институтларинг ўзаро фаолият ўйгунилигини таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаш, корпоратив молияни бошқаришда солик муносабатларини самарали ташкил этиш масалаларига доир тадқиқотлар жамланган ҳамда муаллифларнинг тегишли масалалар бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялари келтирилган.

*Монография Тошкент молия институтининг 2017 йил 28 апрелдаги
Кенгашида мухокама қилинган ва №9/7.8-сонли қарори билан нашрга тавсия
этилган*

УЎК: 336.6
КБК: 65.050.2-93

ISBN 978-9943-13-667-0

© Муаллифлар жамоаси, 2017
© “Iqtisod-Moliya”, 2017

КИРИШ

Молия тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган корпоратив молиянинг самарали амал қилиши миллий иқтисодиёт рақобатбар дошлигини оширишга хизмат қилади. Бу ўз навбатида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва мунтазам равишда даромадга эга бўлиши кабиларга хизмат қилади. Шунингдек, давлат бюджети даромадларининг ўсиши ҳисобига ижтимоий соҳалар тараққиётiga эришилиши кузатилади.

Юкорида келтирилаётган ижобий жиҳатларга эришиш учун ҳукумат томонидан шарт-шароитлар яратиб берилиши ҳамда корпоратив молияни бошқариш тизими самарали амал қилиши талаб этилади. Шу нуткази назардан корпоратив молияни бошқаришда молиявий менежментнинг аҳамиятини ошириш, давлат молияси ва корпоратив молия ўргасидаги ўзаро боғлиқлик механизми, молиявий таъминотни самарали ташкил этиш масалалари, инвестицион самарадорликни ошириш имкониятлари, молиявий рискларни баҳолаш ва бошқаришнинг долзарб масалалари, корпоратив тузилмалар ва молия бозори институтларинг ўзаро фаолият уйғунлигини таъминлаши масалалари, корпоратив тузилмаларда солик муносабатларини самарали ташкил этиш йўналишлари ҳам алоҳида, ҳам умумлашган ҳолда тадқиқ қилиш масаласи кўндаланг кўйилмоқда. Келтирилаётган жиҳатлар бевосита корпоратив молияни бошқаришдаги долзарб масалаларни тадқиқ қилишнинг заруратини ўзида акс эттиради.

Корпоратив молияни бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари жаҳондаги етакчи илмий тадқиқот марказлари, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар, халқаро аудиторлик ташкилотлари, рейтинг агентликлари, молия институтлари, трансмиллий корпорациялар доимий диққат эътиборида эканлиги ҳам тадқиқотнинг долзарблигини ўзида кўрсатиб беради.

Тадқиқотнинг мақсади корпоратив молияни бошқаришни самарали ташкил этиш орқали корпоратив тузилмалар молиявий баркарорлигини ошириш, шунингдек, бу борадаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чикишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- корпоратив тузилмалар молиявий баркарорлигини таъминлашда молиявий менежментнинг аҳамиятини оширишга доир тадқиқотлар ўтказиш;
- корпоратив молия ва давлат молияси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик механизмини очиб бериш;
- корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўналишларини белгилаш;
- корпоратив молияни бошқаришда инвестицион фаолият самародорлигини ошириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар бериш;
- корпоратив молияни бошқаришда молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ҳамда рискларни камайтириш чораларни белгилаш;
- корпоратив тузилмалар ва молия бозори институтлари ўзаро фаолият уйғуларигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;
- корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш орқали солиқ мажбуриятларини камайтириш орқали фойдани максималлаштириш йўналишларини белгилаш.

Ушбу монография куйидаги муаллифлар жамоаси томонидан: I бобни О.Хамдамов, II бобни Ж.Қурбонов, III бобни Н.Турсунова, IV бобни Н.Шеркўзиева, V бобни М.Зокиржонов, VI бобни Б.Тошмуродова ва Н.Ортиков, VII бобни С.Элмирзаевлар тайёрланган. Ҳар бир боб бўйича кириш, асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Тадқиқотнинг объектини умумий холда корпоратив тузилмалар фаолияти белгиланганлигини кўриш мумкин. Тадқиқотнинг предметини эса корпоратив молияни бошқариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Монографик тадқиқотда гурухлаш, иқтисодий таҳлил, таққослаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил, анкета сўровномаларини ўтказиш усууларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таникли иктисодчи олимларнинг корпоратив молияни бошқариши самарали ташкил этиш, бу борадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Қимматли қофозлар марказий депозитарийси, “Тошкент” Республика фонд биржаси, Корпоратив ахборотлар ягона портали, акциядорлик жамиятлари маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан корпоратив молияни бошқариш тизимидағи долзарб масалаларини ҳал қилишга доир маҳсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлик даражасини оширишга, бу борадаги долзарб масалаларни ҳал қилишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Монографиядан корпоратив молия, молиявий менежмент, корпоратив бошқарув, молия бозори, солик муносабатларига доир масалалар юзасидан тадқиқотлар олиб бораётган илмий изланувчилар, магистрантлар ва талабалар, соҳага кизиқувчилар, амалиётчилар фойдаланишлари мумкин.

І боб. КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАЛАРИ

Иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий менежментнинг туттан ўрни ва аҳамиятини янада ошириш долзарб аҳамият касб этиб бормокда. Республикаизда фаолият юритаётган корпоратив тузилмаларда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, хусусан, молиявий менежмент механизмини такомиллаптириш, соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан оқилона фойдаланиш муҳим саналади.

Сўнгти йилларда айрим хорижий мамлакатлар молия тизимида юзага келган ва ҳанузгача давом этаётган инқирозлар корпоратив молияни бошқариш тизимини тўғри ташкил этиш ва унинг принципларига катъий амал қилиш каби чора-тадбирларга етарлича аҳамият қаратилмаётганлиги хақида дарак бермоқда. Ўз навбатида корпоратив молияни бошқаришда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича муҳим бўлган вазифалар, хусусан стратегияларни ишлиб чиқиш ва амалиётга тўғри татбиқ этиш каби жихатларга молиявий менежерлар томонидан алоҳида эътиборни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, Республикаизда ҳам молиявий менежмент тизимини иқтисодий-хукуқий асосларини мустахкамлаш борасида самарали ислохотлар амалга оширилаётганинг алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПФ-4720 сонли Фармони алоҳида ўрин тутади. Мазкур Фармонда белгиланган бешта устувор вазифалардан бири ҳам, айнан корпоратив тузилмаларда молиявий менежментнинг аҳамиятини янада ошириш масалаларига қаратилган.

1.1. Молиявий менежментнинг иқтисодий мөхияти, функцияси ва вазифалари

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожланиши билан бир каторда, турли мулкчилик шакллари ва бизнес соҳаларининг пайдо бўлиши ҳамда такомиллашув жараёнлари кузатилмоқда. Ҳар қандай бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг мулкчилик ва ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъий назар, уларнинг пировард мақсади мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда фойдани мунтазам равишда максималлаштириб бориш хисобланади. Корхоналар молиясини самарали бошқариш ва юкоридаги мақсадларга эришишда молиявий менежментнинг ўрни мухим саналади. Молиявий менежментни шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ёритишида, ушбу соҳада амалга оширилган дастлабки назарий тадқиқотларни ўрганиш ва амалий аҳамиятини тушунтириш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Европа давлатларида ҳанузгача давом этиб келаётган молиявий – иқтисодий инқироз бошқа давлатларда ҳам салбий оқибатларини намоён этиш билан бирга, унинг олдини олиш ва башорат килиш борасидаги мухим тадбирлар ишлаб чиқиши лозимлигини нечоғлик зарур эканлигини кўрсатди. Барчамизга маълумки, ўтган асрнинг 20-30 йилларида жаҳон мамлакатларини чукур ларзага соглан, АҚШ да “буюк депрессия” деб ном олган иқтисодий инқирознинг юзага келиши ўз навбатида кўплаб давлатларни ҳам бефарқ колдирмади. Албатта, ҳар қандай давлатда инқироз ҳолатларининг юзага келиши ва унинг салбий оқибатлари иқтисодиётда мухим таркибий ислоҳотларни амалга ошириш заруритини келтириб чиқаради.

Шундан келиб чиқсан ҳолда ўша даврларда иқтисодиёти ривожланган АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатлари амалиётида компаниялар молиявий активлари қийматини ошириш, улардан самарали фойдаланиш, молиявий ресурсларни жалб қилишини оптимал йўлларини аниқлаш ва бошқа шу каби мухим йўналишларда илмий тадқиқотлар ва изланишлар амалга оширила бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ, 1930 йилларга келиб молиявий менежментнинг дастлабки назариялари вужудга кела бошлади. Таяқидлаб ўтиш керакки, молиявий менежмент назариялари ва мустақил фан сифатида пайдо бўлиши ҳамда шаклланишида, узоқ

йиллик тарихга эга бўлган “Молия” ва “Бухгалтерия хисоби” каби фанларнинг назариялари мухим асос бўлиб хизмат қилган.

Бугунги кунда молиявий менежментнинг моҳиятини тушунтирища иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар билдириб ўтилоқда. Умуман олганда, молиявий менежмент тушунчасига рус иқтисодчи олимлари, қолаверса МДҲ давлатларига кирувчи катор давлатлар олимларининг қарашлари билан Фарбий Европа ва АҚШ олимларининг қарашлари нисбатан фарқланади. Бунинг бир нечта сабаблари мавжуд бўлиб, асосийларидан бири МДҲ таркибига кирувчи давлатларда бўлгани каби молиявий менежмент фани Россия Федерациясида ҳам янги ривожланаётган фанлардан бири ҳисобланади, яна бир сабаб эса, ушбу давлатларда фирма ва компанияларнинг бошқарув тизимидағи ўзига хос турли хил жиҳатларининг мавжудлиги ҳисобланади. Бундан ташқари, АҚШ ва Европада мавжуд компанияларининг аксарият кисми асосий фаолиятларидан ташқари, компания молиявий фаолиятида фонд бозорларидағи иштироки, хусусан кимматли қоғозлар савдоси билан боғлиқ операцияларни кенг амалга оширилиши мухим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам уларнинг амалиётида, молиявий менежментнинг функциялари кўп холатларда кимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни бошқаришга йўналтирилган ҳолда тушунтирилади.

Америкалик иқтисодчи олимлар Джеймс К.Ван Хорн ва Джон М.Вахович (James C. Van Horne, John M. Wachowicz) ўзларининг иқтисодий асарларида, молиявий менежментга қўйидагича тариф беради. «Молиявий менежмент (financial management) бир нечта асосий мақсадларни кўзлаган ҳолда активларни шакллантириш, молиялаштириш ва бошқариш жараёнидир. Молиявий менежментнинг бажарадиган функцияларини учта асосий йўналишдан келиб чиккан ҳолда белгиланишини таъкидлайдилар: инвестицион фаолият, молиялаштириш ва активларни бошқаришга доир карорлар қабул қилиш. Олимларнинг фикрига кўра фирма ва компанияларнинг мақсадлари турли хил бўлишига қарамай, улардан асосийси фирма ва компания эгаларининг молиявий ҳолатини максималлаштиришdir»¹.

¹ Fundamentals of financial management / James C. Van Horne, John M. Wachowicz. – 13th ed. Prentice Hall, 2009 y. p. 27

Биркбекр (Birkbeck – Лондон) университети профессори Л.Фунг (L. Fung) нинг фикрича молиявий менежмент дейилганда, компания куйи тизимларини назорат килиш ва молиявий режалаштириш борасида қарорлар қабул килиш жараёни тушунилиб, ўз ичига қуидагиларни олади:

- ғазначилик функцияси;
- янги инвестицион имкониятларни баҳолаш, танлаш, назорат килиш ва бошқариш;
- узок муддатли молиявий активлар ўсиш динамикасини таъминлаш ва бошқариш;
- компания учун капитал бозорининг таъсири ва кўламини тушуниш;
- компаниянинг қисқа ва узок муддатли молиявий фаолиятини бошқариш учун стратегик режалаштириш жараёнларини зарурыйлигини тушуниш².

Хиндистоннинг Периар университети (Periyar University) профессорлари С.Парамасиван ва Т.Субраманиан (S.Paramasivan, T.Subramanian) молиявий менежментга тариф беришда Гарб иктисадчи олимларининг умумий ёндашувларидан келиб чикқан холда қуидагиларни таъкидлайдилар.

Ховард ва Аиттоннинг (Howard and Upton) фикрича, “молиявий менежмент, молиявий қарорлар қабул килиш соҳасида умумий бошқарув принципларининг фойдаланишидир”.

Жошеп ва Массининг (Joshep and Massie) фикрича, молиявий менежмент, молиявий операцияларни самарали амалга ошириш учун фонdlарни шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича масъул бўлган бизнеснинг операцион фаолияти хисобланади.

Шундай қилиб молиявий менежмент дейилганда, асосан бизнесда молиявий ресурсларни самарали бошқаришни тушуниш мумкин. Оддий қилиб айтганда, молиявий менежментни компаниялар бизнесини амалга оширишда корпорациялар молияси ёки бизнес молияси деб ҳам айтиш мумкин³.

Умуман олганда АҚШ ва Гарбий Европалик иктисадчи олимларнинг келтирилган тарифларига кўра, молиявий менежмент

² Fung L. Financial management. University of London. 2015.

³ Paramasivan C., T.Subramanian. Financial management. New age international Publishers – 2009.

ўзининг бош мақсади сифатида акция курси, бир дона акцияга тўгри келувчи соф фойда ва дивиденд микдорларини кўпайтириш, хиссадорлар мулки ва бошқа ижобий манфаат келтирувчи молиявий натижаларни оширишни илгари сурувчи фирма ва компаниялар молиясини бошқаришдир.

Рус иқтисодчи олими Г.Б.Поляк бошчилигидаги олимлар гурухининг таъкидлашларича, молиявий менежмент тушунчаси хўжалик механизмининг фаол таркибий қисми сифатида корхоналар молиясини бошқариш механизми ёки молиявий механизм тушунчалари билан боғлиқдир. Молиявий менежмент – корхоналарда молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш, айланма маблагларни бошқариш жараёнидир. Молиявий менежмент корхоналарда молиявий ресурслар ва айланма маблагларни бошқариш жараёнида фойдаланиладиган усууллар, кўлланмалар ва услубларнинг умумлашган тизимидир⁴.

Молиявий менежмент тушунчасига И.Я. Лукасевич ўзининг иқтисодий асарида қуйидагича таъриф берган. Молиявий менежмент – бу хўжалик субъектининг жорий ва стратегик мақсадларига эришиш уларнинг молиявий ресурслари ва молиявий фаолиятини бошқаришдир. Унинг фикрича молиявий менежмент ўзининг моҳиятига кўра серкирра тушунча бўлиб унга турли хил ёндашиш мумкинлигини тушунтирган, яъни: 1) алоҳида илмий предмет сифатида; 2) хўжалик субъектлари молиясини бошқариш тизими сифатида; 3) тадбиркорлик фаолиятининг бир кўриниши сифатида⁵.

Молиявий менежмент тушунчасига яна бир рус иқтисодчи олими С.В.Галицкая қуйидагича таъриф беради. Молиявий менежментни корхоналарни барча турдаги воситалари (активлари) ва уларни келиб чиқиши манбаларини (пассивларни) бошқариш деб тушуниш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра молиявий менежментнинг асосий мақсади корхона эгаларининг молиявий холатини ошириш хисобланади⁶.

⁴ Финансовый менеджмент / Г.Б. Поляк ; Акодис И. Л. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва : ЮНИТИ-ДАНА, 2012. – 19 с.

⁵ Финансовый менеджмент: учебник/И.Я.Лукасевич – 2-изд., перераб. и доп. – М.: Эксмо, 2010 – 12 с.

⁶ Галицкая, С. В. Финансовый менеджмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий: [комплексный подход к управлению финансами]: учебное пособие / С. В. Галицкая. – Москва: Эксмо, 2008. – 9 с.

Юкорида олимларнинг берган тарифларига ёндашган холда, бизнинг фикримизча: молиявий менежмент – корхоналарнинг жорий ва стратегик мақсадларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбик қилиш, таҳдил, прогноз қилиш ва режалаштириш каби функцияларни амалга ошириш, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларини бошқаришдир.

Молиявий менежментнинг туб моҳияти унинг амалга ошираётган функциялари орқали намоён бўлади. Умуман олганда, молиявий менежмент амалга оширадиган функцияларни қуйидаги икки асосий гурухга ажратиш мумкин (1.1-расм):

- бошқарув субъектининг функциялари;
- маҳсус функциялар.



1.1-расм. Молиявий менежментнинг функциялари⁷

Мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан катъий назар, корхоналарда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш энг аввало

⁷ Муаллиф томонидан тайёрланди.

тизилмада бошқарув ролини оширишдан бошланади. Чунки, бошқарув воситасида корхона ўз олдига кўйган вазифаларни ҳал қиласи ва истиқболдаги стратегик мақсадларни амалга оширади. Умуман олгандা, юкоридаги функцияларнинг биринчисида ҳар қандай бошқарув шаклиниң умумий кўриниши тавсифланади, унинг таркибига асосан қўйидагилар киради: ташкил этиш, тахлил, режалаштириш, рафбатлантириш (мотивация) ва назорат.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг турлари, амалга оширадиган хизматлар, бажарадиган ишларнинг ҳажмидан келиб чиккан ҳолда бошқарув тизимини яратадилар. Албатта, ҳар қандай хўжалик фаолияти дастлаб ташкил қилинаётган даврда ундаги бўлинмаларнинг қуи ва юкори даражалари, хукуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, амалга оширадиган ишлар тартиби ва вазифалари белгилаб олинади. Молиявий менежментнинг функцияси сифатида ташкил этишнинг асосий мақсади - бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимларни, шунингдек, уларнинг ўзаро алоқа ва муносабатларини шакллантиришдир.

Мутаносиблиқ, узлуксизлик, параллеллик, барқарорлик, эгилувчанлик, шунингдек, бир турдаги меҳнат предметларини бир жойда жамлаш ҳамда корхоналар фаолиятига таъсир килувчи омиллар ва ташки мухитининг ўзгаришига мос ҳолда, уларда бошқарувнинг ташкилий тизимини ушбу ўзгаришларга мутаносиб ҳолда ўзгаририш ва такомиллаштириб бориш кабилар ташкил этишнинг асосий шартлари бўлиб ҳисобланади.

Корхоналарда молиявий бошқарувни самарали ташкил этилиши кўп жиҳатдан тахлил ишларини аниқ ва тўғри йўлга кўйилганилигига боғлиқдир, унинг ёрдамида корхоналарнинг тўлов қобилияти, ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини, барча молиявий-хўжалик жараёнларининг содир бўлиши ва ҳодисаларни даврий кузатиш, умуман молиявий-иктисодий ҳолатини баҳолаш имкониятига эга бўлиш мумкин. Тахлил ёрдамида корхонанинг барқарор ривожланишига тўскинилик қилаётган камчиликлар аниқланади ва ушбу камчиликлар бартараф этилади, хўжалик субъектини янада ривожлантириш йўллари белгиланади ёки самарали ишлашни таъминлайдиган йўналишга ўтказилади.

Режалаштириш – молиявий менежментнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Режалаштириш функцияси мавжуд ресурслар ҳамда уларнинг чегараланганилигини инобатга олган ҳолда

корхонанинг мақсадларига эришиш йўлларини белгилашдан иборат. Ишлаб чиқаришни бозордаги ҳолатга мос келишини ўрганиш, барча турдаги ресурслар ва капиталдан самарали фойдаланишини энг мақбул йўлларини танлаш, кўшимча молиявий маблағлар жалб килиш йўлларини излаб топиш ва шу кабилар режалаштириш функциясига мисол бўла олади. Режалаштириш функциясининг муҳим жиҳати шундаки, бунда корхоналар хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бозордаги ҳолатдан келиб чиқкан ҳолда, мазкур товар ва хизматга бўлган талаб ва таклифнинг қай ҳолатда эканлиги, рақобатнинг даражаси ва шу каби омилларга боғлик ҳолда белгиланади. Режалаштириш бевосита таҳлил билан боғлик бўлиб, асосан унинг якуний натижаларига қараб аниқланади.

Корпоратив тузилмалар ўз олдига кўйилган мақсадларини самарали амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришда ушбу корхона, фирма ва компанияларида фаолият юритаётган ишчи ходимларнинг роли ва хизмати муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарда рагбатлантириш функцияни амалга ошириш жараёнида, корхона бошқарув тизимининг турли бўлимларида фаолият юритаётган ходимларнинг корхона томонидан белгиланган молиявий режаларни, вазифалар ва юкламаларни тўлиқ бажарганилиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда ўз ҳиссасини кўшган ҳамда мавжуд моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини оширганликлари учун ушбу ходимларни рагбатлантириш ва мукофотлаш ёки аксинча, ушбу вазифаларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйган ва бефарқлик билан ёндашган ходимларга нисбатан маълум бир чоралар кўриш, тизими яратилади. Молиявий менежментнинг рағбатлантириш функциясини тўғри ташкил этилиши, корхонада маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшиланишига, ходимлар малакасини ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида, бевосита корхона, хўжалик фаолиятининг ривожланишига таъсир кўрсатади.

Назорат функциясининг моҳиятини қўйидагича ифодалаш мумкин: корхонада белгиланган режа кўрсаткичларини ҳақиқатда қай даражада амалга оширилаётганлиги ёки бажарилмаётган бўлса бундай ҳолатларни ўз вактида аниқлаш, ҳамда ушбу ҳолатларни пайдо бўлиш сабабларини батафсил ўрганиш асосида бундай камчиликларни бартараф этишда тезкор чоралар кўришдан иборат.

Молиявий менежментнинг ушбу функциясини амалга оширилиши корхоналарда ички назоратнинг ташкил қилиш тизими, назорат қилинадиган кўрсаткичларнинг кўламини аниқлаш билан боғликдир.

Молиявий менежментнинг кейинги гурух функциялари унинг алоҳида бошқарув фаолияти хусусиятларини таснифлайди. Унинг таркиби кўйидагилардан иборат:

- активларни бошқариш;
- капитални бошқариш;
- инвестицияларни бошқариш;
- пул оқимларини бошқариш;
- молиявий рискларни бошқариш.

Активларни бошқариш. Корхоналар хўжалик фаолиятининг ҳажми ва амалга оширилаётган операциялар кўламидан келиб чиққан ҳолда унинг турли ҳилдаги активларга бўлған талабини аник ўрганиш, корхона активларидан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг таркибини оптималлаштириш ва ликвидилигини тъминлаш, амортизация ҳисоблашнинг энг мақбул йўлларини ишлаб чикиш ва амалга ошириш, уларни молиялаштиришни оптимал йўллари ва манбаларини танлаш, активларни бошқариш функциясининг моҳиятини ифодалайди.

Капитални бошқариш. Корхонанинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда молиявий ресурсларни оптимал йўлларини излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Корхонанинг ҳозирги ва келгусидаги фаолият турларини амалга оширишда фойдаланилайдиган молиявий ресурслар билан тъминлаш, капитални бошқариш функциясининг моҳиятини ифодалайди. Бу асосан корхонанинг капиталга бўлған жами талабини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш, молиялаштиришнинг энг мақбул йўллари ва манбаларини аниқлаш, қайта молиялаштириш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш кабиларни ўз ичига олади.

Инвестицияларни бошқариш. Корхоналарни молиявий баркарор фаолият кўрсатишлари ва уларни фаолиятларини ривожлантириш инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бевосита боғликдир. Инвестицияларни бошқариш функцияси, корхонанинг тактик ва стратегик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган инвестиция сиёсатини ишлаб чиқицдан иборат. Бунда асосан, корхонанинг фаолият тури ва молиявий имконият-

ларини инобатга олган ҳолда унга кўпроқ молиявий манфаат келтирувчи ва энг мақбулини танлаш мақсадида, инвестицион ло-йиҳаларнинг самардорлиги ва қайтимини баҳолаш, капитал қўйилмалар бюджетини ишлаб чиқиш, қўмматли қофозлар портфелини ташкил қилиш, бошқариш ва бошқалар амалга оширилади.

Пул оқимларини бошқариш. Корхоналарнинг жорий ва кундалик фаолиятини амалга оширишда пул оқимларини бошқариш муҳим рол йўнайди. Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий мустакиллиги, ликвидлилиги ва тўловга қобиллиги ҳамда бошқа иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори эканлиги кўп жихатдан ушбу функцияниң тўғри ва оқилона амалга оширилишига боғлиқдир. Корхоналарда пул оқимларини кириб келиши ва чиқиб кетишини тўғри ташкил этиш, улар устидан доимий назоратни олиб бориш, вактинча бўш турган молиявий маблағлардан оптималь фойдаланиш ва шу кабилар пул оқимларини бошқариш функциясини моҳиятини ифодалайди.

Молиявий рискларни бошқариш. Ҳозирги рақобат муҳити ривожланган бир даврда тадбиркорлик фаолиятининг мақсади кам харажат эвазига кўпроқ даромад олишдан иборат. Ўз навбатида ҳар қандай хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида, тижорат фаолиятининг тури ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда маълум бир йўқотишлар ёки таваккалчиликлар юзага келиши мумкин. Бозор муносабатлари шароитида рисклар хўжалик-молиявий фаолиятини ташкил қилувчи муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Молиявий рискларни бошқариш функцияси ёрдамида, хўжалик фаолиятида юзага келган рискларнинг турларини аниқлаш, рискларнинг даражаларини баҳолаш ва бунинг натижасида йўқотишлар кўлами ва ҳажмини белгилаш мумкин бўлади. Олинган маълумотлар ва тахлил натижаларига асосланган ҳолда, рискларни бошқаришнинг комплекс чора-тадбирлар тизими тузилади: уларни диверсификациялаш ва сугурталаш; рискларнинг алоҳида турлари минималлаштирилади ва профилактик ишлар амалга оширилади.

Корпоратив тузилмаларда молиявий менежментни самарали ташкил этишдага яна бир жиҳат, унинг мақсадларига нималар киради деган саволга ойдинлик киритиш ҳисобланади. Молиявий менежментнинг мақсади, хўжалик субъектининг мақсадлари ва иқтисодий стратегияларидан келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, молиявий менежментнинг мақсади корхонанинг мақсадлари


билинг уйгуналашган ҳолда бўлиши мумкин. Корхонанинг узок муддатга белгиланган стратегик мақсадларини амалга ошириш ва уларнинг хўжалик-молиявий фаолиятини ривожлантириш, банкротликни ва йирик молиявий йўқотишларни олдини олиш, кескин рақобат муҳитида бозорда ўз ўрнига ва рақобатчилар орасида маълум устунликка эга бўлиш, харажатларни оптималлаштириш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини унга таъсир этувчи ички ва ташки омилларни инобатга олган ҳолда босқичма-босқич ошириб бориш ҳисобига фойдани максималлаштириш ва пировардида корхонанинг таъсисчилари, манфаатдор шахслар ва мулкдорлар фойдасини ошириш, молиявий менежментнинг асосий мақсадларини ифодалайди.

Юкорида таъкидлаганимиздек, корпоратив тузилмаларда молиявий менежментни ташкил этиш механизмининг муҳим босқичларидан бири молиявий менежментнинг вазифаларини белгилаб олиш ҳисобланади. Бозор конуниятлари, мулкчилик шакли, хўжалик – молиявий фаолиятининг турлари ҳамда молиявий – иқтисодий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда корпоратив тузилмалар узок муддатли стратегиялари ва бошкарув тизимини мустакил ҳолда белгилайдилар. Ушбу мақсадларга эришишда корпоратив тузилмалар ўз олдига аниқ вазифаларни кўйиб олади ва белгиланган вазифалар уларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда турлича бўлиши мумкин. Корпоратив тузилмаларда ўз олдига кўйилган мақсадларига эришиш кўп жиҳатдан молиявий менежерни бошқарув қарорларини тўғри ва аниқ қабул қилишига боғлиқдир. Молиявий менежер белгиланган мақсадларга эришишда қўйидаги асосий йўналишлар бўйича самарали бошқарув қарорларни қабул қилиши керак бўлади:

- 1) операцион фаолият бўйича (тахлил, режалаштириш, прогнозлаш ва корхонанинг молиявий ҳолатини назорат қилиш);
- 2) молиялаштириш масалалари бўйича – жалб қилинган ва ўз маблағлари манбаларини бошқариш (молиявий қарорлар қабул қилиш);
- 3) инвестициялар бўйича – инвестиция сиёсати ва активларни бошқариш (инвестицион қарорлар қабул қилиш).

Ушбу йўналишларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, қарорлар қабул қилишда алоҳида комплекс вазифалар тизими белгилаб олинади. Корпоратив тузилмаларда молиявий бошқарувни

ташкил этиш жараёни ва унинг вазифалари ёки молиявий менежментнинг комплекс вазифаларини қуидагича таснифлаш мумкин (1.2-расм).



1.2-расм. Молиявий менежментнинг вазифалари⁸

Расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, молиявий менежнернинг вазифалари корхонанинг алоҳида фаолият йўналишиларидан келиб чиқсан холда белгиланиб, корхона фаолиятини ташкил этиш ва юритишнинг ҳар бир боскичида алоҳида аҳамиятга эга. Молиявий менежментнинг ёки молиявий менежнернинг вазифалари корхонанинг хусусиятлари, мақсадлари, фаолият

⁸ Муаллиф томонидан тайёрланди.

турлари, бозор муносабатлари шароитида бошқа омилларни ҳам инобатта олган ҳолда белгиланиши ва турли хил бўлиши мумкин. Масалан, капиталнинг тузилиши ва қийматини аниқлаш, ҳамда молиялаштириш манбаларини жалб қилиш вазифалари кўйидаги омилларни батафсил ўрганишни талаб қиласди:

- зарур бўладиган молиявий ресурсларнинг ҳажми ва уларни жалб қилиш имкониятининг даражаси;
- молиявий ресурсларнинг шакллари (киска ва узоқ муддатли кредит, инвестицияларни жалб қилиш, кимматли қозозлар эмиссияси ва шу кабилар);
- мазкур турдаги молиявий ресурсларни жалб қилишнинг баҳоси (фоиз ставкалар, бошқа кўринишдаги тўланадиган расмий тўловлар);
- молиявий ресурсларни жалб қилиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган риск.

Демак, корпоратив тузилма раҳбарлари ёки молиявий менежерлар молиявий менежментни тизимини ташкил этища юкорида келтирилган барча омилларни эътиборга олган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиши лозим.

Корпоратив тузилмаларда молиявий менежментни ташкил этиш тизими, уларнинг ташкилий – хукукий шакллари, ишлаб чиқариш ҳажми, капиталнинг таркиби ва қиймати, ривожланиш цикли ва бошқа хусусиятларига кўра фарқланиши мумкин. Корпоратив тузилмаларда молиявий менежментнинг асосий мақсадлари бўлиб, фойдани максималлаштириш, харажатларни оптималлаштириш, молиявий барқарорликни таъминлаш ҳамда корхонанинг бозор қийматини ошириш хисобланади. Молиявий менежментнинг ушбу мақсадлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, буларнинг ҳар бири корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим хисобланади.

1.2. Корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий менежментнинг ўри ва аҳамияти

Иктисолиётни модернизациялаш шароитида корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлаш молиявий бошқарувнинг асосий мақсади сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиқкан ҳолда бугунги кунда корпоратив тузилмалар

молиявий-хўжалик фаолиятини бошқариш шароитларидан келиб чиқкан ҳолда корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлаш жараёнларини ўрганиш ва тадқиқ этиш янада кенгрок ёндашувни талаб қиласди ва моливий барқарорликни бошқариши нинг концептуал асосларини ишлаб чикиш ва амалиётта жорий этиш зарур.

Корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлаш молиявий менежментнинг асосий мақсадларидан бири саналиб, стратегияларини белгилаш, инвестицион фаолиятни самарали йўлга кўйиш, мажбуриятларни ўз вақтида бажариш, молиявий рискларни камайтириш ва шу каби муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга. Молиявий барқарорлик тушунчасига молиявий тахлил ва бухгалтерия хисоби нуктаи назаридан ёндашган ҳолда, мамлакатимиз ва хориждаги етакчи олимлар томонидан тарифлар берилган ва тадқиқ этилган. Жумладан, А.Ваҳобов, Н.Ишонқулов ва А.Иброҳимовларнинг фикрига кўра, молиявий ресурсларни самарали шаклланиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиши молиявий барқарорлик моҳиятини ифодалайди⁹. Рус иқтисодчи олимлари Е.Гладышева, А.Корчагина ва Е.Решетниковаларнинг фикрига кўра, агар корхона ўз маблағлари хисобига активларни шакллантиришга кетган харажатларни қоплай олса, асоссиз дебиторлик ва кредиторлик қарзларини вужудга келишини олдини олса ҳамда мажбуриятларини ўз вақтида бажарса, бундай корхоналарни молиявий барқарор деб айтиш мумкин¹⁰.

Молиявий менежментнинг асосий объектларидан бири молиявий ресурслар эканлигини инобатта олган ҳолда молиявий барқарорликни таъминлаш молиявий менежментнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Молиявий менежмент тизимида молиявий барқарорлик тушунчасини ўрганишда асосан, корпоратив тузилмаларда молиявий барқарорликни таъминлаш йўллари, унга таъсири этувчи ички ва ташки омилларни тахлил қилиш, молиявий барқарорликни бошқариш механизмини ишлаб чикиш, молиявий барқарорлик мониторингини ташкил этиш ва шу каби жиҳатларга эътибор қаратилади. Юкорида келтирилган тарифлардан келиб

⁹ Вахобов А.В., Ишонқулов Н.Ф., Иброҳимов А.Т. Молиявий ва бошқарув тахлили: Дағслик. Т.: Иқтисод - молия, 2013. 327.

¹⁰ Финансовый менеджмент: Конспект лекций/ Е.В.Гладышева, А.С.Корчагина, Е.С.Решетникова. Ростов н/Д. Феникс, 2014. 158.

чикқан ҳолда, молиявий барқарорлик дейилганды, корпоратив тузилмаларнинг шундай молиявий ҳолати тушунилади, бунда корпоратив тузилмалар томонидан молиявий ресурсларни оптимал ҳолатда шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш хисобига, мажбуриятларни ўз вактида бажариш, корпоратив тузилмаларни тўловга қобилигини таъминлаш ҳамда такрор ишлаб чиқаришни кенг йўлга кўйиш мумкин бўлади. Корхоналар молиявий барқарорлигининг куйидаги тўртта тури мавжуд бўлиб уларнинг ҳар бири алоҳида хусусиятга эга:

1. Мутлоқ молиявий барқарорлик. Бунда корхонанинг барча захиралари ўз айланма маблағлари хисобига қопланади. Бундай вазиятда корхоналарда ташқи кредиторларга эҳтиёж сезилмайди, тўловга қобилиятызизлик ва уларни келиб чиқиш сабаблари юзага келмайди, ички ва ташқи молиявий интизоми бузилмайди.

2. Мұтадил молиявий барқарорлик. Бу жараёнда корхона томонидан захиралар ва харажатларни қоплашда турли манбалар яъни ўзининг ва жалб қилинган маблағлардан самарали фойдаланилади, бундай ҳолат корхонанинг тўловга қобилиятызигини кафолатлаши мумкин.

3. Нобарқарор молиявий ҳолат. Бу жараёнда корхонанинг тўловга қобилиятызиллилек ҳолати издан чиқиши кузатилиб, корхона захиралар ва харажатларни қоплашга қўшимча молиявий маблағларни жалб қилишга мажбур бўлади.

4. Инқирозли ёки критик молиявий ҳолат корхонанинг банкрутилек ёқасига келиб қолгандаги вазияти тушунилади.

Молиявий менежментда молиявий барқарорликни таъминлашга доир бошқарув қарорларини қабул қилишда молиявий барқарорликка таъсир этувчи бир қанча омиллар мавжуд эканлигини инобатга олган ҳолда уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида ёндашиш зарур. Корхона молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни умумлаштирган ҳолда иккита йўналиш бўйича, ички ва ташқи омилларга туркумлаш мумкин (1.1-жадвал).

Корхона молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ташки ва ички омилларнинг ҳар бири корхона молиявий ҳолатига таъсири нуқтаи назаридан алоҳида хусусиятга эга. Ташқи омилларни кўрадиган бўлсак булар корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмайди, шунинг учун корхона томонидан бундай омилларнинг таъсирини ўзгартириш имконияти мавжуд эмаслигини инобатга олиб, корхона

молиявий хўжалик фаолиятини ташки омилларга мос равища мувофиқлаштириши лозим. Ички омиллар эса корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятига боғлиқ, шунинг учун корхона бевосита ушбу омилларга таъсир этиш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаши мумкин бўлади.


1.1-жадвал

Корхона молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар¹¹

Ташки омиллар	Ички омиллар	
	Ички омилларнинг туркумланиши	Омилларнинг турдари
Иктисолидёт ривожланишининг умумий холати		- хўжалик фаолиятининг ташкилий хукуқий шакли - ишлаб чиқариш ҳажми ёки кўлами
Давлатнинг молиявий сиёсати ва молия тизминининг тузилиши		- ривожланиш циклининг босқичлари - корхонанинг ихтисослашуви
Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг асосий хусусиятлари	Корхонанинг тавсифи	- корхона фаолиятининг диверсификациялашув даражаси
Инфляция даражаси		- активлар ва маҳсулот сотишининг рентабеллиги
Солиқ муносабатлари ва уларни тартибга солишнинг асосий жойхатлари	Корпоратив молиянинг асосий хусусиятлари	- хусусий капитал ва маҷбурийлар - валюта баланси
Тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг шартлари	Корхона-нинг молияни-й холати	- тўловга қобилиятлилиги - жорий ликвиддиллиги - молиявий мустакиллиги
Тармоқларда монополия даражаси		- даромад ва харажатлар - дебиторлик ва кредиторлик қарзлар - бюджеттага тўловлар
Молиявий ресурсларни жалб килишининг баҳоси ва имконияти	Молиявий муносабатлар	
Валюта муносабатларини амалга оширишининг даражаси	Молиявий менеммент тизими	- молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш - молиявий ресурсларни бошкарish
Худудлар иктисолидётининг ривожланиш холати		- молиявий назорат - молиявий рискларни бошкарish

¹¹ Муаллиф томонидан тайёрланди.

Корхоналар молиявий барқарорлигини бошқаришнинг умумий тузилишини куйидаги расм орқали ифодалашимиз мумкин (1.3-расм).



1.3-расм. Корхона молиявий барқарорлигини бошқаришнинг
умумий тузилиши¹²

Хорижий компаниялар амалиётида молиявий менежментни ташкил этиш механизмининг таҳлили шуни кўрсатадики, молиявий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири, молиявий барқарорлик мониторингини самарали ташкил этиш хисобланади. Молиявий бақарорлик мониторинги молиявий менежмент-

¹² Муаллиф томонидан тайёрланди.

нинг янги шакланаётган функцияларидан бири десак ҳам бўлади. Корхона молиявий барқарорлиги мониторинги – корхона молиявий барқарорлик даражасига доир маълумотларни тўплаш, ушбу даражага таъсир этувчи турли омиллар таъсирини тахлил қилиш, ҳамда ҳақиқатдаги молиявий барқарорлик даражасини оптимал ҳолатига мос келишини назорат қилиш тизими. Корхона молиявий барқарорлик мониторингини амалга ошириш тартиби бир қанча босқичлардан иборат бўлиб, ушбу жараённи қуидаги расм орқали ифодалаш мумкин (1.4-расм).

1. Корхона фаолиятининг умумий ҳолати ва бозордаги ўрнини мониторинги. Бошқарувнинг ташкилий тузилиши ва молиявий-хўжалик фаолиятни амалга ошириш жараёнларининг тахлили. Корхона раҳбарлари, молиявий менежерларининг фаолияти ва бозордаги обрўсини (репутациясини) баҳолаш

2. Корхона молиявий барқарорлигининг дастлабки тахлили, унинг иқтисодий имконияти, молиявий ва тадбиркорлик рискларини мониторинг килиш. Корхона бюджети ва бизнес-режанинг бажарилишини баҳолаш

3. Корхона даромад ва харажатларини прогноз қилиш

4. Корхона хўжалик фаолиятини молиялаштириш манбаларининг тахлили. Корхона кредитлари ва бошқа карз маблағларининг тахлили

5. Корхона пул оқимларининг таркибий тузилиши, миқдори ва барқарорлигини тахлили. Молиявий кўйилмалар тахлили

6. Корхона молиявий сиёсати самарадорлигининг тахлили. Белгиланган стратегик мақсадларга эришишни ҳамда режалаштирилган кўрсаткичларни ҳақиқатда кай даражада бажарилганилиги ёки бажарилмаганилигини баҳолаш, ички молиявий-хўжалик заҳиралар ва имкониятларни аниқлаш.

1.4-расм. Корхона молиявий барқарорлик мониторингини амалга ошириш тартиби¹³

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, корхоналарнинг молиявий барқарорлик мониторинги дейилганда молиявий барқарорликни таъминловчи кўрсаткичларни мунтазам кузатиш, тахлил қилиш ва

¹³ Муаллиф томонидан тайёрланди.

башоратлаш, тактик ва стратегик қарорларни қабул қилиш, шу билан бирга қабул қилинган қарорларни самарадорлигини баҳолаш тушунилади.

Молиявий барқарорлик мониторингини самарали ташкил этилиши корхона молиявий кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциясини кузатиш имкониятини яратиш билан бирга, стратегик қарорларни қабул қилишда маълумотларни ишончлилиги, тизимлилиги ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш; бошқарув қарорларини ўз вақтида асослаш учун тезкор таххилни амалга ошириш; молиявий режалаштиришига доир сифатли маълумотларни олиш; банкротлик ҳолатларини олдиндан аниқлаш ҳамда корхона молиявий ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилган молиявий соғломлаштиришига доир чора тадбирлар ишлаб чикиш имкониятини яратади.

Корхоналарда молиявий барқарорликни бошқариш куйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олиши лозим:

- маълум даврлар оралиғида корхоналар молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий кўрсаткичларни режалаштириш;
- корхоналар молиявий барқарорлигини аниқловчи асосий параметрларни мониторинг килиш;
- молиявий барқарорлик ҳолатини баҳолаш;
- молиявий барқарорликнинг белгиланган параметрларига эришишга қаратилган бошқарув қарорларини ишлаб чикиш.

Бошқарувнинг бундай ёндашуви, биринчи навбатда корхоналар молиявий барқарорлигини ҳар томонлама баҳолаш имкониятини берса, кейинги навбатларда эса, молиявий барқарорликка эришиш мумкин бўладиган даврни аниқлаш имкониятини яратади ҳамда тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш учун керак бўлган ҳар қайси вақтда молиявий барқарорликни баҳолаш имкониятини беради.

Демак, бозор муносабатлари шароитида кескин рақобат муҳитини эътиборга олган холда, корхоналар раҳбарлари, молиявий менежерлари олдида турган асосий вазифалардан бири жорий ва стратегик фаолиятни белгилашда корхонанинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлашга алоҳида эътиборни қаратиш, молиявий барқарорликни бошқаришда молиявий менежментнинг роли ва аҳамиятини янада ошириш, молиявий барқарорлик мониторингини ташкил этиш ва ривожлантириб бориш, молиявий бошқарувни ташкил


этида хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

1.3. Корпоратив тузилмаларда молиявий менежментни ташкил этиш механизми ва асосий хусусиятлари

Корхоналарда молиявий менежмент механизмини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир этувчи барча омилларни инобатга олган ҳолда устувор йўналишларни белгилаш, истиқболда стратегик мақсадларга оғишмай эришиш кабилар кўп жиҳатдан молиявий менежернинг ёки корхоналар молиясини бошқаришдаги мастьул ҳодимларнинг вазифалари ва мажбуриятларини аниклаб олишни тақозо этади. Ҳозирги кунда корхоналар фаолиятини самарали бошқаришда молиявий менежерлар ёки корхона раҳбарлари олдида турган асосий вазифалардан бири, корхоналарнинг жорий ва стратегик мақсад, вазифаларини аниқ белгилаш, ташки муҳитни таҳлил қила олиш, миллий ва халқаро иқтисодиётда рўй берастган барча ўзгаришлардан келиб чиқсан ҳолда тегишли хуносаларни шакллантириш ҳамда корхоналар фаолиятини ташки иқтисодий-ижтимоий муҳитга мос ҳолда мувофиқлаштириб бориш кабилар ҳисобланади. Корхоналар фаолиятини ривожлантиришда бундай муҳим вазифаларни амалга ошириш, бёвосита молиявий менежментни ташкил этиш механизмини янада такомиллаштириш ва мазкур соҳадаги хорижий давлатларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Молиявий менежмент механизми - корпоратив молияни бошқариш жараёнларини тартибга солувчи ва амалга оширувчи асосий элементлар тизимининг мажмуи ҳисобланади. Молиявий менежмент механизмининг таркибини куйидаги расмда келтириб ўтамиз (1.5-расм).

Куйидаги 1.5-расм маълумотларидан кўринадики, молиявий менежмент механизми корхонани дастлабки ташкил этиш давридан бошлаб, уларни ривожланиш циклининг барча босқичларида молиявий бошқарувнинг алоҳида жиҳатлари ва принципларини эътиборга олган ҳолда қарорлар қабул қилиш, Унинг самарали амалга оширилиши, ижросини таъминлаш ҳамда назорат қилишни ўз ичига қамраб олади.



1.5-расм. Молиявий менежмент механизми¹⁴

Корхоналарда молиявий менежментни ташкил этиш мураккаб жараён ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу жараёнда асосий эътибор талаб қиласидиган жиҳатлар қаторига корхонанинг ташкилий-хукукий шакли, ташкилий тузилмаси, ишлаб чиқариш ҳажми ва кўлами, мулкчилик шакли, корхоналар ривожланиш цикли-

¹⁴ Муаллиф томонидан тайёрланди.

нинг қай босқичда эканлиги, фаолият турлари кабиларни киритишимиз мумкин. Албатта, ҳар бир корхонанинг маълум хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда унда молиявий менежментнинг ўрни, роли ва ташкил қилиш шартлари ўзига мос ҳолда фарқладади. Корхоналарда молиявий менежмент тизими бевосита молиявий менежернинг функциялари ва амалга оширадиган вазифалари, бажарадиган ишларига боғлик ҳолда ташкил қилинади.


Корхоналарда молиявий менежментни ташкил этилиши ёки компания молиявий бошқарувининг ташкилий тузилишига эътибор берсак, АҚШ ёки Европа мамлакатларида фаолият юритувчи аксарият компанияларда молиявий бошқарувнинг ташкилий тузилиши уларнинг фаолият турларидан келиб чиқсан ҳолда бўлим ва бўлинмаларга ажратилиб, уларнинг аниқ вазифа ва мажбуриятлари белгилаб олинади. Йирик ва ўрта корхоналарда одатда молиявий бошқарувни амалга ошириш учун бош ижрочи директор (*Chief executive officer - CEO*) ва молиявий масалалар бўйича вице-президент ёки молиявий менежер (*Chief Financial Officer - CFO*) тайинланади ҳамда тегишли бўлим ва бўлинмалар бевосита уларга бўйсунади. Йирик компанияларда молиявий фаолият иккита асосий йўналишга ажратилиб, уларнинг биринчисини ғазначи (*молиявий бошқарма бошлиги - treasures*), иккинчисини эса бош бухгалтер (*controller*) бошқаради ҳамда улар бевосита молиявий менежерга бўйсунувчи бўлинмалар ҳисобланади.

Расм маълумотларидан кўринадики, йирик корхоналарда ғазначи ва бош бухгалтернинг ҳам алоҳида вазифалари ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, улар бевосита ўз фаолият йўналишлари, ваколатлари доирасида юқори бўлинмаларга бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотларни тайёрлайди ва тақдим этадилар. Замонавий бошқарув шароитида бош молиявий менежер бошқарувнинг ёки директорлар кенгашининг аъзоси ҳисобланаби, бошқарув иерархия¹⁵ сида муҳим ўринга эга. Бош ижрочи директор билан бирга молиявий менежер акционерлар олдида тенг жавобгарлик ва масъулиятни ўз зиммасига олади ҳамда бизнеснинг эгалари ва инвесторларга молиявий натижалар бўйича ҳисботларни тақдим этади. Ўз навбатида молиявий масалалар бўйи вице-

¹⁵ Иерархия (инг. hierarchy) – бошқарувнинг ташкилий тузилишини куйи бўғиндан то юқори бўлинмаларга поғонома-поғона бўйсунишини англатади, бошқача айтганда куйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсуниши тушунилади.

президентнинг номзодини алоҳида тартибда директорлар кенгаши томонидан тасдиқланади. Ушбу ҳолат, унинг бош ижрои директордан мустақиллигини англатиб, ўзининг хатти-харакатлари ва амалга оширадиган ишлари бўйича акционерлар олдида хисобот беришни изоҳлайди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, молиявий менежмент тизими корхоналар умумий бошкарув тизимининг асосий бўғини хисобланади. Корхоналарни бошқаришнинг аксарият умумий тамойиллари молиявий менежмент тизимига тўгри келади, бунда асосан бошқарувнинг куйидаги икки муҳим жиҳатларини инобатга олиш зарур: иерархик ва функционал.



1.6-расм. АҚШ компаниялари ташкилий тузилмасида молиявий менежментнинг ўрни ва функциялари¹⁶

¹⁶ Brigham E.F., Houston J.F. Fundamentals of financial management. Concise 8th Ed. South Western, Cengage Learning, 2015. 692.

Ҳалқаро ва миллий амалиётда корхоналар бошқарув тизимини ташкил қилишнинг энг кўп оммалашган усулиаридан бири ҳам бошқарувнинг иерархик ва функционал ҳолатда амалга оширилиши хисобланади. Корхоналарда бошқарув марказларини иерархик ҳолатда ташкил килиниши, уларда бошқарув тизимини турли погоналарга ажратишни назарда тутади. Ҳозирги кунда корхоналарда бошқарув тизими икки ёки уч погонали тизимга ажратилмоқда, бунда асосан биринчи погонада корхоналарни бутун бошқарув фаолиятининг аппарати, кейинги погоналарда эса унинг алоҳида таркибий бирликларида бошқарув тизими ташкил қилинади.

Юқорида АҚШ ва Фарбий Европа компанияларининг корпоратив молияни бошқариши тизимида хусусида тўхталиб ўтдик. Корпоратив молияни бошқариши соҳасида кўп йиллик самарали тажрибага эга бўлган давлатлардан бири Япония хисобланади. Япониянинг иқтисодиёти кўплаб географик минтақаларда ва кўплаб бизнес секторларида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Япониянинг ана шундай мувафаккяятта эришишида муҳим куч бўлиб хизмат киладиган Япон корпоратив менежментининг ўзига хос хусусиятлари ва ундаги компаниялари қандай ишлиши ҳамда уларнинг ташкилий тузилиши қандай эканлиги ҳақида кўпроқ билиш учун уларнинг бизнес маданиятини ҳам ўрганиш талаб этилади.

Япониянинг бизнес маданиятида иерархияга кучли ишонч, жамоавийлик, жамоа мақсадларининг уйғунлашуви ва жамоа мақсадлари учун маъсуллиятлилик юқори даражада намоён бўлади. Бизнесда ёши улуғ ёки ваколатли шахсларга нисбатан чукур хурмат маданияти ҳам мукаммал шаклланган. Бундай маданиятда кўпичча, йўриқ ва кўрсатмаларга ҳеч қандай эътиrozсиз ва зудлик билан бўйсунилади. Бундай маданиятнинг шаклланиш тарихи Конфуций таълимотига бориб тақалади. Ҳақиқатдан ҳам Япониянинг бундай маданияти Фарб мамлакатлари амалиётидан яққол фарқ қиласди. Бошқача айтганда, Япон корпоратив менежментида ваколатли шахс ўз бўйсунувчиларининг кўрсатмаларни сўзсиз бажаришларини кўзда тутиш билан бирга, бўйсунувчиларга каръера мактабида устозлик вазифасини ҳам бажаришади. Ҳаттоқи, бўйсунувчиларнинг оила аъзоларига ҳам ғамхўрлик қиласди.

Америка ёки Европалик ҳамкорларига зид равища, Япония корпорациялари ўз ходимларини ўзгармас харажатлар таркибиغا

киритади ва таъминотчилар билан муносабатларни жуда яқин килишга мойил бўлади. Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнида компаниянинг барча бўғинларининг иштироки таъминланади (1.7-расм).



1.7-расм. Горизонтал “Keiretsu” шаклидаги Япон корпорациясининг ташкилий тузилиши

Япон корпоратив менежментида асосан икки турдаги вертикал ва горизонтал интеграциялашган ташкилий тузилмалардан кенг фойдаланиб келинади. Япониянинг йирик вертикал интеграциялашган “Keiretsu” ташкилотлари мамлакат ва компаниялар ривожи учун кўп йиллар хизмат қилиб келаётган ва синалган ўзига хос ташкилий тузилмалардан бири хисобланади. Бундай ташкилий тузилмага эга бўлган ташкилотлар тарихан илдиз отган бўлиб, миллий маданиятга уйғунлашиб кетган. Лекин, “Keiretsu” ташкилий тузилмасига тақлид килган кўплаб Farb компаниялари мувафақиятсизликка юз тутгани кузатилган. Чунки бу мамлакатлар маданияти Япон миллий маданиятидан тубдан фарқ қиласди.

Молиялаштириш компаниянинг хусусий банклари ёки сугурта компаниялари ҳисобидан шакллантирилади. Компания учун зарур бўлган хукукий хизматлар ва маслаҳатлар эса компаниянинг мутахассисларидан иборат бўлимлар томонидан тақдим этилади. Шунингдек, компания ва унинг ходимлари манфаатларини қўллаб-кувватлайдиган миллий уюшмалар ва профессионал уюшмалар ҳам компания билан яқиндан ҳамкорлик қиласди. Мувафаққият қозониш мақсадида, турли кичик фирмалар (Япон тилида “Kaisha” деб аталади) “Keiretsu”га бизнес гурӯхни шакллантириш ёки “Keiretsu” тармоғини ташкил этиш мақсадида бирлашадилар.

“Keiretsu” “Kaisha”лар учун молиявий, ташкилий, хукукий ва логистик хизматларни тақдим этади. Масалан, “Mitsubishi Motors” (Kaisha) учун автомобил эҳтиёт қисмлари учун зарур ҳом ашёлар “Mitsubishi Biznes Group” (Keiretsu) таркибига кирувчи таъминотчилар томонидан етказиб берилади. Бу эса, “Kaisha”лар учун ҳом ашё узлуксизлигини таъмилиайди.

Турли кичик ва ўрта корхоналарнинг “Keiretsu”га бирлашмасликлари бозордаги катта имкониятлардан маҳрум бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун Япон корпорациялари билан рақобатлашиш Farb корпорацияларига қийинчилик туғдиради. Ниҳоят, бир неча юзлаб компаниялар бир “Keiretsu”га бирлашишлари мумкин. Лекин, шулардан айримлари яъни, 20 дан 30 тагача бўлган компанияларнинг президентлари “Keiretsu” Президентлар Кенгашига аъзо бўлиши мумкин. Умуман олганда, Япон корпорациялари турли ташкилий тузилмаларга эга бўлиб, уларнинг корпоратив бошқарув тизимига ёндашуви Япон маданияти таъсирида узок йиллар давомида шаклланниб келган. Бу каби ёндашувнинг мавжудлиги, бугунги кунда Япон компанияларининг бизнес мувафақиятига сабаб бўлмоқда.

Хулоса

Юқорида амалга оширилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқкан ҳолда қўйидаги асосий хулосалар шакллантирилди:

Биринчидан, молиявий менежмент дейилганда, корпоратив тузилмалар молиявий ресурсларини самарали шакллантириш ва Улардан оқилона фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш тушунилади;

Иккинчидан, Республикаизкорпоратив тузилмаларида молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш мақсадида акциядорлик жамиятлари ташкилий тузилмасида (ПФ-4720 Фармонга 1-илова) молия ва истиқболли ривожлантириш ва инвестициялар масалалари бўйича директор лавозимларини умумлаштирган ҳолда молиявий менежер (Chief Financial Officer - CFO) лавозимини жорий этиш мақсадга мувофик;

Учинчидан, корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий барқарорлик мониторинги тизимини жорий этиш лозим. Молиявий барқарорлик мониторингини самарали ташкил этилиши молиявий кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциясини кузатиш имкониятини яратиш билан бирга, стратегик қарорларни қабул килишда маълумотларни ишончлилиги, тизимлилиги ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш; бошқарув қарорларини ўз вақтида асослаш учун тезкор тахлилни амалга ошириш; молиявий режалаштиришга доир сифатли маълумотларни олиш; банкротлик ҳолатларини олдиндан прогноз қилиш ҳамда корхона молиявий ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилган молиявий соғломлаштиришга доир чора тадбирлар ишлаб чикиш имкониятини яратади.

Тўртинчидан, корпоратив тузилмаларда молиявий менежмент тизимини янада такомиллаштиришда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Иқтисодиёт соҳасига ихтисослашган олий таълим муассасаларида молиявий менежмент, корпоратив молия ихтисосликлари бўйича алоҳида йўналишларни ташкил этиш керак. Мазкур йўналишларда дарс машғулотларини олиб боришда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази билан ҳамкорликда хорижий мутахассисларни кенгроқ жалб қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вахобов А.В., Ишонқулов Н.Ф., Иброхимов А.Т. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. Т.: Иқтисод - молия, 2013.
2. Галицкая С.В. Финансовый менеджмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий: [комплексный подход к управлению финансами]: Учебное пособие. М. Эксмо, 2008.
3. Финансовый менеджмент/ Г.Б.Поляк, И.Л. Акодис. 2-е изд., перераб. и доп. М. ЮНИТИ-ДАНА, 2012.

4. Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент: Учебник. 2-изд., перераб. и доп. М. Эксмо, 2010.
5. Финансовый менеджмент: Конспект лекций. Е.В.Гладышева, А.С.Корчагина, Е.С.Решетникова. Ростов н/Д: Феникс, 2014.
6. Paramasivan C., Subramanian T. Financial management. New age international Publishers. 2009.
7. Brigham E.F., Houston J.F. Fundamentals of financial management. Concise 8th Ed. South Western, Cengage Learning, 2015.
8. Fundamentals of financial management / James C. Van Horne, John M. Wachowicz. 13th ed. Prentice Hall, 2009.
9. Fung L. Financial management. University of London 2015.

II бөб. КОРПОРАТИВ МОЛИЯ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ҮРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК МЕХАНИЗМИ

Корпоратив молия ва давлат молияси умумий молия тизими-нинг асосий ва ажралмас қисми ҳисобланади. Корпоратив молия ва давлат молияси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муносабатлари буғунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларида эътибор қаратилаётган асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда, давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молия, инвестиция, соликлар билан боғлиқ муносабатлар муҳим роль ўйнайди. Шу сабабдан, ҳозирги кунда аввало корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизими, давлат ва корпоратив тузилмалар ҳамкорлигига ўзаро инвестицион муносабатлар, акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат иштироки ҳолати, давлат ва корпоратив молия муносабатларда солик хавфсизлиги масалаларини пухта ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларни самарали ташкил этиш юзасидан илмий асосланган хуносалар ишлаб чикиш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқкан ҳолда, қуйида мазкур масалалар юзасидан алоҳида тўхталиб ўтган ҳолда ўз илмий қарашларимизни келтириб ўтамиз.

2.1. Корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизими

Буғунги жаҳон иқтисодиётидаги интеграциялашув ва молиявий глобаллашув шароитида мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалиши мамлакат молия тизимининг баркарорлигига ва ривожланишига бевосита боғлиқ-дир. Молиявий муносабатларнинг марказий бўғини сифатида корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар молия тизимида муҳим ўрин эгаллашидан келиб чиқсан ҳолда корпоратив молия ва давлат молияси ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг методологик асосларини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқсан ҳолда қуйида молия, молиявий муносабатлар, шуниндек, корпоратив молия ва


давлат молияси ўртасидаги боғлиқликни ўзида акс эттирувчи тизим хусусида ўз илмий қарашларимизни келтириб ўтамиз.

Фикримиз аввалида молиявий муносабатларнинг ўзи тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз. Молиявий муносабатлар иқтисодий муносабатларнинг мухим таркибий қисми бўлиб, турли даражадаги иқтисодий тизимлар субъектлари ўртасидаги пулли муносабатларни ўзида акс эттиради. Бундай молиявий муносабатларга давлатлараро молиявий муносабатлар, корхоналараро молиявий муносабатлар, ахоли ўртасидаги молиявий муносабатлар, давлат ва корхона ўртасидаги молиявий муносабатлар киради.

Корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги молиявий муносабатлар тизими ҳакида фикр юритилганда, аввало молия ва унинг таркибий тузилиши назарда тутилади. Корпоратив молия ва давлат молияси умумий молия тизимининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Молия тўғрисида иқтисодий адабиётларда турлича таърифлар келтирилган, ушбу таърифлардан келиб чиқан ҳолда умумий ҳолда молияга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Молия – бу маълум бир мақсадда пул фонdlарини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йигиндисидир. Профессор Крассимир Петров ўзининг “Financial management” номли видео маъruzасида¹⁷ молиянинг таркибига корпоратив молия, молиявий иқтисодиёт, инвестиция, уй-жой хўжалиги молияси ва давлат молияси киритилишини таъкидлаб ўтади. Бизнинг фикримизча эса молия ўз ичига давлат молияси, корпоратив молия, молиявий иқтисодиёт ва уй-жой хўжалиги молиясини олади. Инвестиция эса улардан ҳар бирининг таркибида мавжуддир.

Давлат молияси, корпоратив молия, молия иқтисодиёт ва уй-жой хўжалиги молиясининг ҳар бири ҳар доим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўзаро молиявий муносабатларга киришади (2.1-расм). Молиявий иқтисодиёт умумий иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлиб, ўз ичига молия бозори, молия институтлари, молиявий инструментларни олади.

¹⁷<https://www.youtube.com/watch?v=mX9nd0eQ-6g> (Krassimir Petrov - Financial Management - Lecture 01)



2.1-расм. Молия тизими структурасы¹⁸

Шу үринде молиянинг таркибига киравчи давлат молияси ва корпоратив молиянинг мазмун ва моҳияти түғрисида тұхталиб үтиш мақсадда мұвофикдир. Давлат молияси – бу давлатнинг ўз олдига құйилған мақсадларига еришиш учун давлат бюджети ва нобюджет мақсаддатын пул фондларини шакллантириш ва тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боглиқ иқтисодий муносабатлар йигиндисидир. Корпоратив молия эса бу корпоратив тузилмалар мақсадларини амалга ошириш учун пул фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш билан боглиқ пул муносабатлари йигиндисидир.

Корпоратив молия ва давлат молияси ўзаро муносабатлар ти-зимининг самарали ташкил этилиши мамлакат иқтисодий барқа-рорлигининг таъминланишига ҳамда ахоли турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилади. Фикримизнинг далилы сифатида, 2008 йилда халқаро миқәсда юзага келган жағон молиявий-иктисодий инқизорзи шароитида давлаттамыз томонидан олиб борилған изчил молиявий сиёсат юритилиши мамлакаттамызда ҳам реал сектор, ҳам молиявий сектор тузилмаларининг иқтисодий танг ҳолатдан қийинчилексиз чиқиб кетишига замин яратди.

¹⁸Муаллифлар томонидан тайёрланды.

Корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги молиявий муносабатлар тизими умумий молия тизимининг энг муҳим ва ажralmas қисми бўлиб, бундай муносабатлар тизими ўз ичига солик, мажбурий ажратмалар, давлат инвестициялари, давлат қимматли қоғозлари, фаолиятни лицензиялаш, пул, кредит, ташки иктисодий фаолият, нарх шаклланиши, дивиденд сиёсати, давлат хариди, жарима ва санкция кўлланилиши хамда бошқа муносабатларни ўз ичига олади (2.2-расм).



2.2-расм. Корпоратив тузилма ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизими¹⁹

Юқоридаги 2.2-расмда кўриниб турибдики, корпоратив молия ва давлат молиясининг ўзаро муносабатлар тизими таркибига компанияларнинг давлат бюджетига соликлар ва мажбурий ажратмаларни тўлаши, стратегик аҳамиятга эга компаниялар фаолияти давлат томонидан хам молиялаштирилиши, давлат пул-кредит сиёсатининг амал қилиши, компанияларнинг давлат назорати остида ташки иктисодий фаолиятни амалга ошириши, корхоналар бирор бир фаолият тури билан шуғулланиши учун давлатдан лицензия олиши, компанияларнинг фонд биржаларида фаолиятини юритишида давлат томонидан таъсир чоралари

¹⁹Муаллифлар томонидан тайёрланди.


кўрилиши, компанияларнинг маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиниши, давлат корхоналари фаолиятига давлат томонидан бевосита иштирокчи сифатида улуш киритилиши, компаниялар томонидан олинган фойдадан давлатнинг дивиденд ва фоизлар олиши, компаниялар томонидан давлат қимматли қоғозларини сотиб олиниши ва қайта сотилиши, ноқонуний фаолияти учун компанияларга давлат томонидан жарима-санкциялар кўлланилиши каби молиявий муносабатларни киритишмиз мумкин.

Корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини объектлар бўйича шартли равишда икки гурухга ажратишмиз мумкин. Биринчи гурух: давлат корхоналари ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар, иккинчи гурух: хусусий корпоратив тузилма ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар.

Давлат корхоналари ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизими таркибий қисми сифатида бир томондан давлат корхоналари томонидан давлатнинг турли даражадаги бюджетларига соликлар, мажбурий ажратмалар, дивидендлар ва бошқа кўринишдаги маблагларни йўналтириш билан bogliқ molияvий muносабatларни, бошқа томондан давлат корхонанинг эгаси сифатида унинг тарқиёти учун турли имтиёзлар, бюджетдан турли мақсадлар учун турли кўринишдаги маблағлар, хусусан, пул маблағлари, асосий воситалар, инвестициялар йўналтириш билан bogliқ molияvий muносabatларни keltiriшимiz mумкин. Shуни taъkidlash лозимки, давлат корхоналари ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар кўлами mustaқillik йилларида давлат mulkinining xususiyлаштирилиб keliнаётганлиги сабабли kamaiyib boraётганлиги билан xarakterlanadi.

Хусусий корпоратив тузилма ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар ҳам умумий молия тизимининг муҳим ва ажralmas қисми сифатида қаралади. Ушбу молиявий муносабатлар тизимининг асосий таркибий қисми сифатида, давлат бюджетига соликлар ва мажбурий ажратмаларнинг бориб тушиши ва давлат томонидан корпоратив молия субъектларига турли имтиёзлар takдим этилиши билан bogliқ molияvий muносabatлар kiritiladi. Bундан tашкари ушбу molияvий muносabatлар tizimiga давлат қимmatli қoғozларinинг oldi-sotdisi, корпоратив тузилмалар тараққиёти учун давлат инвестицияларининг kiritiliши, экспорт-импорт операцияларида давлатнинг iштироки, валюта операция-

ларининг тартибга солиниши, корпоратив тузилмалар фаолият ва соҳаларига қонунчилик орқали ўзгартиришлар, чеклашлар ёки таъкидашлар киритилиши, давлат мулкининг ижарага берилиши ёки хусусийлаштирилиши кабилар билан боғлиқ молиявий муносабатларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.



2.3-расм. Корхоналар ва давлат ўртасидаги солик муносабатлари тизими²⁰

²⁰ Муаллифлар томонидан тайёрланди.

Хусусий корпоратив тузилма ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизимининг самарали ташкил этилиши, айниқса корпоратив молия субъектлари томонидан пухта ўйланган қарорларнинг қабул килиниши жуда мухим аҳамия касб этади. Чунки хусусий корпоратив тузилмаларда юзага келадиган барча молиявий муаммоларни ҳал этишда корпоратив тузилма эгалари, давлат корхоналарида эса юзага келиши мумкин бўлган молиявий тангликларни бартараф этишда давлат иштирок этади.

Корпоратив тузилма ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизимида солик муносабатлари бозор иқтисодиёти шароитида мухим аҳамият касб этиши боис, корхоналар ва давлат ўртасидаги солик муносабатлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Корхоналар ва давлат ўртасидаги солик муносабатлари корхоналарда маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушумдан тортиб, то соф фойда шакллангунгача бўлган оралиқда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга соликлар ва мажбурий ажратмалар тўланиши билан характерланади (2.3-расм).


Юкоридаги 2.3-расмдан кўриниб турибдики, маҳсулот сотишдан тушумдан то соф фойда шаклланиш оралиғида корхоналарнинг давлат билан қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва бошқа эгри соликлар, ресурс соликлари, фойда солиғи, қўшимча фойда солиғи, бюджетдан ташқари фондларга мажбурий ажратмалар билан bogлиқ солик муносабатлари юзага келади.

2.2. Давлат ва корпоратив тузилмалар ҳамкорлигида ўзаро инвестицион муносабатларни самарали ташкил этиш йўллари

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда инвестицион муносабатлар мухим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда давлат томонидан мамлакатимизда фаолият юритаётган корпоратив тузилмаларнинг маҳаллий ва халқаро бозорларда самарали фаолият юрита оладиган даражага чиқишилари учун инвестицион фаолият мухим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам хукуматимиз томонидан давлат ва корпоратив тузилмалар ҳамкорлигидаги инвестицион фаолиятнинг хукукий асосларини яратиш ва мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиккан холда қуйида давлат ва

коопоратив тузилмалар ҳамкорлигига ўзаро инвестицион муносабатларнинг амалдаги ҳолати ва уларни самарали ташкил этиш хусусида ўз илмий қарапшларимизни келтириб ўтамиз.

Давлат ва корпоратив тузилмалар ҳамкорлигига ўзаро инвестицион муносабатларнинг ҳукукий асосларини такомиллаштириш мақсадида 2015 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинди.



2.4-расм. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришининг асосий йўналишлари²¹

Мазкур фармон мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони маълумотларидан олинди.

инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услугларини жорий килиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида қабул қилиниб, ҳозирги кунда акциядорлик жамиятлари ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда туб бурилишларни юзага келишига ҳамда улар орасидаги инвестицион муносабатларни самарали ташкил этилиши бўйича хукуқий асосларнинг мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда. Яъни, мазкур фармонга мувофиқ бугунги кунда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб қўйилди (2.4-расм).

Юқоридаги 2.4-расм маълумотларига кўра, бугунги кунда давлат томонидан акциядорлик жамиятларида хорижий тажрибаларни чукур тахлил қилган ҳолда ресурслардан самарали фойдаланиш, чет эл капитали иштирокидаги акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, акциядорлик жамиятларига маҳаллий ва ҳалқаро бозорларда самарали фаолиятни ташкил қила оладиган юкори малакали менежерларни жалб қилиш, корпоратив бошқарув структурасини тубдан ислоҳ қилиш кабиларга катта эътибор берилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, ушбу фармонда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартағи ПҚ-2327-сонли Қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси қайд этилган акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш жараёнини 2015 йилнинг 1 октябрига қадар тугатиш устидан катъий назорат ўрнатиш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур ПФ-4720-сонли Фармони ижросини таъминлаш, хусусан акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида бугунги кунда куйидаги муҳим вазифалар амалга оширилмоқда:

❖ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор идоралар ва акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари билан ҳамкорлиқда акциядорлик жамиятлари ташкилий тузилмасини уларнинг тармоқ хусусиятларини инобатга

олган ҳолда, мазкур фармоннинг иловасида келтирилган намуна-
вий тузилмага мувофиқлаштирилмоқда;

❖ давлат улушига эга акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари таркиби корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари ва принциплари, менежмент ва маркетингни, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда уларни ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида кўллай билиши бўйича аттестациядан ўтмоқда, ҳамда аттестация якунлари бўйича бўшаган лавозимларга янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

2015 йилнинг 1 июлидан акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари номларида уларнинг устав капиталида давлат улушидан катъий назар, «давлат» сўзидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳам ушбу фармоннинг алоҳида бандида қайд этилди. Бунинг натижасида илгариги барча давлат акциядорлик жамиятлари кайтадан акциядорлик жамиятлари шаклида қайта ташкил этилди.

Акциядорлик жамиятларига хорижий инвестор ва менежерларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарувда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашда, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда уни ташки бозорларга олиб чиқишида уларнинг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг устав капиталларида давлат активлари ва улушларини қисқартириш ҳисобидан иқтисодиётда давлатнинг иштирокини тубдан камайтириш максадида 2015 йил 21 декабрда мамлакатимиз Президентининг ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги кўшимчча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори қабул килинди.

Мазкур Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартағи ПҚ-2327-сонли Қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуси 15 фойздан кам бўлмаслигидан иборат тартибни жорий этиш бўйича таклифига розилик берилди. 2016 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-411-

сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни қабул қилинди ва ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига ҳамда бошқа қонун ва меъёрий-хукукий хужжатларга акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаслигидан иборат тартиб киритилди.

Шунингдек, ушбу Қарорга мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлган, аввал ташкил этилган акциядорлик жамиятлари ҳам 2016 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда устав капиталида 15 фоиздан кам бўлмаган микдорда хорижий инвестицияларни жалб қилиш лозимлиги белгиланди ҳамда ушбу талабларни таъминламаган акциядорлик жамиятлари акциядорлик жамиятлари реестридан чиқарилади ва бошқа ташкилий-хукукий шаклларга ўзгартирилиши белгилаб кўйилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича нархи бошқариладиган ижтимоий аҳамиятга эга товарлар ва хизматларни етказиб берувчи акциядорлик жамиятлари бундан мустасно сифатида эътиборга олиниб кўйилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, эндиликда, мазкур ПК-2454 сонли Қарор ҳамда юкорида номлари келтирилган меъёрий-хукукий хужжатларга мувофиқ янги ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутиладиган ҳолатлардан ташқари, факат хорижий инвесторнинг устав капиталидаги иштироки улуши 15 фоиздан кам бўлмаган тақдирдагина ташкил этиш мумкин бўлди. Бундан ташқари хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга хорижий инвестор томонидан киритилган инвестициялар ҳажмига қараб юридик шахсларнинг фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солик тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш бўйича берилган имтиёзлар табақалаштирилган тарзда хорижий инвесторнинг улуши устав капиталининг 15 фоизидан 33

фоизигача миқдорни ташкил этадиган акциядорлик жамиятларига татбик этиш белгилаб қўйилди. Бу эса ўз навбатида акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларнинг кириб келишига қулай ва самарали инвестицион мухит яратилишига туртки беради. Шунингдек, 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятларида уларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида олаётган даромадидан солиқ тўлашдан озод қилишининг белгиланиши ҳам бугунги кунда мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур ПҚ-2454-сон Қарорини бажариш юзасидан, шунингдек, акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни кенг жалб этиш, уларнинг корпоратив бошқарувда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, сифатли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва уларни ташки бозорларга етказиб беришни ташкил этишда фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, акциядорлик жамиятларининг устав капиталидаги давлат активлари ва улушларини қисқартириш хисобига иктисадиётда давлат иштирокини тубдан камайтириш мақсадида 2016 йил 10 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 33-сонли Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур 33-сонли Қарорига мувоғик хорижий инвесторларга акцияларини сотувчи қуйидаги учта гуруҳ акциядорлик жамиятларининг рўйхати тасдиқланди. Хорижий инвесторларга акциялар сотувчи акциядорлик жамиятларининг сони қуйида 2.5-расмда келтирилган бўлиб, бу ерда асосан давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари инобатга олинган. Ушбу расмда келтирилган 1-гурухга кирувчи акциядорлик жамиятлари, яъни устав капиталидаги давлат улушкининг камида 15 фоизи хорижий инвесторларга сотиладиган акциядорлик жамиятлари 25 тани ташкил этади. 2-гурухга кирувчи, яъни устав капиталидаги камида 15 фоиз улуши, шу жумладан кўшимча акцияларни чиқариш йўли билан, хорижий инвесторларга сотиладиган акциядорлик жамиятларининг сони 64 тани ташкил этади. Ушбу иккита гуруҳ таркибига кирувчи жами 89 та акциядорлик жамиятлари белгиланган муддатгача устав капиталида улуши камида 15% миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилиш мажбуриятига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги 33-сонли Қарорига мувофиқ акциядорлик жамиятлари гурухлари

1	Устав капиталидаги давлат улушининг камидаги 15 фоизи хорижий инвесторларга сотиладиган акциядорлик жамиятлари	25 та
2	Устав капиталидаги камидаги 15 фоиз улуши, шу жумладан кўшимча акцияларни чиқариш йўли билан, хорижий инвесторларга сотиладиган акциядорлик жамиятлари	64 та
3	Ишлаб чиқариш ва стратегик хом ашёни дастлабки қайта ишлаш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи акциядорлик жамиятларининг, шунингдек табиий монополиялар субъектларининг ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматларни тартибга солиб бориладиган нархлар бўйича етказиб берувчилар	262 та

2.5-расм. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги 33-сонли Қарорига мувофиқ акциядорлик жамиятлари гурухлари²²

Учинчи гурух таркибига киравчи акциядорлик жамиятлари, яъни ишлаб чиқариш ва стратегик хом ашёни дастлабки қайта ишлаш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи, шунингдек, табиий монополиялар субъектларининг ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматларни тартибга солиб бориладиган нархлар бўйича етказиб берувчи акциядорлик жамиятлари 262 тани ташкил этади. Ушбу акциядорлик жамиятларидан айримлари бугунги кунга қадар 15% ёки ундан ортиқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилиб бўлган, айримлари эса давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни амалга ошираётганларни сабабли хорижий инвестицияларни жалб қилиш талаб этилмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳукumat қарорлари ижросини бажариш мақсадида бугунги кунда акциядорлик жамиятлари томонидан хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда. Ушбу акциядорлик жамиятларидан бугунги кунда 37 таси томонидан хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлиб, ушбу акциядорлик жамиятлари хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқdir (2.1-жадвал).

²²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги 33-сонли Қарори маълумотлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари томонидан бугунги кунда жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳолатини 2.1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин. Ушбу жадвал маълумотларига мувофиқ бугунги кунга қадар ўрганилаётган 37 та акциядорлик жамиятларидан 15 таси устав капиталида улуши 15% микдорида хорижий инвестициялар жалб қилган. 10 та акциядорлик жамиятлари устав капиталида 15,1%дан 30% гача микдорда хорижий инвестицияларни жалб қилишга эришган. Қолган 12 та акциядорлик жамиятлари эса устав капиталида 31,1%дан 93,2% гача микдорда хорижий инвестицияларни жалб қилишга эришган.

2.1-жадвал

Акциядорлик жамиятлари томонидан хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг амалдаги ҳолати²³


№	Акциядорлик жамиятлари номи	Сони	Киритилган хорижий инвестициялар улуши
1	“Энерго таъмир” АЖ, “Ўзэнерготаъминлаш” АЖ, “Гранит” АЖ, “Тошкент йўловчи вагонларини куриш ва таъмирлаш заводи” АЖ, “Сино” АЖ, “Наманганвино” АЖ, “Денов вино-арок” АЖ, “Сирдарё вино” АЖ, “Конвин” АЖ, “Ипак йули банк” АЖ “Ўзсувлойиха” АЖ, “Қашқадарё дори-дармон” АЖ, “Тошкент вилояти дори-дармон” АЖ, “Фаргонга дори-дармон” АЖ, “Андикон дори-дармон” АЖ	15 та	15%
2	“Навоий дори-дармон” АЖ, “Шохруд” АЖ, “Нукус вино заводи” АЖ, “Электр тармок курилиш” АЖ, “Урганч шароб” АЖ, “Наманган дори-дармон” АЖ, “Мастона” АЖ, “Ўзбекистон шампани” АЖ, РФБ «Тошкент» АЖ, “Ўзкоммайшийсавдо” АЖ	10 та	15,1%-30%
3	“Агалық-ломанин-парранда” АЖ, “Нефт таъминот” АЖ, “Мадад” АЖ, “Фаргонга гўшт-сут савдо” АЖ, “Гермес петрол системс” АЖ, “Самарқанд мармар” АЖ, “Бизнес центр Самарқанд” АЖ, “Норинтекс” АЖ, “Ўзкимеполимерсавдо” АЖ, “Ангрен пак” АЖ, “Шифобаҳш булок” АЖ, “Тошкент курилиш моллари комбинати” АЖ	12 та	30,1%-93,2%

Бугунги кунга қадар мазкур 37 та акциядорлик жамиятларига кайси хорижий давлатлардан инвестициялар кириб келганлигини

²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси маълумотлари (www.gki.uz) асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

үрганиш мухим ахамият касб этади ва буни 2.6-расмда кўришимиз мумкин.

Күйида көлтирилгандай 2.6-расм маълумотларига кўра ўрганилаётган 37 та акциядорлик жамиятларидан саккизтаси Россия Федерацияси, бештаси Буюк Британия, тўрттаси АҚШ, яна тўрттаси Хиндишон, иккитаси Германия, иккитаси Латвия, иккитаси Хитой, иккитаси Швейцария, олтитаси Австрия, Грузия, Канада, Озарбайжон ва Чехия давлатлари томонидан инвестициялар жалб килишга эришган. Акциядорлик жамиятларидан биттаси Россия Федерацияси ва Украина давлатлари томонидан, биттаси Осиё тараққиёт банки ва яна биттаси Корея фонд биржаси томонидан инвестициялар жалб килишга эришган.



2.6-расм. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 33-сонли Қарори ижросини бажариш мақсадида акциядорлик жамиятлари томонидан устав капиталида камида 15 % инвестициялар жалб қилинган хорижий давлатлар²⁴

2016 йил 5 августда Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Узбекистон Республикаси Президентининг “Акция-

²⁴ Узбекистон Республикаси Давлат ракобат кўмитаси маълумотлари (www.gki.uz) асосида мувалиф томонидан тайёрланди.

дорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон Қарорининг бажарилиши ҳакида”ги 252-сонли Қарори карори қабул килинди. Ушбу Қарор бугунги кунда акциядорлик жамиятлари ҳамда давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликларни янада ривожлантириш ва самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда деб, таъкидлашимиз мумкин. Чунки ушбу қарорга мувофик бугунги кунда давлат иштирокидаги аксарият акциядорлик жамиятлари учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш муддатлари узайтирилди ва айрим акциядорлик жамиятлари эса бошқа ташкилий-хуқуқий шаклдаги юридик шахсларга айлантирилди (2.2-жадвал).


2.2-жадвал

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш муддатлари узайтирилган ва бошқа ташкилий-хуқуқий шаклдаги юридик шахсларга айлантирилган акциядорлик жамиятлари²⁵

№	Кўрсаткичлар	Акциядорлик жамиятлари сони
1	Хорижий инвесторларни жалб этишининг узил-кесил муддатини 2016 йил 1 ноябргача этиб белгиланган акциядорлик жамиятлари	26 та
2	Хорижий инвесторларни жалб этишини 2016 йил 31 декабргача қилиб белгиланган акциядорлик жамиятлари	61 та
3	Хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш кувватлари негизида ташкил қилишида иштирок этадиган кўшма корхоналар	15 та
4	Танлов асосида «нол» сотиш қиймати бўйича, инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул килинган холда хусусий мулк этиб сотиладиган акциядорлик жамиятларнинг акциялари пакетлари ва давлат активлари	15 та
5	Бошқа ташкилий-хукукий шаклдаги юридик шахслар сифатида шакллантирилаётган акциядорлик жамиятлари	35 та

Вазирлар Махкамасининг 252-сонли Қарорига мувофик давлат иштирокидаги айрим акциядорлик жамиятлари учун хорижий

²⁵ Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 5 августдаги Узбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон Қарорининг бажарилиши ҳакида”ги 252-сонли Қарор иловалари маълумотлари асосида тайёрланди.



инвестицияларни жалб қилиш муддатлари узайтирилди ва айрим акциядорлик жамиятлари улар томонидан 2016 йил 1 июлягача устав капиталида камида 15% миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинмаганлиги учун бошқа ташкилий-хукуқий шаклдаги юридик шахсларга айлантирилди. Бу бўйича маълумотларни 2.2-жадвалда кўришимиз мумкин. Ушбу 2.2-жадвал маълумотларига кўра 26 та акциядорлик жамиятлари учун хорижий инвесторларни жалб этишнинг узил-кесил муддатини 2016 йил 1 ноябргача этиб белгиланди. 61 та акциядорлик жамиятлари учун эса хорижий инвесторларни жалб этишни 2016 йил 31 декабргача қилиб белгиланди. Шунингдек, хорижий инвесторлар иштирокида 15 та кўшма корхона ташкил этилиши ҳамда яна бошқа 15 та акциядорлик жамиятларини инвестицион мажбуриятларини бажариш шарти билан инвесторларга “ноль” кийматда сотилиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари 35 та акциядорлик жамиятлари белгиланган муддатларда ва белгиланган миқдорларда хорижий инвестицияларни жалб қила олмаганларни сабабли бошқа ташкилий-хукуқий шаклдаги юридик шахсларга айлантирилиши белгиланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда уларнинг маҳаллий ва халқаро бозорларда самарали фаолият юрита оладиган акциядорлик жамиятларини ташкил этишга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунда мамлакатимизда акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарувни ташкил этишга эришилмоқда. Шунингдек, акциядорлик жамиятларининг ривожланиши ва уларнинг халқаро бозорлардаги нуфузини ошиши бевосита улар фаолиятида хорижий инвестицияларнинг мавжудлигига ҳам боғлиkdir. Шу сабабдан бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларда айнан ушбу масалаларни ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда.

2.3. Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида давлат иштироки ҳолати таҳлили

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда акциядорлик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга сотиш хисобидан республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси

ва ролини тубдан ошириш, улар фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, хусусийлаштириш жараёнларни чукурлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда уларнинг ички ва ташки бозорларда рақобатдошлигини оширишга замин яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуида бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида давлат иштироки ҳолати хусусида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Бизга маълумки, давлатнинг акциядорлик жамиятлари устав капиталида маълум бир улуш орқали иштирок этиши давлат молияси ва корпоратив молия ўртасидаги ўзаро боғликларни таъминловчи механизмлардан биридир. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари сони 2017 йилнинг январ ойи ҳолатига 659 тани ташкил этади. Умуман олганда мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари сони сезиларли равишда камайиш тенденциясига эга. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон Қарорининг қабул қилиниши ҳамда ушбу карор ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда хорижий инвестицияларни белгиланган микдорда ва муддатларда жалб қила олмаган акциядорлик жамиятларини босқичма-босқич бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга айлантириш амалиёти кўлланилаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Бизнинг фикримизча ушбу амалиётни амалга ошириш бир томонлама қараганда мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чunksi, мамлакатимиздаги ҳар бир акциядорлик жамиятининг инвестицион жозибадорлиги юқори даражада бўлиши ва исталган вақтда хорижий инвестицияларни жалб қила оладиган даражага чиқиши лозим. Келгусида бундай акциядорлик жамиятлари сонининг ортиши мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳамда аҳолини иш билан банд қилиш орқали уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда мухим роль ўйнайди. Бошқа томондан қараганда эса, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни мажбуран жалб қилишни ташкил этиш ва хорижий

инвестицияларни жалб қилмаган акциядорлик жамиятларини бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга айлантириш бозор иқтисодиёти шароитида акциядорлик жамиятларининг эркин фаолият юритиши ва юксак максадларига эришишига тўсқинлик қиласи. Мазкур ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда айрим инвестицион жозибадорлиги паст бўлган акциядорлик жамиятларини буғунги кунда қонунчилик доирасида бошқа мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга айлантириш амалиёти кўлланилмоқда. Шу сабабли ҳам сўнгти вакътларда мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари сонини камайтириб, уларнинг сифатини ошириб боришга давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларини уларнинг устав капиталида давлатнинг иштирокига қараб, икки гурухга ажратишимиз мумкин, яъни давлат иштирокдаги акциядорлик жамиятлари ва давлат иштироки мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятлари. Бундай тасниф бўйича амалдаги ҳолат ва уларнинг устав капитали ҳақидаги маълумот қўйидаги жадвалда келтирилган (2.3-жадвал).

2.3-жадвал маълумотларига кўра буғунги кунда мамлакатимизда 659 та акциядорлик жамиятлари фаолият юритади. Ушбу акциядорлик жамиятларидан 158 тасининг устав капиталида турли даражада давлатнинг иштироки мавжуд. Яъни, қолган 501 та акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлатнинг иштироки мавжуд эмас. Шунингдек, ушбу маълумотларга мувофиқ, 659 та акциядорлик жамиятларидаги умумий устав капитали 30463,50 млрд сўмни ташкил этади. Шундан давлат иштироки мавжуд бўлган 158 та акциядорлик жамиятлари умумий устав капитали 24567,95 млрд сўмни ташкил этиб, ушбу устав капиталининг 21830,47 млрд сўм миқдордаги қисми давлат улушига тўғри келади.

Устав капиталида давлат иштироки мавжуд бўлмаган 501 та акциядорлик жамиятларида умумий устав капитали миқдори 5895,55 млрд сўмни ташкил этади. Ушбу маълумотлар ўз навбатида, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари бўйича ўртacha устав капитали миқдори 155,5 млрд сўмни, давлат иштироки мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятлари бўйича эса ўртacha устав капитали миқдори 11,8 млрд сўмни ташкил этишини кўрсатади.

2.3-жадвал

Давлат иштирокидаги ва давлат иштироки мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятларида умумий устав капитали (05.01.2017 ҳолатига)²⁶


	Кўрсаткичлар	АЖ лар сони	АЖларининг умумий УК (млрд сўм)	АЖларининг умумий УКда давлат иштироки (млрд сўм)	АЖларининг УКда ўртача давлат улуши (%да)
1	Давлат иштирокидаги АЖлар	158	24567,95	21830,47	88,86%
2	Давлат иштироки мавжуд бўлмаган АЖлар	501	5895,55	0	0%
3	Давлат иштирокидаги АЖларда ўртача УК микдори	x	155,5	138,2	88,86%
4	Давлат иштироки мавжуд бўлмаган АЖларда ўртача УК микдори	x	11,8	0	0%
ЖАМИ		659	30463,50	21830,47	71,66%

Бу ўз навбатида, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларидаги ўртача устав капитали микдори давлат иштироки мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятларидаги ўртача устав капитали микдорига қараганда 13 (155,5/11,8) баробардан ортиқ эканлигини кўрсатади. Шунингдек, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат улуши ўртача 88,86%ни ташкил этади. Ушбу микдор бугунги кунда мамлакатимиздаги жами акциядорлик капиталига нисбатан 71,66%ни ташкил этади.

Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигига ташкил этилган акциядорлик жамиятларининг худудлар кесимида тақсимланиш ҳолатини ўрганиб чикиш мазкур илмий тадқиқот ишимизнинг моҳиятини янада ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Буни 1-расмда кўришимиз мумкин. Ушбу расм маълумотларига кўра, давлат иштирокидаги 158 та акциядорлик жамиятларининг 95 таси Тошкент шаҳрида, 13 таси Фаргона вилоятида, 10 таси Тошкент вилоятида, 12 таси 6 тадан Қашқадарё ва Андижон вилоятларида, 5

²⁶ www.openinfo.uz – (Корпоратив ахборот ягона портали расмий веб сайти) ва www.deponet.uz (Марказий депозитария расмий веб сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

таси Хоразм вилоятида, 12 таси 4 тадан Бухоро, Наманган ва Жиззах вилоятларида, 6 таси 3 тадан Навоий вилояти ва Коракалпогистон Республикасида, 4 таси 2 тадан Самарканд ва Сурхондарё вилоятларида ҳамда 1 таси Сирдарё вилоятида фаолият юритади. Демак, шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларининг асосий қисми Тошкент шаҳрида фаолият олиб бормокда. Яъни, бошқа сўз билан айтганда, устав капиталида иштирок этиш бўйича давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўлами Тошкент шаҳрида бошқа худудларга қарангандা анча юқори эканлигини кайд этиш мумкин.



2.7-расм. Худудлар кесимида давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари сони (05.01.2017 ҳолатига)²⁷

Маълумки, мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида давлатнинг иштироки турличадир. Бу эса ўз навбатида, давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро инвестицион ҳамкорликларининг турлича бўлишини акс эттиради. Шу сабабли ҳам давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро инвестицион ҳамкорлик муносабатларини чукурроқ ўрганиш

²⁷ www.csam.uz – (Давлат активларини бошқариш маркази расмий веб сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ва бунда акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат иштироки даражасини чуқуррок ўрганиш мухим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиккан ҳолда акциядорлик жамиятларини устав капиталидаги давлатнинг улушкига кўра гурухларга ажратамиз ҳамда уларда давлат улушининг ўртача микдори хусусида тўхталиб ўтамиз (2.4-жадвал).


2.4-жадвал

Давлат иштироки турлича бўлган акциядорлик жамиятлари ва уларда умумий устав капитали (05.01.2017 ҳолатига)²⁸

№	АЖларда давлат улушки бўйича ораликлар	АЖлар сони	АЖларининг умумий УК (млрд сўм)	АЖларининг умумий УКда давлат иштироки (млрд сўм)	АЖларнинг УКда ўртача давлат улушки (%)
A	B	C	D	E	G = E/D*100%
1	10% гача	11 та	304,26	9,97	3,28%
2	10% дан 20% гача	3 та	47,85	5,15	10,77%
3	20% дан 30% гача	9 та	389,92	94,77	24,30%
4	30% дан 40% гача	5 та	90,13	32,53	36,09%
5	40% дан 50% гача	14 та	2366,06	1143,83	48,34%
Давлат улушки 50% гача бўлган АЖлар		42 та	3198,23	1286,24	40,22%
6	50% дан 60% гача	55 та	409,29	219,55	53,64%
7	60% дан 70% гача	8 та	970,97	645,52	66,48%
8	70% дан 80% гача	11 та	332,37	248,05	74,63%
9	80% дан 90% гача	9 та	849,21	738,56	86,97%
10	90%дан 100%гача	10 та	5094,81	4979,48	97,74%
11	100%	23 та	13713,07	13713,07	100%
Давлат улушки 50% дан ортиқ бўлган АЖлар		116 та	21369,72	20544,23	96,14%
ЖАМИ		158 та	24567,95	21830,47	88,86%

Юкорида келтирилган 2.4-жадвалда мамлакатимизда давлат иштироки мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларининг устав капиталида давлат улушининг микдори ҳар 10% оралиғига эга бўлган акциядорлик жамиятлари сони, уларда умумий устав капитали микдори ҳамда улар бўйича давлат улушининг ўртача микдори келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларига мувофик, давлат иштироки 10% гача бўлган акциядорлик жамиятлари сони

²⁸ www.openinfo.uz – (Корпоратив ахборот ягона портали расмий веб сайти) ва www.deponet.uz (Марказий депозитария расмий веб сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



11 тани ва улардаги умумий устав капитали миқдори 304,26 млрд сўмни ташкил этади ҳамда уларнинг умумий устав капиталидаги давлатнинг улуши 9,97 млрд сўм ёки ўртacha 3,28% ни ташкил этади.

Давлат иштироки устав капиталида 50% гача бўлган акциядорлик жамиятлари сони 42 тани, умумий устав капитали миқдори 3198,23 млрд сўмни ташкил этади. Ушбу 42 та акциядорлик жамиятлари устав капиталида ўртacha давлат улуши 40,22%ни ёки 1286,24 млрд сўмни ташкил этади. Мамлакатимизда 55 та акциядорлик жамиятларининг устав капиталида давлат иштироки 50-60% оралиғида бўлиб, ушбу акциядорлик жамиятларининг умумий устав капитали миқдори 409,29 млрд сўмни ташкил этади. Ушбу акциядорлик жамиятларининг умумий устав капиталида давлат улуши ўртacha 53,64%ни ташкил этади. Шунингдек, мамлакатимизда 23 та акциядорлик жамиятларида давлат иштироки 100% ни ташкил этиб, уларнинг умумий устав капитали миқдори 13713,07 млрд сўмни ташкил этади. Шундай килиб мамлакатимизда 158 та акциядорлик жамиятларидан 116 тасида давлат улуши 50% дан ортиқни ташкил этади. Ушбу акциядорлик жамиятларида умумий устав капитали миқдори 21369,72млрд сўмни ташкил этиб, ушбу миқдорнинг 20544,23 млрд сўм қисми, яъни 96,14% и давлатга тегили бўлиб хисобланади.

Мамлакатимизда давлат ва корпоратив ҳамкорлик муносабатларида хўжалик бошқарув органларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Хўжалик бошқарув органлари хусусида қатор меъёрий-хукуқий хужоатларда алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сонли Фармонида қўйидаги асосий ташкилий-хукуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органлари хисобланиши келтириб ўтилган²⁹:

1) таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сонли Фармони

2) муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш хуқуқисиз айrim умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган ўюшмалар.

Демак, акциядорлик жамиятлари шаклидаги хўжалик бошқарув органлари устав капиталида давлат иштироки мавжуд бўлган ва акциялар бўйича бошқарув пакети давлатга тегишли бўлган акциядорлик жамиятлари бўлиб хисобланади. Бундай хўжалик бошқарув органлари бугунги кунда катор акциядорлик жамиятларининг устав капиталида маълум бир микдорда акциялар пакетига эгалик қиласди. Масалан, “Дори-дармон” акциядорлик жамият устав капиталида давлатнинг иштироки 36,1 %ни ташкил этади ва бу акциядорлик жамияти ҳам хўжалик бошқарув органи бўлиб саналади. Мазкур хўжалик бошқарув органининг бошқарувида худудларда 8 та акциядорлик жамиятлари мавжуд. Ушбу акциядорлик жамиятлари “Тошкент шаҳар дори-дармон” АЖ, “Тошкент вилояти дори-дармон” АЖ, “Навоий дори-дармон” АЖ, “Фарғона дори-дармон” АЖ, “Самарқанд дори-дармон” АЖ, “Қашқадарё дори-дармон” АЖ, “Андижон дори-дармон” АЖ ва “Наманган дори-дармон” АЖ бўлиб хисобланади. Ушбу акциядорлик жамиятларининг ҳар бири устав капиталида “Дори-дармон” акциядорлик жамияти 51% ва ундан ортиқ улушга эга бўлиб, уларнинг устав капиталида давлатнинг иштироки мавжуд Эмас³⁰. Устав капиталида давлат ва хўжалик бошқарув органлари иштироки мавжуд акциядорлик жамиятлари ҳақида маълумотларни 2.5-жадвалда кўришимиз мумкин. Бу ўз навбатида бизга мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари фаолиятларида давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ўрни кай даражад эканлиги тўғрисида умумий маълумот беради.

Куйидаги 2.5-жадвал маълумотларига кўра мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларидан 158 тасида давлат иштироки мавжуд бўлиб, хусусан, шундан 43 та акциядорлик жамиятларида давлат билан бир қаторда хўжалик бошқарув органларининг ҳам иштироки мавжуд.

Мамлакатимизда давлат иштироки мавжуд бўлмаган колган 501 та акциядорлик жамиятларининг 376 таси устав капиталида хўжалик бошқарув органларининг турли даражада иштироки

³⁰ www.doridarmo...uz – (“Дори-дармон” акциядорлик жамиятрасмий веб сайти).

мавжуддир. Устав капиталида хўжалик бошқарув органлари эмас, фақатгина давлат иштироки мавжуд бўлган 115 та акциядорлик жамиятларида умумий устав капитали 22658,58 млрд сўм бўлиб, бунда давлатнинг иштироки 20959,54 сўм бўлиб хисобланади. Ушбу акциядорлик жамиятлари устав капиталининг ўртача миқдори 197,0 млрд сўмни ташкил этади. Ҳам давлат ҳам хўжалик бошқарув органлари иштирокидаги 43 та акциядорлик жамиятларида умумий устав капитали миқдори 1909,38 млрд сўмни ташкил этиб, бунда фақатгина давлатнинг иштироки 870,93 млрд сўмни ташкил этади.

2.5-жадвал

**Давлат ва хўжалик бошқарув органлари иштирокидаги
акциядорлик жамиятлари (05.01.2017 ҳолатига)³¹**

№	Кўрсаткичлар	АЖлар сони	АЖларнинг умумий устав капитали (млрд сўм)	АЖлар устав капиталида давлат иштироки (млрд сўм)	АЖларда ўртача устав капитали миқдори
A	B	C	D	E	F=D/C
1	АЖлар устав капиталида давлат иштироки	115	22658,58	20959,54	197,0
2	АЖлар устав капиталида давлат ва хўжалик бошқарув органлари иштироки	43	1909,38	870,93	44,4
3	АЖлар устав капиталида хўжалик бошқарув органлари иштироки	376	4677,06	0	12,4
4	Хусусий АЖлар	125	1218,87	0	9,8
АЖлар сони ЖАМИ		659	30463,9	21830,47	46,2

Ушбу акциядорлик жамиятлари устав капиталининг ўртача миқдори эса 44,4 млрд сўмни ташкил этади. Устав капиталида давлат иштироки мавжуд бўлмаган, лекин хўжалик бошқарув органларининг иштироки мавжуд 376 та акциядорлик жамиятларида умумий устав капитали миқдори 4677,06 млрд сўмни ва ўртача устав капитали миқдори эса 12,4 млрд сўмни ташкил этади.

³¹ www.openinfo.uz – (Корпоратив ахборот ягона портали расмий веб сайти) ва www.deponet.uz (Марказий депозитария расмий веб сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Қолган 125 та хусусий акциядорлик жамиятларида умумий устав капитали миқдори 1218,87 млрд сүмни ва уларнинг ўртача устав капитали миқдори эса 9,8 млрд сүмни ташкил этади. Демак, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида ўртача устав капитали миқдори хўжалик бошкарув органлари иштирокида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари бўйича ўртача устав капитали миқдоридан юқори эканлигини ҳамда ушбу миқдор эса хусусий акциядорлик жамиятлари бўйича ўртача устав капитали миқдоридан юқоридир.

2.4. Давлат ва корпоратив молия муносабатларда солик хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Маълумки, соликлар ҳам корпоратив молия ҳам давлат молиясида алоҳида мухим аҳамиятга эга. Чунки буғунги кунда барча турдаги тадбиркорлик субъектлари молияси ва давлат молияси ўртасидаги муносабатларнинг асосини солик муносабатлари ташкил этади. Корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини ошириш орқали давлат молиявий барқарорлигини янада ошириб боришини таъминлашда солик тизимидағи мавжуд муаммоларни, яъни молия тизимига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соликлар ва мажбурий ажратмалар билан боғлик ҳолатларни бартараф этиш масалалари, яъни солик хавфсизлигини таъминлаш алоҳида мухим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шундан келиб чиккан ҳолда куйида солик хавфсизлигини таъминлашнинг корпоратив молия ва давлат молиясининг самарали ишлашидаги аҳамиятли жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Солик хавфсизлиги тушунчасининг иктисадий моҳияти бевосита солик билан боғликлиги сабабли, аввало солик рисклари моҳиятига тўхталиб ўтишимиз лозим.

Иктисадий адабиётларда солик рискларининг давлат ва корхона молиявий ҳолатига таъсир этиши ва унинг таъсирини камайтириш йўллари тўғрисида умумий маълумотлар келтирилган бўлиб, ammo солик рисклари даражаси қанча эканлиги ва унинг таъсири қанча миқдордаги молиявий йўқотишларга олиб келиши ҳакида маълумотлар келтирилмаган. Буғунги ўзгарувчан ташки Муҳит шароитида солик риски даражасини аниқлаш мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки,

солик рискларининг мавжудлиги солик тұловчилар ва давлат бюджетининг молиявий йүкотишилар эхтимолини келтириб чиқаради.

Умуман “Солик риски” түшунчасига “Солик муносабатларида катнашувчи субъектларнинг ўз мажбуриятларини бажариш борасидаги фаолияти давомида юзага келиши мүмкін бўлган ва соликлар амал қилишидан бевосита манфаатдор бўлган томонларнинг кўшимча молиявий йўкотишиларига сабаб бўлувчи хавфхатар” дея таъриф бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бундан кўриниб турибдики солик рискларининг олдини олиш бевосита кўшимча молиявий йўкотишиларнинг олдини олиш орқали молия тизимининг, хусусан давлат ва корпоратив тузилмалар молиявий баркарорлигини таъминлашга хизмат қиласи ва солик хавфсизлигига замин яратади.

Солик хавфсизлиги иқтисодий адабиётларда турлича баён этилган. Айрим адабиётларда солик хавфсизлигига солик тизимида юзага келиши мүмкін бўлган салбий ҳолатларни бартараф этувчи иқтисодий хавфсизликнинг таркибий кисми сифатида каралади. Айримларида эса солик хавфсизлиги корпоратив молия ва давлат молиясида юзага келиши мүмкін бўлган солик рискларини минималлаштириш ва уларни бартараф этишини таъминлаш сифатида каралади.

Бу борада Б.В.Воронцовнинг фикрича, “Солик хавфсизлиги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хисобланган соликларни ўз вактида ва тўлиқ тўлаш, ижро этувчи ва конунчилик органлари томонидан конунчиликда белгиланган тартибда солик тўловчилар хукукларини ҳимоя қилиш орқали солик рискларини минималлаштириш таъминланган солик тўловчининг молиявий-иктисодий ҳолатини англалади”³².

Бугунги кунда солик хавфсизлиги иқтисодий хавфсизликнинг энг мухим элементларидан бири бўлиб хисобланади. Давлат ўз функцияларини давлат бюджети орқали молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган тақдирдагина бажара олади. Бунда соликлар давлат бюджети даромадларининг асосий кисмини ташкил этади. Шунинг учун солик хавфсизлигини таъминлаш – жамият иқтисодий хавфсизлигининг ажралмас қисмидир.


³² Воронцов Б В Налоговая безопасность государства и экономических систем [Электронный ресурс] // Проблемы современной экономики. 2008. № 3. URL: <http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=2199>.

Сүнгги йилларда солиқ тизимини такомиллаштириш ва бу буйича олиб борилаётган солиқ ислохотлари жараёнида солиқ хавфсизлиги механизмини ишлаб чикиш ва бунда корхоналар иктисодий хавфсизлигини ошириш ҳамда иктисодий хавфсизликнинг корхона фаолияти самарадорлигига таъсирини баҳолаш методларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бир-бирига боғлик равишда давлат солиқ хавфсизлигини таъминлаш ва молиявий баркарорлигини оширишга хизмат қиласи.

Солиқ хавфсизлиги давлат ва корпоратив миқёсда ўрганилганда эътибор каратиладиган жиҳатларни алоҳида-алоҳида кўриб чикамиз. Аввало давлат солиқ хавфсизлигини таъминлашда эътибор каратиладиган жиҳатлар сифатида давлат органлари томонидан соликларнинг тегишли бюджетларга ўз вактида ва тўлиқ тушиши кафолатланганлиги; солиқ тўловчиларнинг хукуқ ва эркинликлари таъминланганлиги; миллий манфаатларнинг химояланганлиги; солиқ сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш кабиларни келтиришимиз мумкин. Макроиктисодий жиҳатдан солиқ хавфсизлиги давлат бюджетига соликлар ва мажбурий ажратмалар ўз вактида ва тўлиқ келиб тушишининг кафолатланганлигини ўзида намоён этади.

Корпоратив миқёсда солиқ хавфсизлиги эса хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобланган соликларни белгиланган тартибда тўлаш имконияти яратилганлиги, соликларнинг корхона молиявий ҳолатига таъсири минималлаштирилганлиги, ижро этувчи ва конунчилик органлари томонидан корхонанинг солиқ тўловчи сифатида хукуқ ва манфаатлари таъминланганлиги ҳолатини келтиришимиз мумкин. Корпоратив миқёсда солиқ хавфсизлигини таъминлаш асосида корхона фаолият самарадорлигига таъсир этувчи омилларни баҳолаш метод ва усусларидан фойдаланиш йўли орқали корхона фаолият доирасида солиқ юкини пасайтириш ва солиқ рискларини бошкариш ётади.

Солиқ хавфсизлигини таъминлашда авваламбор белгиланган тартиб коидаларга, яъни умум эътироф этилган принципларга амал қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Солиқ хавфсизлиги принциплари молия тизимида солиқ рискларини пасайтиришга ҳамда мамлакат иктисодий фаровонлигини оширишга хизмат қиласи. Шундан келиб чиккан ҳолда куйида солиқ хавфсизлигини таъминлаш принциплари хақида тўхталамиз.



2.8-расм. Корпоратив миқёсда солиқ riskлари зоналари³³


Солиқ хавфсизлигининг қонунийлик принципи барча фаолият ва соҳаларда солиқ муносабатларининг сўзсиз қонуний ташкил этиш лозимлигини билдиради. Солиқ хавфсизлигининг аниқлик принципи солиқ муносабатлари иштирокчилари учун соликлар микдорини хисоблаш тартиби аниқ белгилаб қўйилиши лозимлигини англатади. Чунки соликларни тўлаш тартибидаги ноаниқликлар солиқ riskларининг юзага келишига олиб келади. Солиқ хавфсизлигини таъминлашнинг тартибга солиш принципи солиқ ҳуқуқбузарликлари ёки хатоликлари юзага келишининг олдини олиш максадида жавобгарлик чоралари белгиланишини назарда тутади. Солиқ хавфсизлигининг адолатлилик принципи солиқ мунозараларини адолатлилик асосида юритиши кераклигини англатади. Солиқ хавфсизлигини таъминлашнинг очиклик принципи корпоратив молиявий хисоботлардан ички солиқ назоратчилари, аудиторлар ва солиқ маслаҳатчилари учун фойдаланишга тўлиқ рухсат бериш лозимлигини назарда тутади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, солиқ riskлари юзага келиши бевосита солиқ хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан солиқ riskлари зоналарини аниқлаш ўз навбатида солиқ хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Куйида солиқ riskлари зоналарини корпоратив молия ва давлат молияси учун алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз. Куйида корпоратив миқёсда солиқ riskлари зоналари акс эттирилган (2.8-расм).

³³Муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги 2.8-расмда күриниб турибдики, корпоратив миқёсда солиқ рисклари зоналари асосан корпоратив тузилма ва шартномавий муносабатлар жараёни, солиқларни ҳисоблаш ва тұлаш жараёни ҳамда солик хизмати органлари билан муносабатлар жараёнида юзага келади. Бугунги кунда амалиётта күп учрайдиган солиқ рисклари асосан корпоратив тузилма ва шартномавий муносабатлар жараёнлари зонасида кузатилади. Чunksи корпоратив молияда энг мураккаб жараёнлар самарали молияй сиёсатни юритиш, оптималь шартномалар түзиш ва ҳокозолар ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда солиқ хавф-сизлигини таъминлашда авваламбор корхоналарнинг ташкилий-хукукий шакли, корхоналар молиявий сиёсати, шартномавий муносабатларга, шунингдек, корхоналарда самарали солиқ менежментини ташкил этиш мухим аҳамияттади.

Давлат бюджетига солиқлар ва мажбурий ажратмаларнинг ўз вақтида ва тұлық келиб тушмаслик хавф-хатарининг мавжудлиги бугунги кунда солиқ риск зоналарини давлат миқёсида ўрганишимиз заруриятини көлтириб чықаради. Давлат миқёсида солиқ рисклари зоналарини ўрганиш ҳамда давлат томонидан солиқ мажбуриятлари бажарылышини назорат қилишнинг самарали воситаларидан фойдаланиш солиқ рисклари көлтириб чыкаруши мүмкін бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш имконини яратади. Куйида давлат миқёсидаги солиқ риск зоналарини көлтириб ўтамиз (2.9-расм).



2.9-расм. Давлат миқёсидаги солиқ рисклари зоналари³⁴

³⁴ Муаллиф томонидан тайёрланды.

Корхоналар фаолиятида солик рискларини камайтириш ва солик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички солик назоратини ташкил этиш лозим, деб ўйлаймиз. Корхоналарда ташкил этиладиган ички солик назорати солик мажбуриятлари ижроси холатини баҳолайди. Бунинг натижасида солик юки даражаси аникланиб, уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш имкони туғилади. Шунингдек, солик тұловларининг ўтган даврдаги холатларини ўрганиш ҳамда мавжуд камчиликларни олдиндан аниклаш ва бартараф этиш имконини беради. Ички солик назорати самарадорлигини ошириш мақсадида солик маслаҳатчилари ёки аудиторлар хизматларидан фойдаланиши ҳам мумкин.

Корпоратив мікёсда солик хавфсизлигини таъминлашнинг яна бир усулу сифатида соликларни режалаштиришнинг таркибий қисми бұлған солик календарини түзишни келтиришимиз мумкин. Солик календари корхоналарнинг солик тұлаш муддатларини үзіда акс эттиради. Солик календарининг амал қилиши корхоналарда солик тұловларининг кечикиши билан боғлиқ хавф-хатарларни қысман камайтиради. Чунки мажбуриятларга мос равища тұлов манбалари ҳам белгиланади. Қуйида корхоналар учун намунавий солик календари келтирамиз (2.6-жадвал).

Хулоса

Корпоратив молия ва давлат молияси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик механизмини самараге ташкил этиши юзасидан олиб борилған илмий тадқикот ишларимиз ҳамда юкоридаги илмий қарашларимиздан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларни келтириб ўтамиз:

-корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабаталар тизими умумий молиявий муносабатларнинг асосий ва ажралмас қисми ҳисобланади ва уни самараге ташкил этиши ҳам корпоратив тузилмалар ҳам давлат молияси учун мұхим ахамияттасбеттес;

- корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар шартлы равища иккі гурұхға давлат корхоналари ва давлат ўртасидаги ҳамда хусусий корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларға бўлинади. Давлат корхоналари ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларининг кўлами иккинчи гурӯхдагига караганда кенгрокдир;

Корхоналар учун намунаий солик қалендари³⁵

№	Юридик шахслар томонида тұланадын солик на унга тәнгланырлдан тұловдарниң асосий тұлары	Хар бир чорак бүйшина солик тұландыған күндер												3-ой			
		1-ой			2-ой			3-ой			4-ой			5			
3	10	13	15	23	25	3	10	13	15	23	25	3	10	13	15	23	5
1	Юридик шахслардан олнадын фойда солғын	+				+						+					
1	Юридик шахслардан олнадын фойда солғын*											+					
2	Мол-мұлтқын солғын	+					+					+					
3	Ободоншығырын за ижтимоий инфраструктуралық солғын				+							+					
3	Ободоншығырын за ижтимоий инфраструктуралық солғын**																
4	Юридик шахслардан олнадын фойда солғын		+					+				+					
5	Академиялық солғын			+					+			+			+		+
6	Ягона ижтимоий тұлов																
7	ККС																
8	Ер көбірілдік фойдаланғатыл үчүн солик																
9	Сув ресурстардан фойдаланғатыл үчүн солик																
9	Сув ресурстардан фойдаланғатыл үчүн солик***																
10	Күншімчык фойда солғын																
11	Пенсия жамғармасыта мажбурлай ажратмаларын																
12	Республика Ын жамғармасыта мажбуторлық ажратмалар																
13	Таъымда ва тибиейт мұассасаларни реконструкция күтпіл, мұккамал таъмیرлап да жиҳозданып жамғармасын мажбурлай ажратмалар																
Итк.	* Солик солғындағы фойда эн кам иш хаддинең 200 бареберден камни ташып этудиң корхонаштар учун.																
	** Солик солғындағы фойда эн кам иш хаддинең 200 бареберден камни ташып этудиң корхонаштар учун.																
	*** Сув ресурстардан фойдаланғатыл үчүн солик сұмасын 200 баребердан камни ташып этудиң корхонаштар учун..																

³⁵ Ўзбекистон Республикасы Солик Кодексі аосында иштаб тақылтаган.

– корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги молияй муносабатларнинг асосий қисмини солик муносабатлари ташкил этади. Солик муносабатларини самарали ташкил этиши, солик қонунчилигини барқарорлаштириш ҳам корпоратив тузилмалар, ҳам давлат молияси учун муҳим аҳамият касб этади.

– сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларда давлат ва корпоратив тузилмалар ҳамкорлигига инвестицион фаолиятни ташкил этишда асосан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда давлат иштирокининг камайтиришга катта эътибор қаратилмоқда;

– акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улушини ошириш акциядорлик жамиятларининг маҳаллий ва ҳалқаро молия бозорларида амалга оширадиган операцияларининг самарадорлиги таъминланишига замин яратади;

– хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарувни ташкил этиш учун шароит яратилади ва корпоратив бошқарув карорларининг самарадорлиги таъминланади;

– хорижий инвестиция иштирокида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларида инновацион фаолиятни самарали ташкил этиши ва бу орқали экспорт ва импорт операцияларининг самарадорлигини таъминлаш, акциядорлик жамиятларини тез суръатларда ривожлантириш имконияти яратилади;

– мамлакатимизда фаолият юритаётган жами акциядорлик жамиятлари умумий устав капитали миқдорининг асосий қисмини давлат инвестициялари ташкил этади, яъни барча акциядорлик жамиятларидаги умумий устав капиталига нисбатан давлат томонидан киритган маблағлар 71,66%ни ташкил этади;

– мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари умумий устав капиталида давлатнинг улуши хусусий сектор улушкига Караганда бир неча марта кўпни ташкил этади. Яъни, мамлакатимиздаги умумий акциядорлик капиталининг 71,66%и давлат улушкига тўғри келади;

– давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларидаги ўртача устав капитали миқдори бошқа акциядорлик жамиятларидаги ўртача устав капитали миқдорига Караганда 13 баробардан ортикни ташкил этади, бу эса ўз навбатида давлат томонидан улуш киритган;

– мамлакатимизда давлат улуши 50% дан юкори бўлган акциядорлик жамиятлари сони давлат иштироқидаги бошқа акциядорлик жамиятлари сонига қараганда анча кўпни ташкил этади, шунингдек, давлат улуши 50%дан юкори бўлган акциядорлик жамиятларининг умумий устав капиталида давлатнинг ўртача улуши 88,86% ни ташкил этади;

– устав капиталида хўжалик бошқарув органларининг иштироқи мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларида давлатнинг улуши бўлмаса ҳам улардаги корпоратив бошқарув фаолиятига давлат таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки, бундай акциядорлик жамиятлари устав капиталига давлат иштироқидаги акциядорлик жамиятлари улуш киригтан;

– корпоратив миқёсда келтирилган солик хавфсизлигини таъминлаш йўллари ўз навбатида давлат миқёсида солик хавфсизлигини ҳам таъминлаш имконини беради;

– солик хавфсизлиги ҳам корпоратив молия ҳам давлат молияси учун муҳим аҳамият касб этиб этар экан уни таъминлаш учун давлат томонидан ҳамда хўжалик субъектлари томонидан аниқ чора тадбирлар белгиланиши лозим;

– давлат миқёсида солик хавфсизлигини таъминлаш учун солик конунчилиги барқарорлигини таъминлаш, солик юки даражасини оптималлаштириш, солик сиёсати ижтимоийлигини таъминлаш, мунозараларни адолатли ҳал қилиш, миллӣ манфаатларнинг ҳимояланганигини таъминлаш каби чора тадбирлар белгиланиши мақсадга мувоғик;

– корпоратив миқёсда солик хавфсизлигини таъминлаш учун ички солик назоратини амалга ошириш, солик календарини шакллантириш, ташкилий ва шартномавий муносабатларни тўғри белгилаш, ижро этувчи ва қонунчилик органлари томонидан солик тўловчиларнинг ҳукуқ ва манфаатлари таъминлаш каби чора тадбирлар белгиланиши лозим деб ўйлаймиз.

Умумий ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизимини самарали ташкил этиш, хусусан, корпоратив тузилмалар ва давлат ҳамкорлигидаги инвестицион муносабатлар ҳамда улар орасидаги солик муносабатларини самарали ташкил этиш ўз навбатида мамлакатимизда бизнес мухити яхшиланишига ва аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишига хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил декабрдаги Солик Кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон” Республикасининг айrim Қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар кириши тўғрисида” 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-411-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги 2014 йил 6 майдаги Қонуни (янги таҳрири).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 33-сонли Қарори маълумотлари асосида тайёрланди.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон Қарорининг бажарилиши ҳакида”ги 252-сонли Қарори иловалари маълумотлари асосида тайёрланди.
8. Воронцов Б.В. Налоговая безопасность государства и экономических систем [Электронный ресурс]. // Проблемы современной экономики. 2008. № 3. URL: <http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=2199>.
9. Krassimir Petrov. “Financial Management”. Video Lecture 01 (<https://www.youtube.com/watch?v=mX9nd0eQ-6g>).

Интернет сайтлари:

- www.gki.uz – (Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг расмий веб сайти).
- www.csm.gov.uz – (Кимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва ва мувофиқлаштириш маркази расмий веб сайти).
- www.openinfo.uz – (Корпоратив ахборот ягона портали расмий веб сайти).
- www.csam.uz – Ўзбекистон Республикаси Рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази расмий веб сайти.

III боб. КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Корпоратив тузилмалар фаолиятининг самарали ташкил этилиши ички бозорнинг сифатли товар (маҳсулот, иш, хизмат)лар билан таъминланишида муҳим аҳамият касб этиши билан бир вактда ҳалқаро даражада рақобатлаша оладиган компаниялар юзага келишига ҳам хизмат қиласи. Бундан ўз-ўзидан мамлакатга товарлар импортининг камайишига, шунингдек, товарлар экспорти ҳажмининг ўсишига эришиш мумкин. Келтирилаётган аҳамиятли жиҳатларга эришиш учун корпоратив молияни бошқариш тизими самарали ишланиши, натижада эса молиявий ресурслар билан ўз вақтида таъминланиши талаб этилади. Ҳалқаро амалиётда корпоратив тузилмаларнинг молиявий ресурслар жалб қилиш имконияти нисбатан кенг бўлиб, турли хил манбалар орқали молиявий таъминотни йўлга қўйишлари мумкин. Бунга молия бозори институтлари фаолиятининг юқори даражада ривожланганилиги ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизда эса корпоратив тузилмаларнинг молиявий таъминотни ташкил этиш имкониятлари нисбатан чекланганлигини кўришимиз мумкин. Бунда биринчи навбатда банк кредитларининг қўлланилиши, акция ва облигациялар муомаласи эса нисбатан тор доирада амал қилиши, лизинг объектлари баҳосининг юқорилиги кабиларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш арzon молиявий ресурслар жалб қилиш, капитал баҳосини аниқлаш орқали капиталнинг оптималь таркибини шакллантириш, эмиссия қилинган қимматли қоғозларни муваффақиятли жойлаштириш, жалб қилинган қарз маблағларидан самарали фойдаланиш орқали мажбуриятларни ўз вақтида қоплаш натижасида ижобий кредит тарихига эга бўлиш, акциялар очик обунасини муваффақиятли амалга ошириш, эришилган соғ фойдани реинвестициялашда ва дивидендларга тақсимлашда

оптималь нисбатни белгилаш кабилар билан белгиланади. Бу вазифаларнинг муваффакиятли амалга оширилиши корпоратив тузилма фаолиятининг муваффакиятли бўлишига, бозордаги нуфузи ошишига, бизнес кийматининг максималлашувига хизмат қиласи.

Ууман юқорида келтирилаётган жиҳатлар корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этишининг долзарблигини ўзида ифодалайди. Масаланинг долзарблигидан келиб чиқсан ҳолда куйида корпоратив тузилмаларда молиявий таъминотнинг назарий ва ташкилий хусусиятлари, амалдаги ҳолати, молиявий ресурсларни жалб қилишни самарали ташкил этиш йўллари хусусида ўз тадқиқотларимизни келтирамиз.


3.1. Корпоратив тузилмаларда молиявий таъминотнинг назарий ва ташкилий жиҳатлари

Корпоратив тузилмалар акциядорлар, давлат, юкори турувчи ташкилотлар, тижорат банклари, сугурта компаниялари, лизинг компаниялари, фонд биржалари, инвестиция институтлари билан молиявий ресурслар жалб қилиш мақсадида молиявий муносабатлар ўрнатилишини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бунда “молиявий ресурслар – жорий ва капитални кўпайтириш билан боғлиқ харатжатларни молиялаштириш, молиявий мажбуриятларни бажариши учун олдиндан белгиланган ўз маблағлари ва қарз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар тушумлари йигиндишидир”³⁶.

Корпоратив тузилмалар ўз фаолиятларини турли манбалар хисобига молиялаштиришларини алоҳида қайд этишимиз мумкин. Бундай фикр билдиришимизга мазкур масала бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ҳам асос бўла олади. Хусусан, П.И.Гребенников, Л.С.Тарасевичлар молиялаштириш манбаларини “корпоратив тузилма эгалари ёндашувига кўра ўзига тегишли ва четдан жалб қилинган, менежерлар ёндашувига кўра эса ички ва ташки манбаларга ажратади”³⁷ ва расмда куйидагича ифодалайди (3.1-расм).

³⁶ Борисова О.В. и др. Корпоративные финансы: Учебник и практикум. М.: Юрайт, 2015. С. 75.

³⁷ Гребенников П.И., Тарасевич Л.С. Корпоративные финансы: Учебник. М.: Юрайт, 2016. С. 10.



3.1-расм. Фирмани молиялаштириш манбалари³⁸

С.Элмирзаев томонидан эса корпоратив тузилмалар фаолиятини молиялаштириш ўз ва қарз маблаглари хисобига амалга оширилиши мумкинлиги, улар ўз навбатида ички ва ташки молиялаштириш манбаларига бўлиниши таъкидланади³⁹.

Юкорида келтирилган изоҳларга қўшимча равишда маълум бир иқтисодий шароитларда (масалан глобал инқироз ҳолатларида) давлат томонидан корпоратив тузилмаларга бериладиган маблагларни ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ. Бу борадаги тадқиқот ишларига ҳам эътибор қаратамиз.

М.А.Эскандаров ва М.А.Федотовалар таҳрири остида чои этилган дарсликда корпорациялар молиялаштиришнинг бюджетдан молиялаштириш, ўзини ўзи молиялаштириш, улушли молиялаштириш, қарз хисобига молиялаштириш, комбинациялашган молиялаштириш механизмларидан фойдаланиш мумкинлиги келтирилади⁴⁰.

³⁸ Тарасевич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Теория корпоративных финансов: Учебник. М.: Высшее образование, 2007. С. 10.

³⁹ Элмирзаев С. Корпоратив молия: Ўқув кўлланма. Т.: Sano-standart, 2015. 65 б.

⁴⁰ Под. ред. М.А.Эскандарова, М.А.Федотовой. Корпоративные финансы: Учебник. М. Кнорус, 2016. С. 288.

Бунда давлат бюджети маблагларининг ҳам корпоратив тузилмаларни молиялаштиришда иштирок этиши келтирилганлигини бошқалардан фарқли хусусият сифатида келтиришимиз мумкин. Шунингдек, корпоратив молиявий таъминотда давлат бюджети маблаглари аниқ бир шартлар асосида ажратилишини қайд этиш шарт. Яъни корпоратив тузилмага давлат ўзининг улушкини киритиш жарабёнида, давлат кредитор сифатида ёки бошқа шартлар аниқ белгиланган ҳолда бюджет маблаглари йўналтирилиши мумкин.

И.Я.Лукасевич молиялаштириш манбаларини мулкчилик муносабатларига кўра молиялаштиришнинг ўз ва қарз манбаларига; музқдор турига қараб давлат, юридик ва жисмоний шахс (шу жумладан, норезидент) молиявий ресурслари; обьектига кўра ички ва ташки (жалб килинган) манбалар; вақт тавсифига кўра қиска муддатли (бир йилгача), узок муддатли ва муддатсиз манбалар сифатида таснифлайди⁴¹. Бунда ҳар бир таснифдаги молиялаштириш манбаси ўзининг алоҳида тавсифига кўра ўз ёки қарз маблагларига тенгглаштирилишини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, “молиялаштиришнинг ташкилий шакллари сифатида ўзини ўзи молиялаштириш (таксимланмаган фойда, амортизация, активларни сотиш ва бошқалар), акциядорлик ёки улушли молиялаштириш (устав капиталида иштирок этиш, акцияларни сотиб олиш ва бошқалар), қарзли молиялаштириш (банк кредитлари жалб қилиш, облигациялар жойлаштириш, лизинг ва бошқалар), бюджетдан молиялаштириш (қайтариш шарти билан бюджетдан кредитлар, текинлик асосидаги бюджетдан ажратмалар, мақсадли давлат инвестицион дастурлари, инвестицион солик кредити, грантлар ва бошқалар), молиялаштиришнинг алоҳида шакллари (венчурли, лойиҳавий ва бошқалар), хорижий капитал жалб қилиш кабилар келтирилади”⁴².

Ҳакиқатдан ҳам бошқа муллифлардан фарқли равищда И.Я.Лукасевич бюджетдан молиялаштириш, хорижий капитал жалб қилиш ва венчурли молиялаштиришларни ажратиб кўрсатади. Бунда бюджетдан молиялаштириш бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган мамлакатларда ҳар доим ҳам кўлланилавермаслигини, бошқа томондан ўтиш иқтисодиёти

⁴¹Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент: Учебник. М. Эксмо, 2010. С. 560.

⁴²Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент: Учебник. М. Эксмо, 2010. С. 561-562.

мамлакатларида бу амалиёт нисбатан мавжудлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Шунингдек, хорижий капитал жалб қилиш амалиётини алоҳида кўрсатиш шарт эмаслигини ҳам қайд этиш керак. Чунки, хорижий капитал қарз ёки улуш муносабатлари асосида корпоратив тузилмаларга киритилиши маълум ҳолат.

Юкоридагилар асосида биз ҳам корпоратив тузилмаларни молиялаштириш манбаларини умумий ҳолда мулкдорлар ва корпоратив тузиманинг ўз маблаглари ҳамда маълум шартлар асосида четдан жалб қилинган қарз маблағлари манбаларига ажратиш мақсадга мувофиқ, деб топдик. Масалани ўрганиш натижасида ўз маблағларининг ҳам, қарз маблағларининг ҳам маълум бир хусусиятларига кўра ички ва ташки манбалари мавжуд эканлигига гувоҳ бўлдик. Умумий ҳолда шундан келиб чиқкан ҳолда корпоратив тузилмаларнинг молиялаштиришнинг ўз ва қарз маблағлари манбаларини алоҳида тартибда кўриб чиқамиз.

Бизга маълумки, корпоратив молиянинг ташкилий принциплари сифатида ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи молиялаштириш принциплари амал қиласди. Бу иккала принцип корпоратив тузилмаларнинг ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш асосида фаолият юритишига қаратилган ва молиявий таъминот ҳам бевосита ўз маблағлари манбалари асосида ташкил этилиши шартни кўяди.

Корпоратив тузилмаларда молиявий таъминотнинг ўз манбалари деганда кўз олдимишга биринчи навбатда хусусий капитал келади. Чунки хусусий капитал таркибидаги устав капитали корпоратив тузилма фаолиятнинг дастлабки босқичида шакллантирилади. Кўшимча капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда ва ҳокозолар эса кейинги босқичларда шаклланниб боради.

“Устав капитали – ташкилий-хукуқий шакли хўжалик жамияти хисобланган тијорат ташкилотларининг ўз маблаглари асосий дастлабки манбасидир”⁴³. Таъсисчиларнинг кўшимча бадаллари ва кўшимча акциялар муомалага чиқариш натижасида устав капиталини ошириш ҳам ўз маблағларини шакллантиришгахизмат келади. Лекин бунда кўшимча хусусий капитал жалб қилиш имкониятлари ва усуслари бизнеснинг ташкилий-хукуқий шаклларига бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

⁴³ Борисова О.В. и др. Корпоративные финансы. Учебник и практикум. М.: Юрайт, 2015. С. 79.

Чунки масъулияти чекланган жамиятлар ва акциядорлик жамиятлари мисолида ўз молиявий ресурсларини шакллантириш хусусиятлари ўзаро фарқ қилади. Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятларда “Устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади”⁴⁴.

Масъулияти чекланган жамиятларда устав капиталининг шаклланиши акциядорлик жамиятларига нисбатан соддароқ. Мамлакатимизда масъулияти чекланган жамият устав капиталининг миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун хужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун хужжатларида беъгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг кирқ бараваридан кам бўймаслиги лозим. Миллий ва халқаро амалиётда МЧЖ устав капитали МЧЖ мол-мулки, МЧЖ иштирокчиларининг кўшимча ҳиссалари, учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига оширилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятларида устав қапиталини шакллантириш бевосита акцияларни муомалага чиқариш орқали амалга оширилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда “АЖ устав капитали – акциядорлар ўртасида тақсимланган жамият акциялари номинал қиймати йигиндисидир”⁴⁵.

2014 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан акциядорлик жамиятлари устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади⁴⁶. АЖ томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

Миллий қонунчиликка кўра АЖ оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек, имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав капиталининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” Қонуни, 14-модда.


⁴⁵ Борисова О.В. и др. Корпоративные финансы: Учебник и практикум. М.: Юрайт, 2015. С. 79.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 16-модда.

АЖ таъсис этилаёттанды унинг барча акциялари жамият муассис-лари ўртасида жойлаштириллади.

Амалдаги тартибга кўра мамлакатимизда АЖ устав капиталининг энг кам миқдори давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлмаслиги керак. Бу миқдор асосан реал секторда фаолият кўрсатувчи акциядорлик жамиятларига тегишли. Чунки фаолият соҳасидан келиб чиқкан ҳолда бошқа акциядорлик жамиятларида устав капиталининг минимал миқдори бўйича бошқача тартиб кўлланилади.

Масалан, тижорат банклари ва сугурта компанияларида утсав капитали бўйича алоҳида талаб қўйилган. 2009 йил 15 августдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги Қарори билан тасдиқланган “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида” Низомга асосан тижорат банкининг устав капитали банк муассислари ва акциядорларининг пул маблағлари ҳисобидан ташкил топади ва минимал миқдори қуидагича килиб белгиланган (3.2-расм).



3.2-расм. Тижорат банклари устав капитали минимал микдорига күйилгандын талабы⁴⁷

Юкоридаги расмда келтирилганидек, банклар учун устав капитали рўйхатдан ўтиш санасидаги Марказий банк курси бўйича тижорат банклари учун 10 миллион евро эквивалентида, хусусий банклар учун 5 миллион евро эквивалентида белгиланган.

⁴⁷ “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида” Низом асосида тузилид.

Амалдаги тартибга кўра мамлакатимизда акцияларнинг номинал қиймати беш минг сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. 1996 йил қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан эса акцияларнинг номинал қиймати 100 сўмдан кам бўлиши мумкин эмас эди.

2016 йилдан бошлаб акциядорлик жамиятлари чет эллик инвесторлар устав капиталининг камидаги 15 фоизига эгалик қилган ҳолдагина ташкил қилинади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қарорларида белгиланган ҳоллар мустасно.

Халқаро амалиётда акциядорлик жамиятлари устав капитали кўшимча акция муомалага чиқариш ва акциялар номинал қийматини ошириш орқали ошириб борилади. Акциялар номинал қийматини ошириш орқали устав капиталини ошириш амалиёти 2016 йилга қадар мамлакатимизда ҳам қўлланилиб келинаётган эди. 2016 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун хужожатлариiga ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга асосан кимматли қофозлар бозорини ривожлантириш, мулқорлар сонини ошириб бориш мақсадида акциялар номинал қийматини ошириш орқали АЖлар устав капиталини ошириб бориш амалиёти бекор қилинди ва АЖлар устав капитали факатгина кўшимча эмиссия ҳисобига оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Устав капиталини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивиденdlар ҳисобидан Қонун хужожатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. Устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида таксимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равища таъкидлаб ўтганимиздек, устав капитали акциялар номинал қиймати бўйича шакллантирилади. Агарда акциялар номинал қийматдан юкори жойлаштирилса қўшилган капитал шаклланишига олиб келади. “Қўшилган капитал хусусий капитал таркибий қисмини ўзида акс эттириб, ташкилотнинг барча

иштирокчилари умумий мулки ҳисобланади”⁴⁸. 21-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига кўра эмиссион даромад ҳамда устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи миллий амалиётда қўшилган капитал таркибига киритилади.⁴⁹

Резерв капитали таркибига эса узок муддатли активларни қайта баҳолаш натижасидаги ижобий фарқ, соф фойдадан ажратмалар ҳисобига шакллантирилган резерв капитали, текинга олинган молмулк ҳисобига шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан АЖда уставда назарда тутилган, аммо унинг устав капиталининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган микдорда захира фонди ташкил этилади. Захира фонди жамият уставида белгиланган микдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг микдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу микдор жамият уставида белгиланган микдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Корпоратив тузилмалар молиявий ресурсларининг ички манбалари аввало молиявий-хўжалик фаолияти давомида шаклланади ва ўзини ўзи молиялаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Умуман корпоратив тузилмалар олдида молиявий ресурсларга бўлган талабни тўлиқ ёки зарурий даражада қоплай олиш масаласи доимий равишда туради. Чунки корпоратив тузилмаларнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини юқори даражада қоплай олиши қўшимча молиявий ресурс жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг камайиши ва маблағлар жалб қилиш билан боғлиқ рискларни пасайтириш ҳисобига қўшимча имкониятлар ва кескин ракобат шароитида сезиларли даражадаги устунликка эга бўлишига хизмат киласи.

Билишимизча, корпоратив тузилмаларда ўз фаолиятини молиялаштиришнинг асосий ички манбалари соф фойда, амортизация ажратмалари, фойдаланилмаётган активларни сотиш, активларни ижарага бериш кабилар ҳисобланади.

⁴⁸ Борисова О.В. и др. Корпоративные финансы. Учебник и практикум. М.: Юрайт, 2015. С. 79.

⁴⁹ 21-сонли БХМС – Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби. Счёtlар режаси ва уни кўллаш бўйича Йўрикнома.

Бозор иқтисодиёти шароитида факатгина ўзини ўзи молиялаштириш орқали фаолиятни ташкил этиш кескин рақобат мухигида корпоратив тузилма муваффакиятини ҳар доим ҳам кафолатламайди. Шундан келиб чиккан ҳолда иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитдан келиб чиккан ҳолда қарз маблаглари ҳисобига молиялаштириш амалиётига мурожаат қилишга ҳам тўғри келади. “Хусусий капитал ҳар қандай бизнес асосини ташкил этса-да, қатор тармок корхоналарида фойдаланиладиган қарз капитали миқдори хусусий капитал миқдоридан сезиларли даражада юкори бўлади. Айнан шу ҳолат билан боғликликда қарз капиталини жалб қилиш ва ундан самарали фойдаланишни бошқариш корпоратив молияни бошқаришнинг мухим функцияларидан бири ҳисобланади.”⁵⁰

Қарз маблағларини жалб қилишдан асосий мақсадлар сифатида фаолиятни кенгайтириш, фаолият билан bogлиқ технологияларни янгилаш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш кабиларни келтиришимиз мумкин. Келтирилаётган жиҳатлар бевосита корпоратив тузилма фаолиятини ривожлантириш ҳамда фаолият узлуксизлигини таъминлашга қаратилади.

Корпоратив тузилмаларни қарз маблаглари ҳисобига молиялаштириш мақсадлилик, таъминланганлик, тўловлилик, муддатлилик, қайтаришлик принциплари асосида ташкил этилади.

Корпоратив тузилма олинган асосий қарз суммасини ва у бўйича ҳисобланадиган фоиз тўловларини белгиланган тартибда қоплаш мақсадида пул оқимларини режалаштириш талаб этилади. Акс ҳолда кўшимча мажбуриятлар юзага келишига сабаб бўлади. Бу борада Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак”⁵¹.

Бевосита корпоратив тузилмаларда қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш шакллари ва уларнинг таснифланишига тўхталиб ўтамиш. И.Лукасевич томонидан қарз маблаглари ҳисобига молиялаштиришнинг асосий шакллари сифатида банк кредитлари, облигациялар муомалага чиқариш, ижара ёки лизинг келтирилади⁵². Т.Теплова эса бундай тартибда молиялаштириш манబаларини кенгрок асослаб, ёлик ва очик (оммавий) молиялаштиришга

⁵⁰ Элмирзаев С. Корпоратив молия: Ўкув кўлланма. Т.: Sano-standart, 2015. 76 б.

⁵¹ Каримов И.А. Банк тизими, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўгрисида. Т.: Ўзбекистон, 2005. 8 б.

⁵² Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент: Учебник. М.: ЭКСМО, 2010. С. 580.

ажратади ҳамда ёпик молиялаштириш манбаларига банклар, юридик ва жисмоний шахслар кредитлари, лизинг, факторинг схемалари ва бошқаларни; очик (оммавий) молиялаштириш манбаларига эса капитал бозори жойлаштириш орқали молиявий ресурс жалб қилиш мумкин бўлган турли кўринишдаги облигацияларни, векселларни киритади⁵³.

Масалани ўрганиш натижасида умумий тартибда корпоратив тузималарни қарз маблаглари ҳисобига молиялаштириш амалиётини икки гурухга, кредит институтларидан маблағлар жалб қилиш ҳамда қарз муносабатларини англатувчи қимматли қоғозлар воситасида молиялаштиришга ажратиш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келдик. Миллий амалиётимизда тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, лизинг компаниялари томонидан корпоратив тузилмалар молиялаштириб келинмоқда. Фонд бозори орқали эса асосан корпоратив облигация муомаласи орқали қарз капитали жалб қилинаётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Бунда жалб қилинадиган қарз маблағларини жалб қилиш манбаларига кўра (мамлакат ичкарисидан ва ташки манбалардан ёки молия институтларидан, реал сектор корхоналаридан, жисмоний шахслардан), жалб қилиш муддатига кўра (қиска муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир йилдан уч йилгача) ва узок муддатли (уч йилдан ортиқ)), жалб қилиш шаклига кўра (пул шаклида, асосий воситалар ва технологиялар шаклида, товар шаклида ва бошка моддий ҳамда номоддий шаклларда), жалб қилиш қоситасига кўра (тўғридан-тўғри (банк кредити) ёки билвосита (корпоратив облигациялар орқали)) таснифлашимиз мумкин.

Фаолиятни қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш ўзига хос афзалликлар ва камчиликларга эга бўлиб, улар қуйида 3.1-жадвалда келтирилган.

Қарз маблаглари ҳисобига молиялаштиришнинг ҳар бир шакли ўзининг алоҳида афзалликлари ва камчиликларига эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Қарз маблаглари ҳисобига молиялаштиришнинг ҳар қандай шаклидан фойдаланиш бевосита молия бозоридаги ҳолат, капитал баҳоси, тармок хусусиятлари ва фаолият тури, бизнес юритишнинг ташкилий-хукукий шакли, корпоратив тузилманинг молиявий ҳолати кабиларга бевосита боғлик.

⁵³ Теплова Т.В. Корпоративные финансы: Учебник. М.: Юрайт, 2014. С. 210.

Қарз маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг афзалликлари ва камчиликлари⁵⁴

Афзалликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> - фоиз түловлари фойда солиги базасидан чегирилиши жалб қилинган капитал баҳосини пасайтиради; - бошқарувда иштирок этиш ҳукукини бермаслиги фаолиятта аралашувиңнг олдини олади; - фоиз түловлари микдорининг даромадга боғлиқ әмаслиги ююри даромадлык ҳолатларида күшимиңча даромадни саклаш имконини беради; - қарз маблағларидан фойдаланиш ҳисобига хусусий капитал рентабеллигини ошириш имконияти юзага келади 	<ul style="list-style-type: none"> - таъминланғанлык (гаров, кафолат) бўйича талабларнинг мавжудлиги; - бериладиган маблағ миқдори ва фойдаланиш муддатининг чегараланғанлиги; - асосий қарз суммаси ва фоиз түловларини қоплаш мажбуриятининг молиявий натижаларга боғлиқ әмаслиги; - мулкдорлар ўртасида тақсимланадиган фойданиш камайишига олиб келиши; - молиявий мустақилликнинг пасайиши ва барқарорлик билан боғлиқ рискларнинг ортиши ва бошқалар

Қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириш шакллари сифатида банк кредитлари, корпоратив облигациялар, лизинг ва бошқаларни келтириш мумкин.

Мамлакатимизда банк кредитлари ва лизингнинг бир неча турлари амалиётда қўлланилади. Шунингдек, янги таҳрирдаги “Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Конунга асосан, акциядорлик жамиятлари ва ўзининг ташкилий-ҳукукий шаклидан катъи назар тиҷкорат банклари томонидан чиқариладиган корпоратив облигациялар муомаласига рухсат берилган⁵⁵.

Бугунги кунга келиб ҳалқаро амалиётда эса корпоратив молияни бошқаришда хорижий капитални жалб қилиш шакллари сифатида IPO амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш орқали хусусий капитал жалб қилиш, хорижий банк кредитларини жалб қилиш, ҳалқаро қарз муносабатларини англатувчи кимматли қоғозлар (еврооблигациялар) муомалага чиқариш, ҳалқаро лизинг кабилар кенг қўлланилмоқда.

⁵⁴ Тадқикотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси “Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Конуни, З-модда.

3.2. Корпоратив тузилмаларда молиявий ресурсларни жалб қилишнинг амалдаги ҳолати

Акциядорлик жамиятларида ўз маблағларини шакллантиришнинг энг асосий маңбаси акциялар муомалага чиқариш ва жойлаштириш эканлиги хусусида юқорида тұхталиб ўтдик. Шундан келиб чиккан ҳолда мамлакатимизда акциялар муомласини ташкил этиш орқали акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили хусусида батафсил тұхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳирдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги ҳамда “Қимматли қоғозлар бозори түғрисида”ги Қонунлари, шунингдек, “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари” асосида республикамизда акциялар муомласи ташкил этилади. Эмитент акциядорлик жамияти шаклида тузилаётганда барча акциялар унинг муассислари орасида жойлаштирилиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилганлигини шу ўринда алоҳида таъкидлашимиз лозим.


Амалдаги қонунчиликни ўрганиш асосида акциялар эмиссияси боскичлари қуидагилардан иборат эканлигига гувоҳ бўлдик (3.3-расм).

Акциядорлик жамияти устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш түғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан ёки жамият уставига ёхуд акциядорлар умумий йигилишининг қарорига мувофиқ кузатув кенгашига бундай қарорлар қабул қилиш хуқуки берилган бўлса жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Шундан сўнг эмиссия рисоласи ишлаб чиқилади ва Кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

Эмиссия рисоласи “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари”га 2-илова асосида расмийлаштирилади.

Эмиссия рисоласи белгиланган тартибда тасдиқдан ўтказилгач, акция чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилади. Бунда “акцияларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишида

эмитент мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи микдорида республика бюджетига йигим тұлайди.



3.3-расм. Акциялар эмиссиясі босқичлары⁵⁶

Илгари рүйхатдан үтказилған чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати оширилған тақдирда, эмитент мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қиймати ошган суммасининг 0,01 фоизи микдорида республика бюджетига йигим тұлайди”⁵⁷.

Бундан ташқары “акциялар чиқарилишини ёки илгари давлат рүйхатидан үтказилған акцияларнинг чиқарилишига доир үзгартырыштарни давлат рүйхатидан үтказиш бүйіча хужажатларни күриб чиқыш учун эмитент рүйхатдан үтказувчи органға әнг кам ойлық иш ҳақининг иккى баробари микдорида йигим тұлайди”⁵⁸.

⁵⁶ Амалдагы конунчылук асосыда муаллиф томонидан тузилди.

⁵⁷ “Қимматли қоғозлар бозори тұгрысіда”ғи Конун, 10-моддасыга асосан.

⁵⁸ Қимматли қоғозлар эмиссиясі ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рүйхатидан үтказиш Қоидалары, 69-бандига асосан.

Акциялар тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгач Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга қўйилади. Мазкур жиҳатни акциялар республикамизда факатгина электрон кўринишида амал килиши билан изоҳлашимиз мумкин.

Навбатдаги босқичда эса акциялар чиқарилиши ҳақида ахборот ошкор қилинади. Акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун хужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳамда хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли ҳисобланади. Акцияларни очик жойлаштириш уюшган бозорда, республикамизда Тошкент Республика фонд биржасида ташкил этилади. Ёпиқ жойлаштириш эса уюшмаган бозор орқали ҳам ташкил этилиши мумкин.

Акциялар эмиссиясининг якуний босқичи акция чиқарилиши якунлари ҳақидаги билдиришномани Қимматли қоғозлар бозорини мувофикаштириш ва ривожлантириш марказига тақдим этиш ҳисобланади.

Республикамиз миқёсида акциядорлик жамиятлари томонидан акциялар эмиссиясини таҳлил қилиб чиқамиз. 2016 йил давомида жами 16,11 триллион сўмлик акциялар муомалага чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткичнинг каттагина қисми Ўзбекэнерго, Ўзбекнефтегаз, Ўзкурилишматериаллари, Ўзпахтасаноатэкспорт, Ўзпахтасаноат, Асакабанк, Ўзагротехсаноатхолдинг, Олмалиқ КМК, Ўзкимёсаноат ҳамда Ўзсаноатқурилишбанк ҳиссасига тўғри келган. Улар томонидан муомалага чиқарилган акциялар куйидагича (3.2-жадвал).

Келтирилган жадвал маълумотлардан кўриб турибдики, Ўзбекэнерго АЖ томонидан 7,41 триллион сўмлик акция муомалага чиқарилган ва жойлаштирилган. Ўзбекнефтегаз миллий холдинг компанияси томонидан эса 3,23 триллион сўмлик акция жойлаштирилган. Шунингдек, Ўзкурилишматериаллари АЖ эса 1 триллион сўмлик акциялар муомалага чиқарган.

Энг юкори акциялар чиқарилишини амалга оширган 10 та акциядорлик жамиятининг барчаси давлат иштироқидаги акциядорлик жамиятидир. Бундан ўз-ўзидан хусусий акциядорлик жамиятлари акциялар эмиссиясига ҳам жiddий эътибор қаратиш лозимлиги аён бўлмоқда. Хусусан уларнинг умумий эмиссия ҳажмидаги улуши куйидагича (3.4-расм).

3.2-жадвал

2016 йилда энг юқори миқдорда акция муюмалага чиқарған 10 та акциядорлик жамияти ҳақида маълумот⁵⁹

№	Эмитент номи	Давлат рўйх. Ўтказн-лг. сана	ҚҚ турни, типи		ҚҚ умумий сони (дона)	Номи-нал кийма-ти	Умумий чиқарилиш (млн сўм)
			Оддий	Имти-ёзли			
1	Ўзбекэнерго	23.06	7 411 147 239	-	7 411 147 239	1 000	7 411 147,2
2	Ўзбек-нефтегаз	14.04	3 225 654 158	-	3 225 654 158	1 000	3 225 654,2
3	Ўзкури-лиши-материалилари	30.06	1 000 000 000	-	1 000 000 000	1 000	1 000 000,0
4	Ўзпахтасаноатэкспорт	04.02	604 232 548	-	604 232 548	1 000	604 232,5
5	Ўзпахта-саноат	01.08	522682020000	-	522682020000	1	522 682,0
6	Асака Банк	07.09	3 712 416 120	-	3 712 416 120	139	516 063,0
7	Ўзагротех-саноатхолдинг	27.12	5 059 724 374	-	5 059 724 374	100	505 972,4
8	Олмалиқ КМК	04.03	88 655 296	2 249558	90 904 854	3 914	355 801,6
9	Ўзкимё-саноат	10.06	244 823 976	-	244 823 976	1 145	80 323,5
10	Ўзсаноат-курилиш-банк	05.03	65 000 000	-	65 000 000	3 382	219 830,0
ЖАМИ			544093673711	2249 558	536 684776030		14641 706,4


Куйидаги 3.4-расм маълумотларидан кўринниб турибдики, республика бўйича жами акциялар эмиссиясининг 46 фоизи Ўзбекэнерго АЖ, 20 фоизи Ўзбекнефтегаз, 6 фоизи Ўзкурилишматериаллари, 4 фоизи Ўзпахтасаноатэкспорт хиссасига тўғри келади. Шунингдек, Ўзпахтасаноат, Асакабанк ва Ўзагротехсаноатхолдинг 3 фоиздан, Олмалиқ КМК, Ўзкимёсаноат ҳамда Ўзсаноаткурилишбанк 2 фоизга тенг акциялар эмиссиясига эгалик қилмоқда. Бошқа акциядорлик жамиятлари акциялар эмиссияси бор-йўғи 9 фоизни ташкил қилинган.

2016 йилда жами эмиссия ҳажми бўйича акциялар чиқарилиши таркиби куйидагича бўлган:


- дастлабки чиқарилишилар – 1645,51 миллиард сўм;

⁵⁹ Қимматли көғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари асосида тузилди.

- күшимчя чиқарилишлар – 12468,99 миллиард сүм;
- янги чиқарилишлар – 1998,98 миллиард сүм.



3.4-расм. 2016 йил бўйича жами акциялар эмиссиясида акциядорлик жамиятлари улуши таҳлили⁶⁰



3.5-расм. Акциялар қўшимча чиқарилишида очик ва ёник жойлаштирилиши белгиланган акциялар улуши⁶¹

⁶⁰ Кимматли көғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари асосида тузилди.


⁶¹ Кимматли көғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари асосида тузилди.

Қўшимча чиқарилишларда очик обуна 305,96 миллиард сўмга, ёпик обуна эса 12163,03 миллиард сўмга тенг бўлган. Уларнинг фоиздаги кўриниши 3.5-расмда келтирилган.

3.5-расм маълумотлари кўрсатиб турибдики, муомалага чиқарилган акцияларнинг 97,55 фоизи ёпик тартибда, бор-йуги 2,45 фоизи очик обуна тартибда жойлаштирилиши белгиланган. Бундай ҳолат фонд бозори оркали акциядорлик жамиятлари фаолиятига инвестициялар жалб килишнинг жуда паст даражада эканлигини кўрсатади.

Энди бевосита акцияларни жойлаштириш бўйича республика-миздаги асосий молиявий институт хисобланган “Тошкент” Республика фонд биржаси фаолияти билан танишиб чиқамиз.

“Тошкент” Республика фонд биржасининг 2016 йилдаги умумий савдо айланмаси 299,8 миллиард сўмга тенг бўлган (3.6-расм).




3.6-расм. 2012-2016 йилларда “Тошкент” РФБ умумий савдо айланмаси⁶²


Фонд биржаси бўйича 2016 йилдаги савдо айланмаси 2015 йилга нисбатан 1,9 марта, 2014 йилга нисбатан эса 3,07 бараварга ошган.

Ўтган молия йили давомида савдо секциялари кесимидағи савдо битимлари микдори қуидагича (3.7-расм).

⁶² <https://uzse.uz/boards/157> – “Тошкент” РФБ маълумотлари



■ Умумий савдо ■ Ш ж., хорижий валютада сотилган кисмі




3.7-расм. 2016 йилда “Тошкент” РФБда секциялар бўйича савдо айланмалари миқдори⁶³

Юқоридаги расм маълумотлари кўрсатиб турибдики, давлат акция пакетларини сотиш секциясида – 22,3 миллиард сўм, шундан 400 миллион сўмлик кисми хорижий валютада 130 минг АҚШ долларига сотилган. Иккиламчи бозор секциясида – 205,5 миллиард сўм, шундан 112,6 млрд сўмлик кисми хорижий валютада 35,9 миллион АҚШ доллари ва 45,7 минг еврога сотилган. Кўшимча чиқарилган акцияларни жойлаштириш секциясида – 68,0 миллиард сўм, шундан 10,0 млрд сўмлик кисми хорижий валютада 3,4 миллион АҚШ долларига сотилган.

«Тошкент» Республикаси фонд биржасининг 2016 йилдаги умумий савдо айланмасида 161,9 млрд сўми хорижий инвесторлар инвестицияларига тўғри келади, бу эса умумий кўрсаткичнинг 54 фоизини ташкил қиласи (3.8-расм).

3.8-расм маълумотлари 299,8 миллиардлик савдо айланмаси нинг 150,2 миллиард сўми юридик шахс ҳисобланган хорижий инвесторларга, 11,7 миллиард сўми эса жисмоний шахс ҳисобланган хорижий инвесторларга тегишли эканлигини кўрсатиб туриди. Мазкур кўрсаткичнинг ўсиши акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторлар улуши 15 фоиздан паст бўлмаслиги бўйича талаб белгиланганлиги билан бевосита боғлик. Шу ўринда маҳаллий инвесторларнинг фонд бозоридаги фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор каратиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим.

⁶³ <https://uzse.uz/boards/157> – “Тошкент” РФБ маълумотлари асосида тузилди



3.8-расм. “Тошкент” республика фонд биржасининг 2016 йилги савдо айланмасида юридик ва жисмоний шахслар инвестициялари мөндори, млрд сўмда⁶⁴

Акциядорлик жамиятлари фаолиятини акциялар оркали молиялаштириши амалиётини ўрганганимизда республикамизда 2016 йилдаги акция чиқарилишлари ҳажми 16,11 триллион сўмни ташкил этган бир вактда “Тошкент” Республика фонд биржаси умумий савдо айланмаси 299,8 миллиард сўмни ташкил этганлиги ҳам бевосита мамлакатимизда ёпик обунанинг кескин юкорилиги билан боғлик. Республикамиздаги тадбиркорлик субъектлари (корпоратив тузилмалар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва хокозо) ва ахолининг инвестицион фаоллигини ошириш нутказдан очиқ обуна оркали улар доирасига ҳам кириб бориш лозим.

Бозор иктисодиёти шароитида корпоратив тузилмалар фаолиятини молиялаштиришда тијорат банклари алоҳида ахамият касб этади. Бунда тијорат банклари бевосита акциядор сифатида кенг иштирок этиши билан бирга йирик кредитор сифатида ҳам майдонга чиқади. Тијорат банкларининг реал секторда акциядор сифатидаги кенг иштироки корпоратив бошкарувнинг немис моделида яққол кўзга ташланади. Банк кредитлари оркали корпоратив тузилмалар фаолиятини молиялаштириш амалиёти эса

⁶⁴ <https://uzse.uz/boards/157> - “Тошкент” РФБ маълумотлари асосида тузилди.



дунёning деярли барча мамлакатларида учрайди. Умуман банклар деганда биринчи навбатда йирик кредит институтлари кўз олдимизга келишини ҳам шу ўринда алоҳида кайд этиб ўтишимиз лозим. Шу жиҳатдан мамлакатимизда банк кредитлари орқали корпоратив тузилмалар фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги холати хусусида куйида тўхталиб ўтамиз.

Кредит муносабатларига киришиша корпоратив тузилма олдига кредит жалб қилиш мақсадида мукаммал тузилган бизнес-режа ёки лойиҳанинг техник-иктисодий асосномасини тақдим этиш масаласи қўйилади.

Корпоратив тузилмаларда банк кредитлари жалб қилиш амалиёти бўйича мутахассислар мавжуд бўлмаган холатда тегишли мутахассислар билан ёки кредит муносабатлари билан амалда таниш бўлган шахслар билан маслаҳатлашиш кредит жалб қилиш учун кетадиган вақтни кискартиради. “Нуфузли халкаро ва хорижий молия-кредит ташкилотлар мутахассисларининг фикрича, лойиҳани банк олдида химоя қилиш, лойиҳанинг даромадлилигига, кредит шартномаси мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишига банкни ишонтириш мухим аҳамиятга эга”⁶⁵. Бунда корпоратив тузилманинг охирги йиллардаги молиявий холати кўрсаткичлари, истиқболли шартномалари, мунтазам равишда тўлов интизомига риоя қилиниб келинаётганлиги, кутилаётган пул оқимлари кўрсаткичлари ҳакидаги маълумотларни кредиторга тақдим этиш лойиҳани молиялаштириш амалиётини тезлаштиришга хизмат қиласди.

Лойиҳаларнинг самарадорлигини аниқлаган ҳолда Миллий банк томонидан реал сектор корхоналари экспорт-импорт операцияларини молиялаштириб келмоқда. Бунда молиялаштириш учун қабул қилинган лойиҳа белгиланган тартибда тасдикланган техник-иктисодий асоснома, лойиҳа-смета хужжатлари ва технология ускуналари, пудрат ишларини талаб қилинаётган туркумда етказиб бериш, амалга ошириш тўғрисида тегишли тарзда расмийлаштирилган контрактлар ва шартномалар билан таъминланган бўлиши керак. Лойиҳаларни молиялаштиришда барча корхоналарга (улар қайси банкнинг хизматидан фойдаланаётганидан қатъий назар), шунингдек, тижорат банкларига ва бошқа молия тузилмаларига амалий ёрдам кўрсатиш учун банк шартнома асосида қўшимча ме-

⁶⁵ Холмуратов Н. Корхоналарда кредит хужжатларини тайёрлаш ва кредитларнинг бухгалтерия хисоби // Бозор, пул ва кредит. 2013. №5. 66 б.

тодик, эксперт, маслахат, ўкув хизматларини ва бошқа хизматларни амалга ошириши мумкин (3.9-расм).



3.9-расм. Ташки иктисодий фаолият миллий банкининг кредит қўйилмалари динамикаси⁶⁶

Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисодий фаолият миллий банки жами кредит қўйилмалари 2016 йил 1 январь холатига 9 975 127 миллион сўмга тенг бўлган бўлса, 2017 йил 1 январь холатига 13 022 120 миллион сўмни ташкил этган холда бу кўрсаткич 30,5 фоизга ўсан. Бунда инвестицион кредитлар 8 581 774 миллион сўм ва 11 953 656 миллион сўмга тенг бўлган ва бу кўрсаткич бўйича ўсиш 39,3 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, 2011 йил 1 январь холатига жами кредит қўйилмалари банк бўйича 3 672 165 миллион сўмни ташкил этган холда, ундан 3 003 966 миллион сўмга тенг бўлган.


Жами кредит қўйилмалари таркибида инвестицион кредитлар, кичик бизнесга ажратилган кредитлар ва микрокредитлар улуши охирги уч йилда қўйидагича (3.10-расм).

Ташки иктисодий фаолият миллий банки маълумотлари



3.10-расм. Ташки иктисодий фаолият Миллий банкida кредит кўйилмалар тарқиби, жамига нисбатан фоизда⁶⁷

Юкоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Ташки иктисодий фаолият Миллий банки томонидан жами кредит кўйилмаларида инвестицион кредитлар ҳажми йилдан-йилга ўсиши кузатилмоқда ва 2017 йил 1 январь ҳолатига 88 фоизни ташкил этган.




3.11-расм. Ташки иктисодий фаолият миллий банкининг иктисодийнинг реал секторига кредит кўйилмалари динамикаси⁶⁸

⁶⁷ Ташки иктисодий фаолият миллий банки маълумотлари

⁶⁸ Ташки иктисодий фаолият миллий банки маълумотлари.

Юкоридаги 3.11-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, банк томонидан иктисодиётнинг реал сектори фаолиятини молиялаштириш ҳажми охирги йиллар давомида ўсишга эришилган. Хусусан бу кўрсаткич 2017 йил 1 январь ҳолатига 12 954 740 миллион сўмни ташкил этган ҳолда 2011 йил 1 январь ҳолатига нисбатан карийб 3,53 бараварга ўсан. 2016 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 29,9 фоизга ошганлигини таъкидлашимиз лозим.

Мамлакатимизда корпоратив облигациялар орқали молиявий таъминот ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида корпоратив облигациялар бозорини таҳлил қилиб чиқамиз. Бунда охирги икки молия йили (2015 ва 2016 йиллар) давомида корпоратив облигациялар эмиссияси кузатилмаганлиги боис 2007-2014 йиллар бўйича таҳлил киламиз (3.12-расм).




3.12-расм. 2007-2014 йилларда корпоратив облигациялар эмиссияси ҳамми, миллион сўмда

Юкоридаги расм маълумотларидан кўриниб тарибдики, таҳлил килинаётган давр мобайнида 2010 йилгача корпоратив облигациялар эмиссияси ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган ва айнан 2010 йилда энг юқори 148,06 миллиард сўмлик корпоратив облигациялар жойлаштирилган. 2011-2014 йилларда тебраниш кузатилган бўлсада асосан пасайиш тенденцияси кузатилган ва 2014 йилда 10 миллиард сўмлик корпоратив облигация жойлаштирилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 2015 ва 2016 йилларда эмитентлар томонидан корпоратив облигациялар жойлаштирилмаган.

2007-2014 йиллар давомида жойлаштирилган корпоратив облигацияларнинг қопланиш (сўндириш) муддатлари таҳлил килинганда 2014-2022 йиллар давомида қуидаги миқдорларда облигациялар қопланганлиги ёки қопланиши белгиланганлиги аникланди (3.13-расм).



3.13-расм. 2007-2014 йиллар давомида жойлаштирилган корпоратив облигацияларнинг қопланиш муддатлари ва ҳажмлари, миллион сўмда

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014-2016 йиллар давомида жами 138 миллиард сўмлик корпоратив облигациялар эмитентлар томонидан қайтариб сотиб олиш орқали қопланган, бунда 2014 йил 4 миллиард сўмлик, 2015 йилда 58 миллиард сўмлик, 2016 йилда эса 76 миллиард сўмлик корпоратив облигациялар қопланганлигини кўришимиз мумкин. Ҳозирги кунда муомаладаги корпоратив облигациялар миқдори 214,774 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Ундан 33,5 миллиард сўмлик кисми 2017 йилда, 43,214 миллиард сўмлик кисми 2018 йилда, 45 миллиард сўмлик кисми 2019 йилда, 58,06 миллиард сўмлик кисми 2020 йилда ва 35 миллиард сўмлик кисми 2022 йилда қайтариб сотиб олиш орқали қопланиши белгиланганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Мазкур ҳолатни таҳлил килиш натижасида эмитентлар томонидан корпоратив облигациялар чиқарилиши давом этирилмаса, якин йиллардан сўнг мамлакатимизда корпоратив облигациялар муомаласи кузатилмаслигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

3.3. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш масалалари

Агарда корпоратив тузилма фаолиятини ўз молиявий ресурсларининг доиравий айланиши хисобига ташкил этиш билан чекланса ва бошка томондан ракобатчилар томонидан янги лойихалар ўзлаштирилиши ва фаолиятнинг кенгайтирилиши доимий равишда амалга ошириб борилса биринчи корпоратив тузилма ўз-ўзидан бозордан чикиб кетишга мажбур бўлади. Шу боисдан корпоратив молияни бошқариш жараёнида янги лойихалар устида иш олиб бориш ва уларни амалиётга жорий этиш, фаолиятни диверсификациялаш масалаларига доимий эътибор қаратиш бугунги иктисодий шарт-шароитнинг асосий талабидир. Бунинг учун эса арzon молиявий ресурс жалб килиш масаласи кўндаланг туради. Шу нуктаи назардан мамлакатимиздаги корпоратив тузилмаларда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш орқали молиявий ресурслар жалб килиш масалалари хусусида кўйида тўхталиб ўтамиз.

Аввало мамлакатимизда бизнес фаолиятини юритиш, корпоратив тузилмалар фаолиятини кўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида молиявий ресурсларни таклиф килувчи манбалар сонини кенгайтиришимиз, яъни танлов имкониятини яратишимиш лозим. Масалага жиддий эътибор қаратадиган бўлсақ, корпоратив тузилмалар томонидан молиявий ресурслар жалб килища турли хил вариантлардан энг мақбулини танлаш имконияти чекланган. Корпоратив тузилмаларга молиявий ресурс жалб килиш деганда биринчи навбатда кўз олдимизга банк кредитлари келади, холос. Кейин эса лизинг амалиёти келиши мумкин. Акциялар хам мавжудку, дейиш мумкин. Лекин улар муомаласи нисбатан чекланганлиги билан характерлидир. Ривожланган мамлакатлар амалиётида эса банк кредитлари амал килиши билан бир вақтда оддий акциялар муомалага чиқариш, имтиёзли акцияларнинг бир неча хил турларини жойлаштириш, варрантлар сотиш, корпоратив облигацияларнинг катор турларини эмиссия қилиш, лизинг ва бошка кўплаб молиявий ресурслар жалб килиш манбаларининг амал килиши бу бора кўп вариантлилик асосида танлов имконияти мавжудлиги корпоратив тузилмалар учун кўшимча имкониятлар яратиб беради. Яъни арzon ва жалб

қилиш учун кам вакт талаб киладиган молиявий ресурс манбасини танлашга интилиш юзага келади. Шу нүктеназардан мамлакатимизда ҳам корпоратив тузилмалар фаолиятини молиялаштиришнинг турли хил манбалари амал қилишига эришишимиз, бунинг учун молия бозорини ривожлантиришимиз талаб этилади.

Бизга маълумки, корпоратив тузилмалар ўз фаолиятларини устав капиталини шаклантириш асосида бошлайдилар. Шунингдек, устав капиталини ошириб бориш орқали фаолиятларини кенгайтириштари мумкин ҳисобланади. Бунда янги ташкил этилаётган корпоратив тузилмалар учун устав капитали миқдори бўйича минимал талабнинг нисбатан пастроқ бўлиши аҳамиятли ҳисобланади. Чунки фаолиятни бошлаб олгандан сўнг лойиҳанинг истиқболли эканлигини кўрсатиб берган ҳолда қўшимча учинчи улушдорлар ёки акциядорлар ҳисобига молиявий ресурс жалб килиш имконияти ошади. Келтирилаётган жиҳатларни корпоратив тузилмалар, хусусан акциядорлик жамиятлари устав капиталига минимал талабни белгилашда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда амалдаги тартибга кўра масъулияти чекланган жамиятлар устав капитали минимал миқдори рўйхатдан ўтиш санасидаги энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ бараваридан паст бўлмаслиги лозим. 2017 йил март ойи ҳолатига бу сумма 6 миллион сўмга яқин бўлади. Бу ташкилий-хукукий шаклини масъулияти чекланган жамият шаклида белгилаш орқали тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай талаб. Лекин акциядорлик жамиятлари устав капиталига қўйилган минимал талаб бошқа давлатларга, хусусан ривожланган давлатлардаги талабга нисбатан анча юкори. Бу борада акциядорлик жамиятлари устав капитали минимал миқдори бўйича талаб АҚШда белгиланмаганилиги, Японияда 87200 АҚШ доллари, Германияда 50000 евро, Буюк Британияда 50000 фунт стерлинг килиб белгиланган бир вақтда мамлакатимизда тўрт юз минг АҚШ доллари этиб белгиланиши акциядорлик жамиятлари сонининг ортиб боришига ва молия бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллардан биридир, деб ҳисоблаймиз. Устав капитали минимал миқдори бўйича талабни кескин пасайтириш акциядорлик жамиятлари сонининг ортиб боришига, фаолиятни кенгайтириш мақсадида истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётган

акциядорлик жамиятлари томонидан қўшимча эмиссиялар хисобига молиявий ресурс жалб қилиш ҳажми ортиб боришига хизмат килади.

Акциялар муомаласини самарали ташкил этиш нуктаи назаридан жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган акциялар турларини мамлакатимиизда ҳам жорий этиш лозим. Хусусан, имтиёзли акциялар бўйича кумулятив амалиётни жорий этиш, қатъий белгиланган дивидендан овоз бериш ҳуқукини олиш орқали воз кечиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, битта акцияга тўғри келадиган дивиденд микдори даражаси имтиёзли акция бўйича қатъий белгиланган дивиденд даражасидан кескин юқори ҳолатларда фойдани тақсимлашда овоз бериш ҳуқукини тақдим этадиган имтиёзли акциялар муомалага чиқариш ҳам акциядорлик жамиятлари кимматли қофозларига кизикиш уйғотади.

Мамлакатимиизда акциялар муомаласи таҳлил килинганда асосий эмиссия давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари хисобига тўғри келаётганлигини кўришимиз мумкин. Бунда жиддий эътибор қаратиш лозим бўлган жихат шундан иборатки, акциялар эмитенти юз фоиз давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларидир. Стратегик аҳамиятга эга акциядорлик жамиятларидан ташқари бошқа акциядорлик жамиятлари томонидан акциялар эмиссиясида эмиссия ҳажмининг маълум бир қисмини очик жойлаштириш амалиётини қонунчилик асосида жорий этиш лозим. Бундан ташқари акцияларни сотиб олиш ҳуқукини тақдим этувчи варрантлар амалиётига ҳам эътибор қаратилиши молиявий ресурслар жалб қилища ижобий аҳамият касб этади.

Молия бозорида юқори нуфузга эга бўлган корпоратив тузилмалар томонидан корпоратив облигациялар муомалага чиқариш ва очик жойлаштириш амалиётига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мамлакатимииздаги корпоратив тузилмалардан охирги марта Ўзсаноатқурилишбанк томонидан 2014 йилда корпоратив облигациялар жойлаштирганлигини назарда тутадиган бўлсак охирги икки молия йилида корпоратив облигациялар эмиссияси кузатилмади. Миллий амалиётда корпоратив облигациялар муомаласини кенгайтириш, конверсияланадиган облигациялар муомаласига жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки конверсияланадиган корпоратив облигациялар

муомаласи акциядорлар сонининг ортишига, бу ўз навбатида акциядорлик жамиятларида хусусий капитал ортиб боришига хизмат қилади.

Акциялар орқали молиявий ресурслар жалб килиш амалиётининг самарали амал килиши кўп жиҳатдан амалдаги дивиденд сиёсатига бевосита боғлиқ. Чунки ҳар қандай инвесторни акциядорлик жамиятининг истиқболли эканлигига қўшимча равишда акциянинг даромадлилиги қизиктиради. Айнан шу жиҳатни эътиборга олган ҳолда акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатига устувор даражада эътибор каратиш мақсадга мувофиқ. Шу нуктаи назардан қўшимча акциялар бўйича эмиссия рисолаларида охирги 5 йилда тўланган дивиденклар хакида маълумотлар бериб бориши инвесторлар учун курайлик яратади, деб ҳисоблаймиз.

Дивиденд сиёсатида кўп кузатиладиган муаммоли ҳолатни ҳам шу ўринда келтиришимиз мақсадга мувофиқ. Эришилған соғ фойдани реинвестициялаш бир томондан капитал жалб килиш бўйича харажатларни камайтириш билан бирга дивиденд бўйича солиқ имтиёzlаридан самарали фойдаланишга имкон беради. Бошқа томондан реинвестициялаш амалиёти акциядорлар норозилигига сабаб бўлиши натижасида жамият фаолиятига гаразли акциядорлар кириб келишига олиб келади. Шунингдек, инвесторларнинг акциялар бозорига бўлган ишонч даражаси пасаяди. Бундан ташқари йирик лойиҳаларни амалга оширишни молиявий таъминлаш учун реинвестиция маблаглари етарли бўлмаслиги мумкин. Шундан келиб чиккан ҳолда дивиденд сиёсатининг молиявий ресурслар жалб килиш амалиёти билан боғлиқликдан келиб чиккан ҳолда реинвестициялаш ва дивиденд тўлаш ўртасидаги оптимал нисбатни белгилаш талаб этилади.

Бизга маълумки, 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб килиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Карорига асосан 2016 йил 1 июлдан бошлаб акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаслигидан иборат тартиб жорий этилди ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқлари тўғрисида”ги Конунда ҳам белгилаб қўйилди. Бу талаб бир томондан хорижий инвестициялар жалб килиш нуктаи назаридан ижобий аҳамият касб этади. Лекин бошқа

томондан бозор иктисодиёти шароитида мулкдорнинг тадбиркорлик субъекти ташкилий-хуқукий шаклни танлаши ихтиёрийликка асосланади. Бундан ташкари акциядорлик жамиятларида акциядорлар таркибини белгилаш ҳам ихтиёрийликка асосланади. Шу нутканазардан хорижий инвесторларнинг устав капиталидаги иштирокини мажбурий килиб белгилаш акциядорлик жамиятларининг ўз ташкилий-хуқукий шаклларини ўзгартиришларига ҳам сабаб бўлади. Натижада акциядорлар сонининг кисқариши, акциялар бозоридаги кўрсаткичларнинг пасайиши ва бошка ҳолатларнинг юз беришига олиб келади. Қулланилаётган бу амалиёт ҳалкаро тажрибага ҳам зид хисобланади. Чунки акциядорлик жамияти фаолияти яхши ташкил килинган, даромадлилиги нисбатан юқори, фаолият йўналишлари истиқболли бўлса хорижий инвесторларда кизикиш уйғотиши табиий ҳолат хисобланади. Бунда ўз-ўзидан акциялар савдоси оркали хорижий инвесторнинг кириб келиши жараёни кузатилади.

Кўшимча тарзда хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятлари фаолиятига кириб келишини таъминловчи механизмлардан бири сифатида мамлакатимиз бўйича дивиденд даражасини эълон килиб боришни йўлга кўйиш лозим. Чунки, хорижий инвестор айнан шу кўрсаткич асосида мамлакатдаги акциядорлик жамиятлари дивиденд тўловлари даражасига қизикади.

Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни кенг жалб килишнинг ҳалкаро амалиётда синалган, яъни тажрибадан ўтган усулларидан бири бу IPO амалиётидир. Бу амалиёт хусусида юқорида ҳам тўхталиб ўтганимиз боис тўғридан-тўғри мамлакатимиздаги корпоратив тузилмалар томонидан IPO операцияларини ташкил этиш масаласи хусусида тўхталиб ўтамиз.

Мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари томонидан шу кунга кадар IPO амалиёти ўтказилмаган. Бу амалиёт акциядорлик жамиятларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб килишда ўзига хос афзаликларга ҳамда жаҳон бозоридаги ракобат мухитига мосланишида аҳамиятли жиҳатларга эга. Шу боисдан ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Иктиносидиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи устувор йўналиши “хусусий мулкни, молия бозорини химоя килиш, кишлоқ хўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини

ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади”⁶⁹.

Фикримизча, IPO амалиётини дастлаб миллий фонд биржаси хисобланган “Тошкент” республика фонд биржасида, сўнг пухта тайёргарлик асосида минтақавий фонд биржаларида ўтказиш максадга мувофиқ. “Тошкент” республика фонд биржасида IPO амалиётини ўтказишида акциядорлик жамиятларининг маҳаллий инвесторлар, айниқса аҳоли гурухларига кириб бориш, улар олдида тақдимотлар ўтказиш лозим. Минтақавий фонд биржаларига чиқишида эса уларнинг талабларини пухта ўрганиш ва шу асосда акцияларни жойлаштириш талаб этилади. Акс ҳолда акциядорлик жамияти фаолияти издан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Халкаро ривожланган фонд биржаларига чикиш эса талабларнинг юкорилиги сабабли миллий акциядорлик жамиятларига анча кимматга тушишини таъкидлашимиз лозим.

Шу ўринда Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ўртасида иктисадий интеграцияга жиддий эътибор қаратилаётган бир вактда айнан минтақа учун хизмат қилувчи фонд бозорини яратиш масаласига ҳам эътибор қаратилса акциялар савдоси ривожланишига замин бўлиб хизмат киларди.

Ривожланган мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг кимматли қоғозлар орқали молиявий таъминотида биржа индексларидан фойдаланиш амалиёти алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуткаи назардан аник мезонлар асосида биржа индексларини миллий амалиётда ҳам жорий этиш максадга мувофиқ. Бунда даромадлилик микдори, товароборот ҳажми, капиталлашув даражаси асосий мезонлар қилиб олиниши максадга мувофиқ, деб хисоблаймиз.

Ўзаро капитал алмашиш орқали реал сектор ва молиявий сектор фаолият уйғунлигини таъминлаш ҳам корпоратив тузилмалар молиявий таъминотида аҳамиятга эга хисобланади. Бунда тижорат банклари ёки молиявий секторнинг бошқа алоҳида бўғини реал сектордаги акциядорлик жамияти устав капиталида

⁶⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига шарх <http://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasini-yanada-rivozhlantirish-b-yicha-arak-07-02-2017>.

мълум улушга эгалик килади. Ўз навбатида реал сектор акциядорлик жамияти акцияларига эгалик қилаётган молиявий сектордаги акциядорлик жамияти, масалан тижорат банки устав капиталида мълум бир улушга эгалик килади. Реал ва молиявий сектордаги акциядорлик жамиятлари ўртасида капитал алмашинуидан ташқари мазкур амалиётда реал сектор субъекти молиявий сектор субъектидан карз маблаглари жалб килиши кузатилса, иккинчи томондан реал сектор субъектининг молиявий ресурслари молиявий сектор, хусусан тижорат банклари томонидан бошқариб борилади. Келтирилаётган жихатлар умумий ҳолда молия-саноат гурухларини ўзида акс эттиради. Шу нуктаи назардан молия-саноат гурухларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз.

Хулоса

Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш масалаларига доир тадқикотларимиз натижаси сифатида куйидаги хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Корпоратив тузилмаларни молиялаштириш манбаларини умумий ҳолда мулқдорлар ва корпоратив тузиманинг ўз маблаглари ҳамда мълум шартлар асосида четдан жалб қилинган карз маблаглари манбаларига ажратилиди. Ўз маблагларининг ҳам, қарз маблагларининг ҳам мълум бир хусусиятларига кўра ички ва ташки манбалари мавжуд.

Корпоратив тузилмаларда молиявий таъминотнинг ўз манбалари деганда кўз олдимиизга биринчи навбатда хусусий капитал келади. Чунки хусусий капитал таркибидаги устав капитали корпоратив тузилма фаолиятнинг дастлабки босқичида шакллантирилади. Қўшимча капитал, резерв капитали, таксимланмаган фойда ва ҳокозолар эса кейинги босқичларда шаклланиб боради.

Корпоратив тузилмаларни карз маблаглари хисобига молиялаштириш мақсадлилик, таъминланганлик, тўловлилик, муддатлилик, қайтаришлик принциплари асосида ташкил этилади.

Корпоратив тузилма олинган асосий карз суммасини ва у бўйича хисобланадиган фоиз тўловларини белгиланган тартибда коплаш мақсадида пул оқимларини режалаштириш талаб этилади. Акс ҳолда қўшимча мажбуриятлар юзага келишига сабаб бўлади.

Бугунги кунга келиб халқаро амалиётта корпоратив молияни бошқаришда хорижий капитални жалб қилиш шакллари сифатида IPO амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш орқали хусусий капитал жалб қилиш, хорижий банк кредитларини жалб қилиш, халқаро карз муносабатларини англатувчи қимматли қофозлар (еврооблигациялар) муомалага чиқариш, халқаро лизинг кабилар кенг кўлланилмоқда.

Хозирги кунда муомаладаги корпоратив облигациялар миқдори 214,774 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Ундан 33,5 миллиард сўмлик кисми 2017 йилда, 43,214 миллиард сўмлик кисми 2018 йилда, 45 миллиард сўмлик кисми 2019 йилда, 58,06 миллиард сўмлик кисми 2020 йилда ва 35 миллиард сўмлик кисми 2022 йилда қайтариб сотиб олиш орқали қопланиши белгиланганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Мазкур ҳолатни таҳлил қилиш натижасида эмитентлар томонидан корпоратив облигациялар чиқарилиши давом эттирилмаса, яқин йиллардан сўнг мамлакатимизда корпоратив облигациялар муомаласи кузатилмаслигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Мамлакатимизда корпоратив тузилмалар фаолиятини кўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида молиявий ресурсларни таклиф килувчи манбалар сонини кенгайтиришимиз, яъни танлов имкониятини яратишимиш лозим.

Корпоратив тузилмалар ўз фаолиятларини устав капиталини шакллантириш асосида бошлайдилар, устав капиталини ошириб бориш орқали фаолиятларини кенгайтиришлари мумкин. Бунда янги ташкил этилаётган корпоратив тузилмалар учун устав капитали миқдори бўйича минимал талабнинг нисбатан пастрок бўлиши аҳамиятлидир. Шундан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятлари устав капиталига минимал талабни камайтириш мақсадга мувофик.

Акциялар муомаласини самарали ташкил этиш нуктai назаридан жаҳон амалиётида кенг кўлланиладиган акциялар турларини мамлакатимизда ҳам жорий этиш лозим. Хусусан, имтиёзли акциялар бўйича кумулятив амалиётни жорий этиш, катъий белгиланган дивидендан овоз бериш хукукини олиш орқали воз кечиш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

Кўшимча тарзда хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятлари фаолиятига кириб келишини таъминловчи механизмлардан

бира сифатида мамлакатимиз бўйича дивиденд даражасини эълон килиб боришни йўлга кўйиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Узбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги 2001 йил 6 декабрдаги Конуни.

2. Узбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида”ги 2014 йил 6 майдаги Конуни.

3. Узбекистон Республикаси “Қимматли қофозлар бозори тўғрисида”ги 2015 йил 3 июндаги Конуни.

4. Узбекистон Республикаси Президентининг “Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Фармони.

5. Узбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида” Низоми. 2009 йил 15 август.

6. 21-сонли БХМС – Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисоби Счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўрикнома. 2002 йил 9 сентябрь.

7. Қимматли қофозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қофозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари. 2009 йил 16 июль.

8. Каримов И.А. Банк тизими, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида. – Т.: Узбекистон, 2005. 528 б.

9. Борисова О.В. и др. Корпоративные финансы: Учебник и практикум. М.: Юрайт, 2015. 651 с.

10. Гребенников П.И., Таравесич Л.С. Корпоративные финансы: Учебник. М.: Юрайт, 2016. 252 с.

11. Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент: Учебник. М.: Эксмо, 2010. – 768 с.

12. Под. ред. М.А.Эскандарова, М.А.Федотовой. Корпоративные финансы: Учебник. М.: Кнорус, 2016. 480 с.

13. Таравесич Л.С., Гребенников П.И., Леусский А.И. Теория корпоративных финансов: Учебник. М.: Высшее образование, 2007. 237 с.

14. Теплова Т.В. Корпоративные финансы: Учебник. М. Юрайт, 2014. 655 с.
15. Холмуратов Н. Корхоналарда кредит хужжатларини тайёрлаш ва кредитларнинг бухгалтерия хисоби // Бозор, пул ва кредит. 2013. №5. Б. 65-70.
16. Элмирзаев С. Корпоратив молия: Ўкув кўлланма. Т.: Sano-standart, 2015. 256 б.
17. www.nbu.uz – Ташки иқтисодий фаолият миллий банки веб сайти.
18. www.uzse.uz – Тошкент республика фонд биржаси веб сайти.
19. www.csm.gov.uz – Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази вебсайти.

IV боб. КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Иктисодиётни модернизациялаш шароитида корпоратив тузилмалар хўжалик молиявий фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва қуллаб қувватлаш долзарб масалалардан бири саналади. Чунки мамлакатимиз иктисодиётини ривожлантиришда, мамлакатимиз ташки иктисодий савдо балансини оширишда ҳамда ҳалқаро иктисодий муносабатларни таъминлашда корпоратив тузилмаларнинг ўрни жуда каттадир. Ўз навбатида, корхоналарни модернизация килиш, замонавий молиявий бошқарув тизимларини жорий этиш, хусусан молиявий менежментни жорий этиш ва истиқболда ривожлантириш ва шу орқали инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Зеро, жаҳон иқтисодиётининг, шу жумладан Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам келгуси таракқиёти, асосан, инвестицияларга боғликлигини бугунги кунда ҳар бир билим соҳиби англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иктисодиётига инвестицияларни, хусусан чет эл инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иктисодий ислоҳотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғликлигини тушуниб олиш кийин эмас.³

Албатта, бунда бугунги кескин ракобат шароитида корпоратив молияни бошқариш соҳасидаги мутахассислардан инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш масаласида чукур билим ва малака талаб этилади. Чунки молиявий менежерлар томонидан исталган инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигига таъсир этувчи барча омилларни атрофлича ўрганмаслик ва пухта молиявий баҳолай олмаслик корпоратив тузилмалар фаолиятига акс таъсир этиб, уларни инкиroz ҳолатига ҳам олиб келиши мумкин. Шу сабабли мамлакатимиздаги корпоратив тузилма-

¹ Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Т.: Шарқ. 2007. 52 б.

ларнинг инвестицион фаолиятини ўрганиш, уларда юзага келадиган муаммоларни аниклаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан илмий хуносалар ишлаб чикиш бугунги кунда мухим аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида биз томонимиздан тадқик этилаётган мавзунинг долзарблигини ўзида ифода этади.

4.1. Корпоратив молияни бошқаришда инвестицион фаолиятнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Иқтисодиётни модернизациялашнинг асосий иқтисодий тушенчалари сифатида инвестициялар тушунчасининг бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамияти, зарурлигини кўрсатиб, уни очиб беришга бўлган заруриятни келтириб чиқаради. Бу тушунча ўзи билан бирга инвестиция лойиҳалари тушунчаси, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштириш, уларнинг техник иқтисодий асосланиши ва экспертизаси, лойиҳавий таҳлил, лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш ва мониторинги каби бир катор янги кўплаб тушунча ва иқтисодий билимларни кашф этиши, уларнинг бугунги иқтисодий ҳаётимизда нақадар мухимлигини англаб олишимизга сабаб бўлмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кулай инвестиция иклими шаклланмасдан ва хорижий инвестицияларни миљий иқтисодиётта фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий хамжамиятига муваффакиятли интеграциялаша олмайди.

Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда «инвестиция» нисбатан аниқ ва кенг кўлланилаётган атама ҳисобланса-да, иккинчи томондан, унинг кўп кирралиги ва зиддиятилиги нафакат мамлакатимиз, балки хорижий иқтисодий адабиётларига ҳам хос.

«Инвестиция» тушунчаси бир катор маъноларга эга бўлиб, бу капитал қўйилма деган маънони билдиради. Ёки буни фойда олиш мақсадида акция, облигация сотиб олиш, товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган реал активларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш ҳамда интелектуал ва бошка моддий бойликлар учун сарфланиши тушунилади, яъни инвестициялар ҳар қандай восита бўлиб, пулнинг кийматини саклайди, унинг кийматини кўпайтиради ва ижобий даромад олишни таъминлайди.

Демак, инвестиция сўзи кенгроқ маънони англатиб, бунга кўшимча равишда ўзлаштиrmок деган маънони ҳам берар экан»⁷⁰.

Кўйидаги таърифда инвестициялар ва капитал қўйилмалар ўртасига тенглик ишораси қўйилган: «Инвестициялар (капитал қўйилмалар) – халқ ҳўжалигининг барча тармокларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилган моддий, меҳнат ва пул ресурслари харажатлари йиғиндисидан иборат»⁷¹.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Конунида келтирилган таъриф инвестицияларнинг иқтисодий-хукукий табиатини тўлиқ очиб беради: «инвестициялар - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва (номоддий неъматлар ҳамда уларга доир хукуклар; инвестиция фаолияти - инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ харакатлари мажмуй»⁷².

Иқтисодий адабиётларда инвестицияларнинг турли ҳусусият ва ёндашувлардан келиб чиқиб жуда кўп турлари келтирилган. Жумладан, реал ва молиявий инвестициялар, бевосита ва билвосита инвестициялар, кисқа ва узок муддатли инвестициялар, капитал, инновацион ва ижтимоий инвестициялар, ҳусусий ва давлат инвестициялари ҳамда миллий ва чет эл инвестициялари каби. Ушбу инвестицияларни туркумлашга бундай ёндашувлар уларнинг қандай киритилиши ва нима максадда киритилиши ҳамда бошқа томонларини ҳисобга олиб шартли равища туркумланган бўлиб, уларнинг маълум иқтисодий моҳиятини ҳам очиб беришга каратилган. Ҳозирги глобаллашув шароитларида инвестицион лойиҳаларда ушбу инвестицияларнинг алоҳида ҳолда ажратиб курсатиш кийин, чунки мулқдорлар ва менежерларнинг иқтисодий фаолиятини кўп кирраларини ҳисобга олмасликлари уларнинг юкори ракобатли бозор конюнъктурасига мослашувини пасайтириши мумкин.

Амалиётда акциядор ҳам инвестор сифатида қаралар экан, бу ўринда биз томонимиздан тадқик этилаётган корпоратив тузилмаларда инвестицион фаолиятни ташкил этиш ҳам бугунги кунда

⁷⁰ Каримов Н.Ғ., Ҳожиматов Р.Ҳ. Инвестицияларни ташкил этиши ва молиялаштириш Дарсланк. Т.: ТДИУ. 2011. 31 б.

⁷¹ Шапиро В.Д. и др. Управление проектами. СПб : Два Три, 2006. 17 с.

⁷² Узбекистон Республикаси 1998 йил 24 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Конуни, 2-модда /НОРМА

мухим аҳамият касб этади. Чунки инвестицион фаолият корпоратив тузилмаларга керакли бўлган молиявий ресурсларни ички ва ташки манбалардан жалб қилишга ҳамда самарави лойиҳаларга қўшимча фойда олиш учун сафарбар қилиш имкониятларини тақдим этади. Корпоратив тузилмалар шаклидаги корхоналарда нафакат инвестицион фаолият, балки молиявий фаолиятни ташкил қилишнинг ўзи ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятлари асосида ташкил этилиши билан ажралиб туради.

Корпоратив бошқарув тушунчаси Ўзбекистонга мустакиллик ийларида кириб келган бўлиб, унинг иктисадий ҳаётимиздаги роли кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўзбекистонда 1996 йилда қабул қилинганд “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонун корпоратив бошқарув тизимиға эга корхоналар фаолиятини тартибга солишини таъминловчи ва айни вақтда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантирувчи меъёрий-хукукий асос вазифасини бажариб келмоқда. Корпоратив бошқарув тизимиға эга корхоналарда мулкдорлар манфаатларини тартибга солиш ва уларнинг инвестицион фаоллигини оширишда уларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Хозирги кунда корпоратив бошқарув тизимиға эга корхоналарнинг инвестиция салоҳиятини ва улардаги инвестицион муҳит ҳамда инвестицияларни жалб этишдаги ўзига хос жиҳатларини ўрганишга катта эътибор қаритилмоқда. Жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услугларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқарища акциядорлар ролини кучайтириш учун кулай шароитлар яратиш максадида 2015 йил 24 апрелда Президентнинг ПФ-4720 сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услугларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон сўнгги йилларда акциядорлик жамиятларида инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг энг асосий хукукий асосларидан бири бўлиб саналди.

Ушбу фармонга мувофиқ куйидагилар корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

– халқаро тажрибани чукур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услугларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

– чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

– эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишини инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш;

– акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

– етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартағи ПҚ-2327-сонли Қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси қайд этилган акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш жараёнини 2015 йилнинг 1 октябрига қадар тугатиш устидан қаттий назорат ўрнатиш белгилаб қўйилди.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг Германия ҳамда бошқа иқтисодий ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасаларини жалб этган ҳолда, тутатиладиган Олий бизнес мактаби негизида Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказини ташкил этиш, унинг зиммасига корпоратив бошқарувнинг ташкилий шакллари ва замонавий услугларини жорий қилишни методик таъминлаш, шунингдек, халқаро талаб ва стандартларга мувоғиқ ушбу соҳада бошқарув ходимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш вазифасини юклаш тўғрисидаги таклифини қабул қилиниши ҳам ушбу фармонда белгилаб қўйилган.

Акциядорлик жамиятларига хорижий инвестор ва менежерларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарувда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашда, сифатли, ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда уни ташки бозорларга олиб чикишда уларнинг фаол иштирок этишлари учун қуай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг устав капиталларида давлат активлари ва улушларини кисқартириш ҳисобидан иқтисодиётда давлатнинг иштирокини тубдан камайтириш мақсадида 2015 йил 21 декабрда Президентининг ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарорлари қабул килинди.

Мазкур Қарор орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартағи ПҚ-2327-сонли Қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг, шунингдек, акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаслигидан иборат тартиб жорий этилиши таклифига розилик берилди.

2015 йил якунларида эса ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, белгиланган вазифалар доирасида “Барча акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, натижада 462 та жамиятни ёки уларнинг 43 фоизини тутгатиш ёки бошқа ташкилий-хукукий шаклга ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул килинди. Корхоналарни корпоратив бошқариш бўйича илгор халқаро тажрибани ўрганиш асосида акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шу тарика, замонавий корпоратив бошқарув тизими талабларини инобатга олган ҳолда, лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, унга бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган 566 та янги тоифа киритилди”⁷³.

Корпоратив тузилмаларда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг бош режаси сифатида куйидагиларни белгилаб беради:

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимойи-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Мажхамаси мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи. 17.01.2016.

- инвестицион фаолият мухим йўналишларини;
- инвестицион фаолият шакллари;
- корпоратив тузилма инвестицион ресурсларини шакллантириш тавсифи;
 - корпоратив тузилма узок муддатли инвестицион мақсадларини амалга ошириш босқичларининг кетма-кетлиги;
 - инвестицион фаолият йўналишлари ва шакллари бўйича корпоратив тузилманинг инвестицион активлиги имкониятлари чегаралари;
 - инвестицион фаолиятни моделлаштириш, амалга ошириш ва баҳолашнинг расмий мезонлари тизими.

4.2. Корхона инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбалари

Ҳозирги замонавий шароитда инвестицион стратегияни юритиш корхонанинг муваффакиятли ва самарали ривожланишини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқилган инвестицион стратегия:

- корхонанинг олдиндаги иқтисодий ва ийхтимоий ривожланишининг узок муддатли умумий ва инвестицион мақсадларини амалга ошириш механизмини таъминлайди;
- корхонанинг инвестицион имкониятларини реал баҳолаш имконини беради;
- инвестицион имкониятлардан максимал фойдаланиш ва инвестицион ресурслар фаол айланувчанлиги имконини беради;
- ташки бозор инвестицион мұхитлари омилларининг ўзгаришлари жараёнида пайдо бўладиган ва кочиб бўлмайдиган янги истиқболли инвестицион имкониятлардан тезкорлик билан фойдаланиш имкониятларини таъминлайди;
- ташки инвестицион мұхитлар ривожланишининг мүмкун бўлган вариантларини прогнозлаш ва корхона фаолиятига салбий таъсири кўрсатувчи омилларнинг таъсирини камайтириш имконини беради;
- корхона инвестицион фаолиятини стратегик, тактик (жорий) ва оператив бошқариш ўртасидаги аниқ ўзаро боғлиқликни таъминлайди;
- корхонанинг ракобат мұхитидаги устунлигини акс эттиради;

- энг муҳим стратегик инвестицион қарорларни амалга ошириш доирасида инвестицион фаолиятнинг мос сиёсати белгиланади.

Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиши жараёни корпоратив тузилма молиявий стратегияси тизимишинг муҳим таркибий қисми бўлиб ўз ичига куйидагиларни олади:

- инвестицион стратегия мақсадлари кўйилиши;
- шаклланган инвестицион ресурслар таркибини ва улар рационал тақсимланишини оптималлаштириш;
- инвестицион фаолият энг муҳим жиҳатлари бўйича инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш;
- ташки инвестицион муҳит билан ўзаро муносабатларни саклаш.

Корпоратив тузилманинг инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишининг зарурлиги ташки ва ички муҳит шарт-шароитлари ўзгаришлари билан белгиланади. Инвестицияларни самарали бошқариш фақатгина ташки инвестицион муҳитдаги мумкин бўлган ўзгаришларга мослашган аниқ инвестицион стратегия асосида ташкил этилиши мумкин, бошқача айтганда корпоратив тузилманинг алоҳида бўлинмалари инвестицион қарорларининг бир-бирига зид келиши мумкинлиги инвестицион фаолиятни самарадорлигини пасайтиради.

Корпоратив тузилма ташки молиявий муҳити омилларининг ўзгариши операцион фаолият максадларининг муҳим ўзгаришлари билан ёки ҳаётий цикл боскичларидағи олдинда турган ўзгаришлари билан боғлик бўлиши мумкин. Янги тижорат имкониятлари очилиши корпоратив тузилма операцион фаолияти мақсадлари ўзгаришига сабаб бўлади. Бундай ҳолатда ишлаб чиқилган инвестицион стратегия корпоратив тузилма инвестицион активлигини ўстириш прогнозини ва инвестицион фаолиятни диверсификациялашни таъминлайди.

Корпоратив тузилма ҳаётий циклиниң ҳар бир боскичи учун ўзига хос инвестицион активлик даражасини, инвестицион фаолият йўналишлари ва шаклларини, инвестицион ресурсларнинг шакилаши хусусиятларини тавсифлайдиган инвестицион стратегия корпоратив тузилма инвестицион фаолиятини унинг иқтисодий тараққиётдаги ўзгаришларга мослаштириш имконини беради.

Зоро, ички инвестицион стратегиялар реал инвестицион лойиҳаларни ва инвестициялашнинг молиявий инструментларини тан-

лашнинг асосий мезоний баҳолашларини белгилаш асосида шакллантирилар экан, ҳозирги вақтда инвестицияларни молиялаштириши манбаларини шакллантириш ҳам инвестиция фаолиятининг бош муаммоларидан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган ҳар хил манбалар, жумладан:

1. Инвесторнинг ўз молиявий ресурслари ва ички хўжалик резервлари (фойда, амартизация ажратмалари, маҳсус резерв фондлари);

2. Инвесторнинг қарз маблағлари (банк кредити, бюджет кредити, облигация бўйича қарзлар);

3. Жалб қилинган молиявий ресурслар (акцияларни сотиш, меҳнат жамоасининг пай ва бошқа кўринишдаги бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг пай ва бошқа бадаллари);

4. Бюджетдан инвестицион ассигнациялари (маҳаллий, давлат ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари);

5. Чет эл инвестициялари (чет эл кредитлари, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси, қўшма корхоналар кўринишида);

6. Лизинг (инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг бир тури бўлиб, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, бино ва иншоотларни ижарага бериш тушинилади) манбалар ҳисобига амалга оширилмоқда.

Ушбу молиялаштириш шакллари ва манбаларининг ҳар бири ўзининг ижтимоий сиёсий ва иқтисодий жиҳатларига эга, шу сабабли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш шаклларини таҳлил қилиб энг қулай шакл ва усул танланади.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг энг ишончли манбаси бу ўз маблағлари ҳисобланади. Ҳар қандай тижорат ташкилоти доимо инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришга интилади. Бу ҳолатда молиялаштириши манбаларини қаердан олиш керак деган муаммо вужудга келмайди ва унинг банкротлик хавф-хатари (риски) камаяди. Бундан ташқари ижобий томонлари ҳам мавжуд. Ҳусусан ўз-ўзини молиялаштириш корхонани ривожланганилиги ва унинг яхши молиявий ҳолатини билдиради ва яна рақобатчилардан маълум бир устунликка эга бўлади, бошқа корхоналарда бундай имконият бўлмаслиги мумкин. Ҳар қандай тижорат ташкилотининг асосий ўз-ўзини молиялаштириш манбаи бу асосан соғ фойда ва амартизация ажратмаси ҳисобланади.

а) «Фойдаинвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида».

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг асосий мақсади бу максимал фойда олишдир. У корхона фаолиятининг асосий молиявий натижаси ҳисобланади.

б) «Амортизация ажратмалари инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаи сифатида».

Амортизация ажратмалари инвестицияларни молиялаштириш нинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Улар қайта ишлаб чиқариши (яъни тақрор ишлаб чиқариш) ташкил қилиб қолмай, балки маълум даражада уларни кенгайтиришига ҳам мўлжалланган бўлади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида амортизация корхонанинг инвестиция эҳтиёжини 70-80%ини қондиради. Мамлакатимизни бозор иқтисодиётига ўтиши билан амортизация ажратмаларининг инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатидаги аҳамияти ҳам ўсди.

Уларнинг инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатида бошқаларига нисбатан устунлик томони шундаки, корхонанинг ҳар қандай молиявий ҳолатида, бу манба ўз ўрнига эга бўлади ва доимо корхона ихтиёрида бўлади.

Рақобат жараёни, асосий фонdlарни янгилаb туришни талаб этади, бу эса келгусидаги инвестициялар учун тезлаштирилган амартизация ажратмаларини ҳисоблашни тақозо этади. Шундай қилиб, интенсив тарздаги қайта ишлаб чиқариш амалга оширилади. Бунинг натижасида амартизация ажратмалари, ўзи алоҳида бир шаклни ташкил килади. Бошқача қилиб айтганда, улар кенгаяди ва инвестициялаш учун олдингисига нисбатан барқарор молиявий базага айланади. Шундай қилиб, амартизация ажратмалари корхонанинг инвестиция фаолиятини тартибга солувчи муҳим воситага айланади.

в) Корхонанинг инвестиция фаолиятини молиялаштириш-нинг ички молиявий ресурслари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

-хўжалик усулида бажарилган курилиш-монтаж ишларидан келган фойда (килинган иқтисод);

-асосий воситаларни ликвидация қилинган вақтда олинган ярокли материаллар;

-айланма маблагларнинг айланишини тезлашиши ҳисобига, муомиладан бўшатилган айланма маблагларнинг бир кисми;

-корхонанинг ўзида ташкил қилинган маҳсус резерв фондлари ва бошқалар.

г) Агар корхона инвестиция фаолиятини молиялаштиришда ўз маблаглари етарли бўлмаса, бундай ҳолда, корхона маблагларни қимматли қоғозлар чиқариш ёки банк кредити орқали жалб қилиши мумкин. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг кенг тарқалган ва молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бўлиб, қимматли қоғозларни эмиссия қилиши ҳисобланади.

Акция - бу корхона мулкига акционерларнинг кўшган ҳиссанни тасдиқловчи ҳужжат. Акциялар бўйича даромадлар дивидент шаклида олинади. Акциялар чиқариш орқали зарур бўлган пул маблағлари жалб қилинади. Мазкур жараёнда акцияларни ҳақиқий қийматини аниклаш ва ушбу қийматдан келиб чиқсан ҳолда хорижий инвесторларга акцияларнинг сотиладиган нархларини таклиф қилиши мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда ҳозирги кунда республикамизда акциялар эмиссия қилиш даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлаётганлигини, акциядорлик жамиятларида инвестицион фаолиятга бўлган эътибор тобора ошиб бораётганлигини кузатишимиш мумкин. Бу эса босқичма-босқич мамлакатимиз молия бозорлари ривожланишига хизмат қиласи. Шунингдек, ушбу кўрсаткичларнинг айниқса сўнгги йилларда нисбатан кескин ошишини мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида бўлаётганлигини айтишимиз мумкин.

Облигация - бу қарздорлик мажбурияти бўлганлиги сабабли акцияга нисбатан риски камроқ бўлади ва облигациялар шу сабабли акцияга нисбатан тезроқ сотилади. Бу эса корхонага зарур маблағларни бир мунча кисқа вақт ичида тўплаш имконини беради. Облигациянинг акцияга нисбатан риски камроқ бўлганлиги сабабли, облигацияга тўланадиган фоиз акция бўйича дивидендга нисбатан пастроқ бўлади. Корхона учун эса акция чиқариш, облигация чиқаришга нисбатан кулайроқдир. Чунки фойда миқдорига қараб, дивидендни ўзгартириши мумкин, облигацияда эса фоиз қатъий белгиланган бўлади.

д) Инвестицион лойиҳани молиялаштиришнинг қарзга олинган манбаи бўлиб, банк кредитлари, ипотека ссудалари, сугурта компанияларидан олинган қарзлар ёки (нодавлат) бюджетдан ташқари фонdlардан олинган кредитлар ҳисобланади. Ушбу молиялаштириш манбалари маълум муддатга қайтариш ва

тўловлилик шартли асосида берилади. Инвестицион лойихаларни кредит асосида молиялаштиришининг афзалроқ томони шундаки, фаолият юритаётган корхона учун модернизация, реконструкция ишлари ва керакли месъёрда ишлаб чиқариш кувватини таъминлашда, яъни корхона ишлаб чиқариш фаолиятни кенгайтирмоқчи бўлса, кредитдан фойдалангани маъкул, чунки, ишлаб турган корхона активлари ушбу кредитлар қайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Давлат қимматли қофозлари - Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ваколат берган орган томонидан чиқарилган облигациялар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари. Облигациялар ўзида кредит муносабатларини акс эттиради, бунда давлат қарздор, аҳоли ёки корхона ва ташкилотлар кредитор сифатида иштирок этади (давлат кредити). Бугунги кунда давлат облигациялари облигацияларнинг энг кенг тарқалган туридир. Давлат облигациялари эмиссиясини хукумат, аксарият ҳолларда, давлат бюджети тақчиллигини қоплаш максадида амалга оширади. Бевосита давлат облигациялари операциялари билан кредит муассасалари шуғулланади. Фоизларни тўлаш манбаси – давлат хазинасига корхоналардан солик кўринишида келиб тушадиган, амалга оширилган кўшимча кийматдир. Давлат облигациялари, одатда, мамлакатнинг молмулки, бойлиги билан кафолатланган ва шунинг учун ҳам инвестиция активларининг энг ишончли тури ҳисобланади. Давлат облигациялари бўйича олинган даромадлар соликка тортилмайди. Шунинг учун улар бўйича фоиз ставкалари корпорацияларнинг энг биринчи даражали облигациялари бўйича тўланадиган фоиз ставкаларига қараганда паст. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда жами давлат карзининг като қисмини айнан турли йилларда чиқарилган облигациялар ташкил этади. Аҳоли ҳамда корхоналар учун давлат мажбуриятларини ҳарид қилиш ўз омонатлари ва жамғармаларини нисбатан ишончли саклаш шакли ҳисобланади. Бу қандайдир даражада ўзини инфляция жараёнлари таъсиридан чегаралаш имконини беради.

Муниципалоблигацияларнинг эмитентлари сифатида Ўзбекистон Республикасининг миллий – давлат ва маъмурий – худудий тузилмаларининг ҳокимият идоралари катнашиши

мумкин. Облигацияларни чиқариш тұғрисидаги қарор давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари:

Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кәнгаши, вилюятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимиятлари томонидан кабул қилинади.

Муниципал облигацияларни чиқаришнинг эң асосий масалаларидан бири – бу уларни таъминлаш масаласидир.

Бозор иктисодиеті ривожланган мамлакатларда муниципал облигациялар, одатда, банклар, нұфузлы фирмалар кафолати остида чиқарылады ва биринчи даражада акциялар даражасыда баҳоланады. Улар жуда оммабоп бўлиб, энг фойдали инвестиция активларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда маҳаллий заёмлар облигациялари амалда кўлланмаётганлигига қарамай, уларни чиқаришнинг истиқболи ғоят юксак.

Муниципал заёмлар бўйича маблагларни тўплаш муваффакиятининг жиддий омили республикада ўзини ўзи бошқариш идораларининг ажойиб муассасаси – маҳалла қўмиталарининг мавжудлигидир. Ҳокимиятларнинг маҳалла қўмиталари билан ишлашини фаоллаштириш, уларга маҳаллий заёмлар облигацияларини сотиш орқали ободончилик ва ижтимоий объектларни қуриш бўйича турили лойиҳаларни ишлаб чиқиши борасида кўмаклашиш яқин келаҗакда ўзининг ғоят сезиларли натижаларини берган бўлар эди.

Корпоратив облигациялар - акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарыладиган облигациялар хисобланади.

Корхоналар облигациялари тижорат кредити ва муносабатларининг асосий қуроли бўлиб, унда бир турдаги корхоналар карздорлар, бошка корхоналар ёки аҳоли эса, кредиторлар бўлишади.

Корхоналар облигациялари саноат корхоналарини кредитглаш жараёнларида, яъни банклар берилган кредитларга қарши улардан янада майда суммаларга бўлинган қарз мажбуриятлари (облигациялар)ни олган йилларда пайдо бўлди. Саноат облигациялари ўрнига бериладиган бундай кредит кўпинча банк кредитининг бошка турларига караганда арzonроқ бўлган. Саноат облигациялари бўйича, одатда, анча юкори фоизлар тўланар эди. Чунки облигациялар бўйича фоиз тўловларини корхонанинг солиқка тортиладиган фойдасидан чиқарыб ташлаш мумкин бўлиб, акциялар бўйича дивиденdlар эса, солиқка тортилар эди.

Молиялаш воситаси сифатида облигациялар ўзларининг устун томонлари билан бир қаторда камчиликларига ҳам эга. Саноат облигациялари бўйича катъи фоиз компания учун доимий ҳаражатларнинг ўсишини англатади. Тангликка учраган даврларда бундай ҳаражатлар дивидендлардан фарқли равишда, эмитент учун жуда сезиларидир, чунки дивидендлар компаниянинг даромадларига қараб анча паст даражада белгиланиши ёки умуман тўланмаслиги ҳам мумкин.

Корхона облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор корхона маъмурияти томонидан, акциядорлик жамияти облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор эса, ижроия орган (бошқарув) томонидан қабул килинади. Қарор тегиши баённома билан расмийлаштирилиши керак. Корхоналар томонидан устав фондини шакллантириш ҳамда тўлдириш, заррларни коплаш ва ҳоказолар учун облигациялар чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Депозит сертификати (ингл. Certificateofdeposite) – банкка кўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат сакловчининг) омонат суммасини ҳамда сертификатда шарглаштирилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш хукукини тасдиковчи ноэмиссиявий кимматли қоғоз.

Ҳосилавий кимматли қоғозлар (ХҚҚ) – бу шартномалар бўлиб, улар бўйича бир томон кимматли қоғозларнинг маълум бир миқдорини маълум муддатда келишилган нархда сотиб олиш ёки сотиш хуқуки ёхуд мажбуриятини олади. Кўпинча базис активи (яъни шартнома асосида ётубчи кимматли қоғоз) сифатида акциялар ва облигациялар иштирок этади. Ҳосилавий кимматли қоғозлар нақд ҳамда накдсиз шаклларда чиқарилиши мумкин. Ҳосилавий кимматли қоғозлар опционалар, фючерслар ва варантлар кўринишида чиқарилиши мумкин.

Корпоратив тузилмаларда инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг энг мақбул усулини танлаш билан биргаликда уларда ишлаб чиқилган инвестицион стратегия корхона бошқарувининг умумий ташкилий тузилмалари ва ташкилий маданиятни стратегик ўзгартиришнинг асосий шарт-шароитлари билан мослаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Негаки, корпорациялар фаолияти кўплаб манфаатдор иштирокчилар, жумладан, акциядорлар, инвесторлар, кредиторлар, ходимлар, мол етказиб берув-


чилар, истемолчиilar, касаба уюшмалари, ракобатчилар, маҳаллий бошқарув органлари, давлат муассасалари ва бошқаларнинг хатти-харакатлари таъсирида амалга ошиди. Айни пайтда корпоратив тузилмалар – муайян хўжалик юритиши фаолияти доирасида тўқишишви якка тартибдаги, гурухий ва ижтимоий манфаатлар юзашуви жараёнларни ташкил этишчи сифатидаги маъсулиятлари юзасидан ёндашсак ҳар бир иштирокчининг ўз манфаатлари асосида уларнинг маъсулиятларини кўришимиз мумкин.

Зоро, корпоратив бошқарувда инвестициялар манбаларини тўғри англаган ҳолда уларни самарали бошқариш бўйича корпоратив стратегияни тўғри танлантиши корпоратив тузилманинг асосий ютукларидан хисобланади. Корпоратив бошқарув иштирокчиларининг самарали корпоратив инвестицион сиёсатни юритищдаги иштирокини кўйидаги 4.1-расмда кўришимиз мумкин.

Ушбу расмга кўра, корпоратив бошқарувда инвестициялар самарадорлигини оширишга қартилган ҳар қандай стратегия аввал инвестицияларнинг биз юкорида қайд этиб ўтган манбаларини тўғри англаши ва уларнинг самарали ташкил этилиши бўйича тўғри танланган сиёсатни амалга ошириши шарт. Хусусан, корпоратив бошқарувда инвестицион жозибадорликни ошириш ташки инвесторлар ва кредит ташкилотларининг инвестиция киртишига бўлган кизиқишини таъминлайди. Шунингдек, акциядорлар манфаатларини юкори даражада химоя килиниши эса акциядорларнинг корхона соғ даромадлари ёки кўшимча капиталини шу корхона акцияларига реинвестиция килишини таъминлайдиган механизмни пайдо қиласди.

Ҳар бир корпоратив корхона ёки интеграллашган корпоратив тузилмалар ўзларининг стратегик ва тактик мақсадларидан келиб тизилмалар жадид қилиш бўйича ёндашувларини чиқиб, ушбу инвестицияларни жалб қилиш бўйича ёндашувларини мослаштириши ва барча омилларни хисобга олган ҳолда юкори фаоллика ишлаб ётган фонд бозорларида иштирок этишини таъминлашиб максадга мувофиқ.

⁷⁴ Амонбоев М. Корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришини модернизациялашнинг асосий йўналишлари. Диссертация. Т. 2011.



4.1-расм. Корпоратив бошқарувда самарали инвестиция
сиёсати схемасы⁷⁵

⁷⁵ Худайкулов Ш.Р. Корпоратив бошқарувда самарали инвестиция сиёсатининг назарий жиһатлари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2016. №б ноябр-декабр.

4.3. Корпоратив тузилмалар инвестицион фаолиятига таъсир этувчи омиллар ва инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари

Корпоратив молияни бошқаришда жорий инвестицион ва молиявий фаолият ўз навбатида, бозордаги юзага келаётган конъюнктурага ва амалга оширилаётган молиявий сиёсатга мос келувчи қарорларни талаб қиласди. Қабул қилинаётган қарорларнинг қиймати нафакат молиявий менежернинг малакаси ва билимдонлик даражасига боғлиқ, балки унинг ҳаракат тезлиги, хусусий корхонаси ва контрагентлар ҳолатини профессионал баҳолашга, молиявий қарорни қабул қилиш оқибатларини тасаввур этишига ҳам боғлиқ.

Молиявий менежментга илмий ёндошишларни, молиявий муносабатларни ривожлантиришининг услубий асослари сифатида замонавий молиявий назарияни, микдорий тахлил усулларини қўллаш қабул қилинаётган қарорларнинг юкори сифатли бўлиш шартидир. Чунки бугунги ракобат шароитида молиявий ресурслардан фойдаланишда молиявий ресурслардан ажралиб колиш ҳавфи юзага келади. Бу эса молиявий менежментда молиявий ресурсларни диверсификация қилишни талаб этади. Бундай шароитда корпоратив тузилмалар молиявий ресурсларини фақат ишлаб чиқаришга йўналтириш билан бирга инвестицион фаолият билан ҳам шугулланади. Бунда корпоратив тузилмалар инвестор сифатида инвестицион лойиҳаларни ўрганиб чиқади. Чунки молиявий ресурслардан фойдаланиш жараённида ҳар доим маълум даражада молиявий ресурслар йўқотилиш ҳавф-хатари мавжуд бўлади. Инвестицион фаолиятда молиявий рискларни бошқаришда айнан ана шундай ҳавф-хатарларни камайтириш, кўрилиши мумкин бўлган заарларни олдини олиш кабилар зътиборга олинади. Чунки ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фойдасини имкон кадар максималлаштиришга ҳаракат қиласди. Корхона раҳбарлари ёки молиявий муносабатларни бошқарувчи молиявий менежерлар молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида куйидаги омилларни ҳар доим инобатга олади. Ушбу омиллар корпоратив тузилма келгусида оладиган даромад микдорини аниқлаштиради:

- инвестицион лойиҳадан келадиган даромад;

- инвестицион лойиҳа фойдалилик (самарадорлик даражаси);
- инвестицион лойиҳанинг ликвидлилик даражаси;
- инвестицион лойиҳанинг хавфсизлик (риск) даражаси.

Ушбу ҳолатда лойиҳаларга корпоратив тузилманинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти, инвестицион фаолияти ва молиявий фаолиятлари киритилиши мумкин.

Корхона молиявий менежери фойдаланадиган молиявий ресурслардан қанча микдорда даромад олишини аниқ билиши керак. Яъни молиявий менежер таҳлил асосда бир неча лойиҳалар асосида энг даромади кўп соҳани аниқлаши мақсадга мувофиқдир.

Молиявий менежер олдидағи кейинги масала фойдалилик дараҷасини аниқлашдан иборат. Фойдалилик бир сўмлик харажатга тўгри келувчи фойда микдорини англатади. Масалан корпоратив тузилма иккита фаолиятидан бир хил микдорда фойда олади дейлик, 1 млн сўм. Биринчи фаолиятдан 1 млн сўм фойда олиш учун 2 млн сарф-харажат килинган, иккинчи фаолиятда эса 1 млн сўм фойда олиш учун 4 млн сўм харажат килинган. Бу ҳолатда биринчি фаолият фойдалилик даражаси каттароқ, чунки белгиланган мақсадга иккинчи фаолиятга нисбатан икки баробар кам капитал билан эришмокда. Агарда биринчি фаолиятга ҳам иккинчиси каби бирхил, яъни 4 млн сўмдан сарф харажат қилинганда, биринчি фаолиятдан 2 млн сўм, иккинчи фаолиятдан 1 млн сўм фойда олган бўлар еди. Демак фойдалилик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Молиявий менежерлар ликвидлилик даражасига ҳам катта эътибор қаратади. Ликвидлилик даражаси молиявий ресурсларнинг пулга айланниш даражасини англатади. Яъни ликвидлилик қанча катта бўлса молиявий ресурслар айланувчанлиги ҳам шунча тез бўлади. Ҳар бир молиявий менежер ёки инвесторлар пул маблағларини бирор лойиҳага сафарбар этишидан олдин ушбу маблағлари ўзига қачон қайтиб келишини аниқ билиши зарур. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир молиявий муносабатлар пухта ишлаб чиқилган режа асосида бориши керак. Бу эса молиявий менежер ёки инвесторнинг лойиҳага баҳо беришга ҳамда келгусида яна бошқа молиявий ишларни амалга оширишга ёрдам беради.

Молиявий менежер ёки инвесторлар дикқат марказида бўладиган яна бир масала, йўналтираётган пул маблағларининг хавфсизлик даражаси ва унинг таъминланганлик даражасидир.

Чунки кўзланаётган даромад, лойиҳа самарадорлиги, лойиҳа ликвидилиги жуда яхши бўлиши мумкин. Лекин хавфсизлик дараҷаси паст бўлса белгиланган мақсадга эришиш еҳтимоли ҳам жуда пасайиб кетади. Мълумки даромад, даромадлилик қанча юқори бўлган соҳада ёки умуман лойиҳада даромадлардан ажралиб қолиш хавфи ҳам юқори бўлади. Яъни риск даражаси юқори бўлади. Бу эса корпоратив тузилманинг жиддий ахволга солиб кўйиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда корпоратив тузилмаларнинг инвестицион фаолиятга таъсир этувчи омилларни кўйидаги 4.1-жадвалда кўришимиз мумкин. Ушбу маълумотларга кўра инвестицион фаолиятга таъсир этувчи омиллар бўлиб, аввалимбор инвестицион лойиҳа қиймати бўлиб хисобланади.

4.1-жадвал

Корпоратив тузилмаларда инвестицион фаолиятта таъсир этувчи омиллар⁷⁶

№	Инвестицион фаолиятта таъсир этувчи омиллар
1	Инвестицион лойиҳа қиймати
2	Инвестицион лойиҳадан келадиган фойда
3	Инвестицион лойиҳа даври
4	Инвестицион лойиҳа фойдалилик даражаси
5	Инвестицион лойиҳа бўйича риск даражаси

Инвестицион лойиҳа қиймати катта-кичиклигига қараб турлича карорлар қабул қилиш мумкин. Иккинчи омил инвестицион лойиҳадан келадиган фойда микдори хисобланади. Учинчи омил, инвестицион лойиҳа даври хисобланади. Инвестицион лойиҳа фойдалилик даражаси тўртинчи омил хисобланади. Навбатдаги омил, инвестицион рисклар даражаси бўлиб хисобланади. Ушбу лойиҳалардан бирортаси инвестор учун тўғри келмаса инвестиция киритиш бўйича қарор қабул қила олмайди. Шунинг учун ушбу омилларни корхоналар обдон ўрганиб чиқиб, таҳлил қилиб омилларнинг ҳар бири бўйича ижобий натижалар олган ҳолдагина инвестиция киритиш бўйича қарор қабул қилиш мумкин.

⁷⁶ Йқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда тузилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, даромадлилик юқори соҳада риск даражаси ҳам юқори бўлади ва аксинча даромадлилик даражаси паст соҳада риск даражаси ҳам паст бўлади. Маълумки, корпоратив тузилмаларнинг асосий мақсади фойда олиш ҳамда уни максималлаштиришдир. Бунинг учун корпоратив тузилмалар инвестиционриск даражаларини яхши ўрганиб, унга таваккал килишига тўғри келади. Бу жараёнда корпоратив тузилмалар фойдасини максималлаштириш учун юқори даромадлилик соҳаларга барча молиявий ресурсларини кирита олмайди. Чунки юқори даромадлиликда юқори риск бўлиб, бор молиявий ресурслардан ажралиб қолиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив тузилмалар барча молиявий ресурсларини риск даражаси паст соҳаларга ҳам кирита олмайди. Чунки уларда даромадлилик даражаси паст бўлади. Шунинг учун бугунги кунда корпоратив тузилмалар рисклилилк даражалари турлича бўлган соҳаларга молиявий ресурсларини сафарбар этиши кўзланган мақсадга эришишни таъминлайди. Бундан ташқари турли соҳаларга пул маблағларини сарфлаш рисклилилк даражасини ҳам пасайтиради. Куйида келтирилган расмда Республикаиз молия бозоридаги иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестицион жозибадорлик нуктаи назаридан кўрсаткичлар келтирилган. (4.2-расм). Унга кўра 2017 йил январ ва феврал ойида иқтисодиётнинг асосий тармоқлари кесимида қимматли қоғозларнинг биржа айланмаси куйидагилардан иборат:

– иқтисодиётнинг молиявий сектори корхоналари биржа айланмасининг 37,3%ини ёки 5,7 млрд сўмни ташкил этиб, уларда банкларнинг улуши 28,8% ёки 4,4 млрд сўмни, сугурта компаниялари улаши эса 1,3 млрд сўм (8,5%)ни;

– агросаноат мажмуасининг улуши эса 17,4%ни ёки 2,6 млрд сўмни;

курилиш корхоналарининг улуши 0,3%ни ёки 0,05 млрд сўмни ташкил этган.


Бундан хозирги кунда энг юқори талаб тижорат банкларининг қимматли қоғозларига бўлаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шу билан биргаликда узоқ муддатли капитал қўйилмалар тўғрисида карор қабул килиш учун куйидаги иккита энг муҳим (асос бўладиган) асосни тасдиқловчи ахборотга эга бўлиш зарур:

- қўйиладиган капитал тўла қопланиши лозим;

- мазкур операция натижасида олинадиган фойда микдори етарли даражада юқори бўлиши ва якуний натижанинг ноаниклиги

шароитида юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни қоплай олиши лозим.



4.2-расм. Кимматли қоғозларнинг тармоқлар бўйича биржа айланмаси (2017 йил январь-февраль)⁷⁷

Корпоратив тузилмаларда инвестицион лойиҳаларни баҳолашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни учта гурухга бўлиш мумкин: динамик (вақт омилини хисобга олувчи), статистик (хисоб) ва муқобил методлар. Бу жараёнда кўлланиладиган методлар ва уларга мос келувчи мезонлар кўйидаги расмда келтирилган (4.3 -расм).

Бугунги кунда корпоратив молияни бошқариш амалиётида кўпинча инвестициялар самарадорлигини баҳолашдаги замонавий ёндашувларни ўзида акс эттирувчи динамик мезонлардан фойдаланилади. “Киритилган инвестициялардан қилинган харажат билан, ундан келган даромад вақтга боғлик равишда ўзгариб боради. Қилинган харажат билан даромадни инвестиция киритилган йиллар бўйича, инвестиция фоизини эътибога олган холда, таққослаб бориш усули динамик усул дейилади”⁷⁸.

⁷⁷ www.uzse.uz “Тошкент” РРБнинг “Хар ойлик ахборот бюллетени” маълумотлари асосида тузилди.

⁷⁸ Исламов Ф.Р., Носирова Н. Иктисадиётга киритилаётган инвестициялар самарадорлигини баҳолаш // Иктисадиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2016 №3 май-июн.



*4.3-расм. Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш методлари таснифланиши*⁷⁹

Уларнинг кўлланилиши қарорлар қабул килиш жараёнида талаб килинадиган даромадлилк мөшері, вакт бўйича пул маблаглари қиймати, лойиҳа рисклилик даражаси, капитал баҳоси каби муҳим омилларни хисобга олиш ва мувофиқлаштириш имконини беради.

Динамик методлар базъизда дисконтли методлар деб аталади ва улар инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан боғлик пул оқимларининг жорий микдорини аниқлашга хизмат қиласди. Бу жараён қўйидагиларга имкон беради:

- лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир даври охиридаги пул оқимини аниқлаш;
- мос даврлар бўйича олинган барча ижобий пул оқимларини қайта инвестициялаш имкониятлари;
- лойиҳа бўйича қўйилмага мос фоиз ставкаси кўринишида акс этган лойиҳа самарадорлигини баҳолаш.

⁷⁹ Элмирзаев С. Корпоратив молия. Ўқув кўлланма. Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 168 б.

Бундай баҳолаш сифатида одатда, қуидагилардан фойдала-
нилади:

- корхона учун капиталнинг ўртача ёки чегаравий қиймати;
- узоқ муддатли кредитлар ва молиявий инструментлар бўйича фоиз ставкалари;
- бир хил риск даражаларига э́га мукобил қўйилмалар даромадлилиги;
- инвестор талаб қиласиган қўйилмалар даромадлилиги меъёри ва бошқалар.

Амалда бундай баҳолаш натижасига таъсир кўрсатувчи омиллар инфляция ва риск хисобланади. Қуида баҳолаш ҳакида сўз юритганда “дисконт меъёри” атамасидан фойдаланган ҳолда унинг иктиносидий таркибини кўриб чиқамиз.

Соф жорий қиймат (NPV)

Лойиҳанинг соф жорий қиймати (*Net Present Value – NPV*) куидаги формула бўйича аникланади:

$$NPV = \sum_{t=0}^n \frac{CF_t}{(1+r)^t} = \sum_{t=0}^n \frac{CIF_t}{(1+r)^t} - \sum_{t=0}^n \frac{COF_t}{(1+r)^t} \quad (1)^{80}$$

бу ерда, r – дисконт меъёри;

n – лойиҳани амалга ошириш даврлари сони;

CF_t – t даврдаги лойиҳа операцияларидан пул оқимлари;

CIF_t – t даврдаги лойиҳадан жами тушумлар;

COF_t – t даврдаги лойиҳа бўйича жами тўловлар.

Соф жорий қиймат (*NPV*)ни аниклаш натижасидаги умумий ягона қоида шуки, $NPV > 0$ ҳолатда лойиҳа амалга ошириш учун қабул қилинади. Қолган ҳолатларда эса ўз-ўзидан инкор қилиш ҳозим бўлади.

Агар хисоб-китоб қилинганда пул оқимларининг соф жорий қиймати ижобий ($NPV > 0$) бўлса, бу лойиҳани амалга ошириш вакти давомида дастлабки харажатлар (I_0) коплангани ва даромадлилик меъёри г талабига мос фойда олиниши таъминланганини англатади. Бошқача айтганда, *NPV* лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш натижасидазишилган, янгитдан яратилган қўшимча қиймат хисобланади.

⁸⁰ Элмирзаев С. Корпоратив молия. Ўкув қўлланма. Т.: Иктисол-Молия, 2015, 142 б.

Салбий микдордаги NPV берилган даромадлилик мөъёри лойиҳанинг заарар келтиришини ва ҳеч қандай қўшимча қиймат яратилиларни англатади. $NPV = 0$ да эса лойиҳа ҳеч қандай даромад ҳам, зарар ҳам келтирмаслигини англатади.

Кўп сонли тадқиқотлар кўрсатиб беради, NPV кўрсаткичи белгиланган давр мобайнида пул маблаглари кирими ва чиқиб кетиши ўргасидаги муносабатни ўзида акс эттиради, шунингдек, амалга оширилган харажатларни қоплаш ва кўйилмаларнинг берилган даромадлилиги мөъёрига эришиши ҳакида тасаввур беради.

NPV мутлақ кўрсаткич сифатида ўзаро жамлаш хусусиятига ҳам эга. Яъни турли лойиҳалар бўйича NPV лар ўзаро жамланиши мумкин:

$$NPV(A,B,C) = NPV(A) + NPV(B) + NPV(C).$$

Мазкур мезоннинг муҳим хусусиятларидан бири сифатида келиб тушган маблагларни реинвестициялаш ставкаси бўйича аниқ тахминини келтириш мумкин. NPV методида лойиҳани амалга оширишдан келиб тушадиган маблаглар корхона учун капиталнинг ўртача тортилган қийматини англатувчи берилган дисконт мөъёри (r) бўйича реинвестицияланиши аниқ белгилаб берилмайди.

NPV методи лойиҳани амалга ошириш натижасида корхона қиймати ўзгариши ҳакида фикр юритиш имконини беради. Шунингдек, NPV кўрсаткичининг кўлланилиши орқали таққослама баҳолаш мутлақ микдорларни таққослашнинг мураккаблиги каби амалиётда ҳар доим ҳам қуладай эмас.

Шундан келиб чиқкан ҳолда корпоратив молияни бошкариш амалиётида нисбий кўрсаткич ҳисобланган даромадлиликнинг ички мөъёри ва рентабеллик индекси каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофик.

Даромадлиликнинг ички мөъёри (IRR)

Даромадлиликнинг ички мөъёри (*Internal Rate of Return – IRR*) инвестициялар самарадорлигини баҳолашда кенг фойдаланиладиган мезон ҳисобланади.

Даромадлиликнинг ички мөъёри тушунчаси NPV нолга teng бўлганда инвестицион лойиҳа бўйича пул оқимларининг соғ жорий қийматини аниқлашга хизмат қилувчи дисконтлашнинг коэффициентлари ёки фоиз ставкаларини англатади.

Даромадлиликнинг ички мөъёри қўйидаги tenglama орқали аниқланади:

$$NPV = \sum_{t=0}^n \frac{CF_t}{(1+IRR)^t} = \sum_{t=0}^n \frac{CIF_t}{(1+IRR)^t} - \sum_{t=0}^n \frac{COF_t}{(1+IRR)^t} = 0 \quad (2)^{81}$$

Бу тенглама математик ифодалардан фойдаланиш орқали *IRR*-ни аниқлаш имконини беради. Бунда $NPV=0$ эканлигини, яъни дастлабки харажат ва пул тушумлари ўзаро микдори тенг эканлигини унутмаслик лозим.

Умумий холда *IRR* нолдан юкори бўлса инвестициялар иктисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Қарор кабул қилиш жараёнида *IRR* микдори инвестор томонидан талаб қилинадиган даромадлилик ставкасига нисбатан солиштирилади. Бунда агар $IRR > r$ бўлса, лойиҳа ижобий *NPV*ни ва даромадлиликни таъминлайди. Агарда $IRR < r$ бўлса харажатлар даромадлардан ошиб кетади ва лойиҳа фойдали ҳисобланмайди.

Инвестицион лойиҳаларни баҳолашда *IRR* кўрсаткичи қатор ижобий ҳусусиятларга эга. Биринчидан, мазкур кўрсаткич лойиҳаларни молиялаштириш учун жалб қилинадиган манбаларга тўловларнинг максимал ставкаси сифатида кўриб чиқилади.

Иккинчидан, *IRR*нинг белгиланиши инвестицион харажатлар фойдалилигининг минимал ставкаси сифатида талқин қилиниши мумкин. Агарда бу кўрсаткич капитал ўртача қийматидан ёки маълум бир тармокдаги даромадлилик меъёридан юкори бўлса, лойиҳа амалга ошириш учун тавсия қилиниши мумкин.

Учинчидан, даромадлиликнинг ички меъёри инвестицияни коплашнинг чегаравий даражаси сифатида амал қилишини таъкидлаш лозим. Мазкур мезон лойиҳага қўшимча капитал кўйилмалар амалга оширишнинг максадга мувоғикигини белгилиб беради.

IRR ни кўлда ҳисоб-китоб қилиш кўп меҳнат талаб қилиши мумкин. Лекин инвестицион таҳлилнинг бугунги замонавий дастурий воситалари бу кўрсаткични тез ва самарали аниқлаш имконини беради. Ҳусусан, жадвал процессорлари ҳисобланган Microsoft Excel дастури *IRR*ни ҳисоблаш учун маҳсус функцияларга эга.

Инвестицион таҳлилда фоизларда акс этадиган *IRR* кўрсаткичи *NPV* кўрсаткичига нисбатан фойдаланиш учун жуда қулай ҳисобланади. Мазкур амалиётда нисбий микдорлар натижани аниқроқ кўрсатиб беради.

⁸¹ Элмираев С. Корпоратив молия: Ўкув кўлланма. Т.: Иктисад-Молия. 2015, 142 б.

IRR мезонининг ахборот учун белгиланишининг асосий сабаби амалиётда унинг оммаболиги ва тушунарлилиги хисобланади. Кўп сонли хорижий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 75 фоиз молиявий директорлар деярли ҳар доим инвестициялар самарадорлигини баҳолашда мазкур кўрсаткичдан фойдаланади. Бундан ташқари *IRR* кўрсаткичи дисконтлаш ставкаларини белгилаш борасидаги тахминларсиз лойиҳани баҳолаш имконини беради.

Модификацияланган даромадлилик ички меъёри (MIRR)

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда даромадлиликнинг ички меъёри (*IRR*) кўрсаткичининг афзалликлари билан биргаликда унинг ўзига ҳос камчиликлари ҳам мавжуддир. Ушбу камчиликлардан бири бу унинг қайта молиялаштириш ставкаси борасида у қадар аниқ бўлмаган маълумот беришидир.

Амалиётчи мутахассислар аксарият ҳолларда *IRR* кўрсаткичини инвестицияларнинг йиллик даромадлилик меъёрига тенглаштиришади. Айнан мана шундай оддий, лекин шу билан бирга хато таққослаш бу усулни шу қадар жозибадор қиласди. Аслида эса *IRR* кўрсаткичи, инвестицияларнинг йиллик ўртача даромадлилик меъёрини факат қуйидаги ҳолатлардагина кўрсатиб беради:

- Лойиҳа бўйича оралиқ даврларда ҳеч қандай пул оқимлари амалга оширилмагандан;
- Пул тушумларини *IRR* кўрсаткичига тенг ставкада қайта инвестиция қилиш мумкинлигига.

Шундай килиб, *NPV* кўрсаткичидан фаркли ўларок, *IRR* кўрсаткичи орқали аникланган натижа келиб тушган маблағларни реинвестициялаш ставкасини аниқ акс эттирамайди.

Яъни масалан, агар лойиҳани молиялаштириш киймати 10%ни, ушбу лойиҳа бўйича аникланган *IRR* кўрсаткичи 26%ни ташкил этса, у ҳолда лойиҳани амалга оширишдан пул тушумлари 26% ставкада реинвестиция қилиниши лозим, бу эса капитал кийматидан 2,6 марта юқори деганидир. Шубҳасиз, бундай ҳолатни амалда деярли иложи йўқлиги маълум.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун *IRR* кўрсаткичига асосланган ҳолда қуйидаги формула билан аникланувчи модификацияланган даромадлилик ички меъёри (*Modified Internal Rate of Return – MIRR*) кўрсаткичи ишлаб чиқишидиди:

$$MIRR = \sqrt[n]{\frac{\sum_{t=0}^n CIF_t(1+r)^{n-t}}{\sum_{t=0}^n \frac{COF_t}{(1+r)^t}}} - 1 = \sqrt[n]{\frac{FV_{CIF}}{PV_{COF}}} - 1 \quad (3)^{82}$$

Юқоридаги формула ёрдамида аникланган MIRR кўрсаткичи, одатда корхона капиталининг ўртача қиймати каби фойдаланувчи, лойихадан тушумлар г ставка бўйича қайта инвестиция килинишини таҳмин қиласди. Бунда келиб тушган маблагларни реинвестициялаш меъёри сифатида бошка ставкалар ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, эҳтиёткор инвесторлар маблағларни реинвестициялаш меъёри сифатида рисксиз ставкалардан ёки ишончли банкларнинг депозитлар бўйича ставкалардан фойдаланишлари мумкин. Бу холатда (3) формула қўйидагича кўринишга келади:

$$MIRR = \sqrt[n]{\frac{\sum_{t=0}^n CIF_t(1+j)^{n-t}}{\sum_{t=0}^n \frac{COF_t}{(1+r)^t}}} - 1 = \sqrt[n]{\frac{FV_{CIF}}{PV_{COF}}} - 1 \quad (4)$$

бу ерда, j -таҳминий қайта инвестициялаш ставкаси.

Умуман олганда модификацияланган даромадлилик ички меъёри-MIRRни аниклаш усули жуда идеал усул эмас, лекин нисбатан олганда у маблагларни реинвестициялашнинг аник ставкаларини белгилашни ҳамда реал йиллик даромадлилик ставкасини ҳисоблаб топиш имконини беради.

Рентабеллик индекси (PI)

Хар бир инвестиция лойиҳасини амалга оширишдан энг асосий мақсад фойда олишdir. Умуман, жамиятда бўлиб ўтадиган барча молиявий-иктисодий муносабатлар асосини фойда ташкил этади. Шу сабабли, кўп ҳолларда молиявий-иктисодий муносабатлар фойдалилигини билиш мақсадида рентабеллик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Умумий холда, бу кўрсаткич хўжалик фаолиятидан олинган ёки келиб тушгантушумни маҳсулот таннархига бўлиш орқали ҳисоблаб топилади. Инвестиция рентабеллигини баҳолаш усули ҳам мантиқан худди шундай аникланади. Аммо ундан фарқи шуки, бунда маълум фоиз остида дисконтланган пул тушумлари дисконтланган инвестиция харажатларига бўлинади. Одатда, харажатлар, кўпинча, бошлангич инвестиция харажатларидан ташкил топади.

⁸² Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент: Учебник. М.: ЭКСМО, 2010. 768 с.

Рентабеллик индекси PI (инг. Profitability index) – бу шундай күрсаткичи, дисконтлаштирилган даромадтарнинг дисконтлаштирилган инвестиция харажатларига нисбатини ҳисоблаб топишга асосланади. У қандай ҳолатда инвестор бойлиги ўсиши мумкинлигини күрсатиб беради ва куйидагича аникланади:

$$PI = \left[\sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+r)^t} \right] / I_0, \quad (5)$$

Бу ерда:

I_0 – дастлабки қўйилган инвестициялар;

CF_t – қўйилган инвестициялар орқали t -йилда келиб тушган пул оқимлари.

Агар лойиҳага бир марта эмас, балки бир неча ой ёки йиллар давомида молиявий ресурсларни кетма-кет инвестициялаш талаб қилинса:

$$PI = \left[\sum_{t=1}^n \frac{CF_t}{(1+r)^t} \right] / \left[\sum_{t=1}^n \frac{I_t}{(1+r)^t} \right], \quad (6)$$

бу ерда, I_t – t йилдаги инвестициялар.

Формуладан кўриниб турибдики, агар:

- $NPV > 0$ бўлса, $PI > 1$, демак, лойиҳани қабул қилиш керак;

- $NPV < 0$ бўлса, $PI < 1$, демак, лойиҳадан воз кечиш керак;

- $NPV = 0$ бўлса, $PI = 1$, демак, лойиҳа фойда ҳам, зарар ҳам келтирмайди.

Дисконтланган қоплаш даври (DPP)

Дисконтлаштиришни ҳисобга олган ҳолда инвестицияларни қоплаш муддатини (DPP) ҳисоблаш усулида дисконтлашган йиллик пул тушумларининг дисконтлашган инвестицияларга нисбатини топиш орқали амалга оширилади. Инвестицион лойиҳаларда дисконтланган қоплаш даври (DPP)ни аниклаш учун, энг аввало PP — инвестицияларни қоплаш муддати куйидаги тенглик бажарилиши шарти асосида ҳисобланади:

$$\sum_{t=1}^n ACI(t) = I_0, \quad (7)$$

бу ерда, I_0 – бошлангич инвестициялар; $ACI(t)$ — t даврдаги пул тушумлари.

Энди инвестицияларнинг дисконтланган қоплаш даврини (DPP) ҳисоблаймиз. У куйидаги формула орқали аникланади:

$$DPP = \frac{I_0}{DCF^{(\Sigma)}}, \quad (8)$$

бу ерда, I_0 – бошлангич инвестициялар; $DCF^{(\Sigma)}$ – дисконтланган йиллик пул тушумлари.

Инвестицияларнинг дисконтланган қоплаш даври уларнинг дисконтланмаган қоплаш муддатига қараганда бироз узоқ вактни талаб этади. Бу эса инвестицияларнинг дисконтланган қоплаш даврининг келгуси пул тушумлари ва инвестицияларнинг жорий кийматини хисобга олиши билан изоҳланади. Демак, инвестицияларнинг қоплаш муддати бўйича хисоблаш усули қилинган инвестицияларнинг жорий (реал) киймати бўйича тўлиқ қопланиш муддатини тавсифлаб беради ва шу жиҳатдан у инвестицияларнинг қоплаш даври усулидан фарқли равишда афзалроқ хисобланади. Шуни қайд этиш жоизки, инвестицияларни дисконтланган қоплаш даври кўрсаткичи уларнинг соғ жорий кийматда тўлиқ қопланшининг аниқ даврини тавсифлаб беради. Камчилиги эса, қилинган инвестиция қоплангандан сўнг, унинг самарадорлигини кўрсатиб бера олмайди ва уни лойиҳанинг фойдалилигини аниқлашда қўллаб бўлмайди.

Шу ўринда куйидаги таҳлил натижаларини келтириб ўтишни жоиз деб топдик.

4.4-жадвал

Инвестиция карорларини қабул қилишда қўлланиладиган усуllар⁸³

	АҚШ	Буюк Британия	Нидерландия	Австралия	Хитой
NPV	75%	80%	89%	94%	49%
IRR	76%	81%	74%	81%	89%
PP	57%	70%	79%	90%	84%
APP	маълумот йўқ	маълумот йўқ	2%	маълумот йўқ	1%

Юкоридаги жадвал маълумотларига кўра, хорижий мамлакатлар компанияларида инвестицион лойиҳаларни баҳолашда менежерлар соғ жорий киймат усулидан (NPV) фойдаланишини афзал кўрадилар ва умумий ҳолда кўп қўлланилади. Иккинчи машҳур баҳолаш усули, бу ички даромадлилик меъёри (IRR). АҚШ ва Буюк Британия каби мамлакатларда соғ жорий киймат (NPV) ва

⁸³ Бурханов У.А., Гулямов Р.Р., Алладустов Р. Капитал бюджет тузишда қўлланиладиган баҳолаш усуllарининг таҳлили // Иктиюдиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2014 №5. сентябрь-октябрь.

ички даромадлилик кўрсаткичлари(IRR) деярли бир хилда кўлланилади. Инвестиция лойихаларини баҳолашда кўлланиладиган усуслардан яна бири - бу оддий коплаш муддати (PP) бўлиб, у ўрганилган мамлакатларда учалик оммабоп хисобланмайди. Лекин, Австралия ва Хитойда бу усуслан фойдаланиши улущи бошқаларга нисбатан анча юкори. Республикаизда хам корпоратив молиявий бошқарувни ташкил этишда хориж тажрибасини инобатта олган ҳолда мана шу каби инвестицион лойихаларни баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш, лойихаларни нисбатан тўғри ва аниқ баҳолаш имкониятини берган бўлар эди.

Зеро, корпоратив молияни бошқаришда инвестиция қарорларини қабул қилиш молиявий менежерлар томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган асосий масалалардан бири хисобланади. Чунки инвестицион лойихаларнинг самарадорлигини баҳолаш орқали маблағларни самарали жойлаштириш йўлларининг энг оптималини танлаш, тури объектларга узоқ муддатга капитал маблағларни кўйишнинг мақсадга мувофиклигини аниклаб, кўйилган маблағлар келажакда фойда келтириши ва ўзини тўлиқ коплашини ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, корпоратив молияни бошқаришда инвестицион фаолиятни такомиллаштиришнинг асосий ўналишлари сифатида кўйидагиларни санаб ўтиш мақсадга мувофикдир:

- корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, бу борадаги билим ва тажрибаларимизни ошириш, бунда чет эл корпоратив бошқариш услубиятларидан кенг фойдаланиш;

- инвестицион фаолиятни баҳоловчи асосий молиявий кўрсаткичлар яъни, инвестицион лойиханинг соф жорий киймати, даромадлилкнинг ички меъёри, модификацияланган даромадлилкнинг ички меъёри, рентабеллик индекси, коплаш даври, дисконтланган қоплаш даври каби таҳлил усусларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофикдир;

- инвестицион молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришнинг назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш ва бу борадаги хорижий давлатлар амалиётини кенг ўрганиш;

- инвестицион молиявий ресурсларни ташкил этувчи ҳар бир элементни самарали ва аниқ бошқариш;

- инвестицион молиявий ресурсларни самарали бошқариш жараёнига таъсир этувчи омилларни олдиндан аниклаш ва уларни олдини олиши чора тадбирларини ишлаб чикиш;

- корпоратив молияни бошқаришда инвестицион лойихаларни баҳолашнинг бир канча усуслари мавжуд бўлиб, улардан дисконтлашга ососланган усуслар лойихаларни нисбатан тўғри ва аниқ баҳолаш имкониятини беради.

Умуман олганда, инвестицион молиявий ресурсларни самарали бошқаришни такомиллаштириш корпоратив тузилмалар молиявий-иктисодий ҳолатини яхшилашга, уларда молиявий муносабатларни ривожланишига, ўз мажбуриятларини вақтида бажаришга ижобий таъсир этади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Конуни (янги таҳрири).

2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишига якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктиносий-дастурнинг энг муҳим устувор ўналишларига багишлиланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маъруzasи //Халқ сўзи. 17.01.2016.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усусларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 21 декабрдаги Қарорлари.

5. Элмирзаев С. Корпоратив молия: Ўкув кўлланма. Т.: Иктисол-Молия, 2015.

6. Синицин О. Инвестиционный анализ. Теория выбора // Инвестиции в России. 2007. № 1-2.

7. Шапиро В.Д. и др. Управление проектами. СПб.: Два Три, 2006.

8. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б. Инвестиция лойихалари таҳлили. Т.: Шарқ, 2007.

9. Каримов Н.Ф., Хожиматов Р.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. Т.: ТДИУ, 2011.
10. Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент: Учебник. М.: ЭКСМО, 2010.
11. Амонбоев М. Корпоратив корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишлари. Диссертация. Т., 2011.
12. Худайкулов Ш.Р. Корпоратив бошқарувда самарали инвестиция сиёсатининг назарий жиҳатлари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2016. №6. ноябр-декабр.
13. Бурханов У.А., Гулямов Р.Р., Алладустов Р. Капитал бюджет тузишда кўлланиладиган баҳолаш усуларининг таҳлили // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2014. №5. сентябрь-октябрь.
14. Исламов Ф.Р., Носирова Н. Иқтисодиётта киритилаётган инвестициялар самарадорлигини баҳолаш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2016. №3. май-июнь.

В боб. КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Хозирги кунда молиявий рисклар корпоратив молияни бошқаришнинг марказий масалаларидан бирига айланди ва шиддат билан ривожланиб бораётган тадқиқот соҳаси хисобланади. Корпоратив тузулмаларда молиявий муносабатлар тобора мураккаблашиб бораётган бир вакда уларда вужудга келадиган молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш жараёни хам жадал ривожланмоқда.

Корпоратив молия бошқарувининг мақсадлари – корхона фойдасини максималлаштириш, таъсисичиларни иқтисодий фаровонлигини таъминлаш ва корхона бозор қийматини ошириш хисобланади. Ушбу мақсадларга эришиш учун корхоналарда молиявий, инвестицион ва операцион фаолиятларини самарали ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилиш билан бир каторда молиявий рискларни баҳолаш ва бошқаришни самарали ташкил этиш бўйича хам тегишли чоралар ишлаб чиқилади ва жорий этилади. Молиявий рисклар бўйича барча фаолиятлар пировардида корхонанинг келгусидаги молиявий йўқотишларини олдини олади ва молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Корпоратив молияни бошқаришда молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш жараёнини самарали ташкил этиш учун аввалам бор молиявий рискларнинг ривожланиш боскичлари, турлари, баҳолаш ва бошқариш ҳақида тушунча ҳосил қилиш керак. Молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш усусларини назарий ва амалий жиҳатларини инобатта олиб, уларни фаолият жараёнида ўринли қўллаш орқали вужудга келадиган рискларни аниқлаш ва уларга қарши амалий чоралардан фойдаланиш керак бўлади. Ушбу келтирилган тартибда молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш жараёнини куйида батафсил ёритилади.

5.1. Молиявий рискларни баҳолаш ва бошқаришнинг эволюцияси

Молиявий рискларни баҳолаш ва уни бошқаришнинг тарихи бизни саноқ тизими, эҳтимоллик, маълумотлар танланмаси ва

нормал тақсимот конуни билан таништирган математика, хусусан статистика ютуқлари туфайли зиришилди. Рискларни баҳолаш ва бошқариш XX аср инновацион ютуқларига тегишли бўлиб унинг шаклланиши нисбатан яқин ўтмишга бориб тақалади. Шу билан бирга замонавий рискларни баҳолаш ва бошқариш концепцияси узоқ тарихдан буён мавжуд.

Риск табиатини англаш рақамларга ва улар билан боғлик ҳисоблашларга бевосита таалуқли саналгани учун рискни баҳолаш ва бошқариш тарихи ўрта асрлар олими Лионардо Фибоначчи (Пизано)нинг *Liber Abaci* «Ҳисоблаш ҳақидаги китоб» асари риск моҳиятини тушунишга дастлабки керакли инструмент яралиши учун биринчи қадам эди.

Үйгениш даврида математиклар қимор ўйинларига кизиқишган ва бу борада ўз илмий ишлари орқали соҳа ривожланишининг кейинги боскичини бошлаб беришди. Жумладан 1494 йилда францискан монах Лука Пацциоли «Арифметика, геометрия ва пропорциялар ҳақидаги китоб» деб номланган асарида олти ёғли тош билан ўйинда уни муддатдан олдин якунланса ютукни кандай тақсимлаш масаласини таклиф қилган. Пацциоли тадқиқотларини Кардано, Паскаль, Фермалар давом эттиришди ва ҳар бири эҳтимоллар назарияси ва рискни баҳолашга ўз хиссаларини кўшишди.

XVI асрда миланлик врач Джероламо Кардано (1501-1576) тош ўйнидаги тақрорланишларга биринчилардан эътибор қаратди. Тош ўйини ҳақидаги Пацциоли масаласига у *Liber De Ludo «Гасодифий ўйинлар китоби»* номли илмий трактатини бағишилаган. Асарда биринчи бор эҳтимоллар назариясининг статистик принциплари ишлаб чиқилган.

Буюк италиялик олим Галилео Галилей (1564-1642) ҳам эҳтимоллик муаммоларига оид *Sopra le Scoperte dei Dadi* «Тош ўйини ҳақида» номли қисқа эссе ёзган. Кардано сингари Галилео ҳам ўйинда бигта ёки бир нечта тошларни иргитишдан ҳосил бўладиган натижалар таҳлили билан шугулланган. Пировард натижалар турлари ва хилма-хил комбинациялар частотаси ҳақида умумий хуносаларни тасвирлаб ўтган.

- XVII-XVIII асрлар. Рискни баҳолашнинг асосий инструменти (воситаси) саналган эҳтимоллик қонуниятларини айни таърифига яқин қолишигани ҳақида на Кардано ва на Галилео билишган. Галилео вафотидан сўнг учта француз Блез Паскаль (1623-1662),

Пьер Ферма (1601-1665), шевалье де Мере (1607-1648)лар ноаниқлиқ борасида улкан олдинга силжишни амалга оширишди.

1662 йилда Лондонда савдогар Дж. Грант (1620-?) каламига мансуб «Ўлим ҳақидаги маълумотларга оид табиий ва сиёсий кузатувлар» деб номланган китоб чиқди. Ушбу китоб статистик тадқикотлар тарихида муҳим роль ўйнаган, чунки рискни баҳолаш барча жиҳатларини асоси саналган танланма ва эҳтимоллик усулларидан фойдаланишга ўтиш таклифиберилган.¹ Бу таҳлил усули статистик хуоса дейилади ва у маълумотлар танланмаси асосида баҳолаш имкониятини беради.

Тахминан 30 йилдан сўнг шунга ўхшаш асар астроном Эдмунд Галлей (1656-1742) томонидан яритилди. У Германия шарқида жойлашган Бреслау шаҳрининг аҳолиси ҳақидаги маълумотларга асосан тури ёш учун ҳаётни суғурталаш қийматини хисоблаб чиқкан. Галлей таҳлили эҳтимоллик тушунчасини конкрет мазмун билан бойитган ва окибатда ҳаёт суғуртаси рискини баҳолашга қаратилган илмий ишланма бўлди.

1738 йилда швейцариялик математик Даниил Бернуллини «Санкт-Петербург Император фанлар академияси Ахбороти»да «Рискни ўлчашнинг янги назарияси баёни» номли мақоласи чоп этилди. Мақола шу даврдаги рискни баҳолаш бўйича ҳамда рискли ҳолатда инсон ҳатти-ҳаракатини ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги энг муҳим нашрлардан бири эди. Муаллиф маколада эътибор қаратган масала – бу баҳолаш ва ички истаклар ўртасидаги мураккаб боғликлар хисобланади. Тарихда биринчи бор хисоблаш мумкин бўлмаган нарса, яъни интуицияга ўлчашни кўллаган. Кардано, Паскаль ва Ферма тош иргитишда рискни хисоблаш методини ишлаб чиқишган бўлишса, Бернулли рискни хисоблаш масаласини ўйинчига – умуман пул тикиш ва қанчা тикишини қарор киладиган шахсга қаратди.

1730 йилда француз математиги Абрахам де Муавр (1667-1754) реал танланма орқали шакллантирилган умумийликнинг хоссанини, ушбу реал танланма қанчалик аник акс эттириш муаммосига ечим берган. Биномиал теоремаси хисобланишлари асосида де Муавр бир катор тасодифий синовлар, натижани ўрта киймат атрофида тақсимланишга олиб келишини кўрсатиб берди. Ҳозирги кунда де Муавр тақсимоти нормал тақсимот сифатида танилган. Нормал тақсимот кузатувларнинг энг кўп сони марказда – ўрта киймат атрофида – гурухланишини кўрсатади.

83 йилдан сўнг де Муавр кашифига буюк немис олими Карл Фридрих Гаусс (1777-1855) географик кузатувларни аниклигини топиш учун Ердаги нотеккисликларининг геодезия ўлчовлари бўйича 30 йиллик тадқиқотлари натижасида эришган. Геодезик ўлчашлар натижаларининг тақсимоти уларнинг тартибисиз ёйилганини кўрсатди, лекин агар ўлчашлар сони кўпайтирилса натижалар қандайдир марказий нукта атрофида мужассамланиши кузатилди. Бу марказий нукта барча ўлчашлар натижаларини ўрта қиймати хисобланса, натижалар ушбу ўрта қийматдан икки томонга симметрик тақсимланади (ёйилади). Ўлчашлар қанча кўп ўтказилса тақсимот кўриниши шунча равшанлашади ва у кўнғироқсимон эгри чизик кўринишига келади.

Кейинги қадамни инглиз олими Френсис Гальтон (1822-1911) кўйди. У катта сонлар қонуни ва тасодифийликка асосланган эҳтимолликнинг статистик тушунчасини жараённи динамик концепциясига ўзгартирди, бунда ўзгариш ва ҳаракат доимий ва муқаррар ташки чегарадан марказ томон ҳаракатланашини исботлади, яъни бу нормал тақсимот қонуни эди. Ўргага ҳаракатланиш концепцияси прогнозлаш ва риск шароитида деярли барча турдаги ҳатти-ҳаракатни тушунтириб беради.

Америкалик иқтисодчи олим Фрэнк Найт (1885-1972) ўзининг «Риск, ноаниқлик ва фойда» мавзусидаги докторлик диссертациясида 1916 йилда биринчи бор ноаниқлик шароитида қарор қабул килиш бўйича асосий мазмун-қоидаларни баён қилган. Найт таҳлилини риск ва ноаниқликни фарқлашга асослантириди.

Джон Мейнард Кейнс (1883-1946) Найтдан фарқли ноаниқлик ва риск тушунчаларини қатъий тарзда бир-биридан ажратмаган. Кейнснинг иқтисодиёт ҳақидаги мулоҳазалари доим ноаниқлик тушунчаси атрофида айланган. Кейнс ва унинг издошлари реал дунёда математик эҳтимоллик эмас, балки ноаниқлик хукумронлик килишини кўрсатиб бериш учун тулаймакни шартномалар борасида тадқиқотлар олиб боришиди.

Чорак аср мобайнида Кейнснинг “Баңдлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” асарининг нашр этилганидан сўнг риск ва ноаниқлик категориялари бўйича жиддий ривожланиш, ўйинлар назарияси доирасида эришилди. Ушбу назария ноаниқликни тушунишга принципial янги карашни киритди. Назариядан олдингилар ноаниқликни ҳаётий мавжудлик сифатида қабул

қилишган ва унинг келиб чиқиши бўйича кам изланишган. Назария эса ноаникликни чин манбаси шахснинг хоҳиш-истаги эканлигини кўрсатиб берди.

Ўйинлар назарияси буюк физик олим Джон фон Нейман (1903-1957) томонидан ишлаб чиқилган. У ўзининг ўйиндар назариясини илк бор 1926 йилда нашр килинган мақоласида баён қилди. 1938 йилда Нейман Германия иқтисодчи олими Оскар Моргенштерн билан “Ўйинлар назарияси ва иқтисодий ахлоқ” номли асар ёзишди. Улар асарда инсон хулк-авторини мухим стереотипини, яъни ўз нафлиягина максималлаштирадиган инсонга чиқадиган ютуқ унинг “оқилона” ҳатти-харакатига боғликлигини асослаб беришди. Ҳисоб-китобларга таяниш интуициядан ишончли саналади, яъни аққали инсонлар танловни хиссиятлари орқали эмас, балки маълумотларни таҳлил қилиш асосида амалга оширишини асослаб беришди. Ўйинлар назариясининг ҳатти-харакат ҳақидаги постулати ва муаллифларининг бундай харакатни ҳисоблаш (микдорий ўлчаш) ва миқдорий кўрсаткичлар орқали ифодалаш мумкинлиги қатор кизиқарли назариялар ва амалий ишланмалар яратилишига туртки бўлди.

1952 йилда *Journal of Finance* журналида Чикаго универсиети битиравчуси Гарри Марковицнинг “Портфельни шакллантириш” деб номланган мақоласи чоп этилади. Мақола шу қадар новатор элики ва молиявий фаолият назарияси ҳамда амалиётига шу қадар таъсири кўрсатдики, натижада 1990 йилда муаллифга иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти берилди. Мақолада инвестор портфель яратишида ризк тушунчасини кўллаш масаласи қўйилган, бунда инвестор режалаштирилган фойдани мақбул ҳисобласа, фойданинг ўзгарувчанлиги (тебраниши)ни эса номақбул ҳисоблади. Инвестицион стратегияни тавсифлашда Марковиц “риск” сўзи ўрнига волатиллик (тебранувчанлик) таърифини ишлатган. Фон Нейман ва Моргенштерн нафлийкни микдорий ўлчашни бошланган эдилар, Марковиц эса инвестицион ризкни ҳисоблашга ўтди ва инвестициялашда кутилаётган даромадлилик ҳамда ризк тушунчаларини тенглаштириди.

XX асрнинг кейинги ўн-йилларидаги ризкни баҳолаш ва бошқариш методологиясида сезиларли ўсиш кузатилди, хусусан бозор самарадорлиги гипотезаси (*Efficient Market Hypothesis – EMH*), капитал активларнинг баҳолаш модели (*Capital Asset Pricing*

Model – CAPM), ЕМН ва Марковицнинг портфель назариясини бирлаштирган арбитраж баҳо назарияси (Arbitrage Pricing Theory – APT), опцион баҳолаш назарияси (Option Pricing Theory – OPT)ларини мисол тариқасида көлтирса бўлади. ОРТнинг муаллифлари кейинчалик 1997 йили иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлишиди.

5.2. Молиявий рискларни тавсифи ва таснифи

«Риск» тушунчаси XV асрлар якунида европа тилларида пайдо бўлишни бошлаган. Риск дастлаб денгиз орқали савдо жараёнида юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар ноаниқлигига бориб тақалади. Айни шу пайтлардан бошлаб «риск» ва «хатар» тушунчалар ўртасида фарқ сезила бошлаган. Ушбу соҳада изланишлар олиб борган рус иқтисодчи олими В.Владимиров бу атамага қўйидагича ифода берган: «Иккита имконият вужудга келади. Эҳтимоли йўқотиш, қабул килинган қарор натижаси сифатида қаралса, риск тушунчаси қўлтанилади. Йўқотиш ташки сабабдан, яъни атроф мухит натижасида вужудга келса, хатар хақида гапирилади.»⁸⁴

Замонавий, оммабоп талқинда 'риск атамаси «йўқотишлар хавфи» деб ифодаланса-да, молия назариясида рискни – активлар, хусусий капитал ва даромадларни ифодаловчи иқтисодий натижага (самара)ларни фавқулотда ўзгарувчанлиги ёки молиявий ўзгарувчанларнинг ўзаришидан келиб чиқадиган кутилмаган натижани дисперияси деб қабул килинган. Умуман олганда компаниялар икки турдаги рискка дуч келишади: бизнес риски ва молиявий риск.⁸⁵

Бизнес риски компанияларнинг бизнес қарорлари ҳамда улар фаолият олиб борадиган бизнес мухитидан иборат. Бизнес қарорлари – бу стратегия риски саналиб, у инвестицион қарорлар, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга оид қарорлар, маркетинг стратегияси ва компаниянинг ташкилий тузилиши (структураси)га оид қарорларни ўз ичига олади. Бизнес мухити эса ракобат ва **макроиктисодий рискларини** қамраб олади.

⁸⁴ Владимиров В.А., Воробьев Ю.Л., Малинецкий Г.Г. и др. Управление риском. Риск, устойчивое развитие, синергетика. М.: Наука, 2000.

⁸⁵ Jorion, Philippe. Value at Risk: The New Benchmark for Managing Financial Risk – 3rd ed. The McGraw-Hill Companies, Inc. USA 2007. Pages 602/page-4.

Молиявий рисклар – бу молия бозоридаги компания фаолияти натижасыда вужудга келадиган эхтимолли йүкотишлар билан боғлиқ рисклар ҳисобланади. Бундай йүкотишларга мисол учун бозордаги фоиз ставкалар ўзгариши ёки молиявий мажбуриятлар бажарилмаслиги натижасыда келиб чиқади.

Саноат корхоналари асосан бизнес рискини бошқаришни яхши йўлга қўйишгани сабабли молиявий рискни ҳам шунга қаратиб оптималлаштиришади (мувофикалаштиришади). Молиявий институтларнинг асосий вазифаси эса айнан молиявий рискларни фаол бошқариш саналади.

Рискин тўғри баҳолаб ва назорат килиш учун молиявий менежерлар иложи борича молиявий рискларни аник ҳисоблашлари зарур. Шу орқали улар салбий оқибатларга қарши тўғри режа ишлаб чиқишилари ва мукаррар ноаниклика мос тарзда тайёрланишлари мумкин бўлади.

Умуман олганда молиявий рисклар тўртта катта гурухларга бўлинади, яъни: бозор рисклари, ликвидлилик рисклари, кредит рисклари ва операцион риклар.⁸⁶ Албатта бу риск гурухлари ўзаро боғликликда бўлишади.

Бозор риски – бу бозордаги нархлар волатиллиги (ўзгарувчанлиги) ва бундан келиб чиқадиган йўкотишлар риски ҳисобланади. Бозор риски иккита шаклда бўлиши мумкин: абсолют қийматдаги риск (масалан сўмда ҳисобланади) ва нисбий қийматдаги риск (масалан бозор индексларига нисбатан ҳисобланади). Биринчиси умумий тушумнинг волатиллиги кўринишида бўлади, иккинчиси эса индексдан четланишни кўрсатади. Бозор риски тўртта турга бўлинади: фоиз ставкаси риски, валюта риски, хусусий капитал риски ва товар риски.

Ликвидлилик риски – бу бозорда ликвидлилиги паст бўлган трансакциялар (битимлар тузиш) натижасыда пайдо бўладиган риск ҳисобланади, ва асосан савдо ҳажми кам ҳамда сотиш ва сотиб олиш нархлари ўртасидаги тафовут анчани ташкил қиласидаган ҳолатларда вужудга келади. Бу риск ҳам иккита шаклга эга: актив ликвидлилиги риски ва молиялаштириш ликвидлилиги риски. Биринчиси бозордаги мавжуд нархларда нормал савдо лотларига нисбатан позициянинг узунилигидан келиб чиқиб трансакция

⁸⁶ Peter F. Christoffersen. Elements of Financial Risk Management. Elsevier Science (USA), 2003. Pages 214/page-4.

(битим) амалга ошира олинмаслигида вужудга келади. Яъни ҳар қандай битим, албатта биржадаги савдо позициясидан ҳамда актив туридан келиб чиқиб, актив нархига таъсир кўрсатишини англатади. Иккинчиси қарз мажбуриятлари бўйича тўлов қобилияти билан боғлиқ риск ҳисобланади. Бу риск асосан қарз эвазига шакллантирилган ва нарх ўзгариши ҳисобига кредитор томонидан кўшимча молиялаштириш киритилиши талаб қилинадиган портфельда ёки ташки молиялаштириш зарур бўлганда кредиторлар томонидан рад этилишида вужудга келади.

Кредит риски – бу контрагентлар ўз шартномасида белгиланган мажбуриятларини бажара олмаслиги ёки бажаришни хоҳламаслигидан келиб чиқадиган йўқотишлар риски ҳисобланади. Бу риск нафакат контрагентнинг банкротлик ҳолатидан келиб чиқади балки тўлов қисман амалга оширилганда ёки муддатидан кечикканда ҳам вужудга келади.

Операцион риск – бу компаниянинг фаолияти доирасида самарасиз ташкил қилинган ички жараёнлар, инсон омили, ички тизимдаги хатоликлар ёки ташқи ходисалар таъсирида вужудга келадиган риск ҳисобланади. Бу асосан маълумотлар узулиши, трансакциялар ва ҳисоб-китоблар тизимидағи вактида чорасини кўрилмаган ёки инобатга олинмаган нуқсонлар ҳамда трейдернинг савдо жараёнида субъектив, манфаат кўзлаган ҳолда қатнашиши, шунингдек, ҳар хил жарима, жазо чоралари, суд жараёnlаридан кўриладиган заарлар ҳисобланади.

5.1-жадвал

Молиявий рисклар турлари ва уларни баҳолаш моделлари

Молиявий риск турлари	Мавжуд баҳолаш моделлари
Кредит риски	Банкротлик рисклини баҳолаш усуслари: Э.Альтмана, Р. Таффлера, Р. Лиса ва х.к. Рейтинг агентликларининг баҳолаш методлари: Moody's, Standard&Poor's.
Валюта риски	VaR усули, фундаментал ва техник таҳдил.
Бозори риски	VaR, Shortfall, У Шарп, Е.Фама, С.Росс, Ф.Блек-М.Шоулз моделлари.
Ликвидлийк риски	Ликвидлик ва тўлов қобилияти коэффициентлари таҳдили.

Юқорида кўриб чиқилган туртта гурӯх рискларни ҳар бири нинг табиатидан ўзаро узвий боғликлигини ҳатто бири бирадан

келиб чиқишини күриш мумкин. Шу сабабдан уларни тизимли тарзда бошқариш ва назорат қилиш рискни бошқариш тизимининг асосий вазифаси саналади.

Молиявий рискларни бошқариш – бу молиявий рискларни аниклаш, баҳолаш ва бошқариш билан боғлик муайян тадбирлар мажмунини ишлаб чиқиш ва фаолиятга тадбиқ қилиш ҳисобланади.

Йўқотишлар иккита омилни комбинациясидан вужудга келади, булар: молиявий ўзгарувчанинг⁸⁷ волатиллиги ва айни шу манбадан келиб чиқадиган рискка йўликиш ҳисобланади. Компаниялар молиявий ўзгарувчанлар волатиллиги устидан назоратга эга бўлмаган ҳолатларида, улар бундай рискларга учрашни деривативлар орқали бошқаришлари мумкин.

Молиявий ўзгарувчанлар ҳисобига вужудга келадиган тебранишлардан рискка йўликишининг чизикли (биринчи тартибли) ҳисобланишлари турли кўринишларда пайдо бўлади. Даромади қатъий белгиланган кимматли когоз (облигация) бозорида фоиз ставкасидаги ўзгаришлардан рискка учраш – дьюорация орқали ифодаланади. Акция бозорида эса – тизимли риск ёки бета (β) деб номланади. Опцион бозорларида базис актив қўймати тебранишига қараб пайдо бўладиган риск ўлчови делтара (δ) дейилади. Рискка учрашнинг квадратик (иккинчи тартибли) ҳисобланиши даромади қатъий белгиланган ва опцион бозорларида мос равища конвекслик (кавариқлик) ва гамма (γ) деб аталади. Бозордан ташқарида вужудга келадиган риск кутилмаган натижаларниң стандарт четланиши ёки сигма (σ) орқали ҳисобланади.

Умуман олганда риск – бу натижанинг ноаниклиги деб ифодаланади ва буни энг мақбул ҳисобланиши эҳтимолликнинг⁸⁸ тақсимот функцияси орқали амалга оширади.

5.3. Молиявий рискларни миқдорий баҳолаш қўрсаткичлари

Албатта келгусидаги ҳодисалар оқибатларини олдиндан аник прогноз қилиш мушкул саналади. Бироқ рискни баҳолашда келгусидаги эҳтимолли натижалар ва уларни кўлга киритиш

⁸⁷ Молиявий ўзгарувчанларбулар: кредитлар, лизинг, аренда, колдиккиммат, улушлимулк, аутсорсинг, бюджет, валюта, пулмаблаглари, тўловниамалгашибиршусуллари, кредиткарточкиаси, роялти <http://www.pearsoned.co.uk/bookshop/article.asp?item=107>

⁸⁸ Jorion, Philippe. Value at Risk: The New Benchmark for Managing Financial Risk – 3rd ed. The McGraw-Hill Companies, Inc. USA 2007. Pages 602/page-83.

имкониятларини мікдор күрсаткичлар оркали ифодалаш зарур хисобланади.

Энг содда күринишда бундай ифода барча эхтимолли натижалар киймати ва уларни амалга ошириш эхтимоллигидан иборат бўлади.

Мисол учун иккита «A» ва «B» фирмаларнинг акцияларини сотиб олиш имкониятини кўрсак. Акциялар бўйича фараз килинадиган даромадлиликнинг қиймати ва уларнинг эхтимоллиги хақида олинган экспер特 баҳолари кўйидаги 5.2-жадвалда кўрсатилган.

5.2-жадвал

Акциялар бўйича даромадлилик қиймати ва уларнинг эхтимоллийлиги

Прогноз	Эхтимоллик, p	Акциялар даромадлилiği, %	
		«A» фирмаси	«B» фирмаси
Пессимистик	0,3	-70	10
Эхтимолли	0,4	15	15
Оптимистик	0,3	100	20

Маълумки, воқеаларни ривожлантиришнинг кўплаб турли хил сценарийларини кўриш мумкин. У ёки бу ҳодисанинг содир бўлиш оқибатларини таърифлашга кулай ва универсал ёндашув – бу барча мумкин бўлган тасодифий қиймат (масалан, даромадлилик) учун унинг амалга ошиш эхтимоллийлигини белгилашдан иборат хисобланади. Бу коида тасодифий қийматнинг эхтимолли тақсимот конуни деб номланади.

X тасодифий қийматнинг $F_X(x)$ эхтимолли тақсимот функцияси деб шундай функцияни айтиладики, унда берилган ҳар қандай x ифодасига $\{X < x\}$ ҳодиса эхтимоллигининг қиймати мос келади:

$$F_X(x) = p\{X < x\} \quad 5.1$$

Бу ерда

p – X тасодифий мікдорнинг қийматихдан ошмаслигининг эхтимоллиги.

Агар F_X функцияси узлуксиз ва дифференцияланувчи бўлса, тадқиқ килинаётган тасодифий қийматнинг бошқа кулай ифодалаш усули $F_X(x)$ эхтимолликнинг зичлиги функцияси хисобланади ва у x нуқтадаги тақсимот функциясининг ҳосила функцияси бўлади:

$$f_X(x) = F_X(x)$$

5.2

Тақсимот функцияси ёки тасодифий қийматнинг эҳтимолли зичлигини билиб олгач, унинг содир бўлиш қийматининг аниқлик даражаси ва унга мос келадиган ҳодисалар ҳақида хулосалар килиш мумкин.

Амалиётда кўплаб масалаларни ечиш учун кўпинча тасодифий қийматнинг баъзи параметларини билиш етарли ҳисобланади. Улардан энг муҳимлари – бу ўрта ёки кутилаётган қиймат (математик кутилиш), дисперсия ва стандарт (ўртача квадратик) четланишлар ҳисобланади.

Тасодифий ифоданинг ўрта (кутилаётган) қиймати.⁸⁹ X тасодифий ифоданинг эҳтимолли тақсимотини асосий кўрсаткичи бу – ўрта ёки кутилаётган қиймат (*expected value – E(X)*) ҳисобланади.

X тасодифий ифоданинг $E(X)$ ўрта (кутилаётган) қиймати унинг барча мумкин бўлган қийматларини амалга ошириш эҳтимоллиги билан тортилиш орқали аниланади ва куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$E(X) = \sum_{i=1}^{i=n} x_i * p_i \quad 5.3$$

Бу ерда

p_i – мос келувчи x_i қийматининг амалга ошиш эҳтимоллиги.

Ушбу формулани мисолдаги акциялар бўйича кутилаётган фойданинг ўрта қийматини аниглаш учун қўллаймиз:

$$E(A) = 0,3 * (-70) + 0,4 * 15 + 0,3 * 100 = 15\%$$

$$E(A) = 0,3 * 10 + 0,4 * 15 + 0,3 * 20 = 15\%.$$

Тасодифий ифоданинг ўрта қийматининг эҳтимоллигини тақсимот маркази сифатида хизмат қиласди.

Умумий ҳолатларда кутилаётган натижани эҳтимолли тақсимот диапазони унинг ўрта қийматига нисбатан қанча кичик бўлса, ушбу операция билан боғлиқ ризк шунча кичик бўлади.

Ушбу фикрнинг микдорий исботи тасодифий ифода тақсимотининг бошқа иккита параметри, яъни *дисперсия ва стандарт четланишларни* аниглаш йўли орқали эришилади.

Тасодифий микдориинг дисперсияси ва стандарт четланиши. Дисперсия (*variance – VAR*) ва стандарт ёки квадратли

⁸⁹Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент: учебник / 2-е изд. – М.: Эксмо, 2010. – 768с.

четланиш (*standard deviation, mean deviation squared* – σ) лар тасодифий миқдорнинг тақсимот марказидан (ўрта киймат) ёйилиши (вариациялари) характеристикаси бўлиб хизмат қилади.

Дисперсия тасодифий ифоданинг ўзининг мос эҳтимоллиги бўйича тортилган ўрта кийматидан четланишлари квадратининг сўммаси сифатида аниқланади:

$$VAR(X) \sum_{i=1}^{i=n} p_i (x_i - E(X))^2 \quad 5.4$$

Мисолдан «A» ва «B» фирмалар акциялари бўйича даромадлик дисперсиясини аниқласак, улар мос ҳолда қуйидагиларга тенг бўлади:

$$VAR(X) = 0,3(100-15)^2 + 0,4(15-15)^2 + 0,3(-70-15)^2 = 4335.$$

$$VAR(B) = 0,3(200-15)^2 + 0,4(15-15)^2 + 0,3(10-15)^2 = 15.$$

Дисперсия молиявий операциялар риски ўлчови бўлиб хизмат килишига қарамасдан, амалиётда ундан фойдаланиш ҳамма вакт ҳам қулай бўлавермайди.

Шунинг учун тасодифий ифодани ёйилма ўлчови сифатида бошқа кўрсаткичдан, яъни *стандарт (ўртача квадратли) четланишдан* фойдаланиш қулай хисобланади:

$$\sigma_x = \sqrt{VAR(X)} = \sqrt{\sum_{i=1}^{i=n} p_i (x_i - E(X))^2} \quad 5.5$$

Демак σ – бу тасодифий ифоданинг ўзиниг математик кутилишидан ўртача тортилган четланиши хисобланади ва бунда ўлчов оғирлиги сифатида мос равишда эҳтимоллик олинади. Яъни стандарт четланиш бу тасодифий ифода ўзининг ўрта кийматидан қанчалик четланиши мумкинлигини кўрсатади.

Стандарт четланиш қанча кам бўлса, эҳтимолли тақсимот диапазони шунча тор бўлади ва ушбу операция билан боғлиқ риск ҳам мос равишда паст бўлади.

Кўрилаётган мисол учун акциялар даромадлигининг стандарт четланишини хисоблаймиз:

$$\sigma_x = \sqrt{4335} = \pm 65,84$$

$$\sigma_B = \sqrt{15} = \pm 3,87$$

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, «A» фирма акциялари бўйича даромадлиликнинг тебраниш диапазони кутилаётган кийматдан бир стандарт четланиш чегарасида 50,84% дан 80,84% гачани ташкил этади ($15 \pm 65,84$), «B» фирма учун эса 11,13% дан 18,87% гача ($15 \pm 3,87$).

Молиявий рискларни баҳолашназарияси ва амалиётида эҳтимолликни нормал тақсимоти қонунидан кенг фойдаланилади. Бу эса факат икки параметрни – тасодифий ифоданинг ўртача киймати ва дисперсиясини (ёки стандарт четланишни) билишни талаб қилади.

Вариация коэффициенти. Рискларнинг таҳлилида кўлланила-диган яна бир фойдали кўрсаткич – бу *вариация коэффициенти (coefficient of variation – CV)* хисобланади ва куйидаги формула билан ҳисобланади:

$$CV = \frac{\sigma_x}{(E(X))} \quad 5.6$$

Стандарт четланишдан фарқли равишда вариация коэффициенти нисбий кўрсаткич ҳисобланади ва ўртача даромад бирлигига тўғри келадиган риск даражасини кўрсатади. Вариация коэффициенти қанча юқори бўлса, риск ҳам шунча юқори бўлади.

«A» ва «B» фирмалари учун вариация коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$CV_A = \frac{65,84}{15} = 4,39$$

$$CV_B = \frac{3,87}{15} = 0,26.$$

Ушбу кўрсаткичга мувофиқ, «A» фирма акциялари бўйича даромаднинг ўртача бирлигига тўғри келадиган риск «B» фирманинг нисбатан 17 баробар юқори.

Ўрта киймат ва стандарт четланишдан ташкари асимметрик тақсимот кўшимча яна бир параметрини, яъни асимметрия коэффициенти билишни талаб қилади.

Асимметрия (қиялик) коэффициенти. Асимметрия коэффициенти (skewness) куйидаги формула бўйича аникланади:

$$\gamma = \frac{\sum_{i=1}^n p_i (x_i - E(X))^3}{\sigma_x^3} \quad 5.7$$

Коэффициентнинг мусбат қийматида энг юқори даромад (ўнг «дум») энг пасткисига нисбатан эҳтимоллиги юқори ҳисобланади. Аксинча асимметриянинг манфий коэффициентида энг паст даромадлар эҳтимолли ҳисобланади.

Эксцесс. Эксцесс кўрсаткичи (*kurtosis*) қуйидаги формула билан ҳисоблаб чиқилади:

$$\delta = \frac{\sum_{i=1}^n p_i (x_i - E(X))^4}{\sigma_X^4} \quad 5.8$$

Агар эксцесснинг қиймати нолдан катта бўлса, тақсимот эгри чизиғининг шакли нормал эгри чизикка нисбатан анча ўткир, учли бўлади. Манфий эксцесс қийматида эгри чизикли тақсимот нормалга нисбатан анча кия, яси ғулдади.

Ушбу кўрсаткичнинг иқтисодий маъноси қуйидагича: агар иккита хўжалик операциясининг даромадлари симметрик тақсимотгава бир хил ўрта қийматта эга бўлса, эксцесснинг каттароқ қийматга эга бўлгани пастроқ рискка эга ҳисобланади. Нормал тақсимот учун эксцесснинг қиймати 3 га teng.

Рискнинг чегаравий даражаси кўрсаткичи сифатида молиявий амалиётда эҳтимолли тақсимотнинг квантитидан фойдаланилади.

Тақсимот квантити ва риск нархи.⁹⁰ Умумий ҳолатда $F(x)$ узлуксиз тақсимот функциясига эга тасодифий Ҳининг тартибдаги квантити (quantil) деб $X < u_\alpha$ ни қаноатлантирадиган шундай u_α қийматки, у учун ҳодисанинг эҳтимоллиги α га teng бўлади:

$$F(u_\alpha) = p(X < u_\alpha) = \alpha \quad 5.9$$

Куйидаги жадвалда ўрта қийматдан четланиш эҳтимолликларига мос келувчи, стандарт четланишлар сонда ифодаланган нормал тақсимот квантиллари келтирилган.

5.3-жадвал

Нормал тақсимот квантиллари

Эҳтимоллилик α , %	99,99	99,00	97,72	95,00	90,00	84,13	50,00
Квантиль u_α	3,715	2,326	2,000	1,645	1,282	1,000	0,000

Ушбу кўрсаткичдан α эҳтимолликдан ортмайдиган ёки 1-а эҳтимолликдан ортиши мумкин бўлган йўқотишлар ёки зарар кўришининг чегаравий қийматини аниқлаш учун фойдаланиш мум-

⁹⁰Энциклопедия финансового риска-менеджмента // Под ред. А.А. Лобанова и А.В. Чугунова. 4-е издание, исправленное и дополненное. М.: Альпина бизнес букс, 2009.

кин. Қайд этиш кийин эмаски, охирги ҳолат учун масала қийматини топиш күйидагича бўлади:

$$p(X \geq u_\alpha) = 1 - F(u_\alpha) \quad 5.10$$

Квантиль тушунчаси молия бозори иштирокчилари орасида, шунингдек, унинг фаолиятини тартибга соловчи ташкилотлар ва хизматлар орасида кенг тарқалган риск нархи (қиймати) (*ValueatRisk – VaR*)⁹¹ кўрсаткичининг асосида ётади. VaR (*ValueatRisk* – рискнинг қийматдаги ўлчови) кўрсаткичи маълум шартлар остида t вакт оралигига инвесторнинг максимал йўқотишларини ифодалайди.⁹²

Расман бу кўрсаткич t давр учун ва берилган α аниқлик дараҷаси билан маълум актив ёки активлар портфелига эгалик килишдан кутилаётган максимал йўқотишлар VaR қийматидан ошмаслик эҳтимоллиги α -га тенг бўлган қийматни баҳолайди. Бошқача айтганда, α эҳтимоллик билан V_t актив (портфель) қиймати^t вактда ўзининг V_0 дастлабки қийматидан $[0; t]$ давр оралигига VaR дан ортмайдиган қийматга оғмайди:

$$p(V_t - V_0 < VaR) = \alpha \quad 5.11$$

Агар, эҳтимоллик VaR дан ортиқ бўлса, у ҳолда зарар кўриши эҳтимоллиги $1 - \alpha$ га тенг бўлади, яъни:

$$p(V_t - V_0 > VaR) = 1 - \alpha \quad 5.12$$

Эътибор қилсак, математик нуктаи назардан VaR кўрсаткичи α тартибдаги тасодифий ифода тақсимотининг квантити хисобланади.

Агар нарх(даромад)лар ўзгаришининг эҳтимолли тақсимоти нормал тақсимот қонунига бўйсунса, VaRмиқдорини куйидаги формула бўйича хисоблаш мумкин:

$$VaR = V_0 * u_\alpha * \sigma_t \quad 5.13$$

Бу ерда

V_0 – актив (портфель)нинг дастлабки қиймати;

t – кўрилаётган давр;

α – t вакт давомида актив (портфель) қиймати ёки даромадининг стандарт четланиши;

⁹¹ VaR кўрсаткичи Basel қўмитаси, Xalқaro своп ва ҳосилавий инструментлар асоциацияси, АҚШ миллий сугуртчилар асоциацияси томонидан тартибга солиш инструменти сифатида фойдаланиш тавсия этилган.

⁹² Crouhy M., Galai D., Mark R. Risk management. N.Y.: McGraw Hill, 2001.

α – ишончлилик (хакқонийлик)нинг танланган даражаси.

Эҳтимолли йўқотишларни баҳолашдан ташқари VaR кўрсаткичи ва унинг аналоглари молиявий ташкилотлар томонидан капитални бошқаришида, шунингдек, рискни хисобга олган ҳолда корректировка қилинган самарадорлик мезонлари (*Risk-adjusted Performance Measurement – RAPM*)ни аниқлаш учун фойдаланилади.

Буларни орасидан энг кўп танилгани – бу киритилган капитал даромадлигининг риск бўйича корректировка қилинган кўрсаткичи (*Risk-adjusted Return On Capital – RAROC*) хисобланади. Биринчи бор Bankers Trust гурухи томонидан таклиф қилинган. Энг содда кўринишида *RAROC* соғ фойдани унинг *VaRiga* нисбати сифатида аниқланади:

$$RAROC = \frac{NP}{Var} \quad 5.14$$

Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич амалиётда кенг тадбиқ қилинмоқда. Молиявий рискларни баҳолашнинг микдорий кўрсаткичлардан ташқари амалиётда маҳсус усусларга асосланган сифатий кўрсаткичлари ҳам кўлланилади.

5.4. Молиявий рискларни сифатий баҳолаш ва бошқариш амалиёти

Нафакат дунё ҳамжамиятида балки мамлакатимизда ҳам иқтисодиёт субъектлари ўз фаолиятлари давомида рискка дуч келишади. Рискнинг зарар келтириш эҳтимолиги мавжудлиги сабабли, у иқтисодиёт субъектлари томонидан бошқарилиши ва назорат қилиниши керак.

(Молиявий рискларни таҳлил килиш, баҳолаш ва¹ бошқариш тизими корхонанинг стратегик бошқаришининг марказий қисми хисобланади.⁹³) Молиявий рискларни бошқаришининг асосий мақсади – компания қийматини максималлаштириш жараёнинга хисса қўшиш, яъни ўзининг молиявий ресурсларини тўлиқ (кисман) сақлаб қолиши ёки кутилаётган фойдага эришиш хисобланади. Бу корхонанинг молиявий ҳолатига таъсир этувчи потенциал “салбий” ва “ижобий” омилларни аниқлашни англатади; корхона олдига қўйган максадларига эришиш учун ютуқ эҳтимолини оширади ва йўқотишлар эҳтимолини минималлаштиради.

⁹³ Ступаков В.С. Риск-менеджмент: учебное пособие. М.: Финансы и статистика, 2005. 288 с.

Молиявий рискларни бошқариш бошқарув органи томонидан қабул қилиніб тасдиқланиши керак хамда корхонанинг ҳар бир ходимига жойларда конкрет вазифаларни белгилаш оркали умумий ривожланиш дастури сифатида етказилиши керак.

Молиявий рискларни бошқариш яхлит тизим сифатида құйилған вазифаларни бажарылыштың устидан назорат дастурини, олиб бориля-ёттан тадбирлар самарадорлигини баҳолашын, шунингдек, корхонанинг ҳар бир бүғинида рағбаттаңтириш тизимини ўз ичига олади.

Молиявий рискларни бошқариш соҳаси кеңг бўлиб, турли ривожланаётган компонентлардан (таркибий қисмлардан) иборат ва улардан энг муҳими – бу рискни баҳолаш ҳисобланади!

Қиймат риск ва даромадлиликнинг функцияси ҳисобланади, яъни наониклик шароитида ҳар бир қабул қилинадиган қарор қийматни ошириши, ўзгаришсиз саклаб қолиши ёки пасайтириши мумкин. Шундан келиб чиқиб риск қийматга эришиш учун катта аҳамиятга эга саналади ва стратегик ўналтирилған компаниялар анъанавий рискка ёндашувдан фарқли равишда рискни бартараф этишга ва хатто уни минималлаштиришга хам интилишмайди. Аксинча бундай компаниялар ўзларини барча ташкилий қисмлари бўйлаб рискка учрашни бошқаришга ҳаракат қилишади, яъни маълум бир давр учун улар стратегик мақсадларга самарали Эришишга керакли рискни мақбул даражада қабул қилишади. Буни оптималь рискни қабул қилиш зonasи дейилади ва график кўрининиши 5.1-расмда тасвирланган.



5.1-расм. Оптимальный риск қабул қилиш зonasи

Ушбу рискни қабул қилиш зонасини аниқлаш зарурати эса рискни баҳолаш муҳимлигини ифодалайди. Шу йўл билан корхоналар ҳар бир рискни корхонанинг умумий мақсадига эришиш учун таъсири қандай бўлишини тушунади ва назорат қиласди.

Буни бажариш учун корхоналарга амалий, баркарор ва тушуниш осон бўлган рискни баҳолаш жараёни керак ҳисобланади. Жараён тартибли ва тизимли кўринишда амалга оширилиши керак бўлади. Унинг кўлами корхонанинг ҳажмига, фаолият қамровига ва географик жойлашишига мувофик бўлиши керак. Корхона кўламидаги рискни бошқариш (ERM - enterprise-wide risk management) нисбатан янги фан соҳаси бўлиб⁹⁴, кўлланиш техникаси охирги ўн йилликларда ривожланиб келмоқда.


Рискни сифатий баҳолаш жараёни. COSO ERM⁹⁵ доирасида рискни баҳолаш – бу риск юз бериш ҳодисасини аниқлашдан кейинги ва риск билан бөглиқ ҳолатга муносабат беришдан олдинги жараён ҳисобланади. Унинг мақсади – бошқарув диққатини энг аҳамиятли таҳдидлар ва имкониятларга қаратиш учун ҳамда рискли ҳолатга жавоб реакциясига асос солиши учун риск катталиги (кўлами)ни баҳолашдан иборат. Рискни баҳолаш – имкониятлардан воз кечмасдан ёки хаддан ташқари назоратни олдини олмасдан белгиланган рискни қабул қилишнинг чегаравий киймати доирасида риск даражасини бошқариш учун риск бўйича ҳисоблашлар ва рискларни даражалари бўйича устуворлигини белгилаш ҳисобланади.¹

Рискни баҳолаш механизмини ишга туширадиган тепки вазифасини бажарувчи ҳодисалар ўз ичига корхонадаги рискни бошқариш дастурини жорий этиш, даврий янгиланиш, янги лойиҳани бошлаш, қўшиб олиш, бирлашиш, тугатилиш ёки йирик реструктуризация қилишлар киради.

Баъзи рисклар юқори динамикага эга ҳисобланади ва мунтазам назорат қилишни ҳамда баҳолаб боришни тақозо этади. Бошқалари эса айчайнин статик саналиб, даврий асосда назорат билан бирга кайта баҳолаб боришни талаб қиласди.

⁹⁴ Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission (COSO) Enterprise Risk Management – Integrated Framework, 2004.

⁹⁵ COSO, Enterprise Risk Management – Integrated Framework (2004).



5.2-расм. Рискни баҳолаш жараёнининг босқичлари

Рискни аниклаш (айналлаштириш). Риск (ёки ҳодиса)ни аниклаш жараёни рискни баҳолашдан олдинги босқич бўлиб, у хўжалик юритувчи субъектлар, корпорациялар мутасаддилари ҳамда капитал қўйилмалари лойиҳалари учун риск категориялари (молиявий ва стратегик) ва суб-категориялари (бозор, кредит, операцион ва ликвидлик)дан иборат бўлган риск бўйича тўлиқ маълумот йигиш имконини беради. Бу босқичда бутун бир тармоқ корхона рискининг тавсифини ишлаб чиқиши учун рисклар мажмумини аниклаши керак хисобланади. Ҳар бир риск қамраб олиниши ижроия бошқаруви учун бизнесни маълум босқичида муҳим бўлса-да, ушбу аникланган рўйхатдаги рисклар уларнинг даражаларига қараб устуровлиги бошқарув ва кенгаш фикрини асосий рискларга каратиш учун белгиланишини талаб этади. Рискларни устуровлиги бўйича табақалаш эса рискни баҳолаш орқали амалга оширилади.

Баҳолаш мезони. Рискни баҳолаш жараёни доирасидаги биринчى амал бу баҳолашнинг умумий мезонларини ишлаб чиқиши хисобланади. Рисклар ва имкониятлар одатда таъсир кўрсатиши ва содир бўлиш эҳтимоллигига қараб баҳоланади.

Анъанавий риск таҳлили бўйича риск – эҳтимоллик ва таъсир даражасининг функцияси сифатида кўрилади. Ҳақиқатдан ҳам бу ўлчовлар муҳим хисобланади, бирок кутилмаган ҳодисалар тез-тез содир бўлса, кўплаб кутилган ҳодисалар эса содир бўлмай қолади. Ёмон тарафи шундаки, кутилмаган ҳодисалар катта тезликка содир бўлади. Лекин таъсир кўрсатиши ва содир бўлиш эҳтимоллиги алоҳида кўрилса, умумий ҳолатни тўликлигича ифодалай олмайди.

Риск қанчалик тез пайдо бўлиши, унга қанчалик тез жавоб қайтарилиши ёки риск оқибатидан қайта тиклана олиш ва қай давргача рискка дош бера олиш каби саволларга жавоб тарикасида компаниянинг рискка мойиллик ҳамда риск содир бўлиш тезлигининг масштабини ўлчаш керак бўлади. Рискли вазиятга нисбатан

корхона заифлик (мойиллик) даражадасини ўлчаш орқали рискни кабул қилиш заруратини аниқлаши мумкин. Рискли вазият қанчалик тез содир бўлишини аниқлаш орқали унга реакция қилиш ва мослашиш тезлиги кераклилигини билиб олинади.

Баҳолаш шкаласини ишлаб чиқиш. Таққослаш стандарти (мезони)сиз корхона рискларини умумлаштириш (яхлитлаш) ва уларни ўзаро таққослаш имкони бўлмайди. Амалиётда рискларни таъсир кўрсатиш, содир бўлиш эҳтимоллиги ва шу каби бошқа ўлчовларига қараб уларни шкаласини ишлаб чиқилади.

5.4-жадвал

Таъсир даражасининг намунавий шкаласи

Рейтинг	Тавсифи	Ифодаси
5	Экстремал	Х млн сўм ва ундан ортиқ молиявий йўқотишлар Узок-муддатли халқаро ОАВнинг салбий хабарлари Сезиларни жарима ва пеня тўловлари Ишчи-ходимлар ва мижозларнинг жиддий шикаст ва талофат қўриши Раҳбарларнинг иш ташлаши
4	Йирик (муҳим)	Х млн дан Х млн сўмгача молиявий йўқотишлар Узок-муддатли миллий ОАВнинг салбий хабарлари Асосий лойиҳаларга тузатишларни киритиш учун тегишли идораларга хисобот тақдим этиши Чекланган стационар даволаниш ишчи-ходимлар ва мижозларга талаб этилади Баъзи раҳбарларнинг ташлаши
3	Ўртча	Х млн дан Х млн сўмгача бўлган молиявий йўқотишлар Қисқа-муддатли миллий салбий ОАВнинг хабарлари Тезкор тузатишларни жорий этиш билан қонун бузарлик ҳақида тегишли идораларга хабар бериш Амбулатор даволаниш ишчи-ходимлар ва мижозларга талаб этилади Мехнат кучининг юкори даражадаги оқими кузатилади
2	Кичик	Х млн дан Х млн сўмгача бўлган молиявий йўқотишлар Бизнес репутациясига локал медиа томонидан футур етказилиши Ноуху холат (инцидент) ҳақида тегишли идораларга хабар бериш, лекин якунига етказмаслик Ишчи-ходимлар ва мижозларнинг ўртамиёна шикасти Мехнат кучи оқимининг ўсиши кузатилади
1	Ахамиятсиз	Х млн сўмгача бўлган молиявий йўқотишлар Локал медиа салбий таъсирини тез бартараф этилади Тегишли тартибиға солувчи идораларга хисобот бериш холати мавжуд эмас Ишчи-ходимлар ва мижозларда ҳеч қандай шикаст кузатилмайди Тор миқёсдаги ходимлар штатининг норозилиги

Бу шкала ҳисоблаш даражалари ҳамда уларнинг ифодалари (сабаблари)дан иборат бўлиб, турли мижозлар томонидан изчил тушуниш ва татбиқ қилиш учун керак бўлади.

Шкала қанча тавсифли бўлса, шунча уларнинг фойдаланувчилари томонидан изохи (тушунилиши) изчил (барқарор) бўлади. Бу ерда муаммо оддийлик ва мукаммаллик орасидаги тўғри мувозанатни аниклаш ҳисобланади.

5.5-жадвал

Эҳтимолликнинг намунавий шкаласи

Рей- тинг	Йиллик тақрорланиш		Эҳтимоллик	
	Тавсифи	Ифодаси	Тавсифи	Ифодаси
5	Тез-тез	2 йилда бир марта гача ёки ундан ҳам кўп	Тез-тез	Белгиланган давр оралигига ёки лойиҳа ҳаётйиллик даврида 90% ва ундан юкори эҳтимоллик даражаси
4	Эҳтимол- лиги юкори	2 йилда бир мартадан то 25 йилгacha	Эҳтимолл иги юкори	Белгиланган давр оралигига ёки лойиҳа ҳаётйиллик даврида 65% дан 90% гача бўлган эҳтимоллик даражаси
3	Эҳтимол- лиги ўртacha	25 йилда бир мартадан то 50 йилгacha	Эҳтимолл иги ўртacha	Белгиланган давр оралигига ёки лойиҳа ҳаётйиллик даврида 35% дан 65% гача бўлган эҳтимоллик даражаси
2	Эҳтимол- лиги паст	50 йилда бир мартадан то 100 йилгacha	Эҳтимолл иги паст	Белгиланган давр оралигига ёки лойиҳа ҳаётйиллик даврида 10% дан 35% гачабўлган эҳтимоллик даражаси
1	Камдан- кам	100 йилда бир марта ёки ундан кам	Камдан- кам	Белгиланган давр оралигига ёки лойиҳа ҳаётйиллик даврида 10% ва ундан паст бўлган эҳтимоллик даражаси

Шкала рискни асосли тарзда даражаларга ва устуворлиги бўйича ажратишга имкон яратиши керак. Шкала энг оптималь кўринишда бешта даражадан ташкил топиши керак. Куйида таъсир даражаси, эҳтимоллик, мойиллик ва содир бўлиш тезлиги бўйича ҳар бири учун алоҳида намунавий баҳолаш шкаласи келтирилган.

Таъсир даражаси. Таъсир(ёки оқибат) даражаси риск ҳолати корхона фаолиятига таъсир кўламини кўрсатади. Таъсир даражасини баҳолаш мезони ўз ичига молиявий, репутацион, бошқарув, хавфсизлик, ташқи омил, ишчи-ходим, мижоз ва операцион таъсиirlарни олади. Корхоналар одатда ушбу келтирилган соҳаларнинг ҳар бири бўйича риск таъсирини умумлаштириш орқали таъсир даражаси аникланади. Баъзи корхоналар риск учун ишлаб чиқилган шкалани, имкониятлар (даромадлар) учун ҳам кўллашади (5.4-жадвал).

Эҳтимоллик. Эҳтимоллик – бу маълум ҳодиса содир бўлиш эҳтимоллиги хисобланади. Эҳтимолликни миқдорий ифодалар орқали нисбий (фоизда) эҳтимоллик сифатида ёки содир бўлиш частотаси сифатида кўриш мумкин. Соnли қийматлардан фойдаланилаётганда вақт оралигини йиллик тақорланишлар ёки лойиха ҳаёт даврийлиги орқали таснифланиши керак. Баъзидан корхоналар эҳтимолликни «белгиланган давр оралиғида риск ҳодисаси бир неча маротаба содир бўлиш»и ёки «бўлмаслиг»ига ўхшаш сифатий ифодалар орқали ифодалашади (5.5-жадвал).

Рискка майиллик. Рискка майиллик таъсир кучи ва эҳтимолликка бевосита боғлик. Корхона қанчалик рискка майиллиги кучли бўлса шунча рискнинг таъсир кучи юқори бўлади. Агар назоратни ўз ичига олган рискка қарши чоралар ўз ўрнида ва тегишли тарзда қўлланилмаса, риск ҳодисаси содир бўлиш эҳтимоллиги ошади. Майилликни баҳолаш корхоналарда рискини бошқариш кандай яхши жорий этилганини аниқлашга имкон беради.

Рискка майилликни баҳолаш мезони қуидаги чораларни жорий қилишни ўз ичига олади: сценариявий режалаштириш, реал опционлар⁹⁶, риск ҳодисаси содир бўлганда унга тез мослашиб капитал зихираларини шакллантириш каби қарши чораларни қўллаш. Бироқ универсал баҳолаш мезани мавжуд эмас. Ҳар бир корхона ўз мезонини талабларини кондиришга мос тарзда ишлаб чиқиши керак (5.6-жадвал).

5.6-жадвал

Рискка майилликнинг намунавий шкаласи

Рейтинг	Тавсифи	Ифодаси
5	Жуда юкори	Сценариявий режалаштириш амалга оширилмайди Корхонада рискка қарши чоралар лаёқатлилиги мавжуд эмас Рискка қарши чоралар жорий этилмаган Жойларда рискни ёки кутилмаган ҳолатларни бошқариш режалари мавжуд эмас
4	Юкори	Сценариявий режалаштириш муҳим стратегик рисклар учун жорий этилган Корхонада рискка қарши чоралар лаёқатлилиги паст Рискка қарши чоралар қисман жорий этилган Жойларда рискни ёки кутилмаган ҳолатларни бошқариш режалари мавжуд
3	Ўртача	Сценариявий тахлилнинг стресс тест ва таъсирчанлик тахлили ишлаб чиқилган

⁹⁶ Реал опцион – бу реал активлар опциони. Реал активларга ер, бино ва ускуналар киради. Реал опцион таҳлили инвестицион имкониятларнинг капитал баҳосини хисоблаш учун опцион баҳолаш назариясидан фойдаланади.

		Корхонада рискка қарши чоралар лаёкатлилiği ўртача Рискка қарши чоралар жорий этилган ва кўпинчча мақсадга эришади Жойларда рискни ёки кутилмаган ҳолатларни бошкариш режалари мавжуд, лекин тақрор ишлаши чегараланган
2	Паст	Стратегик опциялар аниқланган Корхонада рискка қарши чоралар лаёкатлилiği ўртачадан юқоригача мавжуд Рискка қарши чоралар жорий этилган ва экстремал вазиятдан ташкари барча ҳолатда мақсадга эришади Жойларда рискни ёки кутилмаган ҳолатларни бошкариш режалари мавжуд ва тақрор ишлаши ҳам учрайди
1	Жуда паст	Реал опциялар стратегик мослашуҷанлил (эластиклик)ни максималлаштириш учун ишга туширилган Корхонада рискка қарши чоралар лаёкатлилiği юкори даражада Ҳаддан ташкари рискка қарши чоралар механизми жорий этилган ва критик рискларни мунтазам текшириб борилади Жойларда рискни ёки кутилмаган ҳолатларни бошкариш режалари мавжуд ва доимий тақрор ишлаши таъминланган

Риск содир бўлиш тезлиги. Риск содир бўлиш тезлиги – бу риск ҳолати ўзини ошкор этиши учун кетадиган вақтни, яъни риск ҳодисаси содир бўлиши ва корхона биринчи бор унинг таъсирини хис қилиш нуқтаси оралиғида кечадиган вақтни англатади. Ушбу тезликни билиш корхона учун рискка қарши чоралар режасини ишлаб чиқишига фойдали хисобланади (5.7-жадвал).

〔**Рискни баҳолаш.** Рискларни баҳолаш – бу ҳар бир риск учун қабул қилинган мезон асосида қиймат белгилаш ва эҳтимолли имкониятларни аниқлаш хисобланади. Буни икки босқичда амалга ошириш мумкин: биринчи босқичда сифатий хисоблаш техникасидан фойдаланиб рискларни дастлаб саралаб олинади, иккинчи босқичда энг аҳамиятли рисклар бўйича микдорий таҳлил ўтказилади.]

5.7-жадвал

Риск содир бўлиш тезлигининг намунавий шкаласи

Рейтинг	Тавсифи	Ифодаси
5	Жуда юкори	Жуда ҳам тез лаҳзали ва хабар сигнали деярли йўқ
4	Юкори	Содир бўлиш тезлиги бир кундан бир неча хафта ичida амалга ошади
3	Ўртача	Содир бўлиш тезлиги ойлар ичida амалга ошади
2	Паст	Содир бўлиш тезлиги бир неча ойлар ичida амалга ошади
1	Жуда паст	Жуда ҳам паст, бир йил ва ундан ортиқ муддат ичida содир бўлади

Рискни баҳолаш жараёни оддатда икки боскичда амалга оширилади. Рисклар ва имкониятларни дастлабки текшириш (сарапаб олиш) сифатий техникалар ёрдамида амалга оширилади, сўнгра риск ва имкониятларнинг муҳимларини миқдорий хисобланади.

Сифатий баҳолаш ҳар бир риск ва имкониятни юкорида келтирилган намунавий шкалалар бўйича тахлил килиш орқали баҳолашдан иборатdir.

Миқдорий тахлил эса ҳам таъсир кучи ва ҳам эҳтимолликнинг турли маълумотлар манбасидан фойдаланган ҳолда сонли кийматини аниклашдан иборат. Тахлил сифати ушбу сонли қийматларни тўлиқлиги ва аниқлиги ҳамда кўлланилаётган модель асослилигига боғлиқ бўлади. Рискни баҳолаш ёндашувларининг ҳар иккаласи ҳам ютуқ ва камчиликларга эга.

5.8-жадвал

Рискни сифатий ва миқдорий баҳолашнинг қиёсий тахлили

Баҳолаш техникаси	Ютукларн	Камчиликлари
Сифатий	Нисбатан тез ва осон Манфаатдор томонлар учун тушуниш ва фойдаланишга қулай	Риск даражалари тўлиқ фреклаб бермайди Харажат-даромад тахлилини ўтказища чекловлар мавжуд
Миқдорий	VaRкаби қийматта асосланган моделларни ҳисблайди Харажат-даромад тахлилини ўтказиш имконини беради	Кўп вақт ва харажат талаб этиди Ракамдаги натижа қанчайин аниқ бўлса-да ҳисблашда кўлланилаётган ўзгарувчанлар ўзи асоссиз бўлади

Сифатий баҳолашда кенг иштирок этадиган усувларга қўйидагилар киради: интервью ва сўров ўтказиш техникаси, самарадорликнинг қиёсий текшируви, сценариявий тахлили.

Миқдорий техникалар ўз ичига детерминистик (аниқ) ва стохастик (эҳтимолли) моделларни олади.

Мавжуд маълумот тахлили. Риск содир бўлиши хақидаги маълумотлар манбаси сифатида ички ва ташқи аудит хulosалари, кафолат бўйича даъво ва шикоятлар, сугурта компаниялари, саноат бирлашмалари ва тадқиқот ташкилотларининг очик ҳисботларини келтириш мумкин. Мавжуд маълумотларга таяниш объектив саналса-да, ушбу маълумотлар базасини жорий ҳолатга ўринилигини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Сценарийный тахлил. Риск бўйича бир нечта сценарийни шартлари билан ишлаб чиқиши талаб этади. Куйидаги жадвалда корхона даромадига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни сценарийный тахлили келтирилган (5.9-жадвал).

Рискларни ўзаро боғлиқлигини баҳолаш. Рисклар якка ажралган ҳолда бўлмаслиги сабабли, корхоналар учун рискни ўзаро таъсирини бошқариш мухим саналади. Портфель рискини тушуниш учун унинг таркибидаги ҳар бир актив рискини алоҳида ҳисоблаш, шунингдек, уларнинг ўзаро боғлиқлигига пайдо бўладиган рискни ҳисоблаш керак бўлади.

5.9-жадвал

Сценарийный тахлил намунаси⁹⁷

№	Сценарий тавсифи	Фаразлар	ЕВІТга таъсир
1	Валюта курси ўзгариши	Ишлаб чиқариш хажми 15% тушади Маҳсулот нархи 20% тушади Давом этиш муддати 9 ой Тикланиш даври 9 ой	-500 п.б.
2	Ёқилғи нархи ўзгариши	Ресурслар нархи 50% ошади Давом этиш муддати 3 ой Тикланиш учун таннхар 25% ошади	-165 п.б.
3	Технология янгиланиши	Ишлаб чиқариш хажми 15% тушади Маҳсулот нархи 15% тушади Давом этиш муддати 12 ой	-275 п.б.
4	Рақобатчилар таъсири	Маҳсулот нархи 10% тушади Давом этиш муддати 24 ой	-200 п.б.
5	Етказиб бериш бўғинида узилиш	Ишлаб чиқариш хажми 10% тушади Давом этиш муддати 6 ой	-175 п.б.

Изоҳ: EBIT (Earnings before interest and taxes) – фоиз ва солиқ тўловларидан олдинги даромад (яшни фойда).

Хатто аҳамиятсиз бўлган рисклар ҳам бошқа ҳодиса ва ҳолатлар билан биргаликда потенциал йирик талофатта ёки аксинча имкониятларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун корхоналар рискларни интеграллашган ёки яхлит кўринишида рискни ўзаро боғлиқ ҳаритаси, корреляцион матрицаси, «bow-tie» диаграммаси сингари техникалардан фойдаланган ҳолда баҳолашга интилишади.

Рискни ўзаро боғлиқ ҳаритаси. Энг соддаграфик кўриниши – бу рискларни ҳаракетларни ўзаро боғлиқ ҳаритаси тозилган

⁹⁷ Frederic Funston and Stephen Wagner, *Surviving and Thriving in Uncertainty* (Hoboken, N.J.: John Wiley & Sons, Inc., 2010), 69.

шакли хисобланади. Уларни ўзаро боғлиқлигини харитада бирор белги (X) ёки миқдорий кўрсаткич билан қайд қилинади (5.3-расм).

Рисклар устуворлигини белгилаш. Риск устуворлиги – бу риск даражаларини олдиндан аниклаб қўйилган рискни қабул килишининг чегаравий қийматига нисбатан таққослаган ҳолда рискни бошқариш устуворликларини аниклаш жараёни хисобланади. Бунда риск нафакат молиявий ҳолатга салбий таъсир ёки ижобий имконият яратиши сифатида кўрилади, балки шунингдек, субъектив мезон сифатида, яъни саломатликка, хафвасизликка ёки фирма репутациясига ҳам салбий ҳам ижобий таъсир кўрсатиш, рискка мойиллик ҳамда риск содир бўлиш тезлиги сифатида ҳам қаралади.

Риск тури									
Бизазиб бергай бўлинади узалиши		X	X	X	X				
Мизхозадар хоҳинчи узалиши				X	X		X	X	
Ҳам аниб ишлани олиши >75%	X			X					X
Иш тўлғоз кормини -1 харфа	X				X				
Ишни одигни олиши	X	X	X	X		X	X		X
Радиоактивн мутагенич	X	X			X				X
Канални оҳоҳинчи олиши 5%					X				X
Энергетикларни отурдигани		X				X			
Ваколота курслар оғораниши	X	X		X	X	X			


5.3-расм. Риск ўзаро боғлиқлик харитасига намуна

Рискларни устуворлиги бўйича тартиблаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда рисклар дейлик таъсир кучини эҳтимолликка кўпайтмаси ёки таъсир кучини мойилликка кўпайтмаси мезони бўйича тартибланади. Иккинчи босқичда

тартибланган риск таъсир кучи, содир бўлиш тезлиги ёки жорий ва келгуси риск даражалари орасидаги фарқи каби қўшимча сифатий омилларни хисобга олган ҳолда кўриб чикиб кайта тартиблаш амалга оширилади.

Иерархия. Рискларни бирлаштиришнинг энг содда йўли уларни иерархиясини тузиш хисобланади. Бунда рисклар ташкилий тузулма, риск тури, географик ёки стратегик обьект бўйича иерархияси тузилади (5.4-расм).

Риск харитаси. Одатда харита икки ўлчамли кўринишида бўлиб, риск таъсир кўрсатиш кучи ва унинг эҳтимоллиги ёки таъсир кучи ва мойиллиги нуқтаи назаридан тузилади. Агар тўлақон қамраб олинса, учинчи ўзгарувчанин ҳам, яъни рискни содир бўлиш тезлиги ёки хисоблашларнинг ноаникликларини киригиш мумкин. Таъсир кўрсатиш шкаласини имкониятлар ва рисклар учун харитаси қўйидаги расм кўринишида бўлади (5.5-расм).



5.4-расм. Риск иерархиясига намуна

Рискка қарши жавоб чоралар. Рискни баҳолаш натижалари рискка қарши жавоб чораларини ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумот сифатида хизмат килади. Бунга мувофиқ жавоб чораларининг шартлари ўрганилади (рискни қабул килиш, камайтириш, тақсимлаш ёки қочиш), «харажат-даромад» таҳлили амалга оширилади, жавоб чораларининг стратегиясини шакллантирилади ва рискка қарши жавоб чораларининг режасини ишлаб чиқилади.

Умумий ҳолатда молиявий рискларни бошқаришда жавоб чоралари сифатида рискдан қочиш ва рискни бутунлигicha қабул килиш (сугурталаш ва захира килиш имконияти билан) ёки

рискларни пайдо бўлиш ва ўзгариш жараёнида уни актив бошқаришдан бирини танлашдан иборат бўлади.

Рискдан қочиш қабул қилиб бўлмайдиган юқори даражадаги рисклар билан боғлик харакатларни рад этишни англатади. **Рискни қабул қилиш** вужудга келган рискни, салбий оқибатлари ўнглаб бўлмайдиган йукотишларга олиб келмагунга қадар, фаолиятни амалга оширишни англатади. **Рискни бошқариш** унинг эҳтимоллилиги ва зарар кўламини дастлабки баҳолаш асосида рискни пасайтириш ёки ошириш бўйича фаол харакатни назарда тутади.

Гаъсир кўрсатиши даражаси										
	Экстремал	Инерс	Уртача	Кичик	Адекватен	Аммоутен	Кичик	Уртача	Инерс	Экстремал
Тер										
Эҳтимоллиги юқори										
Эҳтимоллиги уртача										
Эҳтимоллиги шаст										
Кам										

5.5-расм. Риск ва имкониятлар намунавий харитаси

Бундан ташқари риск вужудга келишида йукотишлар даражасини пасайтириш чоралари қўидаги асосий усусларга бўлиниди [2]:

- активларни бозор киймати бўйича қайта баҳолаш;
- мажбуриятларни таъминлаш – хусусан маржа ёки залог киритиш йўли билан;
- кутилаётган ва кўзда тутилмаган йукотишларни қоплаш учун маблағларни захиралаш;
- лимитлаштириш;
- портфель диверсификацияси;
- сугурталаш;
- хосилавий инструментлар ёрдамида хеджерлаш.

Санаб ўтилган усусларидан баъзиларини қўйида батафсил кўриб чиқамиз.

Бозор киймати бўйича қайта баҳолаш. Активларни бозор киймати бўйича қайта баҳолаш (*marking to market – MTM*) – бу бозор нархларини мунтазам тебраниши натижасида очиқ позициялар

бўйича фойда ва зарарни кагъий белгилаш ҳисобланади, масалан ҳар кунлик (биржа битимлари учун) ёки узоқ муддатли вакт оралиғида (биржадан ташқари инструментлар учун). Агар келишаётган томонларни иккала тарафи ҳам симметрик тарзда фойда ва зарарни ҳисобга олишса, бу бозор қиймати бўйича икки томонлама қайта баҳолаш (*two-way MTM*) ҳисобланади, ва агар зарарлар бир томонлама ҳисобга олинса, бу усулни бозор қиймати бўйича бир томонлама қайта баҳолаш (*one-way MTM*) деб номлаш кабул қилинганд [3]. Бу усул ризкни жорий ҳолат бўйича бартараф килса-да, истикболда ризк хавфи мавжуд қолади.

Кафолатланган гаров (маржа)га қўйилган талаблар. Фьючерс шартномалари билан битимларда истикболли ризк маржа (*margin*) орқали қопланиши мумкин. Маржа – бу тузилган шартномалар бўйича контрагент мажбуриятларини қисман таъминлаш шакли ҳисобланади.

Биржада янги позицияни бозор қатнашчиси клиринг палатасига дефолт ҳолатининг таъминоти сифатида бошлигич маржса киритиши керак. Ҳисоб палатаси савдо натижаларига кўра иштирокчиларни кунлик молиявий натижалари (даромади ва харажати)ни аниклади, буни *вариацион маржа* дейилади. Ҳисоб палатаси салбий натижага эга бўлган томоннинг маблағини ҳисоб рақамидан олиб, ижобий натижага эга бўлган томоннинг ҳисоб рақамига ўтказади. Бу жараённи баъзан *маржсанни қайтатдан ҳисоблаш* (*remargining*) деб атashади. Агар зарар кўриш натижасида маржа микдори маълум чегаравий даражадан тушадиган бўлса, бозор иштирокчиси ҳисоб палатасидаги ҳисоб рақамига кўшимча маблағ киритиши керак, акс ҳолда унинг позицияси мажбурий тарзда ёпилади.

Икки томонлама неттинг [4]. Ризкни пасайтириш бўйича амалий натижка берадиган усувлардан бири ва халқаро молиявий бозорларида свои битимларининг стандарт шарти ҳисобланган усул – бу *талабларни икки томонлама ўзаро ҳисобга олиш* (*неттинг*) усули ҳисобланади.

Икки томонлама неттинг тузулган битимлар бўйича томонларни ўзаро талаб шартларини ифодалайди. Неттинг мақсади неттинг келишуви қамраган барча битимлар бўйича ялини ризкни соғ ризк микдоригача қисқартиришдан иборат.

Лимитлаш. Молиявий ризкларга қарши жавоб чораларининг

асосий усулларидан бири – бу лимитлаш, яъни ҳар бир рискли холат ёки унга етакловчи омилларни аниклаб, уларга чекловлар тизимини ўрнатиш ҳисобланади.

Лимитлар ўрнатиш тизими кўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- лимитлар амал қилиши риск билан боғлиқ барча фаолиятга жорий қилинади;
- лимитларни ҳисоблашда барча эҳтимолли йўқотишлар жамланади;
- лимитлар ўрнатилган риск устуворликлари бўйича белгиланади;
- лимитлар стресс-тест натижасига кўра белгиланиши керак.

Рискни баҳолаш ва бошқариш жараёни самарали ва барқарор бўлиши учун у содда, амалий ва тушунишга осон бўлиши керак. Бу борада муваффақиятга эришиш карор қабул қилувчи бошқарув ва ресурсларга боғлиқ. Жараён малакали мутахассислар томонидан тегишли технологиялардан тўғри ва ўринли фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Корхоналарда молиявий рискларни баҳолаш ва бошқаришнинг вазифаси юкорида келтириб ўтилган усул ва техникалардан фаолият доирасида ва рискни таҳлил қилишда кенг фойдаланиш ҳисобланади. Жараён кенг доирада рискка қарши чораларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ҳамда унинг устидан назорат қилиш ҳақидаги қарорларни қабул қилиш учун маълумотлардан фойдаланади ва натижаларни стратегик режалаштириш жараёнига тақдим этади.

Пировардида таъкидлаш ўринлики, рискни баҳолаш ва бошқаришнинг энг мукаммал тизимига эга бўлиб ҳам, унинг салбий оқибатлари ва таъсирини буткул бартараф этиш мумкин бўлмайди. Бироқ рискни баҳолаш ва бошқаришнинг замонавий усул ва техникалардан самарали фойдаланиш бизнесни кутилмаган молиявий йўқотишлардан химояланиш, ўз вақтида ва онгли равишда рискни қабул қилиш имконини беради.

Хулоса

Хозирги кунда глобаллашув жараёнида мамлактлар молия тизимида корпоратив молия соҳаси юкори аҳамият касб этмоқда. Корпоратив молияни бошқаришни самарали ташкил этишда

молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш мухим ўрин эгалайди. Юқорида келтириб ўтилган молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш жараёнларини ўрганиб чиқсан ҳолда қуида қисқача хulosса ва таклифлар шакллантирилди:

1) молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш статистика ва математика фанларининг айрим инструментларидан фойдаланилгани сабабли мураккаб жараён ҳисобланиб, уни замонавий усуллари моҳиятини ва қўлланилиш механизмини тўлақон тушуниш учун унинг ривожланиш босқичлари билан танишиш керак ҳисобланади;

2) етакчи иқтисодчи олимлар томонидан молиявий рискларга берилган ифодаларни кўрилди ва жорий ривожланиш босқичидаги таснифи бўйича ёритиб берилди;

3) молявий рискларни баҳолашнинг амалиётда қенг қўлланиладиган анъанавий ҳамда замонавий микдорий усулларининг ўзига хос ҳусусиятларини ёритиб берилган ва ҳисоблаш механизмини мисолларда кўрсатилган;

4) корхоналарда молиявий риски замонавий сифатий баҳолаш амалиётининг намунавий усуллари ва комплекс тартибда бошқариш амалиёти келтирилган;

5) аникланган ва микдорий баҳолангандан молиявий рискларни бартараф этиш ёки пасайтириш бўйича рискка қарши чораларнинг баъзилари батафсил ўрганилган.

Молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича шакллантирилган ушбу хulosалар тавсиявий характерга эга бўлиб, уларни назарий жиҳатдан кейичалик тадқиқ қилишга пойдевор вазифасини бажаради ва амалий нуқтаи назардан корхоналарда молиявий рискларни таҳлил қилишда қенг тадбик этиш аҳамиятига эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Владимиров В.А., Воробьев Ю.Л., Малинецкий Г.Г. и др. Управление риском. Риск, устойчивое развитие, синергетика. М.: Наука, 2000.

2. Jorion, Philippe. Value at Risk: The New Benchmark for Managing Financial Risk – 3rd ed. The McGraw-Hill Companies, Inc. USA 2007.

3. Peter F. Christoffersen. *Elements of Financial Risk Management*. Elsevier Science (USA), 2003. Pages 214/page-4.
4. Лукасевич И.Я. *Финансовый менеджмент: Учебник*. 2-е изд. – М.: Эксмо, 2010.
5. Энциклопедия финансового риск-менеджмента/ Под ред. А.А. Лобанова и А. В. Чугунова. 4-е издание, исправленное и дополненное. М.: Альпина бизнес букс, 2009.
6. Core principles for effective banking supervision. Basel Committee on Banking Supervision, 2006, October.
7. Crouhu M., Galai D., Mark R. *Risk management*. – N.Y.: McGraw Hill, 2001.
8. Ступаков В.С. *Риск-менеджмент: Учебное пособие*. М.: Финансы и статистика, 2005.
9. Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission (COSO) *Enterprise Risk Management – Integrated Framework*, 2004.
10. COSO, *Enterprise Risk Management – Integrated Framework* (2004).Frederic Funston and Stephen Wagner, *Surviving and Thriving in Uncertainty* (Hoboken, N.J: John Wiley & Sons, Inc., 2010), 69.

VI боб. КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИ ИНСТИТУЛариНИНГ ЎЗАРО ФАОЛИЯТ ҮЙГУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Молия бозорининг аҳамиятини кенг маънода реал иктисадиёт учун зарур бўлган пул маблағларининг айнан ушбу соҳа орқали мақсад сари йўналтирилишида кўришимиз мумкин. Яъни, молия бозори бевосита капитал эгалари ва молиявий ресурслар (капитал)га эҳтиёж сезувчи субъектларни учраштириш ва пул маблағларини самарали тақсимлашга хизмат қилади. Корпоратив тузилмалар бир томондан молия бозорида капитал жалб қилувчилар сифатида иштирок этса, иккинчи томондан бўш пул маблағларидан самарали фойдаланиш максадида инвестор сифатида майдонга чиқиши мумкин. Шу билан бирга молиявий инструментлар ва уларга бўлган талаб корпоратив тузилмаларнинг фаолияти қанчалик даражада самарали ташкил этилганлигини баҳолашда иштирок этадиган ўзига хоз мезон вазифасини ҳам ўтайди.

Шунга кўра, молия бозори институтлари фаолият хусусиятлари, улар фаолиятининг корпоратив тузилмалар фаолияти билан бевосита боғлиқлиги, бизнеснинг ташкилий-хуқуқий шаклларини тўғри танлаш орқали молия бозорида устунликка эришиш, инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш, акциядорлик жамиятлари фаолияти очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш масалаларини чукур ўрганиш максадга мувофик хисобланади ва бу хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

6.1. Молия бозорининг корпоратив тузилмалар фаолиятидаги аҳамияти ва ўзаро фаолияти уйгунилиги

Молиябозори капитал айланиш жараёнини оптималлаштиради. Ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган капитални жалб килиш, тақсимлаш, самарали фойдаланишни таъминлайди ва шу орқали айrim хўжалик субъектларининг унга бўлган эҳтиёжини кондиради. Молия бозори иктисадий жараёнларни фаоллаштиради, ишлатилаётган капиталнинг айланишини тезлаштиради ва шу орқали ҳар бир босқичда қўшимча фойда шаклланади ва миллий даромад ўсади.

Молия бозори бизнес иқтисодий мухитининг муҳим элементи бўлиб – қисқа ва узок муддатли инвестициялар учун пул маблаглари манбаи ҳисобланади. Молиявий бозорда корпоратив бошқарув – реал сектор (ишлаб чиқариш натижаси) ва молиявий сектор (ишлаб чиқаришнинг бозорда капиталлашувининг акси) ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мавжуд бўлиб, бу самарали мулкдорни ва менежерни топиш тизими ҳам фаоллаштиради.

Ривожланган молия бозори молиявий бошқарувга рақобат элементларини олиб киради ва бунда рақобатчилар сифатида корпорациялар фаолияти учун зарур бўлган топ-менежерлар жамоаси майдонга чиқади. Топ-менежерларсиз нафақат самарали корпоратив молиявий бошқарув, балки самарали иқтисодиёт ҳам мавжуд бўлмайди. Фирма сифатида муваффакиятга эриша олмаган корпорация одатда изсиз йўқолиб кетмайди, балки бошқарув таркибини ўзгартирувчи ва уни муваффакиятга етакловчи янги мулкдорларга эга бўлади. Мулкдорлар алмашинуви эса айнан фонд бозори орқали амалга оширилади. Айнан шу жихат иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари ўртасидаги ўзаро боғликлек ҳисобланади.

Молиявий менежер бир пайтнинг ўзида бизнеснинг ташки мухити – молиявий бозорни тушуниши ва бизнеснинг тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган масалалари (инвестицион қарорлар қабул қилиш, пул оқимларини бошқариш, молиялаштириш манбаларини топиш, молиявий инструментларни эмиссия қилиш, персоналларни рағбатлантириш тизими орқали агентлик муаммоларини баратараф этиш ва ҳокозо) билан bogлиқ бўлган молиявий менежментни ўзини ҳам яхши тушуниши керак. Шу билан бирга, корпоратив молиявий бошқарув аъзолари маркетингдан етарли даражада хабардор бўлиши керак. Масалан, лойиҳанинг келгуси пул оқимларини башорат қилаётганда янги маҳсулотнинг нархи шаклланиши бўйича ва унга бўладиган талабни тахмин қила олиш талаб этилади. Қабул қилинаётган инвестиция қарорлар бизнес қийматини кўпайтирияптими ёки уни барбод қилаётганигини билиш учун ўзлик капиталининг баҳосини билиш керак бўлади. Бу эса осон иш эмас ва назарий билимларни билиш талаб этади.

Сўнгги ярим асрликда холат тубдан ўзгарди. Акциядор-инвесторлар, менежерлар, хежерлар, спекулянтлар, инсайдерлар,

аутсайдерлар, институционал инвесторларнинг хулқ-атворлари асосий масалага айланди. Мулкдорлар ва менежерлар ўртасидаги муносабатлар компаниянинг бошқариш амалиётида марказий ўринга кўтарилиди. Айнан шундай шароитда молия институтларининг энг асосий функцияларидан бири бу молия бозоридаги воситачилик фаолиятидир.

Умумий холда молия бозори таркибига энг муҳим учта сегмент киритилади:

- нақд пул ва ўхшаш функцияларни бажарувчи қисқа муддатли тўлов воситаси сифатида бир йилгача муддатда муомалада бўладиган воситалар бозори;
- ссуда капитали бозори, яъни узок ва қисқа муддатли кредитлар бозори – кредит бозори;
- қимматли қоғозлар бозори – фонд бозори.

Кўпинча эса молия бозори иккита сегментга пул бозори ва капитал бозорига бўлинади.

Молия бозори амал қилишининг объектив зарурлигини хўжалик субъектларининг пул маблағларига бўлган талаб ва бу талабни коплаш учун манбаларнинг ҳар доим ҳам мос тушавермаслиги билан изоҳлаш мумкин. Амалиётда бўш пул маблағлари капитал эгаси (инвестор) кўлида бўлса, бозорнинг бошқа бир субъекти, яъни эмитентда пул маблағларига бўлган талаб юзага келади. Бўш пул маблағларини вактинчалик қайта тақсимлаш учун молия бозоридан фойдаланилади. Молия бозорининг функционал вазифаси пул маблағларини эгасидан (инвестордан) фойдаланувчига томон ҳаракатлантиришида воситачи сифатида иштироки билан белгиланади.

Келгусида юкори даромадли молиявий активларга инвестициялаш учун бўш пул маблагларини ўзида жамлаган юридик ва жисмоний шахслар капитал эгалари, яъни инвесторлар сифатида молия бозорига чиқади. Якка тартибдаги алоҳида шахслар (уй хўжалиги) бевосита (якка тартибда) ёки молиявий воситачилар (молия-кредит институтлари) орқали ўзларининг жамғармаларини кўйилма сифатида амалга оширади.

Кўшумча фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятининг турли обьектларига пул маблағларини молия бозоридан оладиган корпоратив тузилмалар маблагларни жалб қилувчилар ҳисобланади. Молия бозори иштирокчилари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни юкоридаги расмдан кўриш мумкин (б.1-расм).



6.1-расм. Молия бозорининг инфратузилмавий иштирокчилари⁹⁸

Молия бозорининг амалдаги фаолияти иқтисодиётда тадбиркорлик фаолияти натижаларига жавобгар ва тўла хўжалик мустақилигига эга бўлган реал мулкдорларнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ. Факатгина ана шундай мулкдорларнинг мустақиллиги молия бозорида тижорат битимларини тузиш ва молия бозори инструментларини пулга алмаштиришга талаб юзага келишига имкон беради. Саноати ривожланган давлатларда институционал мулкдорлар сифатида акциядорлик компаниялари қатнашади. Акциядорлик компаниялари ва молия бозори ўртасидаги ўзаро таъсир механизмини қуидаги расм орқали изохлаш мумкин (6.2-расм).

Молия бозори бошка ҳар қандай бозор каби сотувчи ва харидорни учраштириш жойи ҳисобланади.

⁹⁸ Кимматли көзозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази расмий сайти (www.csm.gov.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.

Молия бозорида карз мажбуриятларини ифодаловчи облигациялар ва улуш муносабатини ифодаловчи қимматли қоғозлар акциялар сотилади ва сотиб олинади. Лекин, сотиладиган қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш, сотувчилари ва харидорларига кўра ҳам ўзаро фаркланиши мумкин.

Молия бозорида қимматли қоғозлари бозори бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин.



Бу ерда:

1. Пул маблагларини жалб қилиш учун қимматли қоғозлар эмиссияси;
2. Корпоратив қимматли қоғозлар эмиссияси хисобига жалб қилинган пул маблаглари;
3. Харакатдаги активларга пул маблаглари;
4. Давлат фойдасига соликлар ва мажбурий ажратмалар;
5. Инвесторлар ва кредиторларга тўланадиган дивиденслар ва фоизлар;
6. Соликлар тўлангандан сўнг корпорация активларига реинвестиция килинадиган фоизлар ва дивиденсларнинг бир қисми;
7. Молиявий воситачиларга тўланадиган комиссиян муюнотлар.

6.2-расм. Корпорациялар ва молия бозори ўртасидаги пул оқимлари⁹⁹

“Бирламчи бозор” атамаси қимматли қоғозларни уларнинг дастлабки эгаларига бериш жараёни, иккиламчи бозор эса дастлабки реализациядан кейин молиявий инструментлар қайта олди-сотди қилинадиган бозор ҳисобланади.¹⁰⁰ Акциялар корпорациялар

⁹⁹ Иктиносий адабиётлар асосида муаллифлар томонидан тузилган.

¹⁰⁰ Узбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Конунининг 3-моддаси.

томонидан муюмалага чиқарилади. Карз муносабатли қимматли қоғозлар эса корпорациялардан ташкари давлат томонидан ҳам эмиссия қилинади.

Молия бозори давлат томонидан бошқарув объекти бўлиб ҳисобланади. Бошқарув объекти сифатида молия бозори қуийдаги параметрларга кўра тавсифланади:

- бозор сигими ва конъюктураси;
- молиявий инструментлар бўйича баланслаштирилган талаб ва таклиф;
- қимматли қоғозлар реализацияси шартлари;
- қимматли қоғозларнинг даромадлилиги ва молиявий риск даражаси.

Молия бозори сигими тушунчаси аниқ бир турдаги қимматли қоғозлар бўйича уларга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқсан холда мумкин бўлган йиллик (ойлик) савдо кўламини англатади. Молия бозоридаги ҳолат ижобий ва салбий ҳолатларга ажратилади. Мамлакатимизда молиявий активларга талаб уларга бўлган таклифга нисбатан сезиларли даражада паст. Молия бозорида конъюктуранинг ўзгариши молиявий инструментлар бозор баҳоси ўзгаришида намоён бўлади. Молия бозорининг баркарор ривожланиши молиявий активларга талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатнинг тўғри ўрнатилиши, яъни баланслиликни талаб қиласи. Шунда молиявий инструментлар баркарор ва реал баҳоларда сотилади ва сотиб олинади.

Молия бозорида ҳам талаб ва таклиф доимий равишда ўсиб бориши лозим. Бу жиҳат молиявий активларга бўлган талабнинг қаноатлантирилиши билан бир вақтнинг ўзида таклиф қилинадиган молиявий инструментларнинг бозорда эркян сотилишини таъминлайди. Ривожланган бозорда молиявий активлар кўплаб саноат товарларига нисбатан аксарият ҳолатларда юқори ликвидли ҳисобланади. Уларни қимматли қоғозлар курси кўтарилиши ёки пасайишига караб куляй шароитдан фойдаланган холда бир онда сотиш ёки сотиб олиш мумкин. Шунинг учун молия бозорининг бирор бир субъекти қимматли қоғозларни сотувчи ёки сотиб олувчи сифатида (муддатли шартномалар – опционлар, фьючерслар воситасида) қатнашиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг даромадлилиги ва риск даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик амал қиласи. Яъни юқори рискли қимматли қоғозлар

(масалан янги ташкил этилган компания акциялари) бўйича юкори даромад ҳам таклиф этилади.

Молия бозори нисбатан мустақил сегментлар тизимини ўзида акс эттиради. Масалан, корпоратив қимматли қоғозлар бозори, давлат қарз мажбуриятлари бозори, ҳосилавий фонд инструментлари (ҳосилавий қимматли қоғозлар ёки деривативлар) бозори ва бошқалар.

Қамровига кўра молия бозорларини халкаро ва ички молия бозорларига бўлиш мумкин. Ўз навбатида ички молиявий бозор молиявий марказлар (фонд биржалари, йирик банклар, молиявий компаниялар ва бошқалар)дан ташкил топган регионал бозорларга ҳам бўлинади. Айрим мамлакатлар регионал молия бозорларида регионал (муниципал) мажбуриятни ифодаловчи облигациялар ҳам муомалада бўлиши мумкин.

Ички молия бозорларда товар сифатида қуидагилар намоён бўлади:

- қимматли қоғозлар – эмиссион ва тижорат қимматли қоғозлари;
- сугурта компаниялари, нодавлат пенсия фондлари ва бошқа молиявий воситачилар катъий мажбуриятларини ўзида акс эттирувчи қимматли қоғозлар;
- валюта қимматликлари (хорижий валюталар ва хорижий ваютада акс эттирилган қимматли қоғозлар);
- қимматбаҳо металлар ва тошлар;
- пуллар (миллий банкноталар, депозит ва жамгарма сертификатлари).

Молия бозоридан корпоратив гурухлар томонидан жалб қилинган пул маблаглари қуидаги мақсадларда фойдаланилади:

- акцияларни бирламчи жойлаштиришдан олинадиган пул маблаглари таъсис хужжатларида кўрсатилган устав капиталини шакллантириш манбаси бўлиб хизмат қиласи;
- акциялар қўшимча эмиссиясидан тушадиган пул маблаглари устав капиталини оширишга йўналтирилади;
- корпоратив облигацияларни сотишдан олинадиган пул маблаглари реал активлар (капитал қўйилмалар)ни молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин;
- акциядорлик жамияти эмиссион даромади қўшимча капитални тўлдириш манбаси бўлиб хизмат қиласи;

- тижорат векселлари ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларда тўлов воситаси сифатида иштирок этади.

Корпорациянинг қиймати бир томондан унинг капитализацияси орқали аниқланади. Иккинчи томондан эса, муаммо кўтарилади: компания капитализацияси унинг фундаментал қийматини акс эттирадими? Яъни Модиляни-Миллернинг классик ёндашувига кўра, қиймат компаниянинг келгусидаги фойласининг буғуни кунга келтирилган қийматига teng. Агар ушбу авторларнинг мантикига амал қилинса, у ҳолда қанчалик узоқ муддатли бўлмасин, масала келгусидаги дивиденд тўловлари ҳақида кетиши керак. Бироқ, буғунда компаниянинг дивидендлари билан bogлик бўлмаган унинг қийматини оширишга қаратилган бир қатор усуllар мавжуд: опцион схемалари, бирлашиш/кўшиб олишлар орқали қиймати яратиш, спекуляция ва х.к

Қиймат муаммосининг назарий тахлили жуда ҳам қийин ва ноаниқ. Кўплаб эмпирик тақдиқотлар шуни кўрсатади, ҳаттоқи ривожланган давлатлардаги бухгалтерия хисоби тахлили ҳам компанияни қийматини баҳолашда ноадекват хисобланади. 2001 йилдаги Энрон компаниясининг банкрот бўлиши кўплаб аудиторлик компанияларнинг обрусига путур етказди.

Молия бозорини тартибга солищдаги асосий вазифа унинг барча субъектлари фаолияти коидаларини шакллантириш ва унга риоя қилинишини таъминлаш хисобланади. Бу эса молиявий бозорнинг асосий макроиктисодий вазифаларини, яъни иқтисодиёт ривожланиши учун бўш турган ресурсларни жалб қилиш ва ахоли жамғармалари учун даромадли ва ишончли молиявий инструментларни яратишга хизмат қилиши керак.

Хозирги пайтда республикамида молия бозорини ривожлантириш борасидаги муаммолар мавжуд бўлган шароитда корпоратив тузилмалар ва молия бозори ўргасидаги муносабатларни такомиллаштириш мақсадида давлат томонидан куйидаги максадларга ёзтибор қаратилиши мақсадга мувофик:

– молия бозори фаолиятини самараали ташкил этиш учун барча шароитларни яратиш, бозор механизмларини барқарор қўлланилишини таъминлаш;

– ривожланган бозор инфратузилмасини яратиш, фаолиятини таъминлаш ва такомиллаштириш;

– молия бозор инвесторлари ва бошқа иштирокчилари хукуклари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бозорнинг институционал субъектлари томонидан қоидабузарликларни олдини олиш;

– институционал субъектларнинг професионал фаолиятини ривожланишини таъминлаш;

Давлат томонидан молия бозорини тартибга солишда қуидагиларга эътибор қаратилади:

– бозорнинг институционал субъектлари фаолиятига мажбурий талаблар ўрнатиш ва унинг стандартларини ишлаб чикиш;

– молия бозорида давлат рўйхатидан ўтказиш тадбирлари;

– институционал субъектлар фаолиятини лицензиялаш ва рухсат бериш масалаларини амалга ошириш;

– молиявий активлар ва инструментлар эгалари хукукларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш, шунингдек, эмитентлар ва институционал субъектлар томонидан улар хукукларига риоя этишини назорат қилиш тизимини яратиш;

– молия бозорида ноконуний ёки давлат талабларига жавоб бермайдиган тадбиркорлик фаолият билан шуғулланадиган фаолиятларни таъкидлаш ва бекор қилиш.

Ууман, молия бозори институтлари орқали корпорацияларнинг маблағлар жалб қилиши уларнинг молиявий баркарорлиги ва тўловга лаёкатлилигини оширади, шунингдек, иктисадий ўсиш учун молиявий асос бўлиб хизмат қиласди.

6.2. Молия бозорида корпоратив қимматли қоғозлар курсини белгилаб берувчи омиллар

Молия бозорининг таркибий қисми ҳисобланган қимматли қоғозлар бозори бошқа бозор турларидан ўз товарлари хусусияти билан ажралиб туради. Чунки қимматли қоғоз – алоҳида маҳсус хусусиятга эга бўлган товар ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бир вақтнинг ўзида мулкка эгалик қилиш ва даромад олиш титули сифатида хизмат қиласди. Қимматли қоғозлар товар сифатида ўз номинал баҳосига эга бўлишига қарамасдан, юқори бозор баҳоси бўйича сотилиши мумкин. Бу холатни қимматли қоғозларнинг саноатга ёки бошқа соҳаларга жойлаштирилган капитал бир қисми эканлигидан келиб чикади.

Агар қимматли қоғозга бозор талаби таклифдан юқори бўлса, ўз-ўзидан бозор қиймати номинал қийматидан юқори бўлади. Қимматли қоғоз бўйича бозор баҳосининг унинг номиналидан кескин даражада фарқ қилиши соҳта капитал юзага келишига сабаб бўлади. Соҳта капитал реал капиталнинг қоғоддаги акси хисобланади.

Соҳта капитал баҳоси куйидаги икки омил орқали аниқланади:

1. Капиталга талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат;
2. Эмиссия килинган қимматли қоғоз бўйича капиталлашган даромад микдори.

Фонд бозорида реал амал қилувчи капитал (пул ва ссуда) бозори сифатида амал қиласи. Макродаражада унинг ёрдамида миллий хўжаликдаги иқтисодий жараёнлар ўз-ўзидан тартибга солинади. Бунга капитални инвестициялаш жараёнини келтириш мумкин. Мазкур жараён кам даромадли тармоқлардан юқори даромадли тармоқларга капитал ўтишини англатади. Натижада инвестицияланган капитал бўйича фойда микдорини таққослаш юз беради. Капиталнинг бундай ҳаракат механизми кўпчиликка маълум. Яъни маълум бир товарга талаб ошса мос равишда уларнинг нархлари ва уларни ишлаб чиқаришдан фойда ҳам ошади. Янги технологиялар асосида фаолият кўрсатувчи тармоқда капитал кам самара билаш ишловчи хўжалик тармоғидан йўналтирилади. Бунда қимматли қоғозлар мазкур механизмнинг ишлашини таъминловчи восита хисобланади. Улар ёрдамида компанияларда ва жисмоний шахсларда бўш капитал жамланади ва молиявий инструментлар олди-сотдиси орқали зарурий йўналишларга йўналтирилади. Натижада ижтимоий ишлаб чиқаришнинг оптимал тузилмаси шаклланади ва дефицитсиз иқтисодиёт амал қилишига замин яратилади. Мазкур ҳолатда ижтимоий ишлаб чиқариш тушунчasi ялпи талабга мос товар ва хизматлар етказиб беришни назарда тутади.

Амалиётда инвесторлар томонидан қимматли қоғозларга талаб куйидаги омиллар таъсири остида шаклланади:

- даромадлилик – дивиденд, фоиз ва курс ўсиши каби шаклларда даромад келтириш имконияти;
- риск даражаси – маълум бир даражада молиявий йўқотишлар келтириш эҳтимоли;
- ликвидлилик – қимматли қоғозлар эвазига пул маблаглари олиш имконияти.

Инвестор ўз капиталини жойлаштириш варианtlари (ўз маблагларини банк депозитига жойлаштириш, товар ёки кўчмас мулк сотиб олиш ва бошқалар)ни юқорида келтирилган омилларни хисобга олган ҳолда ўзаро таққослайди.

Бунда молиялаштириш жараёнида нарх шакланиш омилларини шартли равища учта гурухга ажратиш мумкин:

- объектив омиллар;
- спекулятив омиллар;
- субъектив омиллар.

Объектив омиллар молия бозорининг макро ва микродаражасида кўзга ташланади. Макроиқтисодий омиллар таркибига куйидагилар киради:

- мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги ва ривожланиш истиқболлари;
- ялпи ички маҳсулот таркибида жамғарма ва истеъмол улушларининг ўзаро нисбати;
- давлат қарзи микдори ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи;
- компаниялар зиммасига тушаётган солик юки ва ссуда фоиз ставкаси;
- мамлакатдаги инфляция даражаси;
- барқарор хорижий валюталарга нисбатан миллий валюта курси;
- фаолиятни ривожлантириш мақсадида корпоратив тузилмалар томонидан маблағ жалб қилиш учун эмиссион қимматли қоғозлардан фойдаланиш даражаси.

Корпоратив қимматли қоғозларни муомалага чиқариш хисобига жалб қилинадиган реал капиталдан фойдаланишга объектив микроиқтисодий омиллар ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Бундай омилларга асосий капитални янгилаш даражаси, компаниялар молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёкатлилиги, даромадлилик даражаси, тармоқнинг истиқболлилиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Спекулятив (бозор) омиллари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қимматли қоғозлар савдосининг аниқ бир “дастур”га асоланганлиги;
- фонд бозорида қисқа якунловчи позиция ҳолати;

- корпоратив тузилмаларнинг ўз акцияларини сотиб олиши.

Спекулятив омилларнинг ҳар бирига тўхталиб ўтамиз. Қимматли қоғозлар бўйича аниқ дастурий савдо фьючерс шартномалари асосида акциялар курслари ўртасида фарқдан фойда олиш имкониятини белгилаб беради. Мазкур омил акцияларнинг биржа орқали савдосида кўшимча бекарорликка олиб келади. Дастурий савдо амалда бошқа барча омилларга ҳам таъсири кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолат акциялар бозор баҳосининг улар ҳақиқий баҳосига нисбатан юкори даражада ошган вактда биржа савдоларида юзага келади ва акцияга талабнинг пасайишига хизмат қиласи. Вокеанинг бундай ривожланиши кутилмаганда биржа инкирозига олиб келади. Қисқа муддатли бундай позиция ўз муддатида сотилган акцияларнинг умумий миқдорини ўзида акс эттиради. Агар бу кўрсаткич юкори бўлиб кетган бўлса, бу ҳолат кўплаб инвесторлар бир вактнинг ўзида акциялар курси пасайишига ўйнашидан келиб чикишини англатади. Бундай ҳолатнинг юзага келиши эмиссион қимматли қоғозларнинг биржа савдосида кўшимча бекарорликка сабаб бўлади. Корпоратив тузилмаларнинг ўз акцияларини сотиб олиши бошқа компаниялар билан бирлашиб кетиши мумкинлиги шароитида ўз молиявий ҳолатини яхшилашга иштилиши ёки таъсисчиларнинг акциялар назорат пакети орқали ўз таъсири кўламини мустахкамлашни ҳоҳлашига гувоҳлик беради. Ҳар кандай ҳолатда мазкур омил акциялар курсига ўз таъсирини кўрсатади.

Субъектив омиллар ҳам хилма-хилликка эга. Уларни шартли равишда куйидагилар билан боғлиқ ҳолда учта гурухга ажратиш мумкин:

- молия бозори фаолият кўрсатишининг техник жиҳатлари;
- корпоратив қимматли қоғозларни молиявий таҳлил килиш методлари (фундаментал ва техник таҳлил);
- етакчи молиявий менежерлар (директорлар) ва компаниялар, фонд биржалари, йирик банклар ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа институционал иштирокчилари позициялари ва ёндашувлари.

Бундай ҳолатда, капитал кўйилмаларни молиялаштириш жараёнида эмиссион қимматли қоғозлар курс қиймати динамикасига, уларнинг даромадлилиги, хавфсизлиги ва ликвидлилигига таъсири этувчи ҳам объектив, ҳам субъектив омилларни хисобга олиш

лозим. Ҳаттоги иқтисодиётни ва корпоратив қимматли қоғозлар курси бўйича биржа операцияларини давлат томонидан тартибга солиш шароитида ҳам молия бозоридаги ҳолатни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун муҳим кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

6.3. Бизнесни ташкил этиши шакллари ва уларнинг молия бозорида операцияларни амалга ошириш имкониятларини ошириш масалалари

Бизнесни юритишнинг ташкилий-хукукий шаклини танлаш масаласи ўз ишини энди бошлиётганлар учун ҳам, маълум вақтдан бери фаолият юритиб келаётганлар тадбиркорлар учун ҳам муҳим ахамият касб этади. Бизнес юритиш шаклларининг ҳар бири (акциядорлик жамияти, маъсулияти чекланган жамиятлар, хусусий корхоналар, оиласвий корхоналар ва х.к.) ўзининг ижобий ва салбий томонларига, ўзига хос хусусиятларга эгаки, улар тадбиркорга ҳозирги шароитларда ўзи учун мос келадиган, унинг талабларига кўпроқ жавоб берадиган шаклни танлаш имконини беради. Сўннги вақтларда иқтисодий адабиётларда бизнесни акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - АЖ) каби ташкилий-хукукий шаклда юритишнинг фойдали эмаслиги ҳакида фикрлар мавжуд. Аммо, АЖ ўзининг ривожланиши учун ресурсларни жалб қилиш учун кўпроқ имкониятларга эга.

Бизнесни юритишнинг ташкилий-хукукий шакли сифатида АЖни танлаш ҳакидаги карорга салбий таъсир кўрсатувчи омиилар куйидагилардир:

АЖфаолиятиназоратқилувчиқўшимчадавлатназораторганинингм авжудлиги¹⁰¹;

- ўз фаолияти ҳакида, шу жумладан муҳим фактлар ҳакида ахборотларнинг ошкор қилиш мажбурияти;

- акциядорларнинг умумий йигилишлари, кузатув кенгаши йигилишларини ўтказишга қўшимча харажатлар;

¹⁰¹ Кимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази кимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли орган хисобланади.

- ахборотларнинг очиб берилишини таъминлаш, қимматли көгозлар чиқариш ҳакида маҳсус ваколатли органга ҳисоботларни бериш;

- мажбурий аудит ўтказиш зарурияти;

- штатда доим қимматли қоғозлар бўйичавакорпоратив бошқарув бўйичамутахассисларнинг бўлиши ва ҳокозо.

Шу билан бирга АЖ шундай ўзига хос ташкилий-хуқуқий шаклки, у Ўзбекистоннинг амалдаги конунчилиги доирасида қимматли қоғозларни чиқариш ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизация ва реконструкция килиш, техник ва технологик қайта жиҳозлш учун молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини беради. Бошка ташкилий-хуқуқий шаклдаги корхоналар эса бундай имкониятга эга эмас(1-жадвал).

6.1-жадвал

Бизнесни юритишининг турли ташкилий-хуқуқий шаклдаги корхоналарни молиялаштириш манбалари¹⁰²

Молиялаштириш манбалари	Бизнесни юритишининг ташкилий-хуқуқий шакллари			
	АЖ	МЧЖ	ХК	ДК
Банк кредити	+	+	+	+
Корхонафойдаси	+	+	+	+
Кредиторликкарзи	+	+	+	+
Акцияларэмиссияси	+	-	-	-
Корпоративоблигацияларэмиссияси	+	-	-	-

Изоҳ:(+; -) – мазкур манба ҳисобига молиялаштиришни амалга ошириш мумкин ёки мумкин эмас.

Қимматли көгозларни чиқариш ҳисобига корхоналарни молиялаштириш афзалликлари ва камчиликларини услубий жиҳатдан эмитентларга нисбатан алоҳида ҳамда инвесторларга нисбатан алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари бу афзалликлар ва камчиликларни қимматли көгозларни ҳар бир тури бўйича тизимлаштириш мумкин.

АЖни молиялаштиришнинг муҳим манбаси –акцияларни чиқариш ва сотишдан олинган маблағлар. АЖни оддий акциялар ҳисобига молиялаштиришнинг эмитент учун афзалликлари куйидагилардан иборат:

¹⁰²Муаллиф томонидан тузилган.

- корхона АЖ бўлса, жуда катта микдордаги молиявий ресурсларни мобилизация қилиш имконига эга, чунки акцияларни чекланмаган микдорда чиқариш мумкин. Сўнгги пайтда IPO (акцияларни оммавий жойлаштириш) механизми анча кенг оммалашди. Унинг ёрдамида корхоналар ўзининг ривожланиши учун каттагина молиявий ресурсларни жалб қилибгина қолмасдан, балки хорижий капитал бозорига ҳам чиқмокда;

- қатъий шартлашган, доимий молиявий тўловларнинг йўклиги. Банк кредити хисобига маблағларни жалб этиш одатда катъий белгиланган тўловларни талаб қиласди ва тегишли айланма маблағларни доимо ўйнаб туришига олиб келади. Албатта, акцияларни чиқариш у бўйича дивиденд тўлаш мажбуриятини юзага келтиради. Бироқ акциядорлар келишган ҳолда корхона оёқка туриб олгунга қадар дивиденд олишдан воз кечиши мумкин;

- капитал баркарорлиги. Акциялар баркарор восита хисобланади. Нормал шароитларда АЖлар акциядорлар киритган маблагларни қайтаришга мажбур эмас, банк кредитлари ёки облигацияларда эса ундей эмас. Оддий акцияларнинг сўндириш муддати бўлмайди – бу қайтаришлайдиган доимий капиталдир. У фақат жамият тутатилганда қайтарилиши мумкин;

- компания инвестициявий жозибадорлигининг ошиши. Устав капитали компания кредиторлари учун зарар қопланишининг ўзига хос кафолати бўлиб хизмат қиласди;

- оммавийлашув. Акцияларни чиқариш ҳамда реклама кампаниясининг ўтказилиши корхонани нафақат профессионал инвесторлар доирасида, балки ахолининг катта қисми ўргасида ҳам танилишини оширади. Масалан, хорижий мамлакатларда кўпчилик компаниялар учун IPO лойиҳаларини амалга ошириш молиявий ресурсларни жалб қилишдан ташқари, биринччи галда оммавийлашишини кўзлайди, бу эса кейинчалик анча йирик маблағларни жалб қилишга ёрдам беради.

АЖни оддий акциялар чиқариш хисобига молиялаштиришнинг инвестор учун афзалликларига куйидагилар киради:

- киритилган капитал эвазига компанияда бошқаришда иштирок этиш хукуқидан фойдаланиш;

- дивиденд кўринишда компаниядан даромад олиш;

- компания томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланиш;

- жамият тутатилаётганда мол-мулкнинг бир қисмига бўлган хукуқдан фойдаланиш.

АЖни оддий ва имтиёзли акциялар чиқариш хисобига молиялаштиришнинг айрим камчиликларини ҳам санаб ўтиш лозим. Оддий акцияларни чиқариш хисобига АЖни молиялаштиришда эмитент учун камчиликлар:

1. Қабул қилинадиган қарорлар тезкорлигининг пасайиши. Конунчилликка мувоғик, одатда, йирик битимлар ҳамда манфаатдорлик бўлган битимлар кузатув кенгаси ёки акциядорларнинг умумий йигилиши билан келишиб олиниши лозим. Бироқ, уларни ташкил этишга вакт керак, шунинг учун фойдали йирик шартномалар ёки манфаатдорлиги бўлган шартномалар мазкур АЖда битимлар узок вакт келишилиши туфайли бошқа рақобатчиларга ўтиб кетиши мумкин.

2. Молиявий ресурсларни жалб қилиш қийматининг ошиб кетиши мумкинлиги. Эмиссия проспектини ҳамда акцияларни чиқариш бўйича бошқа хужжатларни тайёрлаш учун кўпинча инвестиция маслаҳатчиси жалб этилади. Кўп ҳолларда АЖлар ўз акцияларини тарқатиш (жойлаштириш) учун андеррайтер хизматидан фойдаланади. Буларнинг ҳаммаси кўшимча ҳаражатни талаб килади.

3. Қарз капиталидан фойдаланиш АЖга катъий белгиланган бир марталик молиявий ҳаражатли маблагларни қўлга киритиш имконини беради, ваҳоланки молиялаштириш учун оддий акциялардан фойдаланилганда компаниянинг соғ фойдаси доим узок вакт мобайнида анча катта акциядорлар ўртасида таксимланади.

АЖни молиялаштиришнинг яна бир муҳим бир манбаси буимтиёзли акциялар бўлиб, улар қарз мажбуриятлари ва оддий акциялар белгиларини ўзида акс эттиради. Имтиёзли акцияларнинг АЖ устав капиталининг умумий ҳажмидаги улуши 20 %дан ошмаслиги лозим.¹⁰³

Компания тутатилган тақдирда, имтиёзли акциялар эгасининг давъолари кредиторлардан кейин, аммо оддий акция эгалари олдидаги мажбуриятлардан олдин қондирилади.

АЖни имтиёзли акциялар эвазига молиялаштиришнинг эмитент учун афзаликлари куйидагилардан иборат:

1. *Мослашувчанлик*. Конунчилликка кўра, имтиёзли акциялар бўйича дивиденллар тўлаш - компаниянинг сўзсиз мажбурияти

¹⁰³2014-йил 6-май ЎРҚ-370-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни (янги таҳрирда).

эмас. Агар компания заарар күраётган, банкротлик аломатлари сезилаётган бўлса, дивидендларни тўламаслик мумкин. Карз маблағларини жалб этишда эса фоизлар жамият молиявий ахволидан катъий назар тўлаб борилиши керак.

2. *Ҳаракатларнинг муддатсизлиги*. Имтиёзли акцияларни сўндиришнинг охирги муддати йўқ. Капитал облигацияларни чиқариш хисобига жалб қилинса ёки банк кредити олинса, улар қайтаришларик ёки сўндиришни талаб этади.

3. *Кўшимча маблағларни компанияни бошқаришда иштирок этиши ҳуқуқини бермасдан жалб қилиши*. Фақатгина айрим масалалар кўтарилиганда имтиёзли акция эгалари акциядорлар умумий йигилишларida овоз бериш ҳуқуки билан катнашишади.

4. *Компанияни банкротликка мажбурлаш имконинининг йўқлиги*. Имтиёзли акция эгалари оддий акция эгаларидан фарқии равишда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилгани туфайли уларнинг компанияга қандайдир жиҳдий зарар этказиши амримаҳол.

Шундай килиб, имтиёзли акциялар эмиссиясида капитал оқимиға эришилади, аммо компания устидан назорат йўқолмайди ҳамда АЖнинг қарздорлиги ошмайди. Бироқ бу ҳолда катъий дивиденд сиёсатини юритиш талаб этилади.

Шу билан бирга, АЖ имтиёзли акцияларни чиқариш хисобига молиялаштирилганда эмитент учун дивидендернинг тўлашга қараганда анча катъийроқ шартлар белгиланиш эҳтимоли юзага келади.

АЖни қимматли көғозлар эмиссияси хисобига молиялаштириш тузилмасида муҳим ўринни облигациялар асосида жалб қилинадиган маблағлар эгалайди. “Корпоратив облигациялар-бу маҳсус инвестициявий қиймат бўлиб, инвестор ва эмитент ўртасидаги қарз муносабатларини ифодалайди; фонд бозорида бутунлай копланмагунча эркин муомалада бўлади ҳамда ўзининг котировкасига эга; асосий инвестицион ҳоссаларга: ликвидлилк, ишончлилк ва даромадлилкка эга.”¹⁰⁴

АЖ корпоратив облигациялар эвазига молиялаштирилганда эмитент учун ҳам бир қатор афзалликлар мавжуд.

АЖни бундай молиялаштиришнинг асосий афзалликлари шундан иборатки, мазкур ҳолда корхона қарз маблағларини жалб қилиш учун муҳим ва муҳим бўлмаган шартларни ўзи белгилайди. Бу авваламбор, кредит суммаси, муддати, сўндириш шартлари,

¹⁰⁴ Бутиков И. Акциядорлик жамиятин қимматли көғозлар чиқариш хисобига молиялаштириш афзалликлари ва камчиликлари // Корхонани бошқариш. Т. 2012.-№10 (64). Б. 9.

фоиз ставкаси каби параметрлардир. Корхона банкдан кредит олганда шартларни банк қўяди. Банкдан узоқ муддатли кредитларни олиш анча мураккаб масала.

Бу банкнинг ресурс базасини чекланганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари кредитнинг баҳоси сезиларли даражада юкори бўлиши мумкин. Кредит учун фоиздан ташқари уни расмийлаштириш учун оралиқ расмий ва норасмий транзакцион ҳаражатлар унинг баҳосини ошишига олиб келади. Облигациялар шу нуткаи назардан арzon молиялаштириш манбаига айланади.

6.2-жавдвал¹⁰⁵

Корхонани ташқи молиялаштириш манбалари афзалликлари ва камчиликлари қиёсий таҳлили

№	Қиёслаш мезонлари	Оддий акцияларнинг чикарилиши	Корпоратив облигацияларнинг чикарилиши	Банк кредити
1	Корхона ташкилий-хукукий шаклига чекловлар	Акциядорлик жамияти	АЖлар ва тиқорат банклари	Йўқ
2	Фаолият юритишнинг энг кам муддати	Йўқ	Камида уч йил	Банк кредит сиёсатидан боғлик
3	Жалб этиладиган маблағларга чекловлар	Йук	Ўзлик капитали миқдори чегарасида	Кредит сиёсатига, гаров таъминотига
4	Ижобий кредит тарихининг бўлиши	Йўқ	Йўқ	Бўлиши мумкин
5	Таъминотнинг бўлиши	Йўқ	Таъминот билан ҳам у сиз ҳам чикарилиши мумкин	Унинг суммаси 125 % дан кам бўлмаслиги
6	Даромадларни тўлаш бўйича маъжбурият	Бўлиши мумкин	Бор	Бор
7	Корхонани бошқаришда иштирок этиш хукуки	Пайдо бўлади	Йўқ	Йўқ
8	Инвестицияларни жалб қилиш муддати	Муддатсиз	Муддатли	Муддатли

¹⁰⁵ Муаллиф томонидан тайёрланган.

Шуни хисобга олиш керакки, облигацияларни чиқариш ҳақида қарор акциядорлар умумий йигилиши томонидан ёки унинг уставида белгиланган ҳолда кузатув кенгаши ваколатига киритилиши мүмкін. Бу эса акциялар чиқаришдан фарқлы ўларок, маблагларни тезроқ жалб қилиш имконини беради.

Эмитентдан бутун эмиссияни битта нархда сотиш талаб этилмайды. Мазкур молиявий воситанинг мослашувчанлиги мана шундан иборат. Бозор конъюктурасига боғлик ҳолда, облигациялар нархлари оширилиши ва пасайтирилиши мүмкін, бу билан қарз маблагларининг бутун режалаштирилган суммасини жалб этиш мүмкін. Эмитентнинг облигацияларини жойлаштиришга боғлик ҳаражатлари, одатда, акцияларни жойлаштиришга қараганада камрок бўлади. Кредит тарихи пайдо бўлади ҳамда инвестицион нуфузи яхшиланади.

Корпоратив облигациялар эмитенти кредиторларга боғланиб қолмайды, бу эса зарур ҳолларда қарзни қайта молиялаштиришни осонлаштиради компания устидан назоратни йўқотиш хавфини камайтиради.

Албаттa, облигациялар эмиссияси оркали молиялаштиришда АЖ учун камчилик сифатида инвестордан олинган сумманинг қайтарилиши ва у бўйича фоизлар тўланиши шартлигини киритиш мүмкін. Бироқ, буни шартли равишда камчилик деса ҳам бўлади, чунки банк кредити олинган такдирда ҳам худди шундай шартлар амал қиласди.

Юқорида кўрсатиб ўтилған турли молиялаштириш манбалари компаниянинг капитал тузилмасини қанака кўринища шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир этади. Уларнинг хар биринининг афзаллик ва камчилик томонларин чуқур таҳлил этиб қарор қабул қилиш зарур.

Хулоса

Корпоратив тузилмалар ва молия бозори институтлари ўзаро фаолият уйғунлигини таъминлаш масалаларини ўрганиш натижасида қўйидаги хулосалар шакллантирилди:

Биринчидан, корпоратив тузилмалар (корпорациялар) мавжуд экан улар ўз фаолиятларини молия бозори институтлари билан бевосита боғлик ҳолда ташкил этадилар.

Иккинчидан, корпоратив тузилмалар (корпорациялар) молия бозорида эмитент, инвестор, молиявий воситачилар сифатида иштирок этиши мумкин.

Учинчидан, акциялар эркин котировкаси корпоратив тузилмаларнинг нуфузини белгиланишига хизмат килади ва бу ўз навбатида капитал жалб қилиш нуктаи назаридан молия бозорида устунликка эришиши мумкин. Бунда акциялар бозор баҳоси белгиланиши энг муҳим жиҳатлардан хисобланади.

Тўртинчидан, корпоратив тузилмаларда топ-менежерлар фаолиятининг йўлга кўйилиши бўш пул маблағларини молия бозори орқали жойлаштириш натижасида инвестицион фаолиятни самарали этишга ҳам хизмат қилади.

Бешинчидан, мамлакатимизда муаммолигича қолаётган ахборотлар шаффоғлиги ва корпоратив бошқарувни юкори даражага кўтариш масаласининг ҳал қилиниши корпоратив тузилмалар ва молия бозори институтлари, хусусан фонд биржалари билан ҳамкорликнинг янги босқичга чиқишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини химоя килиш тўғрисида”ги 2014 йил 7 майдаги Конуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги 2015 йил 4 июндаги Конуни.
3. Бутиков И. Акциядорлик жамиятин қимматли қоғозлар чиқариш хисобига молиялаштириш афзалликлари ва камчиликлари // Корхонани бошқариш. Т., 2012. №10 (64). Б. 9.
4. Michael C. Ehrhardt and Eugene F. Brigham. Financial Management: Theory and Practice, 13th edition.
5. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази расмий сайти (www.csm.gov.uz).

VII боб. КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Молия тизимининг муҳим бўгини ҳисобланган корпоратив молиянинг самарали амал қилиши давлат бюджети даромадларининг белгиланган тартибда ўз вақтида ва тўлиқ шаклланишига хизмат қилиши, бунинг учун эса солик мажбуриятларини бажариш юзасидан корпоратив молияни бошқариш тизими фаолияти аниқ механизмлар асосида ташкил этилиши зарур. Мамлакатимизда барқарор иктисадий ўсишни таъминлаш максадида корпоратив тузилмалар фаолиятими молиявий кўллаб-куватлашда солик механизмидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда соликлар бўйича бериладиган имтиёз ва енгилликлардан тўғри фойдаланиш ҳам корпоратив молияни бошқариш билан бевосита боғлиқ. Шунингдек, корпоратив молиявий муносабатларнинг бевосита ёки билвосита солик муносабатлари билан боғлиқлигидан келиб чиқсан ҳолда соликлар ва мажбурий ажратмалар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни сўзсиз бажариш орқали юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларнинг олдини олиш лозим.

Корпоратив молияни бошқаришда солик муносабатларини самарали ташкил этишда асосий йўналишлар сифатида соликларни режалаштириш, солик рискларини бошқариш, ички солик назорати, соликларни оптималлаштириш, солик маслаҳатидан фойдаланиш кабиларнинг амал қилиши корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлаш билан бирга солик мажбуриятларининг белгиланган тартибда бажарилишига хизмат қиласи. Бунда солик тўловчиларнинг соликларни режалаштириш жараёнида солик қонунчилигидаги бўшликлардан, қарама-каршиликлардан фойдаланиш орқали солик мажбуриятларини минималлаштиришга интилиши бошка томондан солик қонунчилигининг такомиллашувига олиб келади. Келтирилаётган жиҳатлар корпоратив молияни бошқаришда солик муносабатларини самарали ташкил этишига доир тадқиқотлар олиб боришининг долзарблиги ва заруратини ўзида акс эттиради.

7.1. Корпоратив молиявий муносабатлар ва солиққа тортиш амалиёттіннинг ўзаро боғлиқлиги

Бозор иқтисодиёти шароитида молия тизимининг самарали ишлаши унинг ҳар бир бўғини самарали ишлаши билан бевосита боғлиқ. Бунда молия тизимининг асосий бўғини ҳисобланган корпоратив молияда молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш нафакат ҳар бир корпоратив тузилмада, шу билан бирга ҳар бир мамлакатда алоҳида муҳим аҳамият касб этишини кўришимиз мумкин. Молия тизимининг айнан шу соҳасида иқтисодиёттинг турли тармокларига тақсимланадиган даромадларнинг асосий кисми шаклланади ва бу даромадлар иқтисодий тараққиёттинг ҳамда жамият равнақининг асосий манбаси сифатида хизмат килади. Бунда корпоратив тузилмалар даромадлари ўз-ўзини молиялаштириш учун, ишчи ходимлар ва давлат олдидағи мажбуриятлари ҳамда бошқа йўналишларга тақсимланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда корпоратив молиянинг молия тизими марказий бўғини сифатида юзага чиқишини кўришимиз мумкин ва корпоратив молиянинг амал қилишини самарали ташкил этиш жамият ижтимоий-иктисодий тараққиёттада доимий эътибор талаб қилишини таъкидлашимиз лозим. Корпоратив молия бугунги кунга келиб ҳалқаро молия тизимининг асоси сифатида ҳам хизмат қилмоқда, десак муболаға бўлмайди. Айнан шундай ҳолатда мамлакатимизда корпоратив молияни самарали ташкил этиш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини юксалтириш билан бирга ҳалқаро иқтисодий интеграциялашув жараёнининг юксалишига имкон беради. Чунки ташқи савдо муносабатларида айнан давлатлар билан бир қаторда корпоратив тузилмалар ҳам фаол иштирок этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир тижорат ташкилотининг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш орқали юқори фойда олиш ва мулқдорлар манфаатларини қаноатлантириш ҳамда моддий фаровонлигини ошириш ҳисобланади. Эркин бозор муносабатларида бозорнинг ҳар қандай субъекти сотувчи ва (ёки) харидор сифатида қатнашиши мумкин. Умуман бозор муносабатларини ривожлантириш корпоратив молиянинг жамиятдаги ролини кучайтиришни талаб қиласи.

Ҳар қандай молиявий муносабатнинг моддий асоси пул хисобланади. Пул маблагларининг субъектлар ўртасидаги мақсадли ҳаракати молиявий муносабатнинг юзага келиш асосий шартидир. Корпоратив тузилма доирасида пул фонdlарини шакллантириш ва тақсимлаш, улардан фойдаланиш жараёнлари корпоратив молиянинг асоси сифатида хизмат қиласи.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, корпоратив тузилма бу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсdir. Юридик шахс тушунчаси эса “ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий хукукларга эга бўла оладиган ва уларни амалта ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда дайвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот”¹⁰⁶ ни англатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив тузилмалар қуйидаги субъектлар билан молиявий муносабатларга киришади (7.1-расм).



7.1-расм. Корпоратив тузилмалар молиявий муносабатларга киришадиган субъектлар¹⁰⁷

¹⁰⁶Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 39-модда.

¹⁰⁷Муаллиф томонидан тузилган.

Корпоратив тузилмалар ўз фаолияти давомида ишчи ходимлар, таъсисчилар (акциядорлар), давлат, юқори турувчи ташкилотлар, таркибий бўлинмалар, тижорат банклари, инвестиция институтлари, аудиторлик ташкилотлари, харидорлар ва мол етказиб берувчилар, баҳолаш ташкилотлари, лизинг компаниялари, солик маслаҳатчилари, фонд биржалари, суғурта компаниялари ҳамда бошка ижтимоий ва бозор инфратузилмаси субъектлари билан молиявий муносабатларга киришади. Бунда ҳар бир молиявий муносабат бевосита ёки билвосита солик муносабатлари юзага келишига сабаб бўлади. Келтирилган корпоратив тузилмалар муносабатларга киришадиган субъектлар таркибида давлат билан молиявий муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади. Давлатнинг корпоратив тузилмалар билан молиявий муносабатлари кўп томонламалиги билан ажралиб туради. Бундай муносабатлар таркибини куйида келтириб ўтамиш (7.2-расм).



7.2-расм. Давлатнинг корпоратив тузилмалар билан молиявий муносабатлари¹⁰⁸

Юкоридаги 7.2-расм маълумотлари асосида давлатнинг корпоратив тузилма билан молиявий муносабатлари бевосита давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятга рухсат бериш, фаолиятни

¹⁰⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

тартыбга солиш, давлат бюджети даромадларини шакллантириш, давлат улушкини киритиш ёки хусусийлаштириш максадида сотиши, корпоратив бошқарувда бевосита иштирок этиши, давлат таълим муассасаларида корпоратив тузилмалар фаолияти учун кадрлар тайёрлаш, иш ўринлари яратиш орқали аҳоли банддигини ва даромадлилигини таъминлаш, молиявий назорат қилиб бориши, субсидиялар ёки давлат кредитлари ажратиш, турли имтиёз ва преференциялар (хусусан, солик имтиёзлари) бериши, йирик лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириши, истеъмолчи сифатида давлат харидини амалга ошириши, давлат қимматли қоғозларини корпоратив тузилмалар ўртасида жойлаштириши каби ҳолатларда намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Бизга маълумки, миллий амалиётда корпоратив тузилмаларнинг, айниқса акциядорлик жамиятларининг юқори турувчи ташкилотлар (хўжалик бирлашмалари, холдинглар, компаниялар, уюшмалар, концернлар ва хокозо) билан бевосита боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатиши кенг қўлланилади. Бунда холдинглар акциядорлик жамиятлари акцияларининг назорат пакетига бевосита эгалик қиласди ва натижада молиявий қарорлар қабул қилиши бевосита холдинг қарори асосида ташкил этилади. Мазкур амалиётда ҳам давлатнинг фаол иштироки кузатилади, чунки мамлакатимиздаги миллий холдинглар маъмурий холдинг ҳисобланади. Маъмурий холдинглар амалиёти давлатнинг акциялар пакетига эгалик қилишига асосланади.

Корпоратив тузилма томонидан амалга оширилган ҳар бир молиявий операция бевосита ёки билвосита соликлар ёки мажбурий ажратмалар бўйича муносабатлар юзага келишига сабаб бўлади. Шундан келиб чиқсан ҳолда куйида аввало соликларнинг иқтисодий моҳияти, мамлакатимизда амал килаётган соликлар ва мажбурий ажратмалар турлари хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида соликлар давлатнинг иқтисодиётта аралашувининг асосий воситаси сифатида кўзга ташланади. Шунингдек, соликлар орқали давлат бюджети даромадлари шаклланади ва натижада ишлаб чиқариш базаларини янгилашга, ижтимоий харажатларини қоплашга йўналтирилади. Умуман «Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар қонун билан белгиланган, давлат пул жамғармаларига (бюджет ва б.) тушадиган, солик

тўловчилар билан давлат ўртасидаги мажбурий тўловни ифодаловчи пул муносабатларидир»¹⁰⁹.

Бизга маълумки, Республикамиз Конституциясига асосан “Ўзбекистон Республикаси худудида ягона солиқ тизими амал қилади. Соликлар жорий қилишга факат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақиқи”¹¹⁰. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси “соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, хисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига (бундан буён матнда бюджет деб юритилади) ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан boglik муносабатларни, шунингдек, солик мажбуриятларини ба-жариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади”¹¹¹.

Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилаётган соликлар ва мажбурий ажратмалар Солик кодексининг 23-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра ҳозирги кунда куйидаги соликлар умумбелгилангандар тартибда давлат бюджетига ундирилиб келинмоқда¹¹²:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиги;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги;
- қўшилган қиймат солиги;
- акциз солиги;
- ер қаъридан фойдаланувчилар учун соликлар ва маҳсус тўловлар;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- мол-мулк солиги;
- ер солиги;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги;
- транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик.

Мамлакатимизда амал қилаётган бошқа мажбурий тўловларга куйидагилар киради:

- ягона ижтимоий тўлов;
- фукароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;

¹⁰⁹ Яхёев Қ.А. Соликка тортишнинг назарий асослари ҳакида айрим мулоҳазалар // Молия Т., 2009. №2. Б. 53-55.

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 123-модда. www.lex.uz

¹¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси 1-модда. www.lex.uz

¹¹² Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. 23-модда. www.lex.uz

- бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига мажбурий ажратмалар;
- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- Республика йўл жамғармасига йигимлар;
- бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция килиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаши жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- давлат божи;
- божхона тўловлари;
- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш хукуки учун йигим.

Шунингдек, белгиланган ҳолларда ва тартибда солик солишининг соддалаштирилган тартибида тўланадиган куйидаги соликлар қўлланилиши мумкин:

- ягона солик тўлови;
- ягона ер солиги;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солик.

Биламизки, республикамизда амал қилиб келаётган соликлар тегишли бюджетларга келиб тушишидан келиб чиккан ҳолда умумдавлат ва маҳаллий соликлар ҳамда мажбурий тўловларга бўлинади. Лекин шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, республика бюджетига ундириладиган соликлар давлат бюджети параметрларига асосан маҳаллий бюджетларга биректирилиши ҳам мумкин.

Корпоратив молиявий муносабатлар ва соликка тортиш амалиётининг ўзаро боғлиқлиги хусусида сўз юритганда корпоратив тузилма томонидан амалга ошириладиган ҳар бир молиявий операция маълум даражада солик муносабатларининг юзага келишига олиб келишини алоҳида таъкидлашимиз лозим бўлади.

Корпоратив тузилмалар молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий йўналишларидан келиб чиккан ҳолда корпоратив молиявий муносабатларининг соликка тортиш амалиёти билан ўзаро боғлиқлиги хусусида қўйида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Аввало корпоратив тузилма томонидан молиявий ресурс (капитал) жалб қилиш бўйича муносабатлар ташкил этилганда капитал баҳосига соликлар таъсир кўрсатишни таъкидлашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳтиридан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунларига асосан акциядорлик жамиятлари ўз фаолиятларини молиялаштириш учун эмиссиявий қимматли қоғозлар хисобланган оддий ва имтиёзли акциялар, шунингдек, корпоратив облигациялар муомалага чиқаришлари мумкин. Бунда “Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишида эмитент мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал кийматининг 0,01 фоизи микдорида республика бюджетига йигим тўлайди. Илгари рўйхатидан ўтказилган чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозларнинг номинал қиймати оширилган тақдирда, эмитент мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қиймати ошган суммасининг 0,01 фоизи микдорида республика бюджетига йигим тўлайди”¹¹³. Натижада давлат билан молиявий муносабат юзага келади. Ўз навбатида капитал баҳосини аниқлашда талаб қилинадиган харажатлар таркибида эмиссиявий қимматли қоғозларни рўйхатга олиш бўйича республика бюджетига тўланадиган йигим хам ҳисобга олиниши, лекин бу харажат умумий харажатлар таркибида катта улушга эга эмаслигини таъкидлашимиз лозим.

Капитал жалб қилиш ва солиққа тортиш амалиётининг ўзаро боғлиқлиги қарз капитали бўйича капитал баҳосини аниқлашда якқол кўзга ташланади. Чунки қарз капитали баҳоси солиқни ҳисобга олмасдан ҳамда солиқни ҳисобга олган ҳолда якуний баҳо сифатида ҳисоблаб чиқлади.

“Қарз капитали бўйича капитал баҳоси одатда куйидаги учта омил орқали аниқланади:

- амалдаги фоиз ставка;
- банкрот бўлиш (дефолт) эҳтимоли;
- фоизлар бўйича солик самарааси”¹¹⁴.

Лекин капитал баҳосини аниқлашда капитал жалб қилиш бўйича амалга ошириладиган барча харажатларнинг инобатга олинишидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобга олиниши лозим бўлган омилларни янада кенгайтиришимиз мумкин.

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни, 10-модда.

¹¹⁴ Glen Arnold. Corporate financial management. – 5th ed. Pearson Education Limited, 2013. – P. 702. (1107)

Бевосита фоизлар бўйича солик самараси ҳакида сўз кетганда халқаро амалиётда фоизлар бўйича харажатларнинг фойда солиги базасидан чегирилиши натижасида солик бўйича енгиллик юзага келиши билан боғлик ҳолат назарда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 141-моддаси, 145-модда 41-бандига асосан кредитлар (заёmlар) бўйича фоизлар, 46-бандига асосан солик тўловчи томонидан чиқарилган облигациялар ва бошкадар кимматли қофзлари бўйича фоизлар тарзидаги харажатлар фойда солиги базасидан чегирилади.

Умумий ҳолатда ҳар қандай қарз маблагининг муҳим хусусиятларидан бири сифатида қарз маблаглари бўйича тўланадагиган фоиз тўловларининг фойда солиги бўйича соликка тортиладиган базадан чегирилишини келтириш мумкин. Шундай килиб, қарз капиталининг якуний баҳоси тўланадиган фойда солиги таъсирини хисобга олган ҳолда куйидагича аниқланади:

$$K_D = R \times (1 - T) \quad (7.1)$$

бу ерда, K_D – қарз капитали баҳоси;

R – қарз капиталининг соликни хисобга олмаган ҳолдаги баҳоси;

T – фойда солиги ставкаси, коэффициентда.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган солик муносабатларини хисобга олиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Инвестицион фаолиятни, умуман молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш давомида солик мажбуриятлари ортиб боради. Чунки бевосита таннарх шаклланишидан тортиб (ягона ижтимоий тўлов назарда тутилмоқда) соф фойда шакллангунга қадар ҳамда фойдани тақсимлаш вақтида соликлар ва мажбурий ажратмалар давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари фондларга тўлаб борилади.

Умуман, корпоратив тузилмаларда молиявий натижалар шаклланиши нуқтаи назаридан корпоратив тузилма ва давлат ўртасида солик муносабатлари келтирилган. Бунда таннарх таркибиға киритиладиган ягона ижтимоий тўловни ҳам алоҳида тартибда кўрсатиш мақсадга мувофиқ эди. Шунингдек, корпоратив тузилмаларда солик агенти сифатида тўлов манбаида ушлаб қолиш орқали тегишли бюджетларга ўтказиб берадиган жисмоний шахслар даромад солиги, дивиденд ва фоизларга соликлар бўйича ҳам давлат билан солик муносабатлари амалга оширилишини таъкидлашимиз лозим.

7.2. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ менежментининг ташкилий хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқларни бошқариш молиявий бошқарувнинг бир қисми сифатида кўзга ташланади. Бунда давлат ҳамда солиқ тўловчилар солиқлар билан боғлиқ муносабатларни бошқаришдаги асосий субъектлар ҳисобланади, яъни солиқларнинг амал қилишида давлатдан бошқа манфаатдор томонлар ҳам мавжудлиги намоён бўлади. Яъни, давлат солиқларнинг амал қилишини бошқариб боришига параллел равишда солиқ тўловчилар томонидан солиқларни имкон қадар камроқ тўлашга бўлган интилиш ҳам манфаатдорлик нуқтаи назаридан кучайиб боради. Бунда солиқлар иккинчи томон – солиқ тўловчилар томонидан ҳам бошқарилиб боришиши юзага келади ва амалиётда солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан солиқ мажбуриятларини бошқариш сифатида баҳоланади.

Солиқ тўловчиларнинг солиқларни бошқариш орқали солиқларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлари билан бир вақтда давлат солиқлардан қонуний қочиш ҳолатларини бартараф этишга, капиталларнинг кўчишига қарши курашга, корпоратив тузилмаларнинг бошқа давлатларда олган фойдаларини ҳам солиқка тортиш бўйича чора-тадбирларни белгилашга интилади. Умуман солиқларни ундириш жараёнини бошқариш ва солиқ мажбуриятларини бошқариш қисқача солиқ менежменти, деб юритилади.

Солиқ менежменти давлат ва корпоратив тузилмалар миқёсида ҳам ўхшаш, ҳам бир-бирига қарама-қарши тушунчалар сифатида намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Яъни, давлат томонидан солиқларни бошқариш солиқ тизимини тартибга солиш ҳамда солиқларни белгиланган муддатларда ва тўлиқ тегишли бюджетларга тушишини таъминлашга қаратилса, солиқ тўловчилар бунга қарама-қарши равищда солиқ мажбуриятларини бошқариш орқали солиқларни имкон қадар кечроқ ҳамда камроқ тўлашга интиладилар. Бу ҳолатга бозор иқтисодиёти қонунияти сифатида ёндашишимиз лозим.

Солиқлар корпоратив тузилмалар пул оқимларида салмоқли улушга эга ҳисобланади. Солиқларнинг хўжалик субъектлари молиявий ҳолатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган карорлар бизнес такдирини белгилаб бериш билан бирга унинг ўсиш ва ривожланиш имкониятларини ҳам белгилаб беради. Со-

ликлар ва мажбурий ажратмалар бўйича давлат бюджети билан ҳисоб-китоблардаги ҳар қандай хато ёки камчилик корпоратив тузилма учун кўшимча молиявий мажбуриятларни юзага келтириши ва жиддий молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Корпоратив тузилмалар томонидан соликлар бўйича жиддий хатолар ёки солик ҳуқуқбузарликларига йўл қўйилишининг олдини олиш, соликлар бўйича мажбуриятларни қонуний йўллар ва усуллардан фойдаланган ҳолда максимал даражада камайтиришини йўлга қўйиш молиявий барқарорлик ва корпоратив молиявий хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бунга эришиш учун корпоратив тузилма ўз фаолиятини юритиши давомида соликка тортиш жараёни билан бевосита боғлиқ ҳамда объектив зарурит бўлган солик мажбуриятларини бошқаришни самарали ташкил этиши лозим бўлади.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар компаниялари фаолиятида солик менежери ўз вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда соликларни режалаштириш ва оптималлаштириш билан шугуланишини кўришимиз мумкин. Натижада компаниялар раҳбарияти томонидан қарорлар қабул қилишда солик менежерларининг солик тўловларини амалга ошириш борасидаги қарорларига алоҳида эътибор қаратилади ва йил якунида бу қарорларнинг самарадорлиги баҳоланади.


Соликларни бошқариш жараёнида давлат солик менежментига нисбатан корпоратив миқёсдаги соликларни бошқариш тобелик, бўйсунувчанлик характеристига эга. Чунки корпоратив тузилмалар солик тўловчилар сифатида давлат томонидан ўрнатилган солик қонунчилиги доирасида ўзларининг солик мажбуриятларини бошқарип боради.

Корпоратив тузилманинг молиявий-хўжалик фаолияти давомида бюджет билан соликлар бўйича ҳисоб-китобларда хатоларга йўл қўйиш корхона учун жиддий молиявий йўқотишларга айланиши ҳакида юкорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Ўзбекистондаги ҳакиқий ҳолат тадбиркорлик фаолиятини соликка тортишнинг ва солик қонунчилигининг ўзгарувчанлиги ва шу каби бошқа ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда корхоналарда солик мажбуриятларини бошқариш кенг миқёсда йўлга қўйилмаган. Бугунги кунда бизнес фаолиятининг бориши давомида баъзи бир шартномаларнинг қанча фойда келтириши ва бу бўйича қанча солик тўланиши талаб қилинишини ҳисобга олмаганда корхоналар миқёсида соликларни бошқариш деярли кўзга ташланмайди. Соликка

тортиш, солиқ хисоби ва соликларни бошқариш муаммоларини хусусиятлари бүйича таққослаганда бундай муаммолар билан биргаликда ишлаб чикариш ёки хоҳлаган тадбиркорлик фаолияти соҳаси билан бевосита болғылган муаммолар ҳам мавжуд. Солик тўловлари корхонанинг барча ишлаб чикариш ва хўжалик фаолиятини қамраб олиб, нарх шаклланишидаги барча элементларга, ишлаб чикариш самарадорлигига таъсир кўрсатади, шунингдек, бизнес қарорларини қабул килиш бўйича муҳим омилларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Юкоридагилардан келиб чиқсан ҳолда куйида давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежментининг ташкилий хусусиятларини келтириб ўтамиз (7.3-расм).

Соликлар ҳақиқатда корпоратив тузилманинг молиявий қарорлар қабул килишига жиддий таъсир қиласлиги лозим. Амалиётда соликлар иктиносий тартибга солишининг муҳим воситаси сифатида кўринади. Стратегик қарорлар соҳасида, баъзан эса компания фаолиятида ҳам тактик алмаштиришлар зарур бўлиб қолади. Жиддий қарорлар ҳеч қачон соликларни хисобга олмасдан қабул қилинмайди. Корхонада доимий равишда асосий функцияси мазкур корхона фаолиятини солик нуктаи назаридан кузатиш ва таҳлил қилиш бўлган ички ва ташки мутахассислар бўлиши лозим. Агар соликлар корпоратив тузилма молиявий стратегиясида эътиборга олинмаса, кимdir уларни ўз вақтида ва тўғри хисоблаши, шунингдек, уларни оптималлаштириш бўйича чоратадбирлар қабул қилиши керак. Солик тўловчиларда «соликларни тўламаслик мумкин эмас экан, унда мумкин қадар камроқ тўлаш керак» деган ёндашувни шакллантириш барча хўжалик субъектларининг ўз солиқ мажбуриятларини таъкидланмаган конуний усуслар ёрдамида камайтиришини бозор иктисодиёти талаб этади ва бу уларнинг хукуки сифатида асосланади.

Корхоналарда соликларни бошқариш корпоратив молияни бошқарининг муҳим таркибий қисми сифатида ҳамда амалиётга молиявий-хўжалик фаолиятининг муҳим бўгини сифатида кириб бориши керак. Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ мажбуриятларини, умуман соликларни бошқариш бўйича мутахассислар (солиқ менежери, солиқ маслаҳатчиси) энг аҳамиятли фигура сифатида юзага чиқиши мақсадга мувофик.



3-расм. Давлат солик менежменти ва корпоратив солик менежменти ташкили хусусиятлари¹¹³

115 Муаллиф төмөннийн түзилгэн

Юқоридагилар асосида таъкидлаш мумкинки, корпоратив тузилманинг давлат билан молиявий ва солик муносабатларини бошқариш, соликлар ва мажбурий ажратмаларни тूлаш бўйича мажбуриятларини бажариш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда корпоратив молияни бошқариш тизимининг муҳим қисми хисобланган корпоратив солик менежментини ривожлантириш талаб этилади.

Корпоратив солик менежменти бу – қонунчиллик доирасида корпоратив тузилма миқёсида соликлар бўйича пул оқимлари харакатини самарали бошқариш орқали солик мажбуриятларини минималлаштириш, тартибга солиш, солик хатоларининг олдини олиш, солик тूлашнинг қулай вазиятларини танлашга қаратилган корпоратив молияни бошқариш тизимининг муҳим бўғинидир.

Корпоратив солик менежментини кенг маънода корпоратив тузилма молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва давом эттириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган соликлар билан bogliq xar qanday muносабатни самарали ташкил этишга қаратилган молиявий бошқарув соҳаси сифатида кўришимиз мумкин.

Тор маънода эса соликлар ва мажбурий ажратмаларни оптималь даражада тूлашни ташкил этиш учун зарур шарт-шароит яратиш ва уни амалга ошириш сифатида баҳоланади.

Корпоратив тузилмада соликлар бўйича пул оқимларини бошқаришни ташкил этиш учун молиявий менежментнинг ташкилий структурасидан фойдаланилади. Яъни, бу жараёнда молиявий режалаштириш, молиявий рискларни бошқариш, ички молиявий назоратни йўлга қўйиш, молиявий таҳдил ўтказиш, ҳамкорлар билан молиявий муносабатларни ташкил этиш ва ҳокозоларда корпоратив солик менежменти ташкилий йўналишлари хисобланган соликларни режалаштириш, солик рискларини бошқариш, ички солик назоратини йўлга қўйиш, соликларни таҳдил қилиб бориш, шартномавий муносабатларда соликларнинг амал қилиш доирасини хисобга олиш кабиларда эътибор қаратилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтамиш.

Корпоратив тузилмалар миқёсида соликларни бошқариш ва давлат томонидан соликларни бошқаришнинг ўзаро boglik соҳалари сифатида соликларни прогнозлаш (давлат миқёсида) ёки режалаштириш (корхона миқёсида), соликларни тартибга солиш ва солик назорати келтириб ўтилади. Бунда соликларни режалаштириш молиявий режалаштиришнинг муҳим таркибий қисмларидан

бири сифатида қаралади. Солиқларни тартибга солиш эса корпоратив миқёсда солиқ қонунчилигига қатый риоя килиш орқали солиқ хукуқбузарликларига йўл қўйилишининг олдини олишда намоён бўлади. Корпоратив солиқ назорати солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларнинг ишончлилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Корпоратив тузилмаларда солиқлар бўйича пул оқимларини бошқаришнинг зарурлиги корхона зиммасига тушаётган солиқ юки билан бевосита боғлиқдир. Чунки, солиқ юки даражаси юқори даражада бўладиган бўлса, корхонада тўла кувватли солиқ менежментини ташкил этиш мақсадга мувофик ҳисобланади. Солиқ юқори бўлганда солиқлар бўйича пул оқимларини бошқаришни ташкил этиш бўйича хўжалик субъекти харажатлари самарали бўлади, солиқ бўйича қабул қилинган бошқарув қарорлари юқори баҳоланади.

Солиқлар бўйича пул оқимларини бошқариш корпоратив молияни бошқаришнинг таркибий қисми сифатида йўлга қўйилиши билан бирга бозор инфраструктураси таркибида солиқ тўловчилар билан шартномалар асосида солиқка тортиш соҳасида хизмат кўрсатувчи солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини ривожлантириш йўли билан ҳам ривожланиши мумкин. Чунки, солиқларни корпоратив миқёсда бошқариш бозор иқтисодиёти шароитида солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фаолият соҳаси ҳисобланади.

Корпоратив солиқ менежментидан мақсад солиқ мажбуриятларини бажариш, солиқ тўловларини қонун доирасида камайтириш орқали фойдана максималлаштиришга қаратилади.

Корпоратив солиқ менежментида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- солиқ мажбуриятларини бошқариш;
- солиқларни режалаштириш;
- солиқ рискларини бошқариш;
- ички солиқ назоратини ташкил этиш;
- солиқларни оғтималлаштириш.

Солиқларни режалаштириш ташкилотнинг умумий мақсадидан келиб чиқсан ҳолда фақатгина солиқ тўловларини камайтиришга йўналтирилмайди. Бунда солиқ тўловларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар солиқларни режалаштиришнинг бир

қисми сифатида эътиборга олинади. Бу ҳақда қуйидаги параграфларда батафсил тўхтalamиз.

Солик рискларини бошқариш соликлар бўйича пул оқимларини бошқаришнинг амал қилиш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни камайтиришга қаратилади.

Солик мажбуриятларини бошқариш соликлар ва мажбурий ажратмалар амал қилиши бўйича мажбуриятларни белгиланган тартибда бажаришини назарда тутади ва бу вазифа давлат бюджети даромадларининг ўз вактида щаклланишига хизмат килади.

Ички солик назорати соликлар бўйича ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва солик хатоларини солик органлари томонидан текширув ўtkazilgunga қадар бартараф этиш мақсадида ташкил этилади.

Соликларни оптималлаштириш эса турли хил схемалар ишлаб чиқиш орқали солик тўловларини қонун доирасида камайтириш йўлларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш орқали соликлар бўйича харажатларни кисқартиришни назарда тутади.

Корпоратив солик менежментини самарали ташкил этишда бухгалтерия ҳисобининг алоҳида таркибий қисми сифатида солик ҳисобини юритиш ҳам муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Чунки солик ҳисобини алоҳида ташкил этиш солик мажбуриятларини бошқаришни белгиланган тартибда ташкил этишда, соликларни оптималлаштиришда ходимларнинг ихтисослашувини юзага келтиради, барча хўжалик юритувчи субъектларда соликлар ва тўловларни ўз вактида ва тўғри ҳисобга олиш, солик имтиёзларини кўллаш ҳамда соликлар ва тўловларнинг белгиланган муддатларда бюджетга ўtkazib борилиши таъминланади. Умуман, корхоналарда солик ҳисобини ташкил этиш ҳам бевосита корхоналарда соликлар бўйича пул оқимларини самарали бошқаришга хизмат қилади. Фикримизча, солик ҳисоби бошқарув қарорларини қабул қилинда зарур ахборотлар билан таъминловчи манба бўлиб хизмат қилади ва молиявий қарорлар самарадорлигини оширади, деб ўйлаймиз.

7.3. Корпоратив тузилмаларда солик ва мажбурий ажратмалар таҳлили

Корпоратив тузилмаларда ташкил этиладиган солик таҳлилини ташкил этиш жараёнида солик турлари динамикасини, солик турл-

ари динамикасидаги ўзгаришларга сабаб бўлувчи омилларни ўрганиш мухим аҳамият касб этишидан келиб чиқкан ҳолда қўйида «Эйвалекмахсистемирбетон» акциядорлик жамияти мисолида кўриб чиқамиз (7.1-жадвал).

7.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдикি, акциядорлик жамиятида жами тўланган соликлар ва мажбурий ажратмаларга нисбатан кўшилган киймат солиги улуши охирги йилларда пасайиш тенденциясига эга ва ўтган молия йилида 31,07 фоизни ташкил этган. Жамият миқёсида ер каъридан фойдалангандик учун солик тўловларида ҳам пасайиш кузатилган. Акциядорлик жамиятида мажбурий ажратмалар, хусусан ягона ижтимоий тўлов улуши ўсиши кузатилган.

7.1-жадвал


«Эйвалекмахсистемирбетон» АЖ бюджетга тўловлари¹¹⁶ динамикаси таҳлили

Жамига нисбатан фоизда

Соликлар ва мажбурий ажратмалар турлари	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Юридик шахслар фойда солиги	3,6	3,4	3,8	3,5	1,6	1,75	1,09	1,02	1,55
Жисмоний шахслар даромад солиги	14,4	11,6	8,6	11,0	7,7	6,08	8,57	0,90	8,77
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги	0,169	0,142	0,1	0,7	0,4	0,82	0,24	0,97	1,07
ККС	45,5	49,6	45,1	27,8	53,1	57,30	49,54	44,75	31,07
Ер каъридан фойдалангандик учун солик	0,0	0,0	1,2	1,7	1,8	1,51	3,14	2,84	2,16
Сув ресурсларидан фойдалангандик учун солик	0,8	0,7	0,5	0,7	0,7	0,58	0,78	0,74	0,60
Мол-мулк солиги	2,2	1,8	1,2	1,7	0,7	0,47	1,17	1,53	1,78
Ер солиги	6,2	5,7	6,6	10,6	5,9	4,87	6,00	6,98	7,43
Бошқа соликлар	0	0	0	0	0	0,16	0,19	0,37	0,41
Республика йўл фондига ажратма	5,5	5,7	7,0	6,7	3,5	3,53	3,07	3,40	3,33
Пенсия фондига ажратма	5,2	5,0	5,8	10,4	7,0	7,21	5,12	10,77	14,29
УМАЛКҲҚТММТРҚҶОҚА	3,8	3,8	3,6	2,3	1,3	1,26	1,09	1,22	1,19
Ягона ижтимоий тўлов	12,7	12,6	16,6	22,8	16,3	14,46	20,00	24,52	26,36
Жами	100								

¹¹⁶ АЖ хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Давлат бюджети даромадларида муҳим аҳамиятга эга бўлган соликларнинг алоҳида тартибда Эйвалекмаксистемирбетон АЖ мисолида кўриб чиқамиз. Бунда аввало юридик шахслар фойда солиги динамикаси куйидагича бўлган (7.4-расм).




7.4-расм. «Эйвалекмаксистемирбетон» АЖда юридик шахслар фойда солигининг бюджетта жами тўловлардаги динамикаси¹¹⁷

«Эйвалекмаксистемирбетон» АЖ бюджетта тўловлари динамикасидан кўриниб турибдики, жамият томонидан тўланган фойда солиги 2015 йилда 2007 йилга нисбатан 2,05 пунктга камайганини юкорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Фойда солиги суммаси камайишига таъсир этувчи омиллар сифатида соликқа тортилгунга қадар фойда суммасининг ўзгариши, солик базасини ҳисоблашда қайта қўшиладиган харажатларга эътибор қаратилганини ҳамда фойда солиги ставкасининг ҳар йили пасайтириб келинаётганини кўришимиз мумкин.

Акциядорлик жамияти томонидан тўланаётган соликлар ва мажбурий ажратмалар таркибида қўшилган қиймат солиги энг юкори улушга эга эканлигини таъкидлашимиз лозим (7.5-расм). Бунда қўшилган қиймат солигининг юкори улушга эгалигини бевосита маҳсулот сотишдан тушумга нисбатан ҳисоблашиши, солик ставкасининг юкорилиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Шу ўринда акциядорлик жамияти томонидан давлат бюджетига тўловлар таркибида мажбурий ажратмалар улуси ҳам юкорилигини кўришимиз мумкин (7.6-расм).

¹¹⁷ АЖ хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



7.5-расм. «Эйвалекмаксистемирбетон» АЖ томонидан түланган
KKСнинг бюджеттага жами тўловлардаги динамикаси¹¹⁸



7.6-расм. «Эйвалекмаксистемирбетон» АЖ томонидан тўланган
мажбурий ажратмаларниң бюджеттага жами тўловлардаги динамикаси¹¹⁹

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, мажбурий ажратмалар орасида ягона ижтимоий тўлов ва пенсия фондига мажбурий ажратма (товароборотга нисбатан) бюджеттага тўловлар таркибида нисбатан юқори улушга эга.

Энди “Тошкент дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти мисолида соликлар мажбурий ажратмалар тахлилини кўриб чиқамиз (7.2-жадвал).

¹¹⁸ АЖ хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

¹¹⁹ АЖ хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

7.2-жадвал

**“Тошкент дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти
бюджеттага тўловлари таҳлили¹²⁰**

жамига нисбатан фоизда

Соликлар ва мажбурий ажратмалар турлари	2011	2012	2013	2014	2015
Юридик шахслар фойда солиги	2,13	1,71	1,30	1,78	0,92
Жисмоний шахслар даромад солиги	2,90	3,39	3,87	2,94	3,89
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги	0,88	0,39	0,19	0,44	0,44
Қўшилган қиймат солиги	72,73	70,39	68,20	71,25	68,84
Сув ресурсларидан фойдаланганилик учун солик	0,07	0,08	0,08	0,08	0,08
Юридик шахслар мол-мулк солиги	1,69	1,74	1,62	1,73	1,63
Юридик шахслар ер солиги	2,31	2,69	3,07	2,92	3,38
Бошқа соликлар	-	-	-	0,29	-
Республика йўл жамгармасига мажбурий ажратма	4,62	4,71	4,91	4,88	5,01
Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига мажбурий ажратма	5,26	6,61	7,43	4,84	5,74
УМАЛҚҲҚТММТРҚЖОА	1,64	1,67	1,76	1,74	1,79
Ягона ижтимоий тўлов	5,78	6,63	7,56	7,11	8,15
Бюджеттага тўловларнинг кечичитирилганилиги учун молиявий жазо	-	-	-	-	0,12
Бюджеттага жами тўловлар	100,00	100,00	100,00	100,00	100,00

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида алоҳида соликлар ва мажбурий ажратмаларнинг давлат бюджетига жами тўловлардаги улуши динамикасини кўриб чиқамиз. Бунда аввало акциядорлик жамияти томонидан тўланган юридик шахслар фойда солиги динамикасига эътибор қаратамиз (7.7-расм).


7.7-расм маълумотларидан кўриниб турибдики юридик шахслар фойда солигининг давлат бюджетига жами тўловлардаги улуши нисбатан тебранувчан. 2015 йилда кескин пасайиши бевосита соликларни нотўғри хисоблаш, натижада эса пеня хисобланганлиги билан изоҳланади.

Мазкур акциядорлик жамиятида ҳам қўшилган қиймат солиги кескин юқори улушга эга (7.8-расм).

¹²⁰ АЖ хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



7.7-расм. “Тошкент дон маҳсулотлари” АЖда юридик шахслар фойда солигининг бюджетга жами тўловлардаги динамикаси¹²¹



7.8-расм. “Тошкент дон маҳсулотлари” АЖда қўшилган қиймат солигининг бюджетга жами тўловлардаги динамикаси

Таҳлил қилинган давр мобайнида қўшилган қиймат солигининг бюджетга жами тўловлардаги улуши 68,2 фоиздан 72,7 фоизгacha ташкил этган. Бу кўрсаткич кескин юқори. Гарчи қўшилган қиймат солигининг ҳақиқий тўловчиси истеъмолчи ҳисоблансада, солик тўловчи юридик шахс айланма маблаглари камайишига ёки умуман чиқиб кетишига олиб келиши мумкин.

“Тошкент дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятида ҳам мажбурий ажратмалар бошқа тўловларга нисбатан юкорилигини кўришимиз мумкин (7.9-расм). Бунда юкоридаги “Эйвалекмахсус-

¹²¹ АЖ хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

төмөрбетон” АЖга нисбатан таққослаганды ягона ижтимоий түлов даражаси паст бўлсада, қолган тўловларга нисбатан барибир юкорилигини кўришимиз мумкин.



7.9-расм. “Тошкент дон маҳсулотлари” АЖда маъбурий ажратмаларнинг бюджетта жами тўловлардаги динамикаси¹²²

Масалани ўрганиш натижаси ўлароқ шуни хуноса сифатида айтишимиз мумкинки, корхоналарда ички солик назоратини ва солик таҳлилини ташкил этиш бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик субъектлари маблағларидан самарали фойдаланишга хизмат қиласди, солик ҳуқуқбузарликлари туфайли молиявий йўқотишларнинг олдини олади. Ички солик назоратининг ва солик таҳлилиниң самарали ишлиши соликлар ва маъбурий ажратмаларнинг давлат бюджетига ўз вактида ва тўлик тушишини таъминлайди ҳамда хўжалик субъектлари молиявий баркарорлигини оширади. Бу ўз навбатида ахоли турмуш даражаси ўсишига сабаб бўлади.

7.4. Амалга оширилаётган солик ислохотлари ва соликларнинг бизнес мухитига таъсирини камайтириш масалалари

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик мухитини яратиш, корпоратив тузилмаларни соликка тортиш бўйича конунчиллик баркарорлигини таъминлаш мақсадида қатор солик ислохотлари ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, 2015 йил давомида акциядорлик

¹²²АЖ хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

жамиятлари фаолиятини самарали ташкил этиш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш борасида қабул қилинган конунчилик хужжатларида ҳам қатор солиқ имтиёзлари назарда тутилган. Ўтказилаётган солиқ ислохотлари натижасида ҳар йили Жаҳон банки томонидан тузиладиган ва эълон қилиб бориладиган “Бизнес юритиш” рейтингида мамлакатимизнинг эгаллаб турган ўрни ижобий томонга ўзгартмокда.

Бизга маълумки, Жаҳон банки томонидан охирги йиллар давомида эълон қилиниб келинаётган мамлакатлар кесимида “Бизнес юритиш” рейтингида “Соликларни тўлаш” бўйича ҳам мавжуд ҳолат баҳоланади ва тегишли рейтингда акс эттирилади. Бунда “Соликларни тўлаш” бўйича мамлакатларнинг рейтинги куйидаги учта кўрсаткич асосида амалга оширилади:

1. Бир йил давомида амалга ошириладиган солиқ тўловлари сони.
2. Соликларни ҳисоблаш ва тўлаш учун кетадиган вақт (соатларда).
3. Умумий солиқ ставкаси (фойдага нисбатан фоизда).


2007-2016 йиллар бўйича “Соликларни тўлаш” мезони бўйича эълон қилинган рейтингда Ўзбекистон куйидаги ўринларни эгаллаган (7.10-расм).



7.10-расм. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида “Соликларни тўлаш” мезони бўйича Ўзбекистон эгаллаган ўринлар¹²³

¹²³ Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” ҳисоботлари (Doing Business) асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги 7.10-расм маълумотлари асосида таъкидлашимиз мумкинки, “Соликларни тўлаш” бўйича рейтингда Ўзбекистон 2007 йилда 155 ўринда қайд этилган бўлса, 2016 йилда 115 ўринни эгаллаган ҳамда солик тизимининг ўтган йилларга нисбатан барқарорлашганигини кўришимиз мумкин. Лекин таҳлил қилинган даврдаги айrim йилларда рейтинг кўрсаткичи пасай-ганлигини ҳам таъкидлашимиз лозим. Бунинг асоси сифатида 2008 йилда янги таҳрирдаги Солик кодекси асосида янги ҳисоб-китоб тартибларининг амалиётга жорий этилиши билан изохлашимиз мумкин. Умуман Ўзбекистоннинг соликларни тўлаш бўйича рейтинги белгиланаётганда асос бўлган кўрсаткичлар қўйидаги расмда келтирилган (7.11-расм).



7.11-расм. Соликларни тўлаш бўйича рейтингни аниқлашдаги асосий кўрсаткичларнинг Ўзбекистондаги ҳолати¹²⁴

Мамлакатимизда солик мажбуриятларини бажариш учун кетадиган вақт сарфи 2016 йилда 192,5 соатга тенг эканлигини кўришимиз мумкин, ваҳоланки 2007 йилда бу кўрсаткич 152 соатни ташкил этган. Умумий ҳолда бу кўрсаткич 2010 йилдан сўнг пасайиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин.

¹²⁴ Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Солик тўловларни сони эса таҳлил қилинаётган давр мобайнида 130 тадан 33 тагача камайганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур ҳолатни обьекти ҳамда тўлов манбаи бир хил бўлган соликлар ёки мажбурий ажратмаларнинг ўзаро унификация қилингандиги билан изоҳлашимиз мумкин ва бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Фойдага нисбатан умумий солик ставкасининг ҳам доимий равишда пасайиш тенденциясига эга эканлигини, 2007 йилда 122,3 фоизга тенг бўлган бу кўрсаткич 2016 йилда 41,1 фоизни ташкил этганлигини алоҳида таъкидлашимиз мумкин.

Аввало корпоратив молияни бошқаришда капитал жалб қилиш, яъни молиявий таъминот масалаларини ҳал қилишда соликларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бунда қарз капитали жалб қилиш ҳисобига молиявий таъминот бир томондан фоизли харажатларнинг фойда солиги базасини камайтириши натижасида соликли харажатларни пасайтиради. Мазкур жихат қарз капитали баҳоси бўйича солик самараси сифатида кўрсатилиади. Бошка томондан фоизлар бўйича қўшимча молиявий мажбуриятларни юзага келтириши билан бир вақтда маълум график асосида қарзни кайтариш мажбуриятини ҳам юклайди. Қўшимча акцияларни жойлаштириш ёки қўшимча таъсисчиларни жалб қилиш орқали молиявий таъминотда мажбуриятлар доираси нисбатан торроқ ва солик бўйича ижобий самара капитал баҳосини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

Лекин инвестор иктиносидий шарт-шароитдан келиб чиқкан ҳолда бошқа соҳаларга инвестиция киритиш натижасида оладиган даромади ёки корпоратив тузилмаларга инвестиция киритиш натижасида даромад олиш эҳтимоли ҳамда даромад бўйича солик тўлаш тартибини ўзаро солиштиради, шунингдек, корпоратив тузилмаларга қарз капиталини киритиш натижасида олинадиган даромад бўйича солик даражасини албатта ўрганади. Дивиденд кўринишидаги ҳамда киритилган қарз капитали бўйича олинган фоиз кўришидаги даромадларга нисбатан эса тўлов манбаида 10 фоизлик солик ставкаси амал қиласи.

Шу ўринда хозирги иктиносидий шароитда мамлакатимиздаги корпоратив тузилмаларда капитал жалб қилиш жараёнида солик омилидан ташкири бошқа омилларни ҳисобга олиш лозимлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Қўшимча қимматли қоғозлар эмиссияси муваффакиятли амалга оширилиш эҳтимоли паст бўлган

холатда корпоратив тузилмалар тўғридан-тўғри банк кредитларига мурожаат қилишга мажбур бўлишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услугбларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб килинган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига хақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлашдан; хорижий мутахассисларнинг бошқарув ходимлари сифатидаги фаолиятидан олган даромадлари даромад солиги, тўлов манбаидан олинадиган даромад солиги, шунингдек, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий сугурта бадалларидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларида хорижий инвесторларни жалб килиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторларнинг акциядорлик жамиятларида уларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида олаётган даромадидан солик тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармони билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга хорижий инвестор томонидан киритилган инвестициялар ҳажмига қараб юридик шахсларнинг фойда солиги, мулк солиги, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги, ягона солик тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш бўйича берилган имтиёзлар табақалаштирилган тарзда хорижий инвесторнинг улуши устав капиталининг 15 фоизидан 33 фоизигача микдорни ташкил этадиган акциядорлик жамиятларига татбиқ этилиши белгилаб қўйилди. Келтириб ўтилган имтиёзлар сабаб мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ташкилий-хукукий шакли акциядорлик жамияти бўлмаган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ташкилий-хукукий шаклларини ўзгартиришларига сабаб бўлиши мумкин. Чунки хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар устав капиталида хорижий инвестор бевосита иштирок этмоқда ва хорижий менежерлар ҳам фаолият юритмоқда, натижада эса

юкорида келтирилган имтиёзлардан бевосита фойдаланиш имконияти мавжуд. Шунингдек, дивиденкларни солиқка тортиш бўйича имтиёзнинг берилиши улар учун рағбатлантирувчи восита бўлиб хизмат килади. Келтирилаётган ҳолатлар туфайли бошка ташкилий-хукуқий шаклдаги корпоратив тузилмаларнинг акциядорлик жамиятлари сифатида қайта рўйхатдан ўтиши натижасида акциядорлик жамиятлари сонида ўзгариш бўлиши мумкин.


Иккинчи масала сифатида бевосита корпоратив тузилмалар асосий фаолиятида солиқлар бўйича имтиёз берилган жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан корпоратив тузилманинг янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларидан маҳаллийлаштириш дастурларига кириш орқали солиқ имтиёзларига эга бўлиш масаласи ўрин олиши ҳам давлат учун, ҳам корпоратив тузилма учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, маълум бир товар турининг маҳаллийлаштирилиши натижасида айнан ўша товар турини четдан олиб келиш учун кетадиган сарф-харажатларнинг олди олинади ва иккинчи томондан солиқ мажбуриятларининг камайиши ҳисобига корпоратив тузилма молиявий барқарорлиги ўсишига эришилади.

Шунингдек, тайёр маҳсулот экспортига эътибор қаратиш ҳам ўз навбатида икки томонлама аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунда экспорт натижасида мамлакатимизга валюта кириб келиниши таъминланса, иккинчи томондан қўшилган қиймат солиги бўйича ноллик ставка қўлланилиши, фойда ва мол-мулк соликлари бўйича имтиёзли ставкаларнинг қўлланилиши натижасида молиявий барқарорлик ўсишига эришилади. Бунинг учун эса ташки савдода экспорт операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштиришимиз талааб этилади.

Навбатдаги учинчى масала корпоратив тузилмалар инвестицион фаолиятига соликларнинг таъсирига эътибор қаратишимииз лозим бўлади. Бунда биринчи навбатда корпоратив тузилмаларнинг бошка корпоратив тузилмалар устав капиталидаги иштироки масаласига эътибор қаратилганда, фойда солиги ва дивиденкларга солиқ ставкалари ўзгаришларини ўзаро солиштиришимиз лозим бўлади (7.12-расм).

Келтирилган 7.12-расм маълумотлари кўрсатиб турибдики, юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ставкаси пасайиш

тенденцияси эга бўлсада, дивиденд кўринишидаги даромадларга солиқ ставкаси ўрганилган давр мобайнида ўзгартмаган.



7.12-расм. 2007-2016 йилларда юридик шахслар фойда солиги ва дивиденд кўринишидаги даромадларга солиқ ставкалари, фоизда¹²⁵

Акциялар орқали инвестиция киритиш маълум даражада рискли бўлган бир вактда дивидендларга солиқ ставкасининг юридик шахслар фойда солигига нисбатан юқорилиги корпоратив тузилмалар томонидан кимматли қофозлардан фойдаланган ҳолда инвестицион фаолиятни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатади. Бошқа томондан, фойда солиги ставкаси 7,5 фоиз бўлиб турган ҳолатда дивидендларга нисбатан солиқ ставкасини ҳам пасайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки молиявий-хўжалик фаолиятини кенгайтириш натижасида эришилган натижадан 7,5 солиқ тўлаш, олиниши ноаниқ бўлган дивиденд бўйича тўланадиган 10 фоизлик солиқдан афзал, албатта. Айнан келтирилаётган жихатлардан келиб чиқсан ҳолда инвестициялар жалб қилиш, корпоратив тузилмалар, хусусан акциядорлик жамиятлари фаолият самараадорлигини оширишга эътибор қаратилаётган бир вактда дивиденд кўринишидаги даромадларга солиқ ставкасини пасайтириб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Корпоратив молияни бошқарища дивиденд сиёсати энг асосий масалалардан биридир. Бунида дивиденд тўлаш тўғрисида қарор

¹²⁵ 2007-2016 йиллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги карорлари асосида муваллиф томонидан тузилди.

қабул қилишнинг доимий равищда кузтилмаслиги асосий масала хисоблансада, акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатининг муаммоли жиҳати бевосита соликлар билан боғлик. “Тарихан корпоратив шаклнинг бир камчилиги сифатида дивидендларнинг икки марта соликка тортилиши келтирилади. Бунда корпорация фойдага эришганда бу фойда бўйича солик тўлайди (дастлабки соликка тортиш) ҳамда бу фойда акциядорларга дивиденд шаклида тақсимланганда акциядорлар томонидан бу дивидендлар бўйича шахсий даромадга соликлар (бу даромадга нисбатан иккинчи соликка тортиш) тўланади. Бундай даромадни икки марта соликка тортиш хусусий корхоналар ва ўртоқлик жамиятларида кузатилмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу корпорацияларнинг энг жиддий камчилиги хисобланади”¹²⁶. Лекин миллий амалиётда солик конунчилигига кўра барча корпоратив тузилмаларда улушлардан келиб чиқсан ҳолда тақсимланадиган фойда дивидендларга тенглаштирилади ва дивиденд солиги тўланади. Натижада ривожланган мамлакатларда кузитиладиган камчилик барҳам топғанлигини таъкидлашимиз лозим. Лекин бошқа томондан охирги йилларда акциядорлик жамиятларига бериләтган соликлар бўйича кенг имтиёзлар, хусусан дивидендлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш мақсадида хорижий инвестициялар иштирокидаги хусусий корхона ва масъулияти чекланган жамиятлар ўз ташкилий ҳуқукий шаклини акциядорлик жамиятига айлантиришга сабаб бўлиши мумкин.

Корпоратив молияда бирлашиш ва қўшиб олишлар амалиёти ҳам тез-тез учраб турадиган амалиёт хисобланади. Мазкур амалиётда ҳам солик муносабатлари зътибордан четда қолмаслигини таъкидлашимиз лозим. Бизга маълумки “Фирма фойда олса фойда солиги тўлаши лозим. Лекин зарар кўрса ҳукумат соликлар бўйича чегирма тақдим этмайди. Шундай экан конгломератлар ташкил этиш битта маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмалар учун соликлар бўйича афзаллик бериши мумкин, чунки битта бўлинмадаги йўқотиш бошқа бўлинмадаги фойда хисобига қопланиб кетиши мумкин”¹²⁷. Натижада тўланадиган фойда солиги микдори камаяди. Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик

¹²⁶ Arthur J. Keown, John D. Martin, J. William Petty. Foundations of finance : the logic and practice of financial management. – 8th ed. –USA: “Pearson education”, 2014. – 14-p. (522 p)

¹²⁷ Jonathan Berk, Peter DeMarzo. Corporate finance. – 3rd ed. Pearson, 2014. 937-p. (1141)

жамияти таркибига Тошкент метрополитенининг киритилиши ҳам маълум даражада қўшиб олаётган компания томонидан тўланаётган соликларнинг камайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарорига мувофиқ, тижорат банклари ихтиёрига ўтган банкрот корхоналарнинг мол-мулки негизида ташкил этилган хўжалик субъектлари стратегик инвесторларга сотилган вактдан бошлаб уч йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий начор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ф-4010-сонли фармойиши 2-бандида назарда тутилган солик имтиёзларидан фойдаланиш хукуқига эга. Шу муносабат билан тижорат банки томонидан банкрот корхоналар негизида ташкил этилган корхоналар, улар стратегик инвесторга сотилгунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатга ва стратегик инвесторларга сотилган вактдан бошлаб уч йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий начор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ф-4010-сонли фармойиши 2-бандида назарда тутилган солик имтиёзларидан фойдаланиш хукуқи берилди.

Келтириб ўтилган амалиётни ва солик имтиёзларини тижорат банклари каби бошка молиявий сектор субъектлари, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари бўйича ҳам жорий этиш, яъни иқтисодий начор корхоналарни қўшиб олиш (сотиб олиш) орқали фаолиятини кенгайтириш операцияларини соликлар орқали рағбатлантиришни амалиётга кенг жорий этиш ўз самарасини беради, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Корпоратив молияни бошқаришда солик муносабатларини самарали ташкил этишга доир тадқиқотлар натижалари сифатида куйидаги хулосалар, илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Корпоратив тузилмалар фаолияти давомида юзага келадиган ҳар бир молиявий муносабат бевосита ёки билвосита солик муносабатлари юзага келишига сабаб бўлади. Хусусан, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корпоратив тузилмаларда маҳсулот таннархи шаклланишидан то фойдани тақсимлаш операциясигача ҳар бир жараёнда солиқ мажбуриятлари юзага келади.

2. Корпоратив тузилмаларда соликларни режалаштиришни стратегик, жорий ва оператив режалаштириш тарзида ташкил этиш мақсадга мувофик. Бунда ҳар бир босқичнинг алохиди хусусиятларини, қанчалик даражада самара келтиришини олдиндан баҳолаш талаб этилади.

3. Солик рискларини бошқариш мақсадида солик рискларини бошқариш стратегиясини амалиётта жорий этиши ва корпоратив тузилмаларнинг солик позициясини тўғри англаш; солик қонунчилигидаги ўзгаришлардан доимий хабардор бўлиб бориш ва улардан келиб чиқадиган мажбуриятларга ўз вактида муносабат билдириш; солик органлари билан доимий ҳамкорлик қилиш; солик мажбуриятлари ижроси бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш; солик риски хариталарини тузиш ва солик рискларини баҳолаш амалиётини йўлга кўйиш мақсадга мувофик.

4. Микрофирма ва кичик корхоналарда штат асосида бухгалтер жалб қилган ҳолда уларга ойлик иш ҳақи, шунингдек, иш ҳаки фондидан келиб чиқсан ҳолда ягона ижтимоий тўлов тўлаб боргандан кўра мазкур хуқуқдан фойдаланган ҳолда солик маслаҳатчилари ташкилотларини жалб қилган ҳолда молиявий ва солик хисоботларини тузиш ва тақдим этишини йўлга кўйиш мақсадга мувофик.

5. Акциялар орқали инвестиция киритиш маълум даражада рискли бўлган бир вактда дивидендларга солик ставкасининг юридик шахслар фойда солигига нисбатан юкорилиги корпоратив тузилмалар томонидан қимматли қоғозлардан фойдаланган ҳолда инвестицион фаолиятни амалга оширишга салбий таъсири кўрсатади. Бошқа томондан, фойда солиги ставкаси 7,5 фоиз бўлиб турган ҳолатда дивидендларга нисбатан солик ставкасини ҳам пасайтириш мақсадга мувофик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. 2007 йил 28 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 1995 йил 21 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни. 2015 йил 3 июнь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бюджети параметрлари ва асосий макроинквидий кўрсаткичлари прогнози тўғрисидаги қарорлари (2007-2016 йиллар бўйича).
6. Arthur J. Keown, John D. Martin, J. William Petty. Foundations of finance: the logic and practice of financial management. 8th ed. USA: “Pearson education”, 2014. 522 p.
7. Jonathan Berk, Peter DeMarzo. Corporate finance. 3rd ed. Pearson, 2014. 1141 p.
8. Glen Arnold. Corporate financial management. 5th ed. Pearson Education Limited, 2013. 1107 p.
9. Яхёев Қ.А. Соликка тортишнинг назарий асослари ҳақида айrim мулоҳазалар // Молия. Т., 2009. №2. Б. 53-55.
10. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” ҳисоботлари.

МУНДАРИЖА

<i>Кириши</i>	3
I боб. КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОР-ЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАЛАРИ.....	6
1.1. Молиявий менежментнинг иқтисодий моҳияти, функцияси ва вазифалари	7
1.2. Корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий менежментнинг ўрни ва аҳамияти.....	18
1.3. Корпоратив тузилмаларда молиявий менежментни ташкил этиш механизми ва асосий хусусиятлари	25
<i>Хулоса</i>	31
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	32
II боб. КОРПОРАТИВ МОЛИЯ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК МЕХАНИЗМИ.....	34
2.1. Корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизими	34
2.2. Давлат ва корпоратив тузилмалар ҳамкорлигига ўзаро инвестицион муносабатларни самарали ташкил этиш йўллари	40
2.3. Мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида давлат иштироқи ҳолати таҳлили	50
2.4. Давлат ва корпоратив молия муносабатларда солик хавфсизлигини таъминлаш масалалари	59
<i>Хулоса</i>	64
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	68
III боб. КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ	70
3.1. Корпоратив тузилмаларда молиявий таъминотнинг назарий ва ташкилий жиҳатлари	71
3.2. Корпоратив тузилмаларда молиявий ресурсларни жалб қилишнинг амалдаги ҳолати	82
3.3. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш масалалари	95
<i>Хулоса</i>	101
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	103

IV боб. КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ	105
4.1. Корпоратив молияни бошқаришда инвестицион фаолиятнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти	106
4.2. Корхона инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбалари	111
4.3. Корпоратив тузилмалар инвестицион фаолиятига таъсир этувчи омиллар ва инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуслари	121
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	135
V БОБ. КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....	137
5.1. Молиявий рискларни баҳолаш ва бошқаришнинг эволюцияси	137
5.2. Молиявий рискларни тавсифи ва таснифи	142
5.3. Молиявий рискларни микдорий баҳолаш кўрсаткичлари	145
5.4. Молиявий рискларни сифатий баҳолаш ва бошқариш амалиёти Ҳулоса	152
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	166
	167
VI БОБ. КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИ ИНСТИТУЛариНИНГ ЎЗАРО ФАОЛИЯТ УЙГУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	169
6.1. Молия бозорининг корпоратив тузилмалар фаолиятидаги аҳамияти ва ўзаро фаолияти уйғунлиги	169
6.2. Молия бозорида корпоратив қимматли қофозлар курсини белгилаб берувчи омиллар	177
6.3. Бизнесни ташкил этиш шакллари ва уларнинг молия бозорида операцияларни амалга ошириш имкониятларини ошириш масалалари	181
Ҳулоса	187
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	188
VII БОБ. КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ.....	189
7.1. Корпоратив молиявий муносабатлар ва соликка тортиш амалиётининг ўзаро боғлиқлиги	190

7.2. Корпоратив молияни бошқаришда солик менежментининг ташкилий хусусиятлари	198
7.3. Корпоратив тузилмаларда солик ва мажбурий ажратмалар тахълили	204
7.4. Амалга оширилаётган солик ислоҳотлари ва соликларнинг бизнес муҳитига тъсирини камайтириш масалалари	210
<i>Хулоса</i>	218
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	220

Б.Тошмуродова, С.Элмирзаев, Н.Турсунова,
Н.Шерқўзиева, О.Хамдамов, Ж.Курбонов,
М.Зокиржонов, Н.Ортиков

КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Монография

Муҳаррир Б. Каримов
Бадиий муҳаррир М. Одилов
Компьютерда саҳифаловчи У. Рахматов

Нашр. лиц. АI № 174.
Босишга рухсат 15.08.2017-йилда берилди.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Offset қоғози №2. «Times» гарнитураси.
Шартли б.т. 12,9. Нашр ҳисоб т. 13,5.
Адади 50 дона. 39-buyurtma.

“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти
100000, Тошкент, Амир Темур, 60^{“A”}.

“HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO‘JIZASI”
босмахонасида чоп этилди.
100000, Тошкент, Амир Темур 60^{“A”}.